ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

**Илмий-назарий, услубий журнал**

**Журнал 2009 йилда ташкил этилган**

**Йилига 4 марта чоп этилади**

**4(38). 2018**

**Қарши – 2018**

**ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:**

| | |
|---|---|
| Бош муҳаррир | проф. ШОИМҚУЛОВ Б.А. |
| Бош муҳаррир ўринбосари | проф. ЁЗИЕВ Л.Ҳ. |
| Масъул котиб | доц. ЖУМАЕВ Т.Ж. |

**Таҳририят ҳайъати аъзолари:**

| | |
|---|---|
| проф. ЖАББОРОВ А.М. | фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А. |
| проф. ЖАББОРОВ Н.А. | пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д. |
| б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э. | ф.ф.д. ШОДМОНОВ Н.Н. |
| проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р. | ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М. |
| проф.МУРТОЗАЕВА Р.Х. | проф. ЭШОВ Б.Ж. |
| проф. РАҲМОНОВ Н.Р. | проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х. |
| проф. РОЗИҚОВ Ў.А. | проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ. |
| проф.СУЛАЙМОНОВ Р.Х. | проф. ҒАФФОРОВА Т.Ғ. |
| ф.-м.ф.д. ТАШАТОВ А.К. | доц. АБДУЛЛАЕВ С.И. |
| акад.ТОЖИБОЕВ К.Ш. | доц. БЎРИЕВ О.Б. |
| проф. ТЎЙЧИЕВ Б.Т. | доц. КАМОЛОВ Л.С. |
| проф. ТЎРАЕВ Б.О. | доц. ЭРКАЕВ А.П. |
| проф. ТЎРАЕВ Д.Т. | доц. ҲАЛИМОВ Ғ.Ғ. |

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

| | |
|---|---|
| Главный редактор | проф. ШАИМКУЛОВ Б.А. |
| Заместитель главного редактора | проф. ЁЗИЕВ Л.Х. |
| Ответственный секретарь | доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж. |

**Члены редколлегии:**

| | |
|---|---|
| проф. ГАФФАРОВА Т.Г. | проф. ТУРАЕВ Б.О. |
| проф. ДЖАББАРОВ А.М. | проф. ТУРАЕВ Д.Т. |
| проф. ДЖАББАРОВ Н.А. | д.филос.н. ЧАРИЕВ С.А. |
| проф. КУРБАНОВ Ш.К. | д.пед.н. ШАДИЕВ Р.Д. |
| д.б.н. КУЧБАЕВ А.Э. | д.ф.н. ШАДМАНОВ Н.Н. |
| проф. МЕНГЛИЕВ Б.Р. | д.ф.-м.н. ШУКУРОВ А.М. |
| проф. МУРТАЗАЕВА Р.Х. | проф. ЭШКАБИЛОВ Ю.Х. |
| проф. РАЗИКОВ У.А. | проф. ЭШОВ Б.Ж. |
| проф. РАХМАНОВ Н.Р. | доц. АБДУЛЛАЕВ С.А. |
| проф. СУЛАЙМАНОВ Р.Х. | доц. БУРИЕВ О.Б. |
| д.ф.-м.н. ТАШАТОВ А.К. | доц. КАМАЛОВ Л.С. |
| акад. ТАДЖИБАЕВ К.Ш. | доц. ХАЛИМОВ Г.Г. |
| проф. ТУЙЧИЕВ Б.Т. | доц. ЭРКАЕВ А.П. |

Адрес редакции:
180003, Карши, Кучабаг, 17. Каршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

***© Қарши давлат университети, 2018.***

# АЛГОРИТМ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧИ О НЕСТАЦИОНАРНЫХ КОЛЕБАНИЯХ УПРУГОГО ПРОСТРАНСТВА С ДВУМЯ СФЕРИЧЕСКИМИ ПОЛОСТЯМИ ПОД ДЕЙСТВИЕМ СДВИГОВЫХ ВОЛН

**Мусурманова М.О., Рузикулова М.А., Шукуров А.М.** (КарГУ)

**Ключные слова:** *сферическая полость, поперечная волна, однородное пространство, вектор перемещения, тензор напряжения, система бесконечных линейных алгебраических уравнений, бесконечный ряд.*

Пусть в однородном линейно упругом пространстве расположены две сферические полости с радиусами $R_1$ и $R_2$. Расстояние между их центрами $O_1$ и $O_2$ равно $l$ ($l > R_1 + R_2$). Используются две сферические системы координат $r_i, \theta_i, \vartheta_i$ с центрами в точках $O_i$ ($i = 1, 2$).

В момент времени $\tau = 0$ к поверхностям полостей приложены осесимметричные тангенциальные $q_i(\tau, \theta_i)$ нагрузки

$$\sigma_{r_i\vartheta_i}\Big|_{r_i=R_i} = q_i\left(\tau, \theta_i\right). \tag{1}$$

В результате образуется вращательное движение среды вокруг оси, проходящей через центр полостей.

В этом случае только одна компонента вектора перемещения отлична от нуля:

$$w = \frac{\partial\psi}{\partial r} + \frac{\psi}{r}, \qquad u = v \equiv 0 \tag{2}$$

и закон Гука имеет следующий вид:

$$\sigma_{r\vartheta} = \frac{1}{\eta^2}\left(\frac{\partial w}{\partial r} - \frac{w}{r}\right), \quad \sigma_{\theta\vartheta} = \frac{1}{\eta^2 r}\left(\frac{\partial w}{\partial\theta} - w\,\mathrm{ctg}\theta\right), \tag{3}$$

$$\sigma_{rr} = \sigma_{\theta\theta} = \sigma_{\vartheta\vartheta} = \sigma_{r\theta} \equiv 0.$$

С учетом осей симметрии задачи движение среды описывается волновым уравнением

$$\eta^2\ddot{\psi} = \Delta\psi - \frac{\psi}{r_i^2\sin^2\theta_i}, \quad \Delta = \frac{1}{r_i^2}\frac{\partial}{\partial r_i}\left(r_i^2\frac{\partial}{\partial r_i}\right) + \frac{1}{r_i^2\sin\theta_i}\frac{\partial}{\partial\theta_i}\left(\sin\theta_i\frac{\partial}{\partial\theta_i}\right) \tag{4}$$

Начальные условия – однородные:

$$\psi\big|_{\tau=0} = \dot{\psi}\big|_{\tau=0} = 0 \tag{5}$$

и на бесконечности отсутствует возмущение:

$$\lim_{r\to\infty}\psi = 0. \tag{6}$$

Начально-краевая задача (1) - (6) решается с применением интегрального преобразования Лапласа по времени $\tau$. В пространстве изображения с учетом отсутствия возмущения на бесконечности (6) решение уравнения (4) приводится в виде бесконечного ряда по полиномам Гегенбауэра $C_{n-1}^{3/2}(x)$:

$$\psi^L = -\sum_{i=1}^{2} \frac{\sin\theta_i}{\sqrt{r_i}} \sum_{q=1}^{\infty} \tilde{B}_{iq}^L(s) K_{q+1/2}(r_i \eta s) C_{q-1}^{3/2}(\cos\theta_i) \qquad (7)$$

Используя теорему сложения [2] для функций Бесселя $K_{n+1/2}(x)$ и учитывая выражения этих функций через элементарные, изображения (7) потенциалов представим в каждой из двух систем координат следующим образом ($i = 1, 2$):

$$\psi^L = -\sin\theta_i \sum_{q=1}^{\infty} \psi_{iq}^L(r_i, s) C_{q-1}^{3/2}(\cos\theta_i) \qquad (8)$$

$$\psi_{iq}^L = \frac{1}{r_i^{q+1}(\eta s)^q} \left[ R_{q0}(r_i \eta s) B_{iq}^L(s) e^{-r_i \eta s} + G_{q0}(r_i \eta s) \sum_{p=1}^{\infty} S_{qp}(s) B_{jp}^L(s) e^{-l\eta s} \right] \qquad (9)$$

$$S_{qp}(s) = \frac{2q+1}{2q(q+1) l \eta s} \sum_{\sigma=|p-q|}^{p+q} b_\sigma^{(q1p1)} \frac{R_{\sigma 0}(l\eta s)}{(l\eta s)^\sigma}, \ j = 1 + \mathrm{mod}_2\, i .$$

Изображения компоненты $\sigma_{r_i\vartheta_i}^L$ тензора напряжений и заданной касательной $q_i^L(s, \theta_i)$ нагрузки раскладываются в ряды по полиномам Гегенбауэра $C_{q-1}^{3/2}(\cos\theta_i)$ ($i = 1, 2$):

$$\sigma_{r_i\theta_i}^L = -\sin\theta_i \sum_{q=1}^{\infty} \sigma_{r_i\theta_i q}^L(r_i, s) C_{q-1}^{3/2}(\cos\theta_i), \qquad q_i^L = -\sin\theta_i \sum_{q=1}^{\infty} q_{iq}^L(s) C_{q-1}^{3/2}(\cos\theta_i) \qquad (10)$$

Тогда из (1) получаем граничные условия относительно коэффициентов разложений (9):

$$\sigma_{r_1\vartheta_1 q}\Big|_{r_1=R_1} = q_{1q}(s), \qquad \sigma_{r_2\vartheta_2 q}\Big|_{r_2=R_2} = q_{2q}(s) \qquad (11)$$

Используя (9), а также в силу (2) и (3), в пространстве изображений найдем следующие выражения для коэффициентов рядов компонент перемещений $w_{iq}^L(r_i, s)$ и тензора напряжений $\sigma_{r_i\vartheta_i q}^L(r_i, s)$ в каждой из сферических систем координат ($i = 1, 2$; $j = 1 + \mathrm{mod}_2\, i$):

$$w_{iq}^L(r_i, s) = -\frac{1}{r_i^{q+2}(\eta s)^q} \left[ R_{q3}(r_i \eta s) B_{iq}^L(s) e^{-r_i \eta s} + G_{q3}(r_i \eta s) \sum_{p=0}^{\infty} S_{qp}(s) B_{jp}^L(s) e^{-l\eta s} \right],$$

$$\sigma_{r_i\vartheta_i q}^L(r_i, s) = \frac{1}{r_i^{q+3} \eta^{q+2} s^q} \left[ Q_{q4}(r\eta_i s) B_{iq}^L(s) e^{-r_i \eta s} + J_{q4}(r_i \eta s) \sum_{p=0}^{\infty} S_{qp}(s) B_{jp}^L(s) e^{-l\eta s} \right]. \qquad (12)$$

Далее, удовлетворяя граничным условиям (11) с использованием формул (12) при $i = 1$ и $i = 2$, получим бесконечную систему линейную алгебраических уравнений относительно неизвестных функций $B_{iq}^L(s)$, которую запишем в матричном виде:

$$\mathbf{N}^{(1)}\mathbf{B}^{(1)}t^2 + \mathbf{F}_1^{(1)}\mathbf{B}^{(2)}y - \mathbf{F}_1^{(2)}\mathbf{B}^{(2)}yt^2 = \mathbf{k}^{(1)}t,$$

$$\mathbf{N}^{(2)}\mathbf{B}^{(2)}w^2 + \mathbf{F}_2^{(1)}\mathbf{B}^{(1)}y - \mathbf{F}_2^{(2)}\mathbf{B}^{(1)}yw^2 = \mathbf{k}^{(2)}w, \qquad (13)$$

$$y = e^{-l\eta s}, \ t = e^{-R_1\eta s}, \ w = e^{-R_2\eta s}.$$

Здесь $\mathbf{F}_j^{(k)}$ - бесконечные матрицы с элементами $F_{qpj}^{(k)}(s)$; $\mathbf{N}^{(k)}$ - бесконечные диагональные матрицы с элементами $N_q^{(k)}(s)$; $\mathbf{k}^{(k)}$ - бесконечные столбцы с элементами $k_q^{(k)}(s)$ ($k = \overline{1,2}$; $j = \overline{1,2}$). $\mathbf{B}^{(i)}$ - неизвестные столбцы с элементами $B_{iq}^L(s)$.

Элементы матриц $\mathbf{N}^{(k)}$, $\mathbf{F}_j^{(k)}$ и столбцов $\mathbf{k}^{(k)}$ в зависимости от типа граничных условий имеют вид:

$$N_q^{(1)}(s) = Q_{q4}(R_1\eta s), \qquad F_{1qp}^{(1)}(s) = Q_{q4}(-R_1\eta s)S_{qp}(s),$$

$$F_{1qp}^{(2)}(s) = Q_{q4}(R_1\eta s)S_{qp}(s), \qquad k_q^{(1)}(s) = R_1^{q+3}\eta^{q+2}s^q q_{1q}^L(s);$$

$$N_q^{(2)}(s) = Q_{q4}(R_2\eta s), \qquad F_{2qp}^{(1)}(s) = Q_{q4}(-R_2\eta s)S_{qp}(s),$$

$$F_{2qp}^{(2)}(s) = Q_{q4}(R_2\eta s)S_{qp}(s), \qquad k_q^{(2)}(s) = R_2^{q+3}\eta^{q+2}s^q q_{2q}^L(s).$$

Решение системы уравнений (13) представим в виде рядов по экспонентам ( $p = 1,2$ ):

$$\mathbf{B}^{(p)} = \sum_{j,l,n=0}^{\infty} \mathbf{b}_{jln}^{(p)}(s) y^j t^{-l} w^{-n}, \tag{14}$$

где $\mathbf{b}_{jln}^{(p)}(s)$ - бесконечные неизвестные векторы с элементами $b_{jln}^{(p,q)}(s)$ ( $p = 1,2$ ; $q = 1,2,...$ ).

Подставляя (14) в систему (13) и приравнивая коэффициенты в левой и правой частях при одинаковых степенях переменных $y$, $t$ и $w$, получим следующие рекуррентные соотношения для коэффициентов $b_{jln}^{(p,q)}(s)$ ( $q = 1,2,...$ ) и начальные условия к ним.

Эти рекуррентные соотношения позволяют определить все элементы $b_{jln}^{(p,q)}(s)$ ( $q = 1,2,...$ ) бесконечных векторов $\mathbf{b}_{jln}^{(p)}(s)$.

Подставляя ряды (14) в формулы (12), в пространстве изображений найдем следующие выражения для коэффициентов рядов компонент перемещения $w_{iq}^L(r_i,s)$ и тензора напряжений $\sigma_{r_i\vartheta_i q}^L(r_i,s)$ в каждой из сферических систем координат ( $\alpha = 1,2$; $\kappa = 1 + \mathrm{mod}_2\,\alpha$ ):

$$w_{\alpha q}^L(r_\alpha,s) = \frac{1}{r_\alpha^{q+2}(\eta s)^q} \sum_{j,l,n=0}^{\infty} \Big[ R_{q3}(r_\alpha\eta s) b_{jln}^{(\alpha,q)}(s) e^{-r_\alpha\eta s} +$$

$$\left. + G_{q3}(r_\alpha\eta s) \sum_{p=1}^{\infty} S_{qp}(s) b_{jln}^{(\kappa,p)}(s) y \right] y^j t^{-l} w^{-n};$$

$$\sigma_{r_\alpha\vartheta_\alpha q}^L(r_\alpha,s) = \frac{1}{r_\alpha^{q+3}\eta^{q+2}s^q} \sum_{j,l,n=0}^{\infty} \Big[ Q_{q4}(r_\alpha\eta s) b_{jln}^{(\alpha,q)}(s) e^{-r_\alpha\eta s} +$$

$$\left. + J_{q4}(r_\alpha\eta s) \sum_{p=1}^{\infty} S_{qp}(s) b_{jln}^{(\kappa,p)}(s) y \right] y^j t^{-l} w^{-n}.$$

В заключение отметим, что с использованием методов неполного разделения переменных и интегрального преобразования Лапласа получено решение задачи о нестационарных колебаниях упругого пространства с двумя сферическими полостями под действием поперечных волн.

**Литература**

1. Горшков А.Г., Тарлаковский Д.В. Нестационарная аэрогидроупругость тел сферической формы. – М.: Наука. Гл. ред. физ.–мат. лит, 1990. – 264 с.

2. Иванов Е.А. Дифракция электромагнитных волн на двух телах. – Минск: Наука и техника, 1968. – 584 с.

3. Справочник по специальным функциям с формулами, графиками и таблицами // Под ред. М.Абрамовича, И.Стиган. – М.: Наука, 1979. – 832 с.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бўшлиқлардан кўндаланг тўлқин тарқалганда изотропик фазонинг икки сферик бўшлиқ билан ностационар тебраниши ҳақидаги масала ўргаилган. Кўчиш вектори ва кучланиш тензори компонентлари учун формулалар олинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изучена задача о нестационарных колебаниях упругого пространства с двумя сферическими полостями при распространении поперечных волн от полостей. Получены формулы для коэффициентов компонент вектора перемещения и тензора напряжения.

**SUMMARY**

In article the task about non-stationary fluctuations of elastic space with two spherical cavities at propagation of cross waves from cavities is studied. The formulas for coefficients a component of a vector of movement and a tensor of tension are received.

# ГЛИЦИРРИЗИН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ГЕМОЛИЗ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

**Файзиев Д.Д., Хамидова О.Ж., Рустамова С.И., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Далимов Ш.И., Эсанов Р.С., Юлдашев Х.А., Гафуров М.Б., Сабиров Р.З.**
(ЎзР ФА Биоорганик кимё институти)

**Таянч сўз ва иборалар:** *эритроцит, гемолиз, глицирризин кислотаси, альфа-ва бета-глициррет кислоталари, карбеноксолон, бутирокси ва валериокси-глициррет кислоталари*

Глицирризин кислотаси (ГК) ширинмия ўсимлиги (*Glycyrrhiza glabra*) илдизидан олинган тритерпеноид сапонин бўлиб, бир қанча биологик фаолликларга эга. Сўнгги йилларда ГКнинг рак ҳужайраларида апоптозни чақириши, канцерогенезни ингибирлаши аниқланган [1,2]. ГК нинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири бошқа дори воситаларининг биологик таъсирини кучайтириши ҳисобланади [3, 4]. ГК нинг агликони – глициррет кислотаси ўз навбатида бир қанча биологик фаолликларга эга. Жумладан, глициррет кислотаси (ГлК) шамоллашга, вирусларга, турли яраларга қарши ва жигар ҳимояловчи хусусиятларга эга эканлиги адабиётлардан маълум [5, 6]. Ушбу моддалар асосида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, лекин уларнинг ҳужайра мембраналарига таъсири тўлиқ ўрганилмаган. Шунга асосланган ҳолда тадқиқотимизнинг мақсади ГК ва унинг ҳосилаларининг эритроцитлар мембранасига таъсирини ўрганишга бағишланди.

Тажрибаларимизда қуйидаги моддалардан фойдаланилди: глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи (ГКМАТ), альфа- ва бета-глициррет кислоталари, карбеноксолон (Sigma, АҚШ), глициррет кислотаси (изомерлар аралашмаси), валериокси- ва бутироксиглициррет кислоталари (ЎзР ФА акад. О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти). Тадқиқотларимизда Рингер эритмасидан фойдаланилди (мМ): 135 NaCl, 5 KCl, 10 HEPES, 2 $CaCl_2$, 1 $MgCl_2$, 5 глюкоза, pH 7,4 (290 ± 2 мОсм/кг $H_2O$). Одам қони умумий усулда кўнгиллилардан олинди ва антикоагулянт сифатида гепарин моддаси қўлланилди [7]. Олинган қонни 1:10 нисбатда Рингер эритмаси билан суюлтириб, 3000 айланиш/мин тезликда 10 мин давомида чўктирилди, эритроцитлар 3 маротаба Рингер эритмасида шу тарзда ювилди ва 8 фоиз гемотокритли эритроцит суспензияси тайёрланди. Микротитратор платаси ўйиқчаларида 200 мкл Рингер эритмасига глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилалари титрланди. Устига 200 мкл 8 фоизли эритроцит суспензияси қўшилди. 37°С ли термостатда 60 минут инкубация қилинди ва ҳар 20 минутда аралаштириб турилди. Эритроцитларни тўлиқ гемолизга учратиш учун Тритон Х-100 нинг 1фоизли эритмасидан фойдаланилди. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги эритмалар инкубацияланганидан кейин 1 мл Рингер эритмаси солинган пробиркаларга қуйилиб, центрифугада 3000 айланиш/минут тезлигида 10 минут давомида чўктирилди. Супернатантда гемоглобин миқдори микроколориметр (МКМФ-1, Россия) да 540 нм тўлқин узунлигида ўлчанди. Тажрибаларда гемолиз миқдори фоиз ҳисобида қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$\textit{Гемолиз (фоиз)} = (ОЗ / ОЗ_{100}) \times 100 \textit{ фоиз} \qquad (1)$$

Бу ерда: ОЗ – тажриба гуруҳидаги чўкма устидаги суюқликнинг оптик зичлиги қиймати, $ОЗ_{100}$ – тритон Х-100 эритмаси солинган назорат гуруҳидаги чўкма усти суюқлиги оптик зичлиги қиймати Глицирризин кислотасининг альфа- ва бета- изомерлари мавжуд. Ўсимлик илдизида асосан 70фоизгача β-ГК учрайди. Унинг стереоизомер шакли α-ГК фақатгина 18-углерод атомидаги водороднинг йўналиши билан фарқ қилади.

Ширинмия илдизи экстрактидан олинган ГКМАТ саноатда фитопрепарат (глицирам) сифатида қўлланилади. Тажрибаларимизда ГКМАТ 500 мкМ концентрациягача текширилди ва гемолиз миқдори 1,4 ± 0,3 фоиз (n=6) дан ошмади. Бундай натижа ГКМАТ нинг эритроцитлар мембранаси барқарорлигига таъсир этмаслиги ва модданинг гемолитик хусусияти йўқлигидан далолат беради.

Организмларда ГК глюкуронидаза ферменти иштирокида гидролизга учраб, глюкурон кислотаси ва глициррет кислотасига айланади. Тажрибаларимиз ГК агликони ГлК нинг альфа- ва бета- изомерларини 500 мкМ концентрациягача эритроцитлар мембранасига таъсирини тадқиқ қилиш билан давом эттирилди. Олинган натижаларда ГлК нинг альфа- ва бета- изомерларининг таъсири турлича бўлди. α-ГлК эритроцитлар мембранасига деярли таъсир кўрсатмади ва максимал дозада гемолиз миқдори 8,6 ± 0,6 фоиз (n=6) га тенг бўлди. β-ГлК таъсиридаги гемолиз 500 мкМ концентрациясида 98,6 ± 0,6 фоиз (n=6) ни ташкил этди ва 50 фоизли самарали концентрация ($СК_{50}$) 192,2 ± 4,7 мкМ ҳамда Хил коэффициенти 8,5 ± 0,8 га (n=6, 1-расм) тенг эканлиги аниқланди. β-ГлК таъсиридаги гемолиз жараёни, модданинг юқори концентрацияларда цитотоксик ҳамда ўртача гемолитик хусусиятлари борлиги билан изоҳланади.

1-расм.

**Глициррризин кислотаси ҳосилаларини эритроцит ҳужайраларининг стационар лизисига таъсири** (n-тажрибалар сони)




Тадқиқотларимиз давомида ГлК нинг геми-сукцинил ҳосиласи карбеноксолон (Sigma, АҚШ) ва ЎзР ФА акад. О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти Қуйи молекуляр биологик фаол бирикмалар лабораторияси ходимлари томонидан олинган ГлК (изомерлар аралашмаси) ҳамда унинг валериокси- ва бутирокси ҳосилаларини эритроцитлар мембранасига 500 мкМ концентрациягача таъсири ўрганилди. Олинган натижаларда максимал ишлатилган концентрацияда гемолиз миқдори карбеноксолон учун 12,6 ± 2,7 фоиз (n=5), бутироксиглициррет кислотаси учун 10,8 ± 1,3 (n=5) фоиз, валериоксиглициррет кислотаси учун 6,1 ± 1,2 фоиз (n=5) га тенг бўлди ва ушбу моддаларнинг эритроцитлар мембранаси барқарорлигига кучли таъсир этмаслиги аниқланди. ГлК (изомерлар аралашмаси) таъсиридаги гемолиз миқдори 99,5 ± 0,5 фоизни ташкил этди ва бу препарат учун $СК_{50}$ 154,6 ± 11,4 мкМ ва Хил коэффициенти 7,7 ± 2,2 га (n=5, 2-расм) тенг бўлди. ГлК (изомерлар аралашмаси) нинг юқори концентрацияларда цитотоксик ҳамда гемолитик хусусиятлари борлиги аниқланди.

Тажрибаларимизда олинган натижалар глицирризин кислотаси гемолитик хусусиятга эга эмаслигидан далолат беради. ГК углевод қисмини йўқотиб, агликон бўлмиш

глициррет кислотасига айланганда, фақат бета-изомеригина нисбатан кучли гемолитик хусусиятга эга бўлади. Глициррет кислотасининг альфа-изомери фақатгина 18-углерод атомидаги водороднинг йўналиши билан фарқ қилади. Ажабланарлиси шундаки, бу ниҳоятда кичик конформацион фарқ модданинг эритроцитларга бўлган таъсирини кескин равишда ўзгартирди ва унинг гемолитик хусусиятининг йўқолишига сабаб бўлди. Бу эффектнинг физик-кимёвий асослари номаълум. Глициррет кислотасининг ацил- ва сукцинил-ҳосилалари ҳам дастлабки модда – ГлКга нисбатан гемолитик хусусиятларини деярли йўқотди.

2-расм.

**Глициррет кислотаси (изомерлар аралашмаси) ва ҳосилаларининг эритроцит ҳужайраларининг стационар лизисига таъсири** (n-тажрибалар сони).




**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Hibasami H., Iwase H., Yoshioka K., Takahashi H. (2006). Glycyrrhetic acid (a metabolic substance and aglycon of glycyrrhizin) induces apoptosis in human hepatoma, promyelotic leukemia and stomach cancer cells. *Int. J.Mol. Med.* 17:215–9.

2. Nafisi S., Manouchehri F., Bonsaii M. (2012). Study on the interaction of glycyrrhizin and glycyrrhetinic acid with RNA. *J. Photochem. Photobiol.* 111:27–34.

3. Tolstikova T.G., Khvostov M.V., Bryzgalov A.O. (2009). The complexes of drugs with carbohydrate-containing plant metabolites as pharmacologically promising agents. *Mini. Rev. Med. Chem.* 9:1317–28.

4. Polyakov N.E., Leshina T.V. (2011). Glycyrrhizic acid as a novel drug delivery vector. Synergy of drug transport and efficacy. *Open. Conf. Proc. J.* 2:64–72.

5. Wang C.Y., Kao T.C., Lo W.H., Yen G.C. (2011). Glycyrrhizic acid and 18β-glycyrrhetinic acid modulate lipopolysaccharide-induced inflammatory response by suppression of NF-jB through PI3K p110δ and p110γ inhibitions. *J. Agric. Food. Chem*. 59(14):7726–7733.

6. Maitraie D., Hung C.F., Tu H.Y., Liou Y.T., Wei B.L., Yang S.C., Wang J.P., Lin C.N. (2009). Synthesis, anti-inflammatory, and antioxidant activities of 18beta-glycyrrhetinic acid derivatives as chemical mediators and xanthine oxidase inhibitors. *Bioorg. Med. Chem.* 17(7):2785–2792

7. Кост Э.А. (1975). Справочник по клиническим лабораторным методам исследования. М. Медицина. С. 46-47.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада гилицирризин кислотаси, α-глициррет кислотаси, карбеноксолон, валериокси- ва бутироксиглициррет кислоталарининг одам қизил қон ҳужайралари лизисига сезиларли таъсири йўқлиги кўрсатилди. β-глициррет кислотаси ва глициррет кислотаси (изомерлар аралашмаси) таъсирида юқори концентрацияларда гемолиз содир бўлиши аниқланди.

**РЕЗЮМЕ**

Эта статья демонстрирует, что МАСГК, α-глицирретовая кислота, карбеноксолон, валерииокси- и бутироксиглитциррретовая кислоты не оказывают существенного влияния на лизис эритроцитов человека. β-глицирретовая и глицирретовая(смесь изомеров) кислоты вызывают гемолиз при высоких концентрациях.

**SUMMARY**

This article demonstrates that MASGA, α-glycyrrhetinic acid, carbenoxolone, valeryoxy- and butyroxy glycyrrhetinic acids have no significant effect on human lysis of red blood cells. β-glycyrrhetinic and glycyrrhetinic acids (mix of isomers) cause hemolysis at higher concentrations.

***Нашрга доц. Л. Камолов тавсия этган***

## ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИ ВА УНДАН КИМЁВИЙ ТАҲЛИЛЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ

**Қодиров А.А., Қосимова Х.Д., Элмуродов А.А.** (ҚарДУ),
**Чуллиев Ж.** (ҚарМИИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *хроматография, кимёвий таҳлил, суюқ фаза, газ фаза, қаттиқ фаза, чўкма, паст босим, юқори босим, ўта юқори босим.*

Илмий адабиётлардан маълумки, хроматография усули илмий тадқиқотларда биринчи бўлиб 1900 йилда рус ботаник олими М.С.Цвет томонидан қўлланилган [1-3].

Хроматография усули тўғрисида биринчи хабар 1901 йил 30 декабрда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида Табиатшунос ва тиббиёт ходимларининг XI-съездида берилган. У тўғрисида 1903 йилда "Варшава табиатшунослар жамияти" журналида биринчи марта мақола чоп этилган.

Хроматография атамаси М.С.Цветнинг 1906 йилдаги *Berichte der Deutchen Botanischen Gesellschaft* журналидаги иккита мақоласида келтирилади.

М.С. Цвет 1907 йилда Немис ботаниклар жамиятида хроматографик анализ усули бўйича ўзининг биринчи тақдимотини ўтказади.

Шундан сўнг бир неча йиллар давомида бу усул тўғрисида унутишади ёки илмий изланишлар тўхтаб қолади.

Кейинчалик 1941 йилда Дж. Мартин ва М. Синг иккита аралашмайдиган эритмаларда тақсимланадиган моддалар тўғрисида тадқиқотлар олиб бориб "тақсимланиш хроматографияси" га асос солишди.

1947 йилда Т.Б. Гапон, Е.Н.Гапон ва Ф.М. Шемякинлар томонидан "ион алмашиниш хроматографияси" усули ишлаб чиқилди.

1952 йилда Дж. Мартин ва М. Сингга "тақсимланиш хроматографияси" усулини ишлаб чиққанликлари учун Кимё йўналишида Нобел мукофотига сазовор бўлишган [3,4].

Хроматографик усулларнинг синфланиши бир қанча ҳолатлардан келиб чиқиб турлича бўлади.

**1.** Хроматографик жараённи ўтказиш мақсадидан ва хроматографик таҳлилдан келиб чиққан ҳолда таҳлилий хроматографияга, нотаҳлилий хроматографияга, препаратив ва саноат хроматографиясига бўлинади.

**2.** Ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз фазаларнинг физикавий табиатидан келиб чиқиб:

а) суюқ фазадаги хроматография;

б) газ фазадаги хроматография.

**3.** Ҳаракатдаги ёки ҳаракатсиз фазалар орасида сорбатларнинг тақсимланишига ва жараённинг табиатига нисбатан қуйидаги усулларга бўлинади:

а) адсорбцион хроматография;

б) тақсимланиш хроматографияси;

в) ион алмашиниш хроматографияси;

г) чўкма ҳосил қилиш хроматографияси;

д) аффин хроматографияси;

е) эксклюзион хроматография;

**4.** Бажариш техникаси (жараённинг таснифига)дан келиб чиқиб:

а) колонкали хроматография;

б) текислик қоғоз ва юпқа қатламли хроматография;

в) капилляр хроматография;

г) турли майдонлардаги (электр, магнит ва марказдан қочувчи куч ва бошқалар) хроматография.

**5.** Фазаларнинг агрегат ҳолатига қараб:

1. Газ хроматографияси.

а) газ-суюқлик хроматографияси;

б) газ-қаттиқ фаза хроматографияси;

2. Суюқлик хроматографияси.

а) суюқлик-суюқлик хроматография;

б) суюқлик-қаттиқ фаза хроматографияси;

в) суюқлик-гел хроматографияси.

**6.** Ишчи босимга қараб:

а) паст босимдаги хроматография;

б) юқори босимдаги хроматография;

в) ўта юқори босимдаги хроматография.

Бундан ташқари хроматографиянинг кимёвий таҳлилларда ишлатиладиган алоҳида турлари ҳам мавжуд.

а) юқори самарали суюқлик хроматографияси;

б) юпқа қатламли хроматография;

в) ҳароратни программалаштирган ҳолда газ хроматографияси;

г) газ етказиб берувчини программалаштирган ҳолда газ хроматографияларига бўлинади [5,6].

Кейинги йилларда бир қанча олимлар томонидан органик бирикмаларнинг таҳлилида юпқа қатламли хроматографияси ва колонкали хроматография усулидан кенг фойдаланилмоқда [7,8].

Ҳозирги вақтда хроматографик анализ усулларидан нефт ва табиий газ таҳлилида кенг миқёсда қўлланилмоқда. Айниқса, турли конлардан олинган натижаларни бир-бирига нисбатан таҳлил қилишда ушбу натижалар муҳим аҳамиятга эга.

1-жадв.

**Деҳқонобод тумани Жарқудуқ конидан олинган газ таркиби тўғрисида маълумот**

| Вақт/минут | Компонентлар | Майдон | Баландлик | Детектор |
|---|---|---|---|---|
| 1.831 | Углерод (II) оксид | 526.49 | 85.112 | ДТП-1 |
| 3.826 | Этан | 1883.11 | 156.89 | ДТП-1 |
| 9.821 | Пропан | 859.68 | 61.009 | ДТП-1 |
| 0.718 | Гелий | 48.01 | 16.128 | ДТП-2 |
| 0.911 | Водород | 123.99 | 41.229 | ДТП-2 |

Худди шунингдек, олинган натижалардан газ компонентларининг моляр ҳиссаси ҳисоблаб топилади.

2-жадв.

**Деҳқонобод тумани Жарқудуқ конидан олинган газ компонентларининг моляр ҳиссаси тўғрисида маълумот**

| № | Компонентлар | Моляр ҳиссаси, фоиз | Кимёвий формуласи | Мол.оғирлиги |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Углерод (II) оксид | 0.078 | CO | 28 |
| 2 | Этан | 0.64 | $C_2H_6$ | 30 |
| 3 | Пропан | 0.98 | $C_3H_8$ | 44 |
| 4 | Гелий | 0.02 | He | 4 |
| 5 | Водород | 0.012 | H | 1 |

Хроматографик таҳлил натижасида олинган маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, олинган газ намуналарида жуда кам миқдорда бўлса ҳам, гелий, водород ва углерод (II) оксиди компонентлари учраши кузатилди.

Кейинги тадқиқот ишларимизда бошқа газ конларидаги компонентлар ҳамда уларни бир-бирига таққослаган ҳолда таҳлиллар олиб боришни режалаштирганмиз.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Морозов А.А. Хроматография в неорганическом анализе. – М.: Высшая школа, 1972. – 233 с.
2. Березкин В.Г., Бочков А.С. Количественная тонкослойная хроматография. – М.: Наука, 1980. – С. 183.
3. Хроматографический анализ окружающей среды. Под ред. Р.Гроба. – М.: Мир, 1979. – С. 606с.
4. Кирхнер Ю. Тонкослойная хроматография. В 2 т. – М.: Мир, 1981, т. 1, 615 с., т. 2. – С. 523 с.
5. Жуховицкий А.А., Туркельтауб Н.М. Газовая хроматография. – М.: Гостоптехиздат, 1962, – С. 240 с.
6. Сакодынский К.И., Киселев А.В., Иогансен А.В. и др. Физико-химическое применение газовой хроматографии. – М.: Химия, 1973. – 254 с.
7. Кодиров А.А., Ацетонциангидриннинг аминлар билан реакцияларини ўрганиш// ЎзМУ хабарлари. -2017. 3/1. – Б. 382-385.
8. Кодиров А.А., Тожимухамедов Х.С., Элмуродов А.А., Мейлиева М.Т., Абдуғаффоров А.А. Бензалдегидциангидриннинг аминлар билан ўзаро реакциялари // ЎзМУ Хабарлари, 2017. 3-сон. – Б. 422-425.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу ишда хроматография усулининг келиб чиқиши, кимёвий бирикмаларнинг таҳлилида бу усулнинг ишлатилиши тўғрисида, шунингдек, бу усулдан фойдаланиб қилинган табиий газ таҳлили келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной работе показано использование хроматографического метода в анализе химических соединений, происхождение метода, а также даны аналитические данные природного газа с использованием этого метода.

**RESUME**

The his work it was released that the application of chromatography method, using his method in chemical anal thesis and oil gas anal thesis.


***Нашрга доц. Л.Камолов тавсия этган***

## AMFIFIL DENDRITIK PEPTIDLAR SINTEZ QILISH

**Choriyev A.U., Qurbonova Z.A.** (QarDU)

**Tayanch сўз ва иборалapr:** *asparagin kislota, peptid sintezi usullari, gel, suyuq kristall, PMR-spektr.*

Peptidni o'z-o'zidan yig'ish juda muhim ahamiyatga ega, ayniqsa, biomeditsina sohasidagi amaliy dasturlar va bionanotexnologiya [1-3] sohasidagi ilmiy izlanishlarda keng qo'llaniladi. Dasturlashtirilgan self-assembly peptidlarni yuqori darajada nanostrukturaga aylantiradi, biomateriallar ko'pincha jismoniy xususiyatlarning keng doirasini aks ettiruvchi sintetik polimerlardan yuqori bo'lganligi tez-tez aytib o'tilmoqda [4,5]. Peptid-amfifillar (zamburug'lar) biofaol molekulalar turli xil nanostrukturalarga o'zlarini biriktiradilar, ularning aksariyati biologik faollik tufayli istiqbolli biologik faolliklarga ega tashqi plyonka peptidi guruhlari [6,7] sinfini ifodalaydi. Amfifilli oligopeptid tizimlarini yig'ish, sintez qilish shuning uchun ham ahamiyatliki, nisbatan oddiy peptid qurilish bloklari murakkab nanostrukturalari o'z-o'zini montaj qilishni boshqarish uchun kuchli strategiya sifatida paydo bo'ladi [8]. Bundan tashqari, tabiiy aminokislota asoslangan dendrons yoki dendrimers juda katta ahamiyatga ega bo'lib ularning tarkibida va topologiyasida oqsillarga o'xshashlik mavjud, shuningdek, hozirgi vaqtda ularning chiziqli model peptidlari me'moriy farqlari keng tarqalgan. Biroq tabiiy aminokislotalarga asoslangan dendrimerlarni o'z-o'zini yig'ish xususiyatiga e'tibor qaratildi va, ayniqsa, ularning gelsimon va suyuq kristall xususiyatlariga ko'ra ozgina e'tibor qaratildi.

Amfifil dendritik dipeptidning Percec va boshqa spiral porlarda o'z-o'zini montaj qilish turi mavjud edi. Takashi Kato va uning hamkasblari tomonidan dendritik oligopeptidlarni supramolekulyar kristallar ko'rinishida hosil qilgani haqida maqolalar e'lon qilingan. Bu maqolada biz amfifil dendritik sintezini taqdim etamiz. Biz sintez qilgan peptidlar (ADPlar), aspartat kislota yadrosi va oliy-phatic periferiya va ularni o'z-o'zini montaj qilish xususiyatga ega bo'lib, faqat organomelere emas, balki suyuq kristallarga ham ega hisoblanadi.

Amfifil dendritik peptidlar kontsentratsiyali sintez jarayoni sxemada ko'rsatilgani kabi standart EDCI ulanishi orqali N-karbobenziloksi-L-aspartat kislota va L-aspartat kislota dodesil efiri (aspartat kislotaning esterifikatsiyasi bilan tayyorlangan 1-dodekanol) bo'lgan aralashmaga sekin ta'sir ko'rsatilgan. Ikkinchi (G2) va uchinchi avlod (G3) vakillari 75 va 60 foiz rentabellikda yakka tartibda ikki reaksiya siklini takrorlash orqali sintezlanadi, ya'ni benzillangan peptid gidrogenoliz bilan tayyorlangan past-avlod dendronning karbobenziloki guruhi gidroksidi-genlanishni hosil qiladi va so'ngra hosil bo'ladigan V-himoyalanmagan intervalgacha C-himoyalanmagan G1ga vositachilik qiladi. 1H NMR, MALDI-TOF massa spetsifikatsiyasi, tromometr va elementar tahlillar yordamida amfifil dendritik peptidlarning hosil bo'lganligi yoki yo'qligini va tuzulishi tahlil qilindi.

### Gelozni tekshirish

Barcha amfifilli dendritik peptidlar turli xil organik erituvchilarda eritib tekshirib ko'rildi. Har bir aralashmada hal qiluvchi namuna bor edi. Keyin esa aralashmalar birlashtirildi va vintli turubkada qattiq moddalar butunlay erimaguncha isitiladi. Bu moddalarni eritishning yechimi edi, keyin xona haroratida sovutuldi va gelinme tomonidan nazorat qilindi. Qarorning to'g'ri yoki yo'qligini tekshirib ko'rish uchun namuna trubasi porsiyalandi. Har bir eritmaning kuzatiladigan xususiyatlari 1-jadvalda keltirilgan. Murakkab G1 ning a qutbli bo'lmagan (n-geksan) dan polyar solventlarga (etanol) va sinov qilingan biron bir erituvchi hech qanday o'zgarish ko'rsatmadi. Murakkab G2 faqatgina nonpolar bo'lmagan n-geksanda erishi mumkin. Murakkab G3 gelsin n-geksan, toluol, 1,4-dioksan va etanolda eriydi, ammo diklorometan erimaydi.

### Suyuq kristallik harakatlarini o'rganish

ADPlarning termotropik harakatlanishini differensial ko'rish kalorimetrlari (DSC), polarizolyatsion optik mikroskop (POM) tajribalar asosida o'rganildi.




Tajriba qism

G1: 2,67 g X-karbobenziloksi-L-aspartat kislotasi (10,0 mmol) 60 mL DCM ichida eritildi. 4,79 g EDCI (25.0 mmol) ilova qilingan va aralash 0 °C da 30 daqiqada kristallangan edi. 3,72 g 1-Dodekanol (20 mmol) va 0,25 g DMAP (2 mol) bor edi qo'shimcha qilindi va aralashma xona haroratida 24 soat kristallandi. Erituvchi qaytib bug'lanish orqali chiqarildi. Qolgan selikagelli kolonkali xromatografiyasi bilan oq rangli qattiq modda berish uchun eluyent sifatida metillen xloridida qo'lga kiritildi (5,32 g, 88 foiz). PMR (300 MHz, CDCI3, S) 7.36-7.30 (m,H), 5.76 (d, J = 8.5Hz, lH), 5.14 (s, 2H), 4.63 (dd, J = 8.7Hz,1H), 4.13 (d, J = 3.6 Hz, 2H), 4.06 (t, J = 6.8 Hz, 2H) 3.04-2.82 (m, 2H), 1.63-1.57 (m, 4H), 1.30-1.26 (m, 36H), 0.88 (t, J = 7.1 Hz, 6H).

G2: 1,335 g N-karbobenziloksi-L-aspartat kislotasi (5 mmol) 60 mL DCM ichida eritildi, 2,880 g EDCI (15 mmol) qo'shimcha qilindi va aralash 0 °Cda 30 daqiqa kristallandi. 7,035 g L-Aspartat kislota dodesil efir (15 mmol) va 2,280 g HOBt (15 mmol) qo'shimcha qilindi va aralashma xona haroratida 24 soat davomida kristallandi. Erituvchi qaytib bug'lanish orqali chiqarildi. Ushbu xom mahsulotlar, silikagel qog’oz ustida kolonkali xromatografiyasini o'rganishda eluent sifatida metilen xlor bilan etanol (100: 1) ishlatildi. G2 oq qattiq holdagi kristal hisoblanadi (4,38 g, 75 foiz). PMR (300 MHz, CDCl3, S) 0.89 (t, 12H, CH3), 1.26 (s, 72H, CH2), 1.62 (s, 8H,CH2), 2.64 (t, 2H, CH2), 2.81 (m, 2H, CH2), .95-3.01 (m, 2H,CH2), 2.93-3.01 (m, 8H, CH2), 4.59 (s, 1H, CH), 4.80 (s, 2H,CH), 5.13 (d, 2H, CH2), 6.71 (s, 1H, NH), 6.73 (s, 1H, NH) 7.29-7.36 (m, 5H, C6H5), 7.59 (s, 1H, NH).

G3: 0,133 g N-karbobenziloksi-L-aspartat kislotasi (0,5 mmol) 30 mL DCM ichida eritilgan, 0,288 g EDCI (1.5 mmol) qo'shimcha qilindi va aralash 0 °C da 30 daqiqa qizdirildi. 1,553 g Ikkinchi avlod L-aspartat kislota dodesilefir (1,5 mmol) va 0,228 g HOBt (1,5 mmol) qo'shimcha qilindi va aralashma xona harorati 24 soat davomida kristallandi. Erituvchi harorat yordamida bug’latib chiqarildi. Xom mahsulot kolonkali xromatografiyasi bilan isbotlash uchun eluyent sifatida metilen xlorid bilan etanol (100: 3) ishlatildi, G3 oq qattiq holda (0,69 g, 60 foiz) ega bo'lish uchun bir eluyent sifatida ishlatildi.

PMR (300 MHz, CDCI3, S) 0.88 (t, 24H, CH3), 1.29 (s, 144H, CH2), 1.59 (s, 16H, CH2), 2.70 (s, 8H, CH2), 2.83 (m,4H, CH2), 2.93 (m, 2H, CH2), 4.02-4.12 (m, 16H, CH2), 4.54 (s, 1H, CH), 4.82 (m, 6H, CH), 5.11 (s, 2H, CH2), 6.32 (d, IH,NH),7.11 (m, 2H, NH), 7.26-7.36 (m, 5H, $C_6H_5$), 7.69-7.97 (m, 4H, NH).

Xulosa qilib aytganda, dendritik poliasparagin kislotasidan amfifil peptidlar sintez qilindi. Ushbu yangi amfifil dendritik peptidlar turli organik erituvchilarni kovalent kooperativ kuchlar orqali barqaror organogellarni shakllantirishi eng kamida 1 foizgacha bo'lgan eng kam konsentratsiyaga ega asosiy moddalar olindi. Bu amfifil dendritik peptidlar G3 hosil bo'lishi mumkin. Uning tuzilishi esa olti burchakli ustunli suyuqlik kristallari ko’rinishida keng harorat oralig'ida kuzatildi.

Organogel va suyuq kristall – bu amfifil dendritik peptidlarning bir ko’rinishi bo’lib, ularning xususiyatlari to'liq maydon emissiyasi SEM, haroratga bog'liq bo'lgan FT-IR, Kaloriyometrni tekshirish, polyarizatsiya optik mikroskopi tajribalari asosida aniqlandi va isbotlandi. Amfifil dendritik peptidlar G3 eng kamida 1 foizdan kam bo'lgan gel konsentratsiyasi bilan yaxshi organogel xususiyatlarini ko'rsatadi. Bundan tashqari, amfifil dendritik peptidlar G3 keng harorat oralig'ida olti burchakli ustunli suyuq kristall birikmasini hosil qilishlari mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Gazit, E. Chem. Soc. Rev. 2007, 36, 1263–1269.
2. Yang, Z.; Liang, G.; Xu, B. Acc. Chem. Res. 2008, 41, 315–326.
3. Ulijn, R. V.; Smith, A. M. Chem. Soc. Rev. 2008, 37, 664–675.
4. Vincent, J. F. V.; Currey, J. D., Eds. The mechanical properties of biological materials; Cambridge University Press: Cambridge, New York, 1980.
5. Knowles, T. P.; Fitzpatrick, A. W.; Meehan, S.; Mott, H. R.; Vendruscolo, M.; Dobson, C. M.; Welland, M. E. Science 2007, 318, 1900–1903.
6. Löwik, D. W. P. M.; van Hest, J. C. M. Chem. Soc. Rev. 2004, 33, 234–245.
7. Zhao, X.; Zhang, S. Trends Biotechnol. 2004, 22, 470–476.
8. Cavalli, S.; Albericio, F.; Kros, A. Chem. Soc. Rev. 2010, 39, 241–263.


**REZYUME**


Dendritik poliasparagin kislotasidan amfifil peptidlar sintez qilindi. Ushbu yangi amfifil dendritik peptidlar turli organik erituvchilarni kovalent kooperativ kuchlar orqali barqaror organogellarni shakllantirishi eng kamida 1 foizgacha bo'lgan eng kam konsentratsiyaga ega asosiy moddalar olindi. Bu amfifil dendritik peptidlar G3 hosil bo'lishi mumkin. Uning tuzilishi esa olti burchakli ustunli suyuqlik kristallari ko’rinishida keng harorat oralig'ida kuzatildi.


**РЕЗЮМЕ**


Были разработаны и синтезированы новые амфифильные дендритные пептиды на дендритной полиаспарагиновой кислоте. Органогенные и жидкокристаллические свойства этих амфифильных дендритных пептидов были полностью изучены с помощью полевой эмиссии SEM, температурно-зависимой ФТ-ИК, дифференциальной сканирующей калориметрии, экспериментов по поляризационной оптической микроскопии. Амфифильные дендритные пептиды G3 показывают хорошие свойства органогеля с минимальной концентрацией гелеобразования до 1 мас. foiz. Кроме того, амфифильные дендритные пептиды G3 могут образовывать гексагональный столбчатый жидкокристаллический узел в широком температурном диапазоне.


**SUMMARY**


New amphiphilic dendritic peptides on dendritic polyaspartic acid were designed and synthesized. The organogel and liquid crystal properties of these amphiphilic dendritic peptides were fully studied by field-emission SEM, temperature dependent FT-IR, differential scanning calorimetry, polarization optical microscopy experiments. Amphiphilic dendritic peptides G3 show good organogel properties with a minimum gelation concentration as low as 1 wt foiz. Furthermore, amphiphilic dendritic peptides G3 can form a hexagonal columnar liquid crystal assembly over a wide temperature range.


***Nashrga dots. L. Kamolov tavsiya etgan***

# *DRACOCEPHALUM* L. ТУРКУМ ТУРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ ТАРҚАЛИШИ

**Абдуллаева Н.С., Ҳожиматов О.К.** (ЎзР ФА Ботаника институти)

**Таянч сўз ва иборалар:** гербарий, флора, *Dracocephalum* L., *Lamiaceae, ўтсимон ва ярим бутача ўсимлик, тўпгул, гултож, чангчи, чангдон, туркум, таксономик таҳлил.*

Ўзбекистон ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллиги маълумотлар базасини тузиш натижасида Ўзбекистон ҳудуди 2 провинция 16 округ ва 38 ботаник-географик районларга ажратилган ва ҳар бир ботаник-географик районнинг табиий-географиклари, чегаралари тўлиқ тавсифланган. Бу ишлар, асосан, Ўзбекистон Миллий Гербарий (TASH) фондида сақланаётган гербарий намуналар ва бевосита олиб борилган дала тадқиқотлар натижасида амалга оширилган [8]. Мазкур амалга оширилган тадқиқотлардан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон флорасида тарқалган *Dracocephalum* L. туркуми турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тарқалишининг таҳлили амалга оширилди.

*Dracocephalum* L. туркуми *Lamiaceae* оиласига мансуб бўлиб, Собиқ СССР да 40 дан ортиқ [5], Сибир ҳудудида 24 [7], дунёда 70 дан ортиқ турларни ташкил этади [1]. Ўрта Осиёда 25 тур [3], Ўзбекистонда 10 тур учрайди [6]. Бу туркум вакилларини Европа ва Осиё, Скандинавиядан бошланиб Марказий Европа ва Манчжурия, Сибир, Кавказ, Олд Осиё ва Ўрта Осиёнинг тоғ, адир, дала, ўрмон, йўл ёқалари, тоғ ёнбағирларида буталар орасида, очиқ тепаликларда учратиш мумкин.

1-расм.

**Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари**



**I**. Тоғли Ўрта Осиё провинцияси, унинг округи: I-1 **Ғарбий –Тиёншон** (районлар: I-1-a **Угом-Пском**, I-1-b **Ғарбий Чотқол** (Чимён), I-1-c Арашан, I-1-d **Қурама** (Оҳангарон), I-1-e Чоркесар, I-1-f **Тошкент олди**); I-2 **Фарғона** (I-2-a **Жанубий Чотқол** (Алабугинский) район); I-3 **Фарғона-Олой** (районлари: I-3-a **Ғарбий-Олой**; I-3-b Шарқий-**Олой**); I-4 **Нурота** (районлари: I-4-a **Нурота**, I-4-b **Оқтоғ**, I-4-c **Нурота** олди қолдиғи); I-5 **Кўҳистон** (районлари: I-5-a **Шимолий-Туркистон**, I-5-b Мольгузар, I-5-c Ургут, I-5-d **Зирабулоқ-Зиадин**); I-6 **Ғарбий-Ҳисор** (районлари: I-6-a **Қашқадарё**, I-6-b **Тарқопчиғай**, I-6-c **Бойсун**, I-6-d **Кўҳитанг**, I-6-e **Сурхон-Шеробод**); I-7 **Ҳисор-Дарвоз** (I-7-a **Сангардак-Тўпаланг** райони); I-8 **Пандж олди** (I-8-a **Боботоғ** райони).

**II.**Турон провинцияси, унинг округлари: II-1 Марказий-Фарғона (районлари: II-1-a Қайроққум-Ёзёвон, II-1-b Шарқий Фарғона); II-2 **Ўрта-Сирдарё** (районлари: II-2-a **Чиноз**, II-2-b **Мирзачўл**); II-3 Қизилқум (районлари: II-3-a Қизилқум, II-3-b Қизилқум қолдиқлари); II-4 Бухоро (районлари: II-4-a Ўрта-Зарафшон, II-4-b Пастки- Зарафшон, II-4-c Қарши-Карнабчўл); II-5 Қорақум (II-5-a Шимоли-Шарқий- Қорақум райони); II-6 Жанубий-Орол олди (районлари: II-6-a Хоразм, II-6-b Амударё дельтаси); II-7 Орол (II-7-a Орол райони); II-8 Устюрт (районлари: II-8-a Шимолий Устюрт, II-8-b Жанубий Устюрт).

Мазкур туркум турлари тўғрисидаги маълумотлар Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудига тегишли илмий адабиётларда кам берилган. Фақат *Lamiaceae* оиласига доир айрим илмий ишларда акс этган [2, 4].

Ўзбекистон флорасидаги *Dracocephalum* L. туркуми турлари кўп йиллик ўтсимон ва ярим бутача ўсимликлардир. Гуллар ранги кўк-бинафша, қизғиш, сарғиш рангда бўлади. Бўйи 8-10-70 см, барглари тескари юраксимон, баъзан юмалоқ ёки буйраксимон, ланцетсимон бўлади. Тўпгули чўзиқ супургисимон ёки зич бошча шаклида. Гулкосачаси икки лабли найсимон-қўнғироқ шаклида, тўғри ёки бироз эгилган, юқориги лабининг ўрта тиши нисбатан йирикроқ. Гултожи оғзи кенгайган, найи ҳалқасиз, ички томони туксиз, юқориги лаби гумбазсимон, пастки лаби уч тишли, ўртадаги тиши йирик. Чангчилари юқориги лаб остида параллел жойлашган, пастдаги жуфти бироз калта, чангдони чўзиқ уяли, устунчасининг юқори бўлаклари деярли бир хил бўлади. Уруғи силлиқ чўзиқ ёки тухумсимон ёнғоқча. Туркум турлари текислик, адир, тоғ минтақаларидаги майин тупроқли, олажинсли, майда тошли, қумли, тоғ ёнбағирларида, тепаликларда, қояларда, тошлар орасида, баъзан арчазорларда учрайди. Июнь-июль ойида гуллаб август-сентябрь ойида уруғлайди.

TASH гербарий фондида сақланаётган гербарий намуналари ва табиатдан йиғилган шахсий гербарийларни ўрганиш натижасида туркумнинг таксономик таҳлили қилинди. Туркумнинг таксономияси А.Л.Буданцев томонидан етарли даражада ўрганилган [1]. А.Л.Буданцев системасига кўра, Ўзбекистон флорасида учрайдиган *Dracocephalum L.* Туркуми 5 секция, 8 қатор ва 2 туркумчага оид 16 турдан иборат эканлиги маълум бўлди.

Туркумнинг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйлаб тақсимланиши Марказий Гербарий (TASH) фондида сақланаётган ва дала тадқиқот даврида тўпланган шахсий гербарий намуналаридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Бунга кўра, Ўзбекистон ботаник-географик районлаштириш схемасида келтирилган округ, ботаник-географик районлар, намуналарнинг терилган жойи, санаси ва коллектори келтирилган:

***Dracocephalum adylovii* I. I. Malzev – Угом – Писком:** 17.VII. 1990, Мальцев; 08.V. 2015, Тожибаев К. Ш; 25.VII. 2011, Мальцев И. И.

***Dracocephalum*** discolor Bunge – **Угом - Писком**: 31. VII. 1993, Мальцев; 31.VIII. 1940, Пятаева; 07.VII. 1954, Бутков, Майлун; **Ғарбий-Чотқол**: 09. VII. 1959, Петров; 01. VII. 1980,Левичев, Красовская; **Қурама:** 17. VIII. 1924, Советкина; 30. VII. 1938, Пятаева, Момотов; 01. VII. 1954, Набиев, Ли; **Арашон:** 17. VIII. 1924, Советкина; 22. IX. 1927, Аболин; 30. VII. 1938, Пятаева, Момотов; 31. VIII. 1940, Пятаева; 01.VII. 1954, Набиев; 07. VII. 1954, Бутков, Майлун; 28. VII. 1992, Мальцев; 1993; **Чоркесар:** 20. VII. 2009,

Тожибаев; **Ғарбий Олой:** 25. VI. 1949, Сахобидинов; **Шарқий Олой:** 31. VII. 1915, Дробов; **Шимолий Туркистон:** 1928, Пикок; 1937, Кудряшев; **Қашқадарё:** 04. VII. 1927, Култиасов, Гранитов; 25.VI. 1937, Кудряшев; 22.VI. 1988, Хасанов; 20.VII. 1991. Мальцев.

***Dracocephalum*** diversifolium Rupr. –_**Ғарбий - Чотқол:** 29. VI. 2001, Тожибаев; **Ғарбий Олой:** 06. VIII. 1915, Дробов; 16. VI. 1963, Шоназаров; 21.VII. 1974, Набиев, Пахомова; **Шарқий Олой:** 30. VI. 1961, Пятаева; 22. VI. 2013, Тожибаев; 01. XI. 1938, Махмеджанов; **Шимолий Туркистон:** 20.VII. 1926, Попов, Андросов; 10. VII. 1933, Дробов, Сахобиддинов; 10. VI. 1934, Закржевский; 14. VII. 1937, Махновский; 02.VII. 1937, Короткова, Васильковская; 14.VI. 1938, Короткова; 26.VII. 1939, Арифханова; 27. VI. 1941, Закиров; 03.VIII. 1954, Обоницкая; 03.VII. 1948, Назаренко; 30. VII. 1940, Пятаева; 14. VII. 1957, Введенский; 26.VI. 2010, Эсонкулов; 31.V. 2016, Мальцев; 17. VI. 2017, Абдуллаева; **Қашқадарё:** 29.VII. 1948, Короткова.

D**racocephalum** formosum Gontsch. – **Қашқадарё:** 10. VII. 1936, Бочанцев, Бутков; **Сангардак - Тўпаланг;** 04. VIII. 1931, Меркулович; 17. VII. 1932, Тарасевич; 10. VIII. 1934, Запрягаев; 20. VI. 1948, Пятаева; 08.VIII. 1960, Пряхин, Абдухамидов, Ходжиматов.

Dracocephalum imberbe Bunge - **Угом-Писком**: 17.VII. 2002, Мальцев; **Ғарбий Олой:** 06. VIII. 1915, Дробов; 06.VII. 1950, Короткова; **Шарқий Олой:** 04.VII. 1934, Абдухакимов.

Dracocephalum integrifolium Bunge **- Угом-Писком:** 19. VII. 1963, Пучкова; 19. VI. 1975, Халмухамедова; 28.VII. 2012, Мальцев; **Ғарбий-Чотқол:** 21.VI. 1923, Баранов; 26.VI. 1924, Якимова; 4.VIII. 1925, Гомолицкий; 25.VII. 1926, Баранов, Райкова; 18.VII. 1940, Некрасов; 15. 6. 1949, Бондаренко; 23.VII. 1953, Майлун, Набиев, Цукерваник; 12.VII. 1956, Цукерваник; 26.VI. 1980, Левичев, Красовская; 4.V. 1987, Мальцев; **Қурама:** 25.V. 1924, Коровин; 31.VII. 1924, Советкина; 18.VII. 1935, Лопотт; 22.VII. 1938, Пятаева, Момотов; 10. VII. 1939, Кудряшев; 29.VI. 1953, Верник, Набиев; 9.VIII.1954, Бутков, Майлун; 8.VII. 1963, Булгакова; 14.VI. 1983, Мальцев; 9.VI.1988, Мальцев; 28.VIII. 1989, Мальцев; **Арашон:** 1938, Пятаева; **Чоркесар**: 15. VI. 1949, Чевренди; **Жанубий Чотқол:** 24.VI. 1963, Пратов; **Ғарбий Олой:** 23.6. 1949, Сахобиддинов; 3.VI. 1950, Короткова; 21.VII. 1974, Набиев, Пахомова; **Шарқий Олой:** 8.VI. 1933, Дробов; 6.VI. 1947, Шафеев; 22.VI. 1950, Короткова; 1.VII. 1961, Пятаева; 14.VII. 1961, Гаипова; 2.VII. 1962, Цукерваник; 1.VI. 1967, Худайбердиев.

**Dracocephalum komarovii Lipsky - Ғарбий - Чотқол:** 1966, Юсупов; 20.VIII. 1988, Мальцев; 24.V. 1991, Мальцев; 3. VI. 2015, Тожибаев, Мальцев; **Арашон:** 1924.17.8, Советкина; 28.VII. 1939, Пятаева, Момотов; 10.VII. 1954, Бутков, Майлун; 24.VII. 24.VII. 1993, Мальцев; **Қурама:** 15.VIII. 1937, Закиров; 22.VII. 1939, Кудряшев; 5.VII. 1953, Туйчиев; 27.VII. 1989, Умаров, Мальцев.

**Dracocephalum nodulosum Rupr. -_Угом - Писком:** 8. VIII. 1945, Макаров; **Ғарбий - Чотқол:** 7.VII. 1952, Аллаяров; 6.VII. 1976, Бекузин; 27.VI. 1980, Левичев, Красовская; **Арашон:** 9.VIII. 1924, Коровин; 2.VIII. 1954, Набиев, Ли; 1989, Мальцев; **Қурама:** 1992, 1993, Мальцев; 1942, Набиев; 1976, Бекузин; 2009 Тожибаев; 1991, Умаров, 1992 Мальцев,; **Чоркесар:** 24.VI. 1949, Бондаренко; 28. VI. 2009, Тожибаев.

**Dracocephalum nuratavicum Adylov - Нурота:** 6.V. 1941, Момотов; 28.V. 1941, Лепешкин; 7.VI. 1994, Бешко; 11.VI. 2011, Бешко; **Оқ тоғ:** 6.VI. 1984, Шимолина.

**Dracocephalum nutans L. - Угом - Писком:** 1. IX. 1928, Культиасов; 1941, Момотов; 2. IX. 1968, Блажиевич; 6. VIII. 1992; 28.VI. 1992; 27.VII. 1993; 25.VIII. 1994; 13. VII. 2000; 20.VI.2001; 17.VII. 2002.; 25.VIII. 2011, Мальцев; 2015, Тожибаев; **Ғарбий – Чотқол:** 1939, Пятаева, Момотов; 1928, Советкина; 1927 Аболин; **Чоркесар:** 1940, Некрасов; 1938, Цветков.

Dracocephalum oblongifolium Regel –_**Угом - Писком:** 21.VII. 1956, Гранитов 23.VIII. 1958, Павлов; 1.IX. 1968, Блажевич; 25.08. 1971, Доморяд; 19. IX. 1986, Мальцев; 22.VII. 1989, Мальцев; 28.VII. 2002 Мальцев; 23.VII. 2011. Мальцев; **Ғарбий - Чотқол:** 10.8. 1926, Баранов, Райкова; 25.VII. 1960, Петров; 9.VIII. 1977, Красовская; 7.VII. 1980, Левичев, Красовская; **Арашон:** 2.VIII. 1993, Мальцев; **Қурама:** 15.VIII. 1937, Закиров; 21.VII. 1989, Мальцев; **Чоркесар:** 20.VII. 2009. Тожибаев.

**Dracocephalum scrobiculatum Regel -_Шимолий Туркистон:** 21. VII. 1926, Попов, Андросов; 8.VIII. 1937, Короткова, Васильковская; 29.VIII. 1937, Демурина; 22. VII. 1981, Агабабян; 1931, Закржевский; 26.VI. 1946, Назаренко; 3.VIII. 1982, Красовская; 4.IX. 1954, Обоницкая; 15.VII. 1958, Гордова; 1940, Пятаева; 1932, Титов; 20.VII. 1997, Мальцев; **Қашқадарё:** 7.VII. 1936, Бутков; 07. VII. 1936, Буданцев; 21.VII. 1997, Мальцев;

Dracocephalum spinulosum Popov – **Угом - Писком:** 10.IX. 1928, Культиасов; 1947, Титов; 24.VIII. 1958, Павлов; **Ғарбий - Чотқол:** 29.VII. 1925, Коровин; 16.VIII. 1927, Гомолицкий; 21.VII. 1936, Короткова, Титов; 6.IX. 1940, Пятаева; 1947, Титов, Шерматов.

**Dracocephalum stamineum Kar. & Kir. - Шарқий Олой:** 1.VIII. 1915, Дробов;

***Dracocephalum royleanum* Benth. (*Lallemantia royleana* (Benth.) Benth.)- Арашон:** 11.V.1928, Гранитов; 30.V.1931, Бутков; **Чоркесар**: 24. V. 1952, Арифханова; **Тошкентолди:** 24. IV. 1919, Дробов; 5. V. 1920, Райкова; 3.V. 1921, Введенский; **Қурама:** 17.IV. 2015, Ашуров; **Жанубий Чотқол:** 06. V. 1969, Рахимова; **Ғарбий Олой:** 16. V. 1932, Пазий; **Нурота:** 08.IV. 1911, Димо, Спрыгин; 08. IV. 1915, Попов; 05. IV. 1934, Рыбаков; 13.V. 1964, Маркова; 10. IV. 1958, Галкина; **Оқ тоғ:** 3.V.1954, Запрометова; **Нурота қолдиқ тоғлари:** 26. IV. 1953, Адылов; 08.VI. 1929, Кудряшев; **Шимолий Туркистон:** 20. V. 1935, Закаржевский; 06.IV. 1984, Холкузиев, Шерматов; **Зирабулоқ-Зиёвуддин:** 30. IV. 1930, Кошурникова; 5. V. 1952, Холматов; **Малгузар:** 06. V. 1928, Советкина; **Қашқадарё:** 13. VI. 1935, Кудряшев; 16. V. 1947, Короткова; 1958, Кудряшев; 12.VI. 1956, Пятаева; 25.IV. 1959, Ли, Ниязов; **Тарқапчиғай:** 16.V.1979, Ли, Цукерваник; 21.IV. 1961, Бондаренко; **Бойсун:** 22. V. 1929, Введенский; 11. VI. 1934, Бутков; 7. V. 1941, Попова; 11. IV. 2012, Тургинов; **Кўҳитанг**: 23.V. 1915, Попов; 15. IV. 1928, Лепешкин; 07. IV. 1965, Каюмов; **Сангардак-Тўпаланг:** 03. VI. 1972, Алланазарова, Бутков; 31.V.1980, Набиев, Шерматов; 28. 04. 1948, Чевренди; 02. VI. 1948, Пятаева; **Боботоғ:** 28.V. 1930, Кудряшев; 28. IV. 1940, Букасов; 18.V.1979, Ли, Цукерваник; 03.V.1953, Короткова; **Қайроқум-Ёзёвон:** 16. V. 1932, Пазий; 29. IV. 1929, Иоффе; **Мирзачўл:** 15.V. 1923, Попов, Введенский; 02. IV. 1914, Попов; 29. IX. 1934, Гомолицкий; **Қизилқум:** 05. IV. 1962, Пятаева; 20. IV. 1934, Муравлянский; 21. V. 1927, Дробов; 17. IV. 1967 Набиев, Адылов; **Қизилқум қолдиқ тоғлари:** 10. V. 1937, Бочанцев; V. 16. 1964, Иванова; 04. IV. 1964, Пятаева; 18.05. 1964, Адилов; **Ўрта Зарафшон:** 25. V. 1934, Солодовникова; 20.V.1934, Исламов; 18. IV. 1913, Андросов; 07.V. 1925, Попов; 25. VIII. 1928, Якимова, Москвин; 05. V. 1931, Бутков; **Орол:** 11.VII. 2010, Абдиниязова; 13.V. 2009, Есемуратова; **Устюрт**: 20. V. 1962, Дадабаев.

Мазкур туркум турларининг бойлиги ва тарқалиш спектори ўзига хос маълумотларни берди (1-жадвал).

Ўзбекистон Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган гербарий намуналар ва олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган гербарийлардан фойдаланиб *Dracocephalum* L. туркум турларининг Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари бўйлаб тақсимланишини таҳлил қилиш бўйича келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, мазкур туркум турларининг Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлари бўйлаб тарқалиш спектори Ғарбий – Тиёншон округида 68.7 фоиз, Фарғона-Олой округида 50 фоиз, Ғарбий Ҳисор округида 37.5 фоиз; Кўҳистон округида 25 фоиз; Фарғона ва Нурота округларида 12.5 фоиз; қолган округларда 6.2 фоиз эканлигини кўрсатди. Бу ботаник-географик округлар Ўзбекистоннинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самар-

қанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг адир ва тоғ минтақалари ҳудудларини эгаллайди. Мазкур туркум турлари Ғарбий Тиёншон, Фарғона-Олой, Ғарбий Ҳисор ботаник-географик районларида кўп тарқалган. Ушбу ҳудудларда намлик ва рельеф омиллари ўсимликнинг ўсиши учун етарли шароит ҳисобланади.

1-жадв.

**Ўзбекистон флораси ботаник-географик районларида *Dracocephalum* L. туркум турларининг тарқалиш спектори**

| № | Ботаник-географик районлар номи | Турлар сони | Жами 16 та | Умумий турлар сонига нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|---|
| I.1 | **Ғарбий-Тяншан округи** | | **11** | **68.7** |
| I.1.a | Угом-Писком | 8 | 8 | 50 |
| I.1.b | Ғарбий Чотқол(Чимён) | 8 | 8 | 50 |
| I.1.c | Арашон (Оҳангарон платоси) | 5 | 5 | 31.2 |
| I.1.d | Қурама(Оҳангарон водийси) | 5 | 5 | 31.2 |
| I.1.e | Чоркесар | 5 | 5 | 31.2 |
| I.1.f | Тошкент олди | 1 | 1 | 6,2 |
| I.2. | **Фарғона округи** | | **2** | **12,5** |
| I.2.a | Фарғона Жанубий – Чотқол (Олабуға райони) | 2 | 2 | 12.5 |
| I.3. | Фарғона-Олой округи | | **8** | **50** |
| I.3.a | Ғарбий Олой | 1 | 1 | 6.2 |
| I.3.b | Шарқий Олой | 6 | 6 | 37.5 |
| I.4. | Нурота округи | | **2** | **12.5** |
| I.4.a | Нурота | 1 | 1 | 6.2 |
| I.4. b | Оқтоғ | 1 | 1 | 6.2 |
| I.4.c | Нурота олди қолдиқлари | 1 | 1 | 6.2 |
| I.5. | Кўҳистон округи | | **4** | **25** |
| I.5.a | Шимолий Туркистон | 3 | 3 | 18.7 |
| I.5.b | Молгузар | 1 | 1 | 6.2 |
| I.5.c | Ургут | 1 | 1 | 6.2 |
| I.5.d | Зиёвуддин-Зирабулоқ | 1 | 1 | 6.2 |
| I.6. | Ғарбий Ҳисор округи | | **6** | **37.5** |
| I.6.a | Қашқадарё | 5 | 5 | 31.2 |
| I.6.b | Тарқапчиғай | 1 | 1 | 6.2 |
| I.6.c | Бойсун | 1 | 1 | 6.2 |
| I.6.d | Кўҳитанг | 1 | 1 | 6.2 |
| I.6.e | Сурхон-Шерობод | 1 | 1 | 6.2 |
| I.7. | Ҳисор- Дарвоз округи(Сангардак-Тўпаланг) | 2 | 2 | 12.5 |
| I.8 | Панж округи | 1 | 1 | 6.2 |
| II.1. | Марказий Фарғона округи | 1 | 1 | 6.2 |
| II.2. | Ўрта Сирдарё округи | 1 | 1 | 6.2 |
| II.3 | Қизилқум округи | 1 | 1 | 6.2 |
| II.4 | Бухоро округи | 1 | 1 | 6.2 |
| II.7 | Орол округи | 1 | 1 | 6.2 |
| II.8. | Устюрт округи | 1 | 1 | 6.2 |

3-расм.

**Ўзбекистон ҳудудида Dracocephalum L. туркуми турларининг тарқалиш ареали**




**Фойдаланилган адабиётлар**


1. *Буданцев А. Л.* Виды рода *Dracocephalum* L. флоры СССР. Автореф. Дисс... канд. биол. наук. – Л: ЛГУ. 1987. – С. 22.
2. *Махмедов А. М.* Губоцветные Средней Азии. Дисс... докт. биол. наук Ташкент. 1991. – С. 140–141.
3. Определитель растений Средней Азии. Т. 9. Ташкент: Изд-во Фан, 1968–1993. – С. 315–316.
4. Худайбердиев Т. Х. Губоцветные в растительном покрове Ферганской долины.: дис... д-ра. биол. наук. – Ташкент. 1996. – С. 266.
5. Флора СССР. в 20 т. – М.–Л.: 1954. – 439 с.
6. Флора Узбекистана. Т. 5. – Ташкент: Изд-во АН УЗССР, 1961. – С. 309–316.
7. Пешкова Г. А. *Dracocephalum* L. – Змееголовник // Флора Сибири. *Lamiaceae (Labiatae)*. – Новосибирск: Наука, 1997. Т. 11. – С. 170–185.
8. Тожибаев К. Ш., Бешко Н.Ю., Попов В. А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал, 2016. Т. 101. – С. 1105-1132.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада *Dracocephalum* L. туркуми турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районларида тақсимланиши таҳлили берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводится анализ распределения видов рода *Dracocephalum* L. по ботанико-географическим районам Узбекистана.

**SUMMARY**

The article provides an analysis of the distribution of species of the genus *Dracocephalum* L. in the phytogeographical regions of Uzbekistan.


***Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган***

# РОЛЬ ЭНДОТЕЛИЯ В РЕЛАКСАНТНОМ ДЕЙСТВИИ КРИПТОПИНА И ЗЕРАВШАНИЗИНА

**Есимбетов А.Т., Зарипов А.А.** (ККГУ)**, Усманов П.Б.**
(Институт биоорганической химии АН РУз**)**

**Ключевые слова:** *алкалоид, гладкомышечные клетки, аорта крысы, эндотелия,* $Ca^{2+}$*– канал, NO–синтаза, релаксантное действие.*

**Введение.** Изучение роли эндотелия в патогенезе различных заболеваний сердечно-сосудистой системы и возможности фармакологического и немедикаментозного воздействия на его функциональное состояние являются предметом многих исследований и представляют значительный теоретический и практический интерес [1,3].

Эндотелиальные клетки продуцируют целый ряд констрикторных и релаксирующих факторов, которые участвуют в модуляции сократительной активности ГМК при воздействии различных физиологических стимулов и биологически активных веществ [2,4,8]. В частности, релаксантное действие ряда соединений реализуется через активацию процессов, обеспечивающих синтез релаксирующих факторов в эндотелиальных клетках.

В связи с этим нами была изучена роль эндотелия в релаксантном действии исследуемых нами алкалоидов – дитерпеноидного алкалоида - зеравшанизина, выделенного из растения вида *Aconitum zeravschanicum*, и изохинолинового алкалоида - криптопина, выделенного из растения *Fumaria parviflora*.

**Материалы и методы.** Для изучения сократительной активности и механических параметров сокращений нами использованы препараты аорты крысы, выделенные из белых беспородных крыс весом 200-250 г. Препараты в виде кольцевых сегментов шириной 3-4 мм помещались в кювету объемом 5 мл, перфузируемую термостатируемым раствором Кребса. Регистрацию сократительной активности препаратов осуществляли в изометрическом режиме с помощью механоэлектрического преобразователя Grass FT.03 (США) и самописца Line recorder TZ 4620 (Чехия).

В этих экспериментах эндотелиальный слой препаратов аорты крысы удаляли механически с помощью миниатюрных ватных тампонов. Для проверки полноты удаления эндотелия выполнялись контрольные эксперименты с ацетилхолином, который вызывает релаксацию препаратов гладкомышечных клеток (ГМК) при наличии интактного эндотелия [5].

Статистическую обработку данных и оформление иллюстраций проводили с помощью компьютерной программы Origin 6.1 (Microsoft, США).

**Результаты и их обсуждение**. В этой работе была изучена роль эндотелия в влиянии алкалоидов криптопина и зеравшанизина на сократительные ответы препарата аорты крысы, индуцируемые норадреналином . При изучении эффектов алкалоидов на препаратах аорты крысы с удаленным эндотелием нами было обнаружено, что криптопин и в этих условиях эффективно расслабляет препараты, предсокращенные норадреналином. При этом эффективность релаксантного действия криптопина была одинаковой на препаратах с интактным эндотелием и на препаратах с удаленным эндотелием (рис.1).

Эти результаты свидетельствуют о том, что релаксантное действие криптопина не связано с эндотелием и полностью обусловлено его взаимодействием с $Ca^{2+}$– транспортирующими системами ГМК.

Рис.1.

**Релаксантное действие криптопина на препаратах аорты крысы с интактным и удаленным эндотелием**




*Примечание:* Мышечное напряжение (МН), индуцируемое норадреналином 1 мкМ, принято за 100%. (P<0,05; n=6)

В отличие от криптопина, эффективность релаксантного действия зеравшанизина существенно завесила от наличия эндотелия на препаратах аорты крысы. При этом как показали результаты этих экспериментов, релаксантное действие зеравшанизина заметно уменьшалось на препаратах с удаленным эндотелием. Так, если на препаратах с интактным эндотелием зеравшанизин вызывал расслабление препаратов, предсокращенных норадреналином, на 96,5±3,4%, то на препаратах с удаленным эндотелием он вызывал расслабление только на 14,7±3,2% (рис.2).

Рис.2.

**Зависимость релаксантного действия зеравшанизина от наличия и отсутствия эндотелия у препаратов аорты крысы**




*Примечание:* Мышечное напряжение (МН), индуцируемое норадреналином 1 мкМ, принято за 100%. (P<0,01; n=8)

Эти результаты убедительно свидетельствуют о том, что в реализации релаксантного действия зеравшанизина важную роль играют эндотелиальные клетки. Сохранение

незначительного релаксантного эффекта зеравшанизина на препаратах с удаленным эндотелием, возможно, указывает на то, что в этих условиях он подавляет вход ионов $Ca^{2+}$ в ГМК по каналам, локализованным в их плазматической мембране.

Как уже отмечалось выше, эндотелиальные клетки продуцируют ряд релаксирующих факторов, из которых ведущую роль играет NO, который синтезируется в эндотелиальных клетках с помощью NO-синтазы из $\alpha$-аргинина [6]. Диффундируя в ГМК и активируя гуанилатциклазу, NO запускает ряд процессов приводящих к уменьшению внутриклеточной концентрации $Ca^{2+}$ в них и последующему их расслаблению.

Предполагая возможность того, что релаксантное действие зеравшанизина может быть опосредовано через его влияние на продукцию NO, нами было исследовано влияние ингибитора NO-синтазы – L-NAME на эффекты зеравшанизина. Как показали результаты этих экспериментов, предварительная инкубация препаратов аорты крысы с интактным эндотелием с 100 мкМ L-NAME приводит к полной утере способности зеравшанизина расслаблять препараты, предсокращенные норадреналином (рис.3).

Результаты этих экспериментов свидетельствуют о том, что релаксантное действие зеравшанизина эндотелий – зависимое и, возможно, опосредовано его взаимодействием с системой NO- синтазы и ее активацией. При этом усиление синтеза NO и его диффузия в ГМК должны приводить к активации гуанилатциклазной системы и увеличению продукции цГМФ. Повышение концентрации цГМФ в ГМК, в свою очередь, запускает каскад реакций, приводящих к снижению внутриклеточной концентрации $Ca^{2+}$ и их расслаблению. Дополнительное подтверждение такого механизма действия зеравшанизина нами было получено в экспериментах с метиленовым синим – специфическим ингибитором гуанилатциклазы [7].

Рис.3.

**Влияние L-NAME и метиленового синего на релаксантное действие зеравшанизина, в условиях норадреналин - индуцированной контрактуры**




*Примечание:* Контроль – препараты аорты с эндотелием. Мышечное напряжение (МН), индуцируемое норадреналином 1 мкМ, принято за 100%. ($P<0,01$; $n=8$)

Как можно видеть на рис.3, предварительная инкубация препаратов аорты крысы с метиленовым синим также предотвращала релаксантное действие зеравшанизина в условиях норадреналин-индуцированной контрактуры. Результаты этих экспериментов являются убедительным подтверждением того, что релаксантное действие зеравшанизина реализуется благодаря модуляции активности NO/гуанилатциклазной системы.

**Использованная литература**

1.Агабеков А.И., Рзаева Т.Ш. Биологическая роль эндотелия в условиях нормы. Bulletin of Medical Internet Conferences (ISSN 2224-6150) .- 2017. Volume 7. Issue 6. 1046-1048.

2.Андрухов О.Я., Сагач В.Ф. Механізм впливу оксиду азоту на чутливість скорочувального апарату гладеньких мязів до $Ca^{2+}$ // Укр. фізіол. журнал. – Киев, 2003. – Т. 49.– 3. – С.24–31.

3.Артюшкова, Елена Борисовна. Принципы фармакологической коррекции эндотелиальной дисфункции препаратами с различными механизмами действия (экспериментальное исследование).: Автореферат дисс. докт. биол. наук. – Курск, 2008. – 350 с

4.Капилевич Л.В., Афиногенова Я.Д. и др. Особенности холинэргической регуляции гладких мышц легочных артерий кролика // Бюллетень экспериментальной биологии. – 2000. – Т.130. – №8. – С.134–136.

5.Feng N.K., Tian Sh.W., Sheng T., Yang Ch.W., Tur F.H., Che M.T. $Ca^{2+}$–Channel blockade in rat thoracic aorta by protopine isolated from C*orydalis Tubers* // Japan J.Pharmacol.–1992.– V.58 – P.1–9.

6.Furchgott R.F. Role of endothelium in responses of vascular smooth muscle // Circ. Res. –1983. – V.53. – P.557–573.

7.Tan K.H, Zhang C.Y. Pharmacological Mechanisms of Cardiovascular Actions of Diterpenoids of Andrographis Paniculata // Presented at INABIS '98 – 5th Internet World Congress on Biomedical Sciences at McMaster University. Dec 7–16 th. Invited Symposium–Canada, 1998.– P.123.

8.Toda N, Nakanishi S, Tanabe S. Aldosterone affects blood flow and vascular tone regulated by endothelium-derived NO: Therapeutic implications. Br J Pharmacol. 2013;168:519–533.

**РЕЗЮМЕ**

В настоящей работе изучена роль эндотелия в релаксантном действии алкалоидов криптопина и зеравшанизина. Результаты этих экспериментов указывают на то, что релаксантное действие криптопина не связано с эндотелием и полностью обусловлено его взаимодействием с $Ca^{2+}$–транспортирующими системами ГМК, а релаксантное действие алкалоида зеравшанизина эндотелий – зависимое и, возможно, опосредовано его взаимодействием с системой NO- синтазы и ее активацией.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу ишда криптопина ва зеравшанизиннинг релаксант таъсирида эндотелиянинг ўрни ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, криптопиннинг релаксантли таъсири эндотелияга- боғлик бўлмастан, силлиқ мускул ҳужайраларида $Ca^{2+}$-транспорт тизими фаоллигининг сусайиши билан боғлиқ булиб, зеравшанизин алкалоидининг релаксантли таъсири эса эндотелийга- боғлиқ бўлиб, NO/гуанилатциклаза тизимининг фаоллашиши билан амалга ошади.

**SUMMARY**

In this paper, the role of the endothelium in the relaxant effects of cryptopine and zerashanisin alkaloids has been studied. The results of these experiments indicate that the relaxant effect of cryptopine is not associated with the endothelium and is entirely due to its interaction with $Ca^{2+}$ - the transport systems of the SMC, and the relaxant effect of the alkaloid zeravshanizin - the endothelium- dependent and, possibly, mediated by its interaction with the NO- synthase system and its activation.

***Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым***

# ОЦЕНКА ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ БОРЦОВ РАЗЛИЧНЫХ СПЕЦИАЛИЗАЦИЙ НА ОСНОВЕ АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИХ И СОМОТОТИПОЛОГИЧЕСКИХ ПОКЗАТЕЛЕЙ

**Бобомуродов Ф.И.** (КарГУ)

**Ключевые слова:** *морфологическая характеристика, соматотип, экто-мезоморф, эндо-мезоморф, динамический, сегмент, экзоген.*

**Актуальность исследования**: Среди параметров, оказывающих влияние на спортивную деятельность, прочное место занимают показатели телосложения. Вариабельность размеров телосложения зависят от возрастных особенностей, профессиональной

принадлежности, а также могут иметь селективное значение в спорте (1. 6.8. Б.А.Никитюк, 1996, Панасюк Т.В. Тамбовцева Р.В. 2003,). Соматотип, как интегральная характеристика морфологической организации спортсмена, является маркером двигательных и некоторых функциональных возможностей организма. На формирование соматотипа (телосложения) спортсменов оказывают влияние, как генетические предпосылки, так и средовые факторы (2. 9, 10. Коган Б.И., 1995, Рогозкин В.А.,2000, 2006). В этой связи одним из важнейших факторов среды является целенаправленная спортивная деятельность, в процессе которой формируется адаптивный соматический тип спортсмена конкретной специализации [3, 6, 7, 12]. Анализ морфологических признаков необходимо проводить в различных аспектах: во-первых, анализируя изменения морфологических показателей в процессе индивидуального развития с учетом критических и сенситивных периодов развития, во вторых, прослеживание формирования определенного типа телосложения под влиянием тренировок характерных для определенной спортивной специализации, либо использования морфологических признаков для целей спортивного отбора и ориентации. Ряд антропометрических признаков характеризуют состояние физического развития спортсменов. Имеются единичные данные, свидетельствующие о возможности существенного изменения не только компонентного состава тела, но и типа конституции, возможности направленно изменить телосложение подростков в результате занятий определенным видом спорта [4]. В связи с этим в работе поставлена задача – выявить морфологические различия, имеющие место между представителями одной специализации, в частности, в различных видах борьбы, изучение вариаций соматотипов, изменение композиционного состава массы тела борцов в зависимости от различной направленности тренировочных режимов в процессе длительных динамических наблюдений.

В работе использованы **следующие методы исследований**:

**1. Антропометрические исследования** Оценка физического развития спортсменов проводилась методами антропометрии. Антропометрические исследования проведены со строгим соблюдением установленных требований, изложенных в руководстве Э.Г. Мартиросова,1982 [5] и с использованием стандартного инструментария. Обследуемые спортсмены представляли этнически однородную выборку, так как медико-биологический подход к проблеме спортивной ориентации и отбора предполагает учет индивидуальных особенностей человека, формирующихся на биологических предпосылках, имеющих жесткую генетическую основу. Спортсмены специализировались в силовых видах спорта: тяжелая атлетика (35 человек) 5 видов борьбы (153 человека). Общее количество обследованных спортсменов составило 288 человек. У спортсменов были сняты тотальные размеры, а также парциальные: продольные, поперечные, обхватные размеры туловища, головы, шеи, сегментов верхних и нижних конечностей. Толщина кожно-жировых складок измерялась в 4-х регионах тела: под лопаткой, в верхне-подвздошной области, на задней поверхности голени и плеча. Вычислялись основные антропометрические параметры, среднее квадратичное отклонение.

**2. Тип конституции, определяемый по методу Хит-Картера 1989**, (11. Carter J.L.) является одним из универсальных методов соматотипологии, так как имеет единые количественные подходы для определения вариантов конституцией у людей всех национальностей и рас, любого возраста и пола. Схема Хит- Картера универсальна еще и потому что основана на 7 антропометрических признаках и затрагивает весь эмпирический ряд от минимальных до максимальных величин и принцип подхода к построению таблиц. Это значит, что результаты, полученные на спортсменах различных специализаций сопоставимы, материал, полученный на спортсменах, проходящих реабилитацию, и действующих спортсменах сопоставимы. Наконец, эта конституциональная схема получила большое распространение в зарубежных исследованиях, т.е. имеется возможность сопоставить собственные исследования, с исследованиями проведенными в других лаборатори-

ях. Первоначально проведены стандартные измерения по 7 размерным характеристикам: определялись длина тела, диаметр дистальной части плеча, бедра, окружности плеча в напряженном состоянии, окружность голени, а также калипером проведены измерения кожно-жировых складок в 4-х регионах тела. Соматотип диагносцировался на основании оценки трех компонентов: I F – жировой компонент эндоморфия; II M – мышечный компонент – мезоморфия; III –Эктоморфия - P/L –весо-ростовой индекс. В процессе динамических наблюдений после 2 лет занятий избранным видом спорта у спортсменов – борцов вновь определяли компонентный состав массы тела с последующей диагностикой соматотипа.

**Результаты исследований и их обсуждение:** При анализе полученных результатов установлено, что в группе спортсменов – силовиков, занимающихся курашом, вольной и греко-римской борьбой, длина тела примерно одинаковая: 175,72± 0,62 (у вольников), 175,30± 2,52 (курашистов), 175,44 ± 1,08 (греко-римская борьба), 175,44 ± 1,08 (штангисты), за исключением дзюдоистов ( табл.1). Однако при одинаковой длине тела проявляется изменчивость по массе тела для всех представителей всех видов специализаций. Колебания показателей среднего квадратичного отклонения составляют от 7.99 до 11.04.

Табл. 1.

| | | Вольники. n=131 | Самбо n=22 | Греко-римская n=37 | Кураш n=23 | Дзюдо n=40 | Штангисты n=35 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ДЛИНА: тела | М±м (см) | 175,72± 0,62 | 173,95 ± 1,92 | **175,30± 2,52** | 175,44 ± 1,08 | 173,38± 1,31 | 175,88±2.34 |
| | Ср.кв. отклон. | 7,05 | **9,04** | **8,39** | 4,57 | 5,85 | **6,86** |
| Масса тела | М±м (см) | 69,72± 0,96 | 70,53± 2,31 | 69,60± 2,89 | 67,83± 1,88 | 67,44± 1,30 | 73,00±2 48. |
| | Ср.кв. отклон. | **11,04** | **10,83** | **9,60** | **7,99** | 5,82 | **9,25** |
| Обхват грудной клетки | М±м (см) | 93,50± 0,86 | 98,00± 1,39 | 95,67± 0,54 | 91,20± 1,34 | 93,24 ± 0,70 | 89,33±1.88 |
| | Ср.кв. отклон. | **9,89** | **6,54** | 1,80 | 5,67 | 3,15 | **6,86** |

**Внутригрупповая изменчивость тотальных размеров тела у борцов различных специализаций**

Большие изменения в обхвате грудной клетки установлены у вольников, у которых среднеквадратичное отклонение составило- 9.89, у самбистов -6.54 и у штангистов -6.86. Установлено сходство в пропорциях тела. Наиболее стабильными оказались парциальные длиннотные размеры: длина плеча, предплечья, голени, обхватные размеры головы, шеи, голени, ширины плеч. В размерных характеристиках кисти выявлена изменчивость – колебания среднего квадратичного отклонения в диапазоне от 1,20 до 9,90. Оценка величины жировых складок в сравниваемых группах показала равномерность в количественном распределении слоя подкожного жира, за исключением толщины жировой складки под лопаткой. У тяжелоатлетов толщина складки составила 9.05+2.39, для борцов этот показатель составил 7.96+2.33. Межгрупповая изменчивость обнаружена в показателях живота. У тяжелоатлетов данный показатель составил 81.80 + 3.9см, для борцов – у вольников - 79,40± 0,71 , у самбистов -83,20± 1,43,, у борцов греко-римского профиля - 78,00± 0,42, у курашистов - 75,40 ± 1,10 и у дзюдоистов - о - . Выявлены также различия по длине бедра и ширине таза. Так тяжелоатлеты характеризуются большей шириной таза, чем борцы, что связано со спецификой тренировки, в частности, с осваиванием «низкого под-

седа» под штангу. Проведен анализ морфометрических характеристик борцов по 5 видам борьбы. Выявлены различия в значениях средних квадратичных отклонений. Так, обхватные размеры живота, плеча, бедра, толщины жировой складки под лопаткой, длина плеча, кисти, бедра в рассматриваемых видах специализаций повторяют свойства межгрупповых распределений. Размах вариаций признаков характерен для показателей длины предплечья, голени, обхватов шеи, диаметров среднегрудинного, поперечного, тазо-гребневого, толщины жировой складки на задней поверхности плеча (табл.1). На этих признаках, возможно, в большей степени сказывается специфика спортивной специализации, характер тренировочных режимов, выбор конкретного арсенала атакующих технических действий.

Анализ категорий соматотипов выявил следующее: для дзюдоистов и самбистов значителен экто-мезоморфный тип (33,4 – 41,7%). У борцов, специализирующихся на классической борьбе, отмечается равное распределение двух видов сомототипов - экто-мезоморфия встречалась в 50% случаев, а категория уравновешанной мезоморфии составила 41,7%. Балловый расчет основных компонентов соматотипа показал зависимость от специфики специализации. Так, наибольшего развития эндо и мезоморфный компоненты достигают у борцов в стиле «вольная борьба» - 3,3: 6,0:2,1 затем по видам «кураш» и «самбо» - 3,3: 5,4: 2,2; 2,9: 5,4: 2,3 соответственно. Вопреки существующему мнению о том, что интенсивные занятия спортивными упражнениями способствуют максимальному уменьшению жира в организме, имеются убедительные данные, что для представителей отдельных видов спорта, в частности, борцов и тяжелоатлетов, количество жира может быть достаточно большим, так как жир является основным энергетическим потенциалом. Более высокие значения эктоморфного компонента характерны для борцов в стиле «классическая борьба», у которых средние значения баллового расчета соматотипа составляют 2,8: 4,6: 2,7. Полученные результаты исследований свидетельствуют о том, что степень сходства и различий в значениях антропометрических показателей и компонентного состава тела зависят от природы признака.

Сравнительный анализ результатов соматотипирования борцов через 2-летний интервал позволил установить наибольшие значимые различия по степени выраженности мезоморфного компонента. Незначительные различия выявлены по показателям эндоморфии. Учет категорий соматотипов выявил следующее: если на начальном этапе исследования категория эндо-мезоморфного типа борцов составила 65.2%, то через 2 года в данной выборке спортсменов эндо-мезоморфный тип достиг 82.6% за счет перехода уравновешенно-мезоморфного типа в эндо-мезоморфный тип. Соматический полиморфизм наблюдается среди борцов, имеющих даже незначительные различия по уровню спортивного мастерства, причем изменения соматотипов отмечаются у спортсменов, адаптивные возможности которых обеспечивают эффективную перестройку морфотипа, более оптимальную для избранного вида спорта. Подобные различия у спортсменов, специализирующихся в различных видах борьбы, не только определяются технико-так-тической целесообразностью, но и связаны с морфологическими предпосылками развития.

Выявленные факты подтверждают влияние экзогенных факторов на программу индивидуального онтогенетического развития. В данном случае влияние экзогенного фактора осуществляется через совершенствование двигательных, скоростно-силовых качеств в нужном для конкретного вида спорта направлении. Направленность тренировочного процесса, изменение техники движения даже в пределах одной и той же специализации приводит к резкому изменению компонентного состава тела, что в конечном итоге ведет к изменению категории соматотипа, в целом.

**Выводы**

1) Установлен соматический полиморфизм среди спортсменов, специализирующихся на 5 видах борьбы.

2) Категория эндо-мезоморфов преобладает у борцов – вольников, курашистов, штангистов. Для дзюдоистов, самбистов значителен и экто-мезоморфный тип. У борцов, специализирующихся на классической борьбе, выявлены 2 типа соматотипов – эктомезоморфный и уравновешанно - мезоморфный типы.

3) В процессе динамических наблюдений установлено, что спортсмены, имеющие уравновешанно-мезоморфный соматотип, обладают широкими адаптационными возможностями, обеспечивающими эффективную перестройку морфотипа под воздействием тренировочных режимов различной направленности.

4) Представленные отдельные специализации по видам борьбы отличаются друг от друга по соматическому статусу, и их можно рассматривать как самостоятельные классы.

**Список литературы**

1. Дорохов Р.Н. Основы и перспективы возрастного соматотипирования // Теория и практика физической культуры. – 2000. – № 9. – 10 с.
2. Коган Б.И. Наследственная и средовая обусловленность элементов телосложения. // Новости спортивной медицинской антропологии. – Москва, 1990, вып. 1. – С. 83-84.
3. Мартиросов Э.Г. Системная организация соматического статуса спортсменов и классификация спортивных специализаций // Морфологические проблемы спортивного отбора. Сб. науч. трудов, Москва, 1989. – С. 5-30.
4. Мартиросов Э.Г. Влияние спортивного амплуа на формирование телосложения. Вопросы антропологии 1984, вып. – № 74. – С. 9-23.
5. Мартиросов Э.Г. Методы исследования в спортивной антропологии. – Москва; ФиС, 1982.
6. Никитюк Б.А. Конституциональные аспекты антропологии // Интегративная биосоциальная антропология. – Москва, 1996. – 220 с.
7. Павлова О.И. Современная тренировка юных легкоатлетов. – Москва: Теория и практика физической культуры, 2004 – С. 32-34.
8. Панасюк Т.В. Тамбовцева Р.В. Конституциональные особенности физической работоспособности подростков. VII Международный научный конгресс «Современный олимпийский спорт и спорт для всех», Том II. – Москва, 2003. – 135 с.
9. Рогозкин В.А. и др. Генетические маркеры физической работоспособности человека // Теория и практика физической культуры, 2000. – № 12. – С. 34 – 36.
10. Рогозкин В.А. Расшифровка генома человека и спорт // Теория и практика физической культуры, 2006. – №6. – С. 60-63.
11. Carter J.L. Somatotype characteristics of champion athletes, Rep, Antrop-Cong. ed. A. Hrdica, Praha, Humpolec. 1969.
12. Timility D. Protocols for Physiological assessment of male and tamale soccer players. In Physiological tests for Elite Athletes, Human Kinetics, 2000. – С. 17, 356-362.

**РЕЗЮМЕ**

Антропометрик ва Хит-Картер методи бўйича турли кураш турларида юқори малакали спортчиларни соматотип тоифалари аниқланган. Антропометрик натижалар шуни курсатди; Кураш жараёнида спортчилар бир-бирларидан соматотип статус билан фарқ қилди. Оғир-атлетика, кураш ва миллий кураш билан шуғулланган спортчиларнинг гавда тузилиши ўхшаш.Соматотип категорияси 67-83% Соматотип ендо-мезоморф диагнозтика қилинганда балл бўйича 3.3: 6: 2.1. Дзюдочи ва самбистларнинг экто-мезоморф соматотип гавда оғирлиги - 3,3: 5,4: 2,2; дан 2.9: 5.4: 2.3. га нисбатан ўхшаш курсатгичлар. Динамик кузатишлар натижасида мезоморф соматотип қаторидаги спортчилар турли хил режалаштирилган спорт машғулот тасири остида курашда морфотип жойлашиши юқори адаптация ва қайта тикланиш эфектини таъминлайди.

**РЕЗЮМЕ**

Установлены категории соматотипов у спортсменов, специализирующихся на различных видах борьбы, методами антропометрии и по Хит-Картеру. Результаты анализа антропометрических показателей выявили, что представители изученных специализаций по борьбе отличаются друг от друга по соматическому статусу. У спортсменов, занимающихся тяжелой атлетикой, вольной борьбой и национальным видом - кураш, обнаружено большое сходство в строении их телосложения, а категория соматопов в 67-83%. случаев диагносцируется как эндо-мезоморфный соматотип. что выражено в балловом расчете как 3.3: 6: 2.1. У дзюдоистов и самбистов доминирую-

щим соматотипом является экто-мезоморфный соматотип, а компоненты массы тела представлены как 3,3: 5,4: 2,2 и соответственно 2.9: 5.4: 2.3. В процессе динамических наблюдений установлено, что спортсмены, имеющие уравновешенно-мезоморфный соматотип, обладают широкими адаптационными возможностями, обеспечивающими эффективную перестройку морфотипа под воздействием тренировочных режимов различной направленности.

**SUMMARY**

Athletes of different specialization (sambo, judo, classic, freedom wrestlings, weighters) examined main total body dimensions, fat, muscle and ectomorph components in percent and somatotype after. B. Hiht and J. Carter have been determined . The leading athletes are of more have the body mass is proportional to its length, the fat mass values great considerable. Their specific somatotype is well balanced between endomesomorphic and ectomesomorphic types. The average somatotype athletes of (weighters, curashers and freedom wrestlings) examined can be presented as 3.3:6.0:2.1, athletes in judo and sambo - 2.9:5.4:2.3. Training loads of different trends influence on adaptable abilities and forming specific somatotypes of athletes in various specialization. The data obtained can be used when selecting and complexing teams with perspective sportsmen.

***Рекомендовано к печати проф. Ш.Курбановым***

## ҒЎЗА ГЕНЕТИК КОЛЛЕКЦИЯСИ ЛИНИЯЛАРИНИНГ $F_1$, $F_2$ ВА РЕЦИПРОК - ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛА УЗУНЛИГИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ФЕНОТИПИК КОРРЕЛЯЦИЯСИ

**Ҳайитова Ш.Д.** (ТерДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *комбинация, полиплоидия, интрогрессив линия, рекомбинант, экспериментал мутагенез, коррелятив боғлиқлик, плейотроп эффект, t-критерийси.*

Ғўза инсоният учун ҳаётий муҳим қишлоқ хўжалик экинларидан биридир, чунки пахтачиликнинг маҳсулоти - тола ва уруғлари ниҳоятда кўп иккиламчи ашёни беради. Ғўза ҳосилдорлигини ошириш жуда мураккаб вазифа бўлиб, уни ҳал этиш учун мажмуий ёндашув талаб этилади. Ушбу экинни етиштириш ареалига қараб бу муаммо турли йўллар билан ҳал қилинади. Ўзбекистон дунё пахтачилигида энг шимолий пахта етиштирувчи давлат бўлиб, пахтачилик маҳсулоти ҳосилдорлигини ошириш ишларида зарурият сезади.

Маълумки, ўсимликлар селекциясида яхши муваффақиятларга эришишда белгиларнинг генетик ўзгарувчанликларини ҳисобга олган ҳолда чатиштиришлар услубини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Чатиштиришлар услубини тўғри танлаш эса селекционерлар томонидан қўлланилаётган бошланғич ота-оналик шакллар юқори ижобий белгиларни ўзида мужассам этган, кўнгилдагидек комбинациялар ола билишга боғлиқ.

Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигида селекцион материалларни таҳлил қилиш дискретли ирсийланишдаги таҳлилга қараганда анча мураккабдир. Кучли даражадаги салбий корреляцияларни бузиш масаласи дурагай популяцияларини катта ҳажмда таҳлил қилишни, қайта чатиштириш ишларини, радиацион нурлантириш, экспериментал мутагенез ва бошқа методлардан фойдаланишни талаб этади. Бу методлардан фойдаланиш кроссинговер частоталари сонининг кўпайиши, бирикиш гуруҳларининг ўзгариши каби намоён бўладиган ходисалар белгилари селекционерга керакли бўлган мажмуада уйғунлашган ўсимликларни олиш эҳтимолини кенгайтиради

Ғўзанинг миқдорий белгилари сифат белгиларидан фарқланиб, улар мураккаб генетик тузилишга эга ва генларнинг ўзаро таъсири натижасида ирсийланади. $F_1$ дурагайларида гетерозигота локуслари қанчалик кўп бўлса, $F_2$ ва юқори бўғинларда шунчалик кўп ҳар хил ген мажмуалари намоён бўлади, натижада селекционер кутаётган белгиларга эга

бўлган шаклларни ажратиб олиш имконияти кенгаяди. Миқдорий белгилар бўйича $F_2$ дурагай популяциялари таркибида узлуксиз ажралиш жараёни содир бўлади.

Биринчи $F_1$, иккинчи $F_2$ авлод ва реципрок дурагайларидаги тола узунлигининг тола чиқиши ва индекси, ҳамда 1000 чигит вазни белгилари билан бўлган корреляция кўрсаткичлари 1 жадвалда келтирилган.

Тола узунлигининг тола чиқиши билан бўлган корреляция коэффициенти Л-608 ва Л-15 комбинацияси ота-она, биринчи $F_1$, иккинчи $F_2$ авлод реципрок дурагайларида аҳамиятсиз бўлиб -0.07 дан 0.12 гача бўлган оралиқда бўлди, фақат иккинчи $F_2$ Л-15 х Л-608 дурагайларида бу корреляция кучсиз даражадаги (r=-0.26) салбий бўлиб Стьюдентнинг t-критерийси (-) 3.6 тенг бўлди. Демак, 0.05 муҳимлик даражасидаги жадваллик кўрсаткичидан (2.11) кўп бўлган, бу эса 0.95 эҳтимоллик даражасида линиядаги тола узунлигининг тола чиқиши орасидаги боғлиқлик суст даражада ишончли салбий эканлигидан далолат беради.

Жадв.1.

**Ота-она, биринчи $F_1$, иккинчи $F_2$ авлод реципрок дурагайларида тола узунлигининг баъзи қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро боғлиқлиги**

| Линиялар | Тола узунлиги ва: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тола чиқиши | | тола индекси | | 1000 чигит вазни | |
| | $r \pm S_t$ | $t_r$ | $r \pm S_t$ | $t_r$ | $r \pm S_t$ | $t_r$ |
| Л-608 | -0.14 ± 0.1 | -0.9 | 0.04 ± 0.2 | 0.3 | 0.32 ± 0.1 | 2.3 |
| Л-15 | -0.04 ± 0.1 | -0.3 | 0.14 ± 0.1 | 1.1 | 0.17 ± 0.1 | 1.3 |
| F1 Л-608 х Л-15 | -0.02 ± 0.2 | -0.1 | 0.03 ± 0.2 | 0.2 | 0.13 ± 0.2 | 0.8 |
| F2 Л-608 х Л-15 | -0.07 ± 0.1 | -0.6 | -0.01 ± 0.1 | 0.1 | 0.06 ± 0.1 | 0.6 |
| F1 Л-15 х Л-608 | 0.12 ± 0.2 | 0.7 | -0.20 ± 0.2 | -1.3 | -0.26 ± 0.2 | -1.7 |
| F2 Л-15 х Л-608 | -0.26 ± 0.1 | -3.6 | -0.13 ± 0.1 | -1.7 | 0.23 ± 0.1 | 3.2 |
| | | | | | | |
| Л-620 | 0.32 ± 0.2 | 1.7 | 0.28 ± 0.2 | 1.5 | -0.01 ± 0.2 | -0.1 |
| $F_1$ Л-620 х Л-15 | -0.09 ± 0.2 | -0.6 | 0.10 ± 0.2 | 0.6 | 0.06 ± 0.2 | 0.4 |
| $F_2$ Л-620 х Л-15 | -0.11 ± 0.1 | -1.3 | -0.07 ±0.1 | -0.7 | 0.06 ± 0.1 | 0.7 |
| $F_1$ Л-15 х Л-620 | -0.18 ± 0.2 | -1.1 | -0.32 ± 0.2 | -2,1 | 0.00 ± 0.2 | 0.0 |
| $F_2$ Л-15 х Л-620 | -0.27 ± 0.1 | -3.1 | -0.32 ± 0.1 | -3.6 | -0.07 ± 0.1 | -0.8 |
| | | | | | | |
| Л- 4112 | -0.24 ± 0.1 | -1.8 | -0.15 ± 0.1 | -1.1 | 0.19 ± 0.1 | 1.4 |
| $F_1$ Л-4112 х Л-15 | -0.17 ± 0.2 | -1.1 | 0.10 ± 0.2 | 0.6 | 0.31 ± 0.2 | 2.0 |
| $F_2$ Л-4112 х Л-15 | -0.19 ± 0.1 | -2.6 | -0.05 ± 0.1 | -0.7 | 0.20 ± 0.1 | 2.8 |
| $F_1$ Л-15 х Л-4112 | 0.04 ± 0.2 | 0.3 | 0.15 ± 0.2 | 1.0 | 0.20 ± 0.2 | 1.3 |
| $F_2$ Л-15 х Л-4112 | -0.24 ± 0.1 | -2.0 | -030 ± 0.1 | -2.5 | 0.03 ± 0.1 | 0.2 |
| | | | | | | |
| Л-39 | -0.39 ± 0.2 | -1.7 | -0.14 ± 0.2 | -0.6 | 0.25 0.2 | 1.0 |
| $F_1$ Л-39 х Л-15 | 0.32 ± 0.1 | 2.3 | 0.41 ± 0.1 | 3.0 | 0.24 ± 0.1 | 1.7 |
| $F_2$ Л-39 х Л-15 | -0.23 ± 0.1 | -2.9 | -0.07 ± 0.1 | -0.9 | 0.07 ± 0.1 | 0.9 |
| $F_1$ Л-15 х Л-39 | 0.62 ± 0.2 | 3.2 | 0.58 ± 0.2 | 2.8 | -0.32 ± 0.2 | -1.4 |
| $F_2$ Л-15 х Л-39 | -0.18 ± 0.1 | -2.2 | 0.10 ± 0.1 | 1.2 | 0.25 ± 0.1 | 3.0 |

Л-620 ва Л-15 комбинациясида оналик формаси ва $F_2$ Л-15 х Л-620 авлодидан ташқари, оталик, биринчи $F_1$, иккинчи $F_2$ авлод реципрок дурагайларида корреляция коэффициенти r аҳамиятсиз бўлиб -0.18 дан -0.04 гача бўлган оралиқда бўлди. Л-620

оналик линиясида r = 0.32 га, Стьюдентнинг t-критерийси 1.7 тенг бўлган. Бу эса ишончсиз бўлган ўрта даражадаги ижобий боғлиқликни англатади. Иккинчи $F_2$ Л-15 х Л-620 авлод дурагайларида корреляция коэффициенти кучсиз даражада салбий бўлди (r=-0.27) ва Стьюдентнинг t-критерийси (-) 3.1 тенг бўлди. Демак, 0.05 муҳимлик даражасидаги жадваллик кўрсаткичидан (2.11) кўп бўлган, бу эса 0.95 эҳтимоллик даражасида линиядаги тола узунлигининг тола чиқиши орасидаги боғлиқлик ишончли кучсиз даражада эканлигидан далолат беради.

Л-4112 ва Л-15 комбинацияси ота-она, биринчи $F_1$, иккинчи $F_2$ авлод реципрок дурагайларида корреляция коэффициенти r аҳамиятсиз бўлиб -0.24 дан -0.04 гача бўлган оралиқда бўлди.

Л-39 ва Л-15 комбинациясида оналик Л-39 линиясида корреляция коэффициенти (r=-0.39) ўрта даражадаги салбий боғлиқликни кўрсатиб, бунинг таҳлили юқорида келтирилган. Биринчи $F_1$ авлод дурагайларида ўрта даражадаги ижобий корреляция (r = 0.32) намоён бўлди. Бунда Стьюдентнинг t-критерийси 2.3 тенг бўлди ва бу дегани 0.05 муҳимлик даражасидаги жадваллик кўрсаткичи (2.00) дан кўп бўлиши 0.95 эҳтимоллик даражасида линиядаги тола узунлигининг тола чиқиши орасидаги боғлиқлик ўрта даражадалиги аниқ эканлигини кўрсатади ва детерминация коэффициенти (R-квадрат) 0.105 ни ташкил қилгани тола узунлигининг шаклланиши тола чиқиши белгисига тахминан 11%га боғлиқлигини англатади (жадвал 2). Ушбу комбинациянинг иккинчи $F_2$ авлод дурагайларида мазкур белгилар корреляцияси аҳамиятсиз бўлиб, r коэффициенти -0.23 ни ташкил қилди.

Жадв.2.

**$F_1$ Л-39 х Л-15 дурагайларида тола узунлиги ва чиқиши корреляциясининг регрессия статистикаси**

| *Регрессия статистика* | | | $F_1$ Л-39хЛ-15 | | |
|---|---|---|---|---|---|
| R | 0,325 | | | | |
| R-квадрати | 0,105 | | | | |
| Меёрий R-квадрати | 0,086 | | | | |
| Стандарт хатолиги | 1,390 | | | | |
| Кузатишлар | 48 | | | | |
| | | | | | |
| Дисперсион таҳлил | | | | | |
| | *df* | *SS* | *MS* | *F* | *F* |
| Регрессия | 1 | 10,50381787 | 10,50381787 | 5,432835212 | 0,024200077 |
| Қолдиқ | 46 | 88,93618213 | 1,933395264 | | |
| Жами | 47 | 99,44 | | | |
| | | | | | |
| | *Коэффи-циентлар* | *Стандарт хатолиги* | *t-статис-тика* | *P-аҳамият-лилиги* | *95%* |
| Y | 21,568 | 4,951 | 4,355 | 7,35005E-05 | 11,601 |
| x | 0,264 | 0,113 | 2,330 | 0,0242 | 0,036 |

Ушбу комбинациянинг реципрок дурагайларида биринчи $F_1$ авлод ўсимликларида ишончли равишдаги (Стьюдентнинг t-критерийси 3.2) ўрта даражали ижобий корреляция (r = 0.62) намоён бўлди.

Демак, реципрок дурагайларнинг биринчи $F_1$, иккинчи $F_2$ авлодларида тола узунлиги тола чиқиши белгиси билан боғлиқлиги асосан Л-15 оналик бўлган $F_2$ дурагайларида ишончли равишда ўрта даражадаги салбий корреляция намоён бўлди. 2-жадвалда келти-

рилган комбинациялардан Л-39 ва Л-15 комбинацияси дурагайларида бошқа комбинациялардан фарқли корреляция кузатилди. Оналик Л-39 линиясининг ўрта даражадаги салбий корреляцияси $F_2$ реципрок авлодларида ўрта даражага яқин салбий қийматларда ишончли равишда намоён бўлди. Биринчи $F_1$ реципрок авлодларида ишончли равишдаги ўрта даражада кузатилди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Кокуев В.И. Наследование признаков опущения семян у хлопчатника G.hirsutum L.B собщ. "Краткое содержание и направления исслед. работ союза НИХИ». –Ташкент, 1934. – С. 19-24.

2.Попова Р.Я. Корреляция признаков у хлопчатника. Хлопководство // – №12, 1971. – С. 21-23.

3.Попова Р.Я. Азизов Д. Изменчивость и сопряженность некоторых призников хлопчатника. В кн.; Генетика и селекция растений. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 64-73.

4.Danlavy H.Correlation of characters in Texas cotton./Tourn Amer.Soc.Agron.1928.V.15 – P. 23-27.

5.Амантурдиев А.Б., Ким Р.Г, Хўжамбергенов Н.М. Турлараро ғўза дурагайларда хўжалик аҳамиятига эга бўлган айрим белгиларнинг ирсийланиши. «Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари» тўплами. – Тошкент, 1993. – 45 б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ғўза генетик коллекцияси линияларида тола узунлигининг ирсийланишида баъзи қимматли хўжалик белгилари жумладан тола чиқими, тола индекси ва 1000 та чигит оғирлиги ўртасидаги коррелияцион боғланиш аниқланган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье выявлена корреляционная зависимость в линиях генетических коллекций хлопчатника между некоторыми ценными хозяйственными признаками, такими как длина волокна, индекс и вес 1000 семян.

**SUMMARY**

The article deals with the problems of the article on the genetic collection for the cotton fiber line along the line of heredity and fiber length between the index and the weight of 1000 seeds of correlative connection.

***Нашрга проф. С.Резаева тавсия этган***

## *LIPSKYA INSIGNIS* НИНГ ОНТОГЕНЕТИК ТАКТИКА ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ

**Бўранова М.О., Ёзиев Л., Самадова Ш.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *онтогенетик тактика, онтогенетик стратегия, барқарорлашиш, номаълум вариация, конвергент-дивергент, дивергент-конвергент, белгининг ўзгарувчанлик коэффициенти, виталитет, виталитет индекси, стресс, ривожланишининг кўп вариантлилиги, онтогенез структураси, онтогенез динамикаси, ҳаётий стратегиялар типлари.*

Ташқи муҳит омилларининг турли таъсирларига жавобан ўсимликларда рўй берадиган морфологик реакцияларни ўрганиш уларнинг ноқулай шароитларда яшаб қолиш учун қўллайдиган тактика ва стратегияларини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида турли ўсимликларни турли стрессларга қандай жавоб қайтаришини аввалдан баҳолаш имкони пайдо бўлади.

*Lipskya insignis* (Lipsky) Nevski зирадошлар оиласига мансуб кўп йиллик поликарп ўсимлик бўлиб, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида тор ареалда ўсади. Унинг онтогенетик тактикаларини аниқлаш учун ҳар хил экологик шароитларда вегетациясининг генератив фазаси 3 фазачасида (етилган ва етилмаган меваларнинг бир вақтда мавжуд бўлиши) бўлган 30 тадан ихтиёрий модель ўсимлик танлаб олинди. Сўнгра уларнинг ҳар бирида 8 тадан белги ўлчаб, олинган натижалар ўзаро қиёсланди. Белгилар сифатида генератив новданинг баландлиги, илдиз олди баргларнинг сони, энг катта илдиз олди

баргнинг узунлиги ва эни, марказий соябондаги соябончалар сони, соябончадаги гулларнинг ўртача сони, 2- ва 3-тартибли шохланган ўсимликлар сонига аҳамият берилди. Натижалар MS Excel ва STATISTICA дастурлари ёрдамида ҳисобланди ва таҳлил қилинди.

Олинган натижалардан *L. insignis* барқарорлашиш, номаълум вариация, конвергент-дивергент ва дивергент-конвергент тактикаларини қўллаши маълум бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, экологик шароитлар ёмонлашиши билан ўсимлик генератив новданинг баландлиги барқарорлашиш тактикасини қўллайди (*1-расмга қаранг, бу ва 2-6-расмларда ординаталар ўқининг чап томонида белгининг ўзгарувчанлик коэффициенти — CV, ўнг томонида белгининг ўртача қиймати, абсциссалар ўқида виталитет индекси — IVC*). Стресснинг кучайиши билан бу белгининг барқарорлашиши ортади. Жумладан, Жинғил-1 ценопопуляциясида генератив новда баландлигининг ўзгарувчанлик коэффициенти *CV*=42,4 фоиз бўлса, Оқ парракли ценопопуляциясида *CV*=24,4 фоизни, Қорайли ценопопуляциясида *CV*=21,1 фоизни ва Ганда ценопопуляциясида *CV*=15,2 фоизни ташкил қилди.

Номаълум вариация тактикасисини ўзаро боғлиқ бўлган белгиларда, яъни илдиз олди баргларнинг сони, узунлиги ва энини ўлчашда кузатдик.

1-расм.

**“Генератив новданинг баландлиги” белгиси шаклланишининг онтогенетик тактикаси**




2-расм.

**“Илдиз олди баргларнинг сони” белгиси шаклланишининг онтогенетик тактикаси**



Ноқулай шароитларда илдиз олди баргларнинг сони камаяди ва ўлчамлари кичраяди. Масалан, виталитети энг юқори бўлган Жинғил-1 ценопопуляциясида илдиз олди баргларнинг сони 8,6±0,18 см, узунлиги 17,9±0,35 см ва эни 7,8±0,16 см ни ташкил қилган бўлса, виталитети энг паст бўлган Ганда ценопопуляциясида бу кўрсаткичлар 7,3±0,20 см, 13,5±0,19 см ва 4,0±0,11 см га тенг бўлди. Бироқ турли ценопопуляциялардаги ўзгарувчанлик коэффициенти виталитетга боғлиқ бўлмаган ҳолда *CV*=7,0 фоиздан *CV*=13,0 фоизгача ўзгарди (*2-4-расмларга қаранг*).

3-расм.

**“Илдиз олди баргларнинг узунлиги” белгиси шаклланишининг онтогенетик тактикаси**




4-расм.

**“Илдиз олди баргларнинг эни” белгиси шаклланишининг онтогенетик тактикаси**




Марказий соябондаги соябончаларнинг сони шаклланишида аввал конвергент, кейинчалик стресс кучайиши давом этганда эса дивергент тактикаси хос (*5-расмга қаранг*). Бунда ўзгарувчанлик коэффициенти аввал камайиб (Жинғил-1 ценопопуляциясида

*IVC*= 1,735; *CV*= 20,8 фоиз, Оқ парраклида *IVC*=0,932; *CV*=14,2 фоиз), кейин яна ортади (Ганда ценопопуляциясида *IVC*=0,756; *CV*=20,5 фоиз).

Марказий соябон соябончаларидаги гулларнинг ўртача сони эса дивергент-конвергент тактикасини қўллайди (6-*расмга қаранг*). Бунда соябончалар сонига тескари жараён кузатилди, яъни аввал бу белгининг ўзгарувчанлик коэффициенти ортиб (Жинғил-1 ценопопуляциясида *IVC*= 1,735; *CV*= 17,6 фоиз, Оқназар-1 да *IVC*=1,249; *CV*=26,7 фоиз), кейин яна камайди (Ганда ценопопуляциясида *IVC*=0,756; *CV*=13,0 фоиз).

5-расм.

**“Марказий соябондаги соябончаларнинг сони” белгиси шаклланишининг онтогенетик тактикаси**




6-расм.

**“Марказий соябон соябончаларидаги гулларнинг ўртача сони” белгиси шаклланишининг онтогенетик тактикаси**




*L. insignis* нинг виталитетининг муҳим кўрсаткиларидан яна бири сифатида унинг генератив новдасининг 2 ва 3-тартибли шохланиши ҳисобга олинди. Виталитети юқори бўлган ўсимликларда 2- ва, айрим ҳолларда, 3-тартибли шохланиш кузатилади. Ганда

ценопопуляциясида 2-тартибли шохланган ўсимликларнинг улуши 6,7 фоизни, Жинғил-1 ценопопуляциясида эса 73,3 фоизни ташкил қилди (*7-расмга қаранг*).

7-расм.

**L. *insignis* генератив новдаси 2-тартибли шохланишининг ўсимликлар виталитетига боғлиқлиги**




Генератив новдаси 3-тартибли шохланган ўсимликлар ўртача виталитети *IVC*<1 дан паст бўлган ценопопуляцияларда (Қорадаҳана-1, Қорадаҳана-2, Хўжамаҳмуд, Қорайли, Ганда, Оқназар-2, Тешиктош ва Оқ парракли ценопопуляцияларида) учратилмади. Аксинча, виталитети *IVC*>1 юқори бўлган Жинғил-1, Жинғил-2, Бешқўтон ва Оқназар-1 ценопопуляцияларида эса 23,3 фоиз дан 40,0 фоиз гача ўсимликларда генератив новданинг 3-тартибли шохланганлиги қайд қилинди (*8-расмга қаранг*).

8-расм.

**L. *insignis* генератив новдаси 3-тартибли шохланишининг ўсимликлар виталитетига боғлиқлиги**




*L. insignis* нинг ҳаётий стратегияларини аниқлашда унинг ривожланиши устида олиб

борилган кўп йиллик кузатишлар асос қилиб олинди. Бунда унинг ривожланиши-нинг кўп вариантлилиги, онтогенез структураси ва динамикаси, фенологик даврларнинг муддати, виталитет хилма хиллиги каби кўрсаткичлар эътиборга олинди. Ҳаётий стратегиялар типлари организм ва популяция даражасида характерланди.

Ўсимликлар ҳаётининг стресс кучайган даврларида онтогенезнинг кўп вариантлилиги юзага келади. Бунда ривожланишнинг секинлашган ёки тезлашган типларини кузатиш мумкин. Жумладан, *L. insignis* нинг онтогенезида латент, генератив олди, генератив ва постгенератив даврлар фарқ қилинган бўлиб, генератив олди даврнинг давомийлиги 1-3 йилни ташкил қилади. Бу муддат кўп жиҳатдан иқлим шароитларига боғлиқ. Уруғ униб чиққан йилда об-ҳаво шароити қулай келган йилларда ўсимликлар ўзининг асосий илдизида етарлича озиқ моддалар жамғара олган тақдирда уларнинг ривожланиши тезлашади ҳамда кейинги йилдаёқ генератив даврга ўтади, акс ҳолда эса генератив олди давр 3 йилгача чўзилиб кетиши мумкин. Об-ҳаво қаторасига ноқулай келган йилларда эса аввалги йил етарлича озуқа жамғара олмаган генератив ҳолдаги ўсимликлар фақатгина илдиз олди баргларни чиқариб, сохта виргинил (квазивиргинил) ҳолатга ўтади. Шундай қилиб, *L. insignis* нинг онтогенетик стратегиясида стрессдан ҳимоя компонент мавжудлигини кўришимиз мумкин, яъни стресс ортганда онтогенетик ривожланишда кўп вариантлилик кучаяди.

Фенологияни кузатиш натижасида вегетациянинг бошланишига ўртача ҳаво ҳароратининг +2 °С дан ортиши ва суткалик термопериодизм таъсир қилиши маълум бўлди. Натижада вегетация бошланиш муддатидаги фарқ 23 кунни ташкил қилди. Вегетация давомида кейинги фенофазаларнинг муддати ҳам иқлим шароитига (ёғингарчилик миқдорига ва муддатларига) боғлиқ ҳолда турлича бўлди ҳамда йил давомидаги умумий вегетация даври 94 кундан 130 кунгача давом этди. Бунда ҳам стресс ҳолатларга фенологик фазаларнинг секинлашиши ёки тезлашишини шаклидаги кўп вариантлиликни кузатиш мумкин.

Тажриба майдонида уруғдан кўпайтириш устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, *L. insignis* уруғларининг барчаси дастлабки йилдаёқ унмайди ҳамда ўз унувчанлигини кейинги йилда ҳам сақлаб қолади. Бундан тупроқ таркибида доимий равишда уруғлар банки мавжуд бўлишини билиш мумкин. Шунингдек мерикарпийларнинг “ёғочлашганлиги” уруғларга жисмоний зарар етказишдан ҳимоя қилади. Бу каби мосланишлар об-ҳаво ноқулай келган йилларда мерикарпийнинг етарлича емирилмаслигига ҳамда уруғларнинг униши кейинги йилга қолишига хизмат қилади. Бу ҳолат турнинг яшовчанлигини оширади.

*L. insignis* нинг стратегиясини популяцион даражада ўрганиш учун унинг демографик ва виталитет структуралари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Ценопопуляциянинг демографик структурасига *L. insignis* нинг генератив ҳолати энг узоқ давом этиши ўз таъсирини кўрсатади. Натижада барча ценопопуляцияларнинг базавий спектрида генератив индивидлар сони энг кўп эканлиги демографик структурани таҳлил қилаётганда исботланди. Ҳар бир ценопопуляцияни ташкил этувчи ўсимликларнинг ёш таркиби турли йилларда бироз ўзгариб туради, бироқ умумий структура сақланади. Бундан ценопопуляциялар климакс ҳолатидалигини ҳамда флюктуацион динамикага эгалигини кўриш мумкин.

Ўрганилган 12 та ценопопуляцияларнинг 8 таси мувозанатдалиги ёки депрессивлиги *L. insignis* Раменский-Грайм стратегиялари системаси (Раменский, 1935; Grime, 1979) бўйича стресс-толерант (патиент) стратегия типини қўллашидан далолат беради. Бунда стресс ортиши билан ўсимлик ер устки вегетатив органларининг ўлчамлари кичрайиб, унинг захира имкониятлари генератив органларни барқарорлаштиришга йўналтирилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Зайцев Г.Н. Математическая статистика в экспериментальной ботанике. – М.: Наука, 1984. – 424 с.

2. Заугольнова Л.Б. Методика изучения ценопопуляций редких видов растений с целью оценки их состояния // Охрана растительных сообществ редких и находящихся под угрозой исчезновения экосистем: Материалы I Всесоюзной конференции – М. ВНИИ природы, 1982. – С. 74-76.

3. Злобин Ю.А., Скляр В.Г., Клименко А.А. Популяции редких видов растений: Теоретические основы и методы изучения. – Сумы: Университетская книга, 2013. – 439 с.

4. Злобин Ю.А. Популяционная экология растений. Современное состояние, точки роста. – Сумы: Университетская книга, 2009. – 263 с.

5. Ишбирдин А.Р., Ишмуратова М.М. Адаптивный морфогенез и экологоценотические стратегии выживания травянистых растений // Методы популяционной биологии; Сборник материалов VII Всероссийского популяционного семинара. 16-21 февраля 2004. Ч. 2. – Сыктывкар, 2004. – С. 113-120.

6. Ишбирдин А.Р., Ишмуратова М.М. О некоторых новых подходах, методах и результатах мониторинговых исследований объектов охраны растительного мира // Вестник Удмуртского университета. Серия «Биология. Науки о Земле». – Ижевск, 2009. – С. 59-72.

7. Миркин Б.М. О типах эколого-ценотических стратегий у растений // Журнал общей биологии. – М.: Наука, 1983. – Т. 44, № 5. – С. 603–613.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада чандир липския ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларда қўллайдиган онтогенетик тактика ва стратегиялар ҳақида маълумотлар келтирилган. *L. insignis* нинг ер устки вегетатив органлари барқарорлашиш, номаълум вариация, конвергент-дивергент ва дивергент-конвергент онтогенетик тактикаларни намоён қилиши, Раменский-Грайм стратегиялари системаси бўйича стресс-толерант (патиент) стратегия типини қўллаши, яъни стресс ортиши билан ўсимлик ер устки вегетатив органларининг ўлчамлари кичрайиб, унинг захира имкониятлари генератив органларни барқарорлаштиришга йўналтирилиши ҳамда онтогенезнинг поливариантлилиги ортиши аниқланган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье приведены данные по онтогенетическим тактикам и стратегиям липскии замечательной, проявляемой при неблагоприятных условиях окружающей среды. Выявлены тактики стабилизации, неопределённой вариации, конвергентно-дивергентные и дивергентно-конвергентные, свойственные надземным вегетативным органам *L. insignis*. По системе Раменского-Грайма выявлено применение растением стресс-толерантного (патиентного) типа стратегий, т.е. с усилением стресса происходит уменьшение надземных вегетативных органов, а ресурсы растения направляются на стабилизацию генеративных органов и увеличивается поливариантность онтогенеза.

**RESUME**

This article presents data on ontogenetic tactics and strategies of *Lipskya insignis*, demonstrate under adverse environmental conditions. Revealed tactics of stabilization, indefinite variation, convergent-divergent and divergent-convergent, inherent of aboveground vegetative organs of *L. insignis*. According to the Ramensky-Grime system, the use of a stress-tolerant (patient) type of strategies by the plant was revealed, i.e. with increased stress, there is a decrease of sizes of aboveground vegetative organs, and plant resources are directed to stabilizing the generative organs and the polyvariance of ontogenesis increases.

# ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИГА ТАЪСИРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ
**(**1985–1990-йиллар**)**

**Ҳайдаров И.М.** (ТДШИ)

**Таянч сўз ва иборалар**: *саноат, қайта қуриш, чора-тадбир, маъмурий-буйруқбозлик, хўжалик, иттифоқ, кооперация, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, тўқимачилик саноати, асбоб-ускуналар.*

Совет раҳбариятининг 1985 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан илгари сурган режаларини бажариш борасидаги дастлабки уринишлари кутилган натижани бермади. Узоқ йиллар давомида жорий этилган яроқсиз хўжалик системасини қисман қайта қуриш билан муддаога эришиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Тўғри, иқтисодни бошқариш соҳасида кенг кўламда қайта қуриш жараёнлари амалга оширилди, хўжалик ҳисобидаги муносабатларни кучайтиришга ва хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тажрибалар ўтказилди. Бироқ маъмурий-буйруқбозлик системаси мавжуд бўлган бир шароитда амалга оширилган бу тадбирлар натижа бермади.

Қайта қуриш сиёсати давомида йўл қўйилган хатоликлар, мамлакат минтақалари ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, сиёсий вазиятнинг кескинлашиши оқибатида белгиланган вазифалар уддаланмади. Жумладан, 1986 йил давомида республикадаги 321 та корхона ва ташкилот режада белгиланган вазифаларни бажаришнинг уддасидан чиқа олмади, 347,7 млн рубль миқдоридаги маҳсулот етказиб берилмади. 225 та энг муҳим маҳсулот турларидан 86 таси бўйича давлат режаси бажарилмай қолди [1].

Фан-техника тараққиётининг асосий кўрсаткичларига доир статистика бюллетенларининг маълумотлари диққат билан таҳлил қилинса, кўп нарса равшан бўлади. Гап шундаки, муаммо ҳатто режалаштирилган топшириқлар ва тадбирлардан орқада қолганликдан ташқари режаларнинг ўзи реал ва ҳаётий эмаслигида, фан-техника тараққиётининг устун йўналишларига етарлича эътибор берилмаганида эди. Эскириб қолган технологиядан, маънавий ва жисмоний ишдан чиқиб қолган асбоблардан фойдаланишнинг сабаби ҳам шунда эди. Биргина Шаҳрисабздаги “Ҳужум” пиллакашлик фабрикасини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш масаласи тўртта беш йиллик давомида ҳал қилинмади, бу ерда 1927 йилги нусхадаги 252 та пиллакашлик дастгоҳининг ҳаммаси тўхтаб қолиш арафасида эди. Маҳаллий саноат корхоналаридаги асбоб-ускуналарнинг 60 фоиздан кўпроғи 20 йилдан буён ишлатилиб келинарди [2].

Ўрганилаётган даврда аслида иқтисодий тизимни қайта қуриш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, янги технологияларни жорий этиш, юқори даражадаги бошқарув тизими асосида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш мўлжалланган эди. Лекин, кейинчалик маълум бўлдики, қилинган умидлар хом хаёл бўлиб чиқди. Чунки ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши давом этди. Натижада 4,2 млрд сўмлик ижтимоий маҳсулот, 3,4 млрд. сўмлик миллий даромад, қишлоқ хўжалигининг 2,2 млрд. сўмлик ялпи маҳсулоти кам олинди. Ушбу давр ичида ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсулотининг мутлақ ўсиши амалда юз бермади. Бу эса республикада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш барқарор жараёнининг таъминланмаганлигини кўрсатади [3].

Корхоналарни тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш ҳам ўзини оқламади, чунки “социалистик хўжалик юритиш” тизими, раҳбар-

ликнинг буйруқбозлик усуллари объектив жиҳатдан соғлом бозор муносабатларининг амалда намоён бўлишига тўсқинлик қиларди. Шунинг учун ҳам айни даврда ўзини-ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказилган корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг талай қисми зарар кўриб ишлади [4].

Мазкур беш йиллик даврида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши қарамоғидаги ишлаётган корхона, ташкилот ва хўжаликлар сони 4796 тадан 2104 тага (бунда олинган зарар 152,6 млн сўм ёки 23,3 фоизга ортди) қисқарди. Ишлаб чиқариш тармоқлари доирасида 1988 йилда ижобий натижага эришган корхоналар сони 1987 йилда зарар билан ишлаган корхоналар сонидан икки баравар кам бўлди. Бунда ҳақиқий кўрилган зарар 607,4 млн сўм ўрнига 419,5 млн сўм ҳисобланган бўлиб, жами зарар билан ишлаган корхоналар сони 1515 та (ёки 73,6 фоизни) ташкил қилган эди [5].

Ижобий натижалар учун интилишлар қанчалик кучли бўлишига қарамай, ислоҳотларнинг самараси айтарли катта бўлмади. 1988 йил январь-августида Ўзбекистондаги 1267 та саноат корхонасидан бор-йўғи 320 таси (25,3 фоиз) тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаган [6]. Сифат муаммоси ҳаддан ташқари кескин тус олиб кетди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида маҳсулотнинг давлат қабули жорий этила бошланди. 1986 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини давлат қабули бўйича 27 та пост назорат қилган эди. 1987 йилда давлат қабули шароитида ишловчи корхоналарда чиқарилган яроқсиз маҳсулотлар ҳажми 833 минг сўмликни ташкил этди. Давлат қабули жорий этилган 33 корхонада ҳар ойда ўрта ҳисобда 0,9 млн. сўмлик маҳсулот қабул қилинмас эди.

Ҳаётий тажриба шуни тасдиқладики, ҳақиқий маъмурий чора ҳисобланган давлат қабули ишлаб чиқаришдаги таназзулни тўхтатиш у ёқда турсин, ҳатто бу жараённи секинлаштира олмади. Зеро, маҳсулотлар юқори сифатли бўлиши учун ишлаб чиқариш жараёнини тубдан янгилаш билан боғлиқ бўлган ғоятда кенг тадбирлар мажмуини амалга ошириш талаб қилинарди. Бир томондан, молиявий маблағлар ва моддий ресурсларнинг йўқлиги, иккинчи томондан, расмий ҳокимият органлари режа топшириқларининг бажарилишини қатъият билан талаб қилиши давлат қабулининг юзакилашувига олиб келди. Маъмуриятнинг тазйиқ кўрсатиши оқибатида сифат масалалари аста-секин иккинчи-учинчи даражали масала бўлиб қолди.

Агар 1986 йил декабрида давлат қабули талаби билан 60 фоиз маҳсулот қабул қилинган бўлса, 1987 йилнинг январига келиб 48,5 фоиз маҳсулот давлат қабули талабига жавоб берди. Мамлакатда маҳсулот сифатини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасига кўра, 1986 йилда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи иттифоқ бўйича ҳисоблаганда 15 фоизни, Ўзбекистон бўйича эса атиги 10 фоизни ташкил этди [7]. Енгил саноатдаги аҳвол, айниқса, ёмон бўлиб, тармоқда болаларбоп моллар ишлаб чиқариш ўрнига "ялпи кўрсаткичга" зўр бериларди. Маҳаллий саноатда ялпи маҳсулот режаси бажарилса-да, бироқ 1986 йилда савдо корхоналари бу тармоқдан 70 млн сўмлик молни олишдан бош тортган эди. Чунки у маҳсулотлар сифатсиз ва харид қилиш учун яроқсиз эди [8].

1990 йил июнь ойида қабул қилинган "СССР корхоналари тўғрисида"ги қонун [9] корхоналарнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини анча кенгайтирди. Ўша вақтдан бошлаб корхоналар мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига асосланадиган, солиқларни тўлагандан кейин қолган соф фойдадан мустақил фойдаланадиган, ўзларининг давлат билан муносабатларини фақат бозор асосларида белгилайдиган бўлдилар. Афсуски, ҳатто қисман ислоҳ қилинган совет ижтимоий ва давлат тузуми ҳам давлат тасарруфидаги иқтисодиётдан ҳаётий жиҳатдан муҳим бўлган бозор сиёсатига ўтишда объектив равишда қийинчиликларни туғдирди. Совет тузумининг "социалистик" бозорни таркиб топтиришга интилиши илғор ташаббуслари тўла-тўкис барбод қилишни назарда тутар эди. Миллий

республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг чинакам иқтисодий ва сиёсий мустақил эмаслиги бозор муносабатларига ўтишга тўсқинлик қилди.

Оғирлашиб, серхаражат бўлиб қолган совет иқтисодиётининг иллатларини барҳам топтириш эндиликда мумкин эмас эди. Чунки республика иқтисодиётининг барча соҳаларида таназзул давом этарди. “Қайта қуриш”нинг сўнгги йилларида республика ишчилари ва хизматчиларнинг ижтимоий ривожланишида мураккаб ва зиддиятли жараёнлар содир бўлди. Уларнинг миқдор жиҳатидан ўсишига мос сифат ўзгаришлари юз бермади, бу кўрсаткич аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолди, бу ҳол эса ишчи кучининг анча ортиқча бўлиб қолишига олиб келди.

Кадрлар тайёрлашда уларнинг иш ҳақи даражаси, меҳнат шароитлари, турли мутахассисликлардаги ходимларнинг нуфузи каби талаблар қондирилмади. 80-йилларнинг охирида қарийб 20 минг олий маълумотли мутахассис ва 140 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли мутахассислар ақлий меҳнат билан эмас, балки жисмоний меҳнат билан банд бўлдилар.

Советлар ҳукмронлиги йиллари Марказий Осиё минтақасининг ишлаб чиқарувчи кучлари бир мунча ривожланди, фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқлари билан қуролланган инсоннинг табиатга фаол тарзда ва баъзида етарлича асосланмаган ҳолда кириб келиши унинг яшаш муҳитига улкан юк бўлишига олиб келди, кишиларнинг соғлиги ва ҳаёти учун потенциал хавф туғдирувчи экологик вазият юзага келди. Жумладан, Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ўсиб борган сайин атмосферага чиқариб юбориладиган зарарли моддаларнинг ҳажми анча кўпайиб, йилига 4,2 миллион тоннадан ошди, шунинг 2,9 миллиони автотранспортдан чиқарди. Андижон, Гулистон, Қўқон, Қарши, Навоий, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг ҳавоси жуда ифлосланган. Бу ҳудудларда бир галда ҳавога чиқариладиган зарарли моддалар миқдори йўл қўйиладиган меъёрлардан 6-9 маротаба ортиқ эди.

Экологик муаммонинг кескинлиги муайян даражада миллий даромадда материал сарфининг ўсиши туфайли юзага келган, бу эса инсоннинг табиатга бўлган антропоген юкламасининг ошишига олиб келган. Чунончи, Ўзбекистон ССРда 1988 йилда миллий даромаднинг 1 фоиз ўсиши учун материал сарфининг 29 фоиз ўсиши талаб қилинди. Бу ҳолат иқтисодий структурага ҳам жиддий таъсир этиб, унда “ифлосантирувчи” тармоқларга – энергетика, металлургия ва тоғ-кон саноатига катта ўрин ажратилган эди.

Ишлаб чиқаришда материал ва энергиянинг ортиқча сарфланиши фойдали қазилмалар ундиришнинг йирик миқёсларини, уларни қайта ишлаш ва йўқотишни шартларди, бу эса, ўз навбатида, бўш жинслар, кул ва тошқолнинг, сув ва ҳавога зарарли чиқиндиларнинг кўплаб чиқишини туғдирарди. Тахминий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳар йили 7,5 миллион тоннадан ортиқ фақат ҳисобга олинадиган саноат чиқиндиси, 60 миллион тоннадан ортиқ юзадаги жинслар ҳосил бўларди, лекин уларни ишлаб чиқаришга қайта жалб этиш даражаси очиқдан-очиқ қониқтирарли даражада бўлмай, ўша пайтда у 3 фоиздан ошмасди. Бу эса умумиттифоқ кўрсаткичидан 2 баравар, Украина ССРдагидан 4 баравар паст эди.

Ҳосил бўлган чиқиндиларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш бўйича аҳвол қуйидагича эди: иккиламчи газмол – 90 фоиз, кул ва тошқол – 8,6 фоиз, каолинли гилтупроқ – 4,4 фоиз, иккиламчи полимерлар – 20 фоиз. Республикада амалда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқиндилари, асбестли чиқиндилар (салкам 2 миллион тонна), бетон ва темир бетон (6,6 минг тонна), тахта тилиш ва ёғочга ишлов бериш чиқиндилари деярли ишлатилмасди [10].

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари СССРнинг ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа тегишли иттифоқ ташкилотлари назоратида ва бошқарувида бўлди. Бутун валюта ва экспорт-импорт операциялари, даромад олиш ва фойдани тақсимлаш улар томонидан амалга оширилди, бу маблағлардан, биринчи навбатда, умумиттифоқ дастур-

лари таъминланди. Мамлакатнинг марказлашган ташқи иқтисодий фаолияти қай даражада сақланиб қолган бўлса, уни ташкил этувчи республикаларнинг ишлаб чиқаришида танглик ҳолатлари ҳам, бу соҳадаги ислоҳотлар ҳам шундай даражада кечди.

Ўзбекистонда мазкур ислоҳотлар бутунлай муваффақиятсиз бўлди. Республика экспортининг хомашё йўналишини, унинг тузилишини ва товарларнинг муайян гуруҳини четдан келтиришдан иборат анъанавий қарамлигини ўзгартирмади. Ўзбекистонннинг чет элга тайёр тўқимачилик маҳсулотларини сотиши ва ундан келадиган фойдадан баҳраманд бўлиш имкониятини ўзгартира олмади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг хомашё йўналишида бўлиши умумиттифоқ меҳнат тақсимоти билан мустаҳкамланди ва уни ривожлантириш пахтачилик билан қатъий боғланди, "қайта қуриш" йилларида эса пахта агросаноат мажмуининг хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилди, бу механизм Россия ва айрим социалистик мамлакатлар тўқимачилик саноатини зарур миқдорда ва баъзи турдаги тола билан таъминлашдан иборат вазифани бажарди. Ўзбекистонни шу йўсинда ихтисослаш – унинг миллий даромадини, демак, аҳолининг турмуш даражаси ҳам паст бўлишини олдиндан белгилаб берди. Маълумки, бу ихтисослашувни сақлаган ҳолда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий фан-техника негизига ўтказиш, шунингдек, мутахассисларга таълим бериш ва тайёрлаш тизимини янги даражага кўтариш ва бу йўл билан қолоқликнинг боши берк кўчасидан чиқиб олиш амалда мумкин эмасди. Марказ эса бу борада ғоят самарасиз сиёсат ўтказарди. Республикада керагидан ортиқча меҳнат сарфланиши ва ишсизлик (биргина Фарғона водийсининг ўзида камида 1 млн. ишсиз бор эди), буларга яна бир қатор муаммоларнинг – кўп миқдордаги аҳолининг, айниқса, маҳаллий аҳолининг қишлоқ жойларда тўплангани каби эски муаммоларнинг қўшилиши, жамоа қадриятлари ва манфаатларининг (уруғчилик, оила-қариндошчилик) шахсий манфаатлардан устуворлиги, ёшларда истиқбол ва келажакка умидворликнинг йўқлиги, масалан, уларнинг Фарғона водийсида ва бошқа жойларда кўпроқ намоён бўлиши Ўзбекистондаги вазиятни ҳаддан ташқари кескинлаштириб, уни ички томондан зиддиятли ва беқарор қилиб қўйди [11].

Аммо, бир томондан, республиканинг ўзида анча кучли ишлаб чиқариш-иқтисодий базаси таркиб топди. Унинг қишлоқ хўжалиги, саноати фақат иттифоқ доирасидагина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, ҳалқаро миқёсда ҳам сезиларли даражада иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб борди. Ўзбекистон ўзининг саноат маҳсулоти билан (мустақил равишда бўлмаса-да) жаҳон бозорига чиқишга муваффақ бўлди. Чунончи, республиканинг электротехника буюмлари дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатига чиқариларди. Ўзбекистон пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар ва пахта билан боғлиқ бошқа техникани Болгария, Югославия, Кубага етказиб берадиган бирдан-бир республика эди. Шарқий Европа мамлакатларига табиий газ етказиб бериш, рангли металлургия ва кимё саноати маҳсулотларини экспорт учун ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Ривожланган капиталистик мамлакатларга машина-техника буюмлари, кимёвий маҳсулотлар, газлама, чинни идишлар, ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалик машиналари, кимё ва тўқимачилик саноати учун асбоб-ускуналар, дизеллар, компрессорлар, эксковаторлар, киноаппаратура экспорт қилинди. Бироқ Ўзбекистон маҳсулотларининг кўпгина турлари унчалик рақобатбардош эмас, шу билан бирга, бу маҳсулотлар "СССР" номидан чиқариларди.

Иккинчи томондан, республика иқтисодиёти СССРнинг бошқа хўжалик районларига мажбурий боғлиқ қилиб қўйилди. Бу боғлиқлик чуқурлашиб бораётган ишлаб чиқариш кооперацияси таъсирида янада мураккаблашиб борди. Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалардан машиналар, турли асбоб-ускуналар, кенг истеъмол молларини олиб туришга мажбур эди. Совет тузуми томонидан кундан-кунга кучайиб борган ихтисослашув ва кооперациялаш Ўзбекистоннинг эркин хўжалик юритиши учун имкон бер-

мас эди. Бу эса Ўзбекистон билан Марказнинг миллий манфаатлари ўртасида зиддиятни янада кучайтириб юборди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Исаков Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000-йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фан. номзоди... диссер. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 13.

2.Ражабов Н. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш – давр талаби // Ўзбекистон коммунисти. 1988. – №7. – Б. 22.

3.Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг якун ҳамда проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. 1988. – №11. – Б. 20.

4.Ўзбекистон коммунисти. 1987. – №9. – Б. 35.

5.Ревун В. Убыточные предприятия: быть или не быть? // Экономика и жизнь, 1990. – №2. – С. 37.

6.Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг якун ҳамда проблемалари //Ўзбекистон коммунисти. 1988. – №11. – Б. 23.

7.Йўлдошева Д. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистон саноати. – Т., 1989. – Б. 10.

8.Ўша асар. – Б. 8.

9.“Известия” газетаси. 1990 йил 13 июнь сони.

10.Шодиметов Ю. Жамият – Экология – Сиёсат // Инсон ва сиёсат. 1991. – №6. – Б. 51-54.

11.Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 418-рўйхат, 1-йиғма жилд, 39-51-варақлар.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қайта қуриш сиёсатининг Ўзбекистон саноатига таъсири, кўрилган чораларда йўл қўйилган хатоликлар, мамлакат минтақалари ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, юзага келган сиёсий вазият ва уларнинг оқибатлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, ишда аниқ статистик маълумотлар ҳамда турли манбалар ўзаро қиёсий таҳлил килинган ва якуний хулосалар берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье проанализированы последствия ошибочной политики «перестройки» для развития промышленности в республике Узбекистан, раскрывается её влияние на разрушение региональных связей республик и возникновение сложной политической обстановки. В месте, с тем автор проводит сравнительный анализ статистических данных и в конце статьи дает свои выводы.

**SUMMARY**

The article analyzes the consequences of the erroneous policy of “restructuring” for the development of industry in the Republic of Uzbekistan, reveals its impact on the destruction of regional ties of the republics and the emergence of a complex political situation. In the place where the author conducts a comparative analysis of statistical data and at the end of the article gives his conclusions.

***Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этгин***

## РОССИЯГА ҚАРАМЛИК ДАВРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

**Мусаев Н.У. (**ТДАУ**)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *Бухоро амири, хонлик, генерал-губернатор, округ, ноиб, товар, пункт, Тошкент-Оренбург, пахта тозалаш дастгоҳи, завод, фабрика.*

Россия империяси Бухоро амирлигининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудларини босиб олгандан кейин Ўрта Осиё хонликлари ўртасида етакчи мавқега эга бўлган амирликнинг сиёсий ва ижтимоий аҳволи оғирлашди. “Руслар томонидан Самарқанд олиб қўйилганидан кейин, – деб ёзган эди Вильгельм Сиверс, – 1876 йили Бухоронинг 205.000 кв. клм.га яқин майдони бўлиб, шундан 100.000 кв. аҳолисининг эса 1/4 миллиони пасттекисликларга, салкам 250.000 кишига яқини эса мамлакатнинг тоғли қисмига тўғри келади. Пасттекисликларнинг катта қисми эса чўллардан иборат бўлишига

қарамасдан, хўжалик юритишнинг барча оғирликлари бу пасттекисликларда яшаётган аҳоли зиммасига тушади [1]. Амирликка тегишли ерларнинг қарийб учдан бир қисми Россия империяси ихтиёрига ўтиши, Хўжанд, Жиззах, Ўратепа, Панжикент, Самарқанд, Каттақўрғон каби шаҳарларнинг, шунингдек, Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши аҳволни янада мураккаблаштирди. Зарафшон водийсининг ўрта ва қуйи қисмида сув захираларининг камайиб бориши деҳқончилик билан банд бўлиб келган аҳолини рўзғор тебратишнинг ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва бошқа соҳалар билан шуғулланишга мажбур қилди.

Россия империяси Туркистоннинг катта қисмини ўз таъсир доирасига олганидан фойдаланган рус буржуазияси ўлка бозорлари ва хом ашё манбаларини эгаллаб олишга, бу ерда савдо-сотиқ ва товар алмашувини кучайтиришга киришди. Бироқ хонликлар билан Россия ўртасида шу пайтгача фойдаланиб келинган карвон йўллари кўзланган мақсадларни амалга оширишга имкон бермас эди. Мустамлакачи ҳукумат бу мақсадларни амалга ошириш ва босқинчилик сиёсатини давом эттириш учун 1880 йил август ойида Каспий денгизиниг Узун ота қўлтиғидан туркман чўллари орқали Ашхобод, Бухоро ва Самарқандга темир йўл ўтказишга киришди.

Темир йўл қурилиши маҳаллий аҳолининг тинимсиз, машаққатли меҳнати эвазига тез қуриб битқазилди. Қурилиш раҳбарлари маҳаллий аҳолининг ишчи кучи арзон (кунига 30-50 копеек) бўлганлиги учун уларнинг меҳнатидан кўп фойдаланишган. Бироқ тупроқ ташиш учун оддий ғалтаклар ва замбилларни етарли даражада етказиб беришмаганлиги туфайли ишчилар тупроқни елкаларида ташишга мажбур бўлишган. Шундай шароитда 1888 йил февралида Самарқандгача темир йўл қурилиб битказилди [2].

Темир йўл қурилиши ва ишга туширилиши натижасида амирлик шаҳарлари ва йирик қишлоқларида ички бозорнинг шаклланиши ва тадбиркорлик ишларининг жонланишига, ички ва ташқи савдо алоқаларининг йўлга қўйилишига шароит яратилди. Туркистон ҳалқаро миқёсда хом ашё ишлаб чиқариш доирасига тортилгандан кейин, унинг жаҳон бозори таьсирида ривожлана бошлаганлигини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: биринчидан, бой-феодал хўжаликлари товар-пул муносабатларига мослаша бошладилар; иккинчидан, уруғ-жамоа асосида ердан фойдаланишнинг парчаланиши натижасида хусусий мулкчилик ривожланди; учинчидан, майда деҳқон хўжаликларининг бўлиниши кучайди; тўртинчидан, ёлланма ишчиларнинг меҳнат бозорлари вужудга кела бошлади.

Маълумки, XIX аср ўрталарида хонликлар ҳудудларида эҳтиёждан ортиқча хом ашё ишлаб чиқарилиши ва товар нархининг арзонлашиши туркистонлик савдогарларни ўз товарларини хорижий мамлакатларга чиқаришга мажбур қилган. Жумладан, бухоролик савдогарлар Россияга кўпроқ пахта ва ип-газлама маҳсулотларини олиб боришиб, у ёқдан темир ва мис келтиришган. Бу металлардан Бухорода меҳнат қуроллари ва рўзғор буюмлари ясалган, тангалар зарб қилинган. Хонликлар ҳудудларида қимматбаҳо металлар – олтин ва кумуш қазиб олинса-да, бироқ у тобора ошиб бораётган талабларни қондира олмасди. Шунинг учун ҳам қимматбаҳо металларнинг катта қисми Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан келтирилган [3].

Таъкидлаш жоизки, Бухоро ва Хива хонликларида ҳам металл қазиб чиқариш ва унга ишлов бериш жуда содда усулларда бўлса-да амалга оширилган. 1841 йили Бухорога келган К.Ф.Бутенев бу ерда 6 та чўян қуйиш қозонлари бўлганини ёзади [4]. Ўлкада мавжуд металл қуйиш қозонларида тўплар учун ўқлар ва бошқа ҳарбий қуроллар, шунингдек, деҳқончилик учун зарур бўлган меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар ясалган. Мис қиммат бўлганлиги учун Бухоро амирлигида тўп ясашда мис ўрнига кўпроқ чўяндан фойдаланилган. Тўп ясашда анча тажрибали бўлган Шаҳрисабз усталари амирликда энг йирик тўп стволини қуйишган, уни ўрнатиш учун ўн икки ғилдиракли қурилма ясалган [5].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Бухоро амирлигида металл ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш ишлари талаб даражасида бўлмаган. Бу ҳолни К.Бутенев қуйидагича таъ-

рифлайди: «Бухорода ҳунармандчилик мукаммалликнинг қуйи босқичида туради, заводчилик иши яхши йўлга қўйилмаган. Агар ҳукуматнинг бу соҳага эътибори бундан кейин ҳам ҳозиргидек давом этса, бирор ўзгариш бўлиши қийин. Жоҳил ҳукуматнинг заводлар қуриши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у бундай заводлар келажакда катта фойда келтиришини билмайди. Бундан ташқари, заводлар қуриш учун маблағ ҳам, билимдон кишилар ҳам етишмайди» [6]. Шу каби сабабларга кўра, Бухоро амирлиги ҳудудларидаги конлардан қазиб олинган рудадан мис ва қўрғошин содда усулда оддий ўчоқларда ажратиб олинган. Мисдан буюмлар ясашда, қўрғошиндан ўқлар тайёрлашда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилган.

Туркистонга келтирилаётган металлар орасида мисга эҳтиёж катта бўлиб, ундан рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. «Қизил ва сариқ мисдан тайёрланган буюмлар, – деб ёзган эди В.И.Масальский, – агар уларга ўзига хос расмлар, нақшлар туширилган бўлса, харидорларда катта қизиқиш уйғотган. Мисдан ясалган баркаш, қумғон, обдаста, чилим, сиёҳдон ва бошқа буюмларга талаб айниқса катта бўлган» [7].

Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин унинг чегаралари хорижий мамлакатлардан келтирилаётган товарлар, биринчи навбатда Англия товарлари учун ёпиб қўйилди. Россия ўзининг саноат корхоналарида тайёрланган, бироқ Европа бозорларида ўтмаган товарларини ўлканинг беминнат бозорларига кўп миқдорда келтира бошлади. Рус савдогарлари тошкентлик ҳамкасблари ёрдамида ўлканинг бошқа шаҳарларига ҳунармандчилик буюмлари билан бир қаторда рус товарларини олиб бориб сотишган. Масалан, Тошкентдан Қўқонга ҳар йили ўртача 12500 туяда 2375000 сўмлик маҳсулот жўнатилган бўлса, уларнинг асосий қисмини рус товарлари ташкил қилган [8]. Қўқондан Тошкентга 16200 туяда пахта, тўқимачилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари ва мева-чевалар келтирилган. Бухородан эса ҳар йили 300 туяда ипак маҳсулотлари, кўрпа, чопон ва гиламлар келтирилган.

Ўлкада уй-рўзғор ва хўжалик буюмларига эҳтиёжнинг ошиб бориши ўз навбатида маҳаллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун зарур шароит яратди. Ўша вақтда Тошкентда бўлган В.П.Кузнецов шаҳарда кўнчилик, совунгарлик, кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилганлиги, темирчилар, мискарлар, эгарчилар, тўқувчилар, этикдўзлар, бўёқчилар ва тикувчилар кўп бўлишганини ёзади [9]. Туркистонга келган савдогарлар, сайёҳлар ва тадқиқотчилар бу ерда тайёрланган ҳунармандчилик буюмларига катта қизиқиш билан қарашган. 1870 йили Тошкент, Хўжанд, Ўратепа усталари томонидан тайёрланган пичоқлар, сопол буюмлар, ўйма нақшлар билан безатилган эшиклар, жами 2000 га яқин буюмлар Петербургда ўтказилган кўргазмада намойиш қилинган. Кўргазмада ўзлари ясаган буюмлар билан қатнашган 42 та туркистонлик уста мукофотланган. Улардан 11 киши бронза медали билан тақдирланган. «Фаолият» («Деятельность») рўзномаси Туркистоннинг моддий ва маънавий бойликлари ҳақида «ҳали қўл теккизилмаган ҳолда қолмоқда», – деб ёзган [10].

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Зарафшон воҳаси шаҳарлари ҳам қадимдан йирик ҳунармандчилик марказлари бўлган. Бу ерда ҳунармандчилик қадимий анъаналар асосида шаклланган бўлиб, у аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида салмоқли ўрин тутган. Тўқимачилик Бухоро, Ғиждувон, Кармана шаҳарларида сезиларли даражада кўп тарқалган ва ривож топган соҳа бўлиб, бу ерда пахта ва пилла толасидан чит, дока, рўмол, атлас, беқасам, шоҳи, адрас, хонатлас каби маҳаллий аҳоли турмушида кенг қўлланиладиган матолар тайёрланган.

XIX асрнинг II ярмида Бухоро ва унинг атрофидаги шаҳарлар ва йирик қишлоқларда 10-12 мингга яқин тўқув дастгоҳлари бўлган [11]. Бухоро шаҳрининг ўзида 46 та ипак тўқиш корхонаси бўлиб, уларда 197 киши меҳнат қилган. Шаҳарларда жойлашган бойроқ тўқимачилик корхоналарининг эгалари тадбиркорлик ишларини жонлантириб, ўзлари етиштирган ип-газламадан ташқари, атроф қишлоқлардан олиб келинган тайёр

ипларни ҳам сотиб олишган. Тайёрланган маҳсулотларнинг бир қисми хорижий мамлакатларга чиқарилган.

Бухоро амирлигида пиллачилик ҳам анча ривожланган. Айниқса Ромитан, Қоракул ва Хатирчи бекликларида пиллачиликка алоҳида эътибор берилган. Бекликлардан етиштирилган пилла бухоролик ҳунармандлар томонидан тайёр матоларга айлантирилган. Ипак матолардан қимматбахо газламалар тайёрланиб, улардан ички ва ташқи либослар тикилган. Усталар бундай матоларни тайёрлашда зар толаларидан самарали фойдаланишган.

Бухоро йирик маданият ва маърифат маркази бўлганлиги туфайли бу ерга бошқа мамлакатлардан кўплаб савдогарлар, сайёҳлар ва талабалар келишган. Маҳаллий ҳунармандлар савдо-сотиқ ишлари жараёнида уларнинг хоҳиш –истакларини ҳам инобатга олишга ҳаракат қилишиб, ўз матоларининг нафақат нархини балки бадиий қийматини ҳам оширишга эришишган. Масалан, Бухоро матоларида рангли сидирға занжирли йўллар хилма-хил кўринишларда ёнма-ён тўқилган. Бундай занжир йўлли матоларнинг ранги нафис бўлиб, улар бир-бирига зид рангларни мослаштиришга хизмат қилган [12]. Умуман олганда, Бухоро матолари рангларининг хилма-хиллиги ва бу рангларнинг ўзаро уйғунлиги билан ажралиб турган. Бухоро усталари беқасам тайёрлашда рангларни бир-бирига уйғунлаштириш, ранглар ўртасидаги тафовутни ўзаро қориштириш орқали амалий санъатнинг ноёб намуналарини яратишга муваффақ бўлишган. Беқасам ингичка йўлли мато бўлиб, олачадан ўзининг сифати, тайёрланиш усули билан ажралиб турган. Унинг арқоғи оқ-қизил, ўриши кўк рангли иплардан иборат бўлиб, олий навли беқасамнинг 48 аршини 12 рубль 60 копеек турган [13].

XX асрнинг бошларида эса воҳада тайёрланган матоларда асосан бир-бирига зид уч хил рангдан, асосан оч пушти, тўқ бинафша ва сариқ ранглардан фойдаланилган. Аммо матоларнинг таъсирчанлигини янада ошириш учун бир-бирига зид ранглар ҳам танланган. Масалан, Бухоро газламаларида бир-бирига мувофиқ келмайдиган қизил ва кўк ранглар жуфтлиги, кескин суратда бир рангдан иккинчи рангга ўтилиши усуллари ҳам қўлланилган. Воҳада тўқилган йўл-йўл матолар шу хусусияти билан бир-бирига яқин ранглар ёнма-ён қўйилган Хоразм ва Фарғона матоларидан фарққилган. XX асрнинг 20-йилларида Зарафшон воҳасида матоларга Фарғона услубига хос ранг ёки безак беришга ўтила бошланган [14].

Зарафшон воҳасида пахтадан тайёрланган бўз (қалами) ва чит кенг тарқалган. Бўз қалин ва дағал бўлиб, унга камбағал аҳоли ўртасида талаб катта бўлган. Бўзнинг маҳаллий ғўзадан тўқилгани маллабўз, ҳар хил иплар аралаштириб тўқилгани йўл-йўл нақшли-қалами, ингичка йўллиси-чиги деб аталган. Сифатли бўздан кўйлак, лозим, яктак, чопон, сифатсизидан халта, пашшахона, чопон ва халатларга астар қилинган.

Зарафшон воҳаси ҳунармандлари пахта ипи ва ипакни аралаштириб олача, беқасам, банорас, адрас каби матолар тўқишган. Олача ингичка йўлли мато бўлиб, унда пахта ипи билан ипак ипнинг уйғунлаштирилиши ипакнинг сирғалувчанлигини камайтирган, матога ипак қўшилиши унинг чидамлилигини оширган. Олачадан тикилган эркаклар чопони бозорда 5 сўмгача баҳоланган [15].

Бухоро Ўрта Осиёнинг йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази сифатида машҳур бўлиб, бу ерда ипакдан тайёрланган матоларга адрас, шоҳи, қалғай, атлас ва хонатласлар харидоргир бўлган. Адрас тўқилишига кўра олача ва беқасамга яқин бўлиб, бу матода асосан қизил, кўк, сариқ, яшил ранглар қўлланиб, ундан аёллар кўйлаги, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, ёпинчиқ сўзаналар тайёрланган. Адрасга ялтироқ тус беришда тухумнинг оқи ва ўрик елимидан фойдаланилган. Аёлларнинг адрас кўйлаги бу даврда 10 рубл, эркакларнинг адрас халати 7 сўмгачага баҳоланган. Бухоро адраси Хоразм, Самарқанд, Тошкент, Шарқий Туркистон ва Афғонистонга катта миқдорда чиқарилган. Шунингдек, Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган занданийчи матоси бутун Шарқ оламида машҳур бўлган.

Воҳада кўп тўқиладиган матолардан бири бахмал бўлиб, унинг текис ва патли хиллари бўлган. Бахмалдан аёллар кўйлаги, болалар учун этикчалар, халат, дўппи, халатча, қопчиқча, зардевор, дастурхон, кўрпа ва кўрпачалар тайёрланган.

Чит маҳаллий аҳоли турмушида алоҳида ўрин тутиб, ундан турли кийим-кечаклар, кўрпа-кўрпача, чопон учун астар, дастурхон, сандалпўш, жойнамоз, белбоғ, рўмол, чодир, бўғжама, бўхчабанд тайёрланган. XX аср бошларида 1 аршин читнинг нархи 55 копеекгача бўлган [16]. Бухорода алоҳида читгарлар маҳаллалари, Ғиждувонда, Ромитон бозорларида читгарлик расталари бўлган. Зарафшон воҳаси бозорларига катта миқдорда Россия фабрикаларида саноат усулида тайёрланган ва нисбатан арзон, бироқ сифатли бўлган чит матоларнинг кириб келиши билан маҳаллий читгарлик касодга учради.

Пахта етиштиришнинг кўпайиши туфайли 1889 йили Каттақўрғон шаҳрининг вокзали яқинида инженер Л.О.Югович томонидан 4 та жин ўрнатилган ва буғ билан ишлайдиган пахта тозалаш заводи қурилди [17]. Пахтага бўлган талабнинг ошиб боришига қараб, иккала завод ҳам такомиллаштириб борилди. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча сарф-харажатларни талаб қилар эди. Ортиқча харажатларга бардош бера олмаган Тинхачев заводини бухоролик савдогар Мирҳикмат Мирсолиҳовга сотишга мажбур бўлди. Заводнинг янги эгаси уни қайта жиҳозлаб қўшимча буғ двигатели ўрнатгандан кейин, завод катта фойда келтира бошлади.

Пахта заводларининг қуввати ошиб бориши натижасида кўп миқдорда чигит тўплана бошлаган. Илгари қадрсиз бўлган, ҳатто айрим вилоятларда қишда ўтин сифатида фойдаланилган чигитдан 1890 йилдан бошлаб саноат усулида ёғ олишга киришилди. Ўлкада дастлабки ёғ заводи К.К.Држевецкий томонидан Янги Бухоро (Коган) да қурилди. Бироқ бу заводнинг аҳолидан чигит йиғиб олиш имконияти чекланганлиги, айниқса, маҳаллий аҳолининг ғайридинлар томонидан саноат усулида тайёрланган ёғни истеъмол қилишни истамасликлари туфайли маҳсулот сотилмай қола бошлади. Завод маблағ етишмаслиги оқибатида тўхтаб қолди. Самарқанд вилоятининг Челак қишлоғида Л.Л.Хорват томонидан қурилган ёғ заводи, Л.О.Юговичнинг Каттақўрғон шаҳридаги ёғ заводи ҳам шу аҳволга тушди.

Вазиятни олдиндан сезган Югович заводни акционерлик жамияти ихтиёрига ўтказиб олди. 1882 йилдан бошлаб жамият Юговичнинг пахта ва ёғ заводини қайта жиҳозлашга киришди. Дастлаб заводда 55 от кучига эга бўлган буғ машинаси ўрнатилди. Ланкошир ва Фельзер заводларидан иккита қозон, АҚШнинг «Игл» заводидан 6 та жин келтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли заводнинг қуввати ортиб, унда ҳар йили ўрта ҳисобда 160 минг пуд тозаланган пахта, 20 минг пуд ёғ ишлаб чиқарилган. Жамият заводда тозаланган пахтадан катта фойда кўрган бўлса-да, бироқ, 10 йил давомида ёғ ишлаб чиқаришдан кўрган зарари бир млн. сўмдан ошган [18]. Шунингдек, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қурилган ёғ заводлари, Марвда Петросян томонидан қурилган ёғ заводи ҳам зарар кўриб ишлаган. Шундан кейин, бу заводларнинг эгалари тайёрланган ёғларни Россиянинг марказий районларига сотиш ҳаракатига тушдилар. Россияниг марказий районларида пахта ёғига талаб ошиб, тадбиркорлар катта фойда ола бошладилар. Шундай қилиб, Туркистон саноат ишлаб чиқаришида дастлаб турли соҳаларга ўзларини урган капиталистлар, савдогарлар ва бошқа ишбилармонлар кейинчалик маблағларини фақат катта ва мунтазам фойда келтирадиган тармоқларга сарфлай бошладилар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши ўлкада пахтачиликнинг ривожланиши, унинг товарлик даражасини олиб боришида, пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати тармоқларини ривожлантиришдан ташқари, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Октябр тўнтариши оқибатида содир бўлган янгича бошқарув, янгича жамият қуриш орзулари 73 йилгина мавжуд бўлиб охир-оқибатида сароб каби тарқалиб кетди. Ёшлари-

мизнинг Ватан тарихини чуқур ўрганиши яқин ўтмишда аждодларимиз бошларидан кечирган алғов-долғов жараёнларнинг сабаб ва оқибатларини билишларига ва зарур хулосалар чиқаришларига ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Сиверс В. Всемирная география. Азия. – С.-Петербургъ: Книгоиздательское Товарищество "Просвещение", 1903. – С. 287.
2. ЎР МДА, ф. И-1, р.29, ҳ.867, в. 20.
3. Чехович О.Д. К истории Узбекистана XVIII в. // Труды института востоковедения АН УзССР. – Ташкент, 1954. – С. 48.
4. Бутенев К. Заводское дело в Бухаре// Горный журнал, ч. V,кн. XI. –СПб., 1942. – С. 42-49.
5. История таджикского народа. т. II, кн, II, -М.: Наука, 1964, – С. 95.
6. Бутенев К. Заводское дело в Бухаре. – С. 148-149.
7. Масальский В.И. Туркестанский край. Т. –СПб.: Россия, 1913. – С. 206.
8. Туркестанский сборник. Т. 5, – С. 313.
9. Кузнецов В.П. Ташкент в торговом и промышленном отношениях. Труды Вольного экономического обшества. т. IV, IV сб. – СПб, 1866, -С.4.
10. Чабров Г.Н. Туркестан на всероссийких и всемирных выставках (1867-1914) // Труды САГУ. – Ташкент: изд. САГУ, 1958. – С. 43.
11. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX начала XX века. –Т., 1962, – С. 20.
12. Народное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1979. – Б. 77-78.
13. ЎР МДА, ф. Р-53, I ёзув, 20 иш, 13 в.
14. Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX -начала XX- века. –Т., 1962. – С. 67
15. ЎР МДА, фонд 596, I-ёзув, 3-иш, 40в.
16. ЎР МДА, фонд Р-53, 1-ёзув, 8-иш, 132-в
17. Ўша ерда, ф. И-22, р.1, ҳ.2074, в.21.
18. Слуцкий И. Маслобойные заводы в Туркестане. Туркестанский сборник, т. 422, – Ташкент, 1907, – С.139.



**РЕЗЮМЕ**

В статье описывается, как после установления протектората Царской России Бухарского эмират лишился самостоятельности в торгово-экономических отношениях с государствами Востока. Но строительство железной дороги в Средней Азии оказало большое влияние на развитие предпринимательства и торговли в эмирате. В результате этого начало формироватся заводское дело и открылись акционерные общества, что благоприятно повлияло на предпринимательство и торговые отношения .

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Бухоро амирлигининг Чор Россиясига қарам давлатга айлантирилгандан кейин Шарқ мамлакатлари билан мустақил савдо алоқаси қилишдан маҳрум бўлганлиги, лекин Ўрта Осиё темир йўли қурилиши амирликда тадбиркорлик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши имконини яратганлиги, натижада заводлар ва акционерлик ишлари шаклланиб, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ муносабатларига самарали таъсир кўрсатганлиги ёритилган.

**RESUME**

The article highlights what, after becoming a protectorate of Tsarist Russia, the Emirate of Bukhara lost from an independent trade and economic relationship with Eastern states. But the construction of the railway in Central Asia had a great influence on the development of entrepreneurship and trade in the emirate. As a result of this, plant business and joint-stock companies were formed, which favorably influenced business and trade relations.



***Нашрга проф. Б.Эшов тавсия этган***

## ҒИЖЖАК – ТАРИХ БАҒРИДА

**Азизбоев С.С.** (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** *ғижжак, ғипчак, созанда, Фаробий, Бобур, Навоий, ибн Сино.*

Узоқ ўтмишда халқ чолғулари пайдо бўлган, асрлар оша ривожланган, мукаммаллашган, не-не қалбларни забт этган ва бугунги кунга қадар мукаммал кўринишда бизгача етиб келган. Илмий изланишлар ва кузатишлардан шуни билиш мумкинки, эрамиздан аввалги 8000 йилликда дастлабки чолғулар дунёга келган, дея тахмин қилинади. Ўз ўзидан маълумки, дастлаб зарбли чолғулар пайдо бўлган. Бора бора пуфлама чолғулар, торли чолғулар ва шу зайлда мукаммаллашиб бораверган. Ўзбек халқ чолғулари эса қадимги Шарқ маданияти бағрида шаклланди, ривожланди ва мукаммаллик касб этди. Кўп асрлик тараққиёт давомида бу чолғулар фақат ўзигагина хос хусусиятларни, товуш тусини сақлаб қолди. Ўрта аср алломалари Фаробийнинг “Китаб-ул мусиқий ал-кабир”, Мароғийнинг “Жами ал-алҳон фи-илм ал-мусиқий”, Жомийнинг “Мусиқа рисоласи”, Дарвеш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласи” каби қомусий асарларида миллий чолғуларимизнинг таснифи, уларни тадқиқ этиш масалалари, ўтаган вазифалари каби муҳим масалалар баён этилган. Мусиқа чолғулари орасида камонли созлар ўзига ҳос турфа овози ва жозибаси билан ажралиб туради. Уларнинг келиб чиқиши, камонда садолантириш усулининг яратилиши борасида ёзма манбаларда турли маълумотлар берилган.

Бир қанча чолғуларимиз бугунги кунга қадар анъанавий шаклда етиб келди. Булар сирасига ғижжак созини ҳам киритишимиз мумкин. Ғижжакнинг келиб чиқиш тарихи X-XI асрларга тўғри келади. Бу хусусда ривоятга айланиб кетган, бир маълумот мавжуд бўлиб, у “Зийнат ал-мажолис” (“Зийнатларнинг мажлиси”) анталогиясида батафсил келтирилади. Ундаги маълумотга кўра, Абу Наср Фаробий Рай шаҳрида Соҳиб ибн Аббод қабулида, зиёфат вақтида аввал ҳеч ким кўрмаган чолғуда гўзал куйни ижро этади. Бу чолғуни Фаробий ўзи ихтиро қилган ва ўзи ясаган ҳамда унга “ғипчак” деб ном берган эди. Шакли кичик қовоққа ўхшаш икки торли ғипчакдан таралган садолар тингловчиларни ҳам йиғлатган, ҳам кулдирган, ҳам ҳаяжонга солган экан. Дарвеш Али Чангий эса ўз рисоласида бу созни Носир Хусрав билан Абу Али ибн Сино ҳамкорликда яратгани хақида баён қилади.[1] Ҳар икки берилган маълумотларда ғижжакнинг ихтиро этилиш даври X-XI асрларга тўғри келади. Аммо қадимий манбаларга мурожаат этадиган бўлсак, мазкур даврдан анча илгари ушбу чолғунинг мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, III–IV асрларда ёзилган “Оссурия дарахти” қадим Хуросон адабий асарида, кичик бир мунозарада ғижжак номи тилга олинади. Айни пайтда, шу даврга оид камонли соз тасвирининг “Тупроқ қалъа” қасридан топилиши бу чолғунинг III–IV асрларда мавжуд бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Жуда кўп илмий мусиқий рисолаларда келтирилган Фаробийнинг “ғипчак”и аслида унданда илгари мавжуд бўлган дастлабки ғижжаксимон чолғунинг қайта тикланган варианти бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир замонда олимлар ўзидан аввалги илмий манбаларга асосланган ҳолда иш юритганлар, унутилиб кетаётган қадриятларни қайта тиклаб халққа қайтариб берганлар. Носир Хусрав ва Ибн Синонинг ҳамкорлигида ҳам мана шундай эҳтимоллик юқори туради.

Ғижжак Бобур замонасига келиб уч торли чолғу сифатида шаклланди. “Бобурнома”да айтилишича, ўз даврининг машҳур созандаси Қулмуҳаммад Удий ғижжакка учинчи торни тақиб, юқори ижрочилик маҳоратини намойиш этган.[2] Учинчи тор чолғуга янада жозиба, жарангдорлик бахш этиб, куйларнинг жилосини янада оширган. Шунинг

[1] Семенов А.А. Среднеазиатский трактат музыке Дарвиша Али XVII века. – Т., 1946.

[2] Тошмуҳамедов М. Ғижжак дарслиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 3.

учун ҳам у даврларда уч торли ғижжак созандалар ва тингловчилар орасида тезда оммалашиб кетди.

Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асарида ҳам ғижжак чолғуси ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Унда айтилишича, сарой созандаларининг ҳар бири ғижжак чолғусини чала олиши шарт бўлган. Саройнинг ҳар бир созандаси бу чолғуни бажонидил ўрганганлар, унда турли куйлар басталаганлар ва бу чолғу ёрдамида сарой меҳмонларининг ва аъзоларининг кўнглини хушнуд этганлар. Ўрта асрда Алижон Ғижжакий, Хўжа Ўзбек Ғижжакий каби санъаткорлар номи тарихий, мусиқий-илмий рисолаларда келтирилган.

Тарихий маълумотларга кўра барча камонли чолғуларнинг яратилишига қўбуз асос бўлган, дейилади. Маълумки, Марказий Осиё буюк ипак йўлининг маркази бўлиб, Шарқдакдан келаётган карвон мамлакатимизнинг асосий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хивага келиб, бу ерлардан савдо ишлари билан бирга маданий алоқалар алмашинувига асос бўлган. Карвонлар нафақат моддий бойлик балки маънавий-маърифий ва ижтимоий соҳаларда ҳам фикр алмашиш воситаси бўлган. Карвонлар бу шаҳарлардан турли йўналишларга бўлинган. Бир қисми Араб мамлакатларига, бир қисми Европага ва яна Кавказ орти мамлакатларига йўл олган. Миллий маданий соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказган ва миллий чолғулар такомиллаштирилган. Мусиқий чолғулар ва мусиқий асарлар ҳар бир халқнинг ўз менталитетига мослаштирилган. Камонли чолғуларнинг ибтидоси қўбуз бўлса, Европа камонли созларининг асоси ҳам қўбузга тақалиши бугунги кунда олимлар томонидан тахмин қилинмоқда. Шу жумладан ғижжакнинг ибтидоси ҳам қўбуз бўлиши мумкин. Ғижжак – ғижиллаш, ғижирламоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу чолғу ҳақида Дарвеш Али Чангий ўзининг мусиқий рисоласида бу сознинг келиб чиқиши Маҳмуд Ғазнавий замонига бориб тақалиши ва Носир Хусрав Деҳлавий, Абу Али Ибн Сино каби алломалар ушбу чолғунинг ривожи ҳамда такомилини таъминлаганликлари айтилади. Тарихга назар солганимизда шуни кўришимиз мумкинки, ҳар бир чолғу вақт силсиласида ўзига хос ўзгаришларга юз тутгани каби, ғижжак чолғусининг ташқи кўриниши жиҳатдан ҳам, товуши жиҳатдан ҳам ўзгаришларга учраган. Албатта, бу далилларнинг бари, ғижжак созининг бугунги кўринишга келишига ўзининг ҳиссасини қўшган бўлиши мумкин.

Мўъжазгина ғижжак созининг бугунги кундаги тузилиши ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтишимиз мумкин: унинг юмалоқ чўмичсимон косаси олдин қовоқ, кокос ёнғоғидан ясалган, ҳозир эса ёғоч (тут, ёнғоқ) ғўлачасидан ўйиб ясалади ва косаси оғзига тери ёки пуфак тортилади. Пардасиз дастасининг бир учига қулоқлар ўрнатилади, бир учи эса косахона устига жойлашади. Даста билан косахонанинг умумий узунлиги 550-900 мм атрофида. Ҳозирда ғижжакнинг торлар сони 3-4 бўлиб, кварта-квинтага созланади. Улар дастанинг юқори қисмида жойлашган шайтон харак ва косахона устидаги харакка ётқизилади. Умумий диапазони 4 октавадан ортиқ. Ғижжакнинг инсон овозига яқин, нозик ва дардли товуши, қочиримларга бой, хонақоий ижро услуби туфайли миллий мумтоз мусиқа ансамблларида асосий ўрин тутади.

Чолғунинг янги такомиллаштирилган варианти ва думалоқ дастали ғижжак борасида жуда кўп фикрларни билдириш мумкин. Энг асосийси, бу чолғу миллий мумтоз мусиқамизда ўз ўрнига эга, унинг мусиқамиз ривожига қўшаётган ҳиссаси улкан. Шундай экан, ғижжак созининг тарихини ўрганиш, унинг қадимий асл шаклларини тиклаш бугунги кунинг энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади; бу сознинг шаклланиш тарихига илмий ва амалий жиҳатдан чуқур ёндашиш унинг янги сир-синоатларини юзага чиқиш имконини бериши шубҳасиз.

**Фойдаланилган адабиётлар**
1. Фелициант Р., Алиев С. Ғижжак дарслиги. – Т., 1961.
2. Тошмухаммедов М. Ғижжак дарслиги. – 1995.
3. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т., 1993.
4. Семенов А.А. Среднеазиатский трактат о музыке Дарвиша Али XVII века. – Т., 1946.
5. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Тошкент: Фан, – Т., 1993.
**РЕЗЮМЕ**
Ушбу мақолада ғижжак чолғусининг яратилиш ва ривожланиш тарихи хақидаги фикрлар, бу чолғунинг қадимда қайта тикланиши борасида Фаробий, Ибн Сино каби алломаларининг қўшган ҳиссалари ҳақида маълумотлар берилган.
**РЕЗЮМЕ**
В статье идет речь об истории создания и развития инструмента гиджак, а также о вкладе таких мыслителей, как Фараби и Ибн-Сина, в возрождение этого инструмента.
**SUMMARY**
The article deals with the history of the creation and development of the gijak tool, as well as the contribution of such thinkers as Farabi and Ibn Sina to the revival of this tool.

***Нашрга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган***

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ТАРМОҚЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ҲУКУМАТНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

**Ачилов А.Т.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Буюк ипак йўли, карвон йўллари, маҳаллий хукумат, хизмат кўрсатиш тизими, Моваруннаҳр, Хуросон, Амир Темур давлати, почта алоқа хизмати, элчи.*

Буюк ипак йўлини ўрганиш бўйича салмоқли тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бу мавзуда ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, Буюк ипак йўли карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишда, бу тизим фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришда минтақада ташкил топган қудратли ва кучли марказий ҳокимиятга эга давлатлар катта ўрин тутган. Ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларни ривожлантиришдан бевосита манфаатдор бўлган бундай мамлакатларда карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини йўлга қўйиш, хавфсизликни таъминлаш, йўловчиларга тегишли хизматларни кўрсатиш ишига давлат аҳамиятига эга муҳим сиёсий масала сифатида қаралар эди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган туркий сулолалар Буюк ипак йўлининг минтақа орқали ўтган йўналишлари бўйлаб олиб борилган карвон савдосини ривожлантиришни доимо давлат назоратида тутиб туришга ҳаракат қилганлар. Мазкур йўлнинг фаолиятида, Хитойнинг ички ҳудудларини Марказий Осиё орқали Ўрта ер денгизига олиб чиқувчи трансминтақавий транзит алоқа-савдо йўллари фаолиятида тегишли йўлбўйи инфратузилмаларининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга эди.

Хусусан, Амир Темур (1336-1405) улкан салтанати даврида бутун Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда карвон йўлларида хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилди. Ташқи савдодан катта фойда олганликлари боис, бу давлатлар карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш кафолати бўлиб майдонга чиқдилар. Карвон йўллари бўйида божхоналар, йўлбўйи иншоотлари барпо этилди, савдо карвонларининг зарурий эҳтиёжларини (озиқ-овқат ва сувга, улов воситалари учун ем-хашакка ва бошқаларга бўлган талаблар) таъминлашга хизмат қилувчи тегишли инфратузилмалар ташкил этилди.

Карвон йўлларида миноралар қуришга, зарур жойларда турли белгилар ва махсус йўлкўрсаткичлар бўлишига ҳам катта эътибор қаратиларди. Хусусан,Қизилқум чўли орқали ўтган Марв-Бухоро карвон йўлидаги йўлбўйи инфратузилмалари ичида Айритом ва Дунётепа каби кечаси карвонлар адашмаслиги учун олов ёқиб сигнал берувчи миноралар ҳам бўлгани аҳамиятлидир [1:75-129]. Бу миноралар карвон йўллари тизими фаолиятига хос етакчи анъаналардан далолат беради.

Носир Хисрав дашт йўлларидан ўтувчи йўловчилар қор ва бўронли кунларда йўлдан адашмаслиги учун йўл бўйлаб қозиқлар қоқиб чиқилганини ҳақида хабар беради [2:20].Марко Поло мўғуллар салтанатидаги йўлларда ҳам махсус йўл белгилари борлиги ҳақида маълумот ёзиб қолдиргани маълум [3:171-174]. Бу ва бошқа кўплаб мисолларда ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқалар йўлларда хизмат кўрсатиш ва хавфсизликни таъминлаш масаласи билан узвий боғлиқликда ривожланиб борганлигини кўрсатиб турибди.

Амир Темур ва темурийлар даври карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими ривожида ҳам муҳим ўрин тутади. Савдо марказлари бўлган шаҳарларда барпо этилган ихтисослашган бозорлар, савдо ярмаркалари, карвон йўллари бўйида савдо-сотиқ билан боғлиқ иншоотларнинг кўплаб барпо этилиши, кўприклар қурилиши, йўлларнинг таъмирланиши, бу масалалар билан махсус вазирлик шуғуллангани ва бошқа тегишли тадбирлар амалга оширилгани марказий ҳукуматнинг ички ва ташқи иқтисодий-савдо алоқаларда адолатли сиёсат қўллаганлигини, қатъий тартиб ўрнатганлигини кўрсатади.

Соҳибқироннинг савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўллари ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича амалий ишлари “Темур тузуклари”да ҳам акс этгани эътиборлидир [4:73]. Бу даврда карвон йўлларида савдогарларнинг хавфсизлигини, мол-мулкларининг бутунлигини сақлаш, тадбиркорлар ва савдо аҳлини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди ва марказий ҳокимият унинг кафолати бўлиб майдонга чиқди [5:174-176].

Маҳаллий ҳукуматнинг савдо карвонларига бўлган муносабатини аниқлаштиришда “Бобурнома”да келтирилган воқеа аҳамиятлидир. Унга кўра, Қашқардан келаётган савдо карвони Андижоннинг шарқидаги тоғда қор кўчкиси тагида ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар олингач, уларнинг мол-мулкини асраш ва меросхўрларига етказиш бўйича тадбирлар олиб борилган [6:10]. Бу ҳам темурийлар даврида савдо карвонлари фаолияти давлат назорати ва ҳимоясида бўлганини тасдиқлайди.

Буюк ипак йўлларида элчилар ва элчилик миссиялари аъзолари, турли тоифадаги амалдорлар, давлат хизматчилари, чопарлар, махсус ёрлиққа эга бўлган савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлашга ва уларга бошқа тегишли хизматлар кўрсатишга катта эътибор қаратиларди. Бу тизим минтақамизда қадимдан мавжуд бўлган. Хусусан, буни Марказий Осиёда катта таъсирга эга бўлган Хун элчилари Усунлар юртидан (Еттисувдан) Аньсигача (Эронгача) бўлган ҳар бир ўлкада йўлбошловчи билан таъминланиб, озиқ-овқат ва улов воситаларига бўлган талаби тўлиқ қондирилиши, машҳур Хитой сайёҳи, элчи Чжан Цяннинг Даван давлатидан Катта Юечжилар юртига ўтишида йўлбошчилар билан таъминланиб, хавфсизлиги таъминлангани ҳақида хитой манбаларидаги маълумотлар мисолида ҳам кўриш мумкин [7:165].

Амир Темур барпо этган улкан салтанатда ҳам хориждан ташриф буюраётган элчилик миссиялари аъзоларига хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил қилинган эди. Бу ҳақда 1404 йил кузи бошларида Испания (Леон ва Кастилия) қироли номидан Амир Темур саройига келган Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларида ҳам батафсил маълумотлар берилади. Унга кўра, элчилар ва уларнинг ҳамроҳларига улкан салтанатнинг ҳар бир шаҳри, йўллардаги ҳар бир бекат ва манзилда юксак иззат-ҳурмат кўрсатилиб, уларни қимматбаҳо совға-саломлар, салтанат отлари ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш йўлга қўйилган эди [8:19-29].

Сиёсий беқарорлик, ўзаро низолар ва марказий ҳукуматнинг заифлашуви карвон йўлларида хавф-хатарларнинг ошишига олиб келувчи сабаблардан эди. Масалан, темурийлар даврида Хитойга жўнатилган айрим элчилик миссиялари Шарқий Туркистондаги беқарор сиёсий вазият сабабли маълум қийинчиликларга дуч келгани манбаларда акс этган [9:132-133].

XVI асрнинг 40-йиллари охири 50-йиллар ўрталарида Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали ўз юртига ўтган турк адмирали Сайди Али Раис асаридаги маълумотларни таҳлил қилиш ҳам сиёсий беқарорлик даврларида карвон йўлларида хизмат кўрсатиш ва хавфсизликни таъминлаш масаласида катта узилишлар бўлгани ҳақида хулоса қилиш мумкин [10:94-116].

1558 йилда Москва князи Иван Грознийнинг элчиси сифатида Ўрта Осиёга келган инглиз сайёҳи Антони Женкинсон Хоразмнинг пойтахти Урганч (Кўҳна Урганч) дан Бухорога қараб йўлга чиққанда Хоразм хонининг қўриқчилар ажратганлиги ва элчининг хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги хатига қарамасдан уларнинг карвонига қароқчилар ҳужум қилганлигини қайд этади [11:36-41]. Бу ва бошқа манбалардаги маълумотлар асосида сиёсий беқарорлик кучайган айрим даврларда ҳатто элчилик миссиялари ҳам карвон йўлларида турли хавф-хатарларга дуч келганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

Буюк ипак йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида почта хизмати кўрсатиш ҳам муҳим ўрин тутган. Маълумки, карвон йўллари бўйлаб почта хизмати кўрсатиш қадим даврлардан бошлаб йўлга қўйилган. Карвон йўллардаги махсус бекатларда хабарчилар, подшо чопарлари озиқ-овқат ва чопқир отлар билан таъминланганлиги қадимги юнон манбаларида ҳам акс этган [12:286].

Почта хизмати ҳукмдорларга ва хусусий шахсларга тегишли хат-хабарларни манзилга етказиш вазифасини бажариб, махсус хабарчилар орқали амалга оширилган. Манбаларда давлат почта хизматидан ташқари хусусий почтачилар ҳам бўлганлиги, шунингдек, хат-хабарларни етказишда махсус ўргатилган каптарлар ва бошқа қушлардан ҳам фойдаланилганини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. Хусусан, ўргатилган каптарлар орқали хат-хабарлар етказиш форс денгизчилари орасида ва, умуман, мусулмон мамлакатларида кенг тарқалгани манбаларда акс этган [13:453-454/448-452].

Махсус хабарчилар етказиладиган хат-хабарнинг муҳимлигига қараб алоҳида ҳолда ҳам, савдо карвонлари таркибида ҳам фаолият юритганлар. Айрим ҳолларда карвонбоши ёки савдогарлар ҳам хабарчи вазифасини бажарган.

Мусулмон манбаларидаги кўплаб маълумотлар ривожланган ўрта асрларда почта-алоқа хизмати фаолияти изчил йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Ибн Хурдадбеҳнинг ислом мамлакатларида 930 та почта йўллари – сикка борлиги, ҳар йили почта отлари (ад-даваб) сотиб олиш, почта бекатлари бошлиқлари ва чопарларга маош тўлаш учун 159000 динор харажат қилиниши ҳақида хабари [14:124] улкан халифаликда почта хизмати кўламидан далолат бериб турибди.

Ўрта асрларда Марказий Осиёнинг савдо йўлларида савдо карвонларига, сайёҳларга, ҳарбий қўшинларга ва умуман йўловчиларга почта хизмати кўрсатиш янада такомиллашди [15:39]. Бу ҳақдаги маълумотлар араб манбаларида ҳам акс этган. Хусусан, Ат-Табарийнинг туркларнинг почта бекатлари ва отлар ҳақидаги қайди маълум [16:232]. “Ахбор ал-Булдон”да минтақа шимолидаги даштлар орқали ўтган карвон йўлидаги ўтовлардан барпо қилинган почта бекатлари ҳақида маълумот берилади [17:2-3]. Қудама ибн Жаъфар асарида минтақанинг карвон йўллари бўйлаб турклар почтаси 15 кунлик йўлни 3 кунда босиб ўтиши қайд этилган [18:77].

Ушбу “Барид ат-турк” (турклар почтаси) ҳақидаги маълумотларда [19:449] Евросиёнинг катта қисмини бошқарган турк давлатларида алоқа-почта хизмати яхши йўлга қўйилганлиги, давлат бошқарувини амалга оширишда, марказий ҳокимиятни салтанатнинг турли қисмлари билан тезкор алоқаларини таъминлашда почта хизмати кўрсатиш

катта аҳамиятга эга бўлган тизим сифатида фаолият кўрсатганлигини билдиради. Шу билан бирга, айрим даврларда хусусий шахсларга тегишли хатлар турли сабаблар туфайли манзилга етиб келмагани ҳам маълум. Буни илк ўрта асрларда Хитойдан Суғдиёнага юборилган ва эгасига етиб келмаган машҳур иккита хат [20:62-63] мисолида яққол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳолат Марказий Осиёда почта хизмати фаолиятидаги камчиликлардан ҳам далолат беради.

Абулфазл Байҳақий Ғазнавий ҳукмдор Масъуднинг Балхдан Термиз орқали Чағаниёнга ҳарбий юриши даврида (1038-1039 йил қиши фаслида) унга Ғазнадан вазир юборган шошилинч хабар (махфий хат) йўлга кетма-кет қўйилган суворийлар орқали бетўхтов етказилганлиги ҳақида хабар беради [21:24-25]. Низомилмулкнинг “Сиёсатнома” (“Сияр ул-Мулук”) асарида ҳам чопарлар хизматини ўрганиш ва унинг аҳамияти бўйича қимматли фикрлар мавжуд [22:88]. Бу ва бошқа маълумотлар ривожланган ўрта асрларда почта хизмати фаолияти, уни юритиш шакллари ҳақида етарлича тасаввур уйғотади.

Почта-алоқа хизмати фаолияти муҳим давлат аҳамиятига эга бўлиб, уни махсус вазирлик бошқаргани маълум. Хусусан, Сомонийлар даврида “Девони барид” номли вазирлик хат-хабарлар, яъни алоқа-почта хизматини назорат қилиб, бош вазирга эмас, бевосита Амирга бўйсунган [23:75-78].

Карвон йўлларида почта хизмати кўрсатиш тизими кейинги даврларда янада такомиллашиб борди. XIII асрда Марказий Осиёда бўлган машҳур сайёҳ Марко Поло Буюк Хон буйруғи билан карвон йўлларида хон чопарларига хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилганлигини қайд этади. Хусусан, ҳар 22-25 мил [24:71] масофада почта бекатлари – “янб” (ёмлар) барпо этилгани, уларда чопарлар дам олиши учун барча шароит мавжудлиги, ҳар бир бекатда 200 тадан 400 тагача чопқир отлар чопарлар хизматида экани, асосий йўлларнинг икки тарафига дарахтлар экилгани, карвонлар ва йўловчилар адашмаслиги учун тегишли жойларда тош ва устунлар шаклида махсус йўлкўрсаткичлар ўрнатилганини қайд этади [25:170-174]. Европалик тадқиқотчилар Чингизхон салтанатида ўрнатилган ўта қаттиқ тартиб-интизом ва давлат аҳамиятига эга хабарлар улкан салтанатнинг марказига, яъни Чингизхон қароргоҳига йўллардаги почта бекатлари орқали суткасига 600 км. тезликда етказиб берилганини қайд этадилар [26:214-215].

Амир Темур салтанатида ҳам почта хизмати мукаммал йўлга қўйилган эди. Бу Европа тилларида ёзилган манбалардаги маълумотлар билан ҳам тасдиқлангани муҳимдир. Маълумки, Темурбекнинг Анқара ёнидаги ғалабасидан (1402 йил) кейин Йилдирим Боязид қўшинида бўлган ва асирга тушганларнинг кўпчилиги Амир Темурнинг шафқати билан омон қолдирилган эди.

Улар сафида бўлган немис рицари Иоганн Шильтбергер хотираларида йирик карвон йўллари бўйида махсус бекатлар мавжудлиги, уларда давлат хизматчилари, чопарлар учун чопқир отлар доимо тайёр туриши, улкан салтанатнинг барча йўлларида бундай тизим йўлга қўйилгани қайд этилади. Бу манбага кўра, шошилинч хабар олиб кетаётган чопарлар бекатларга яқинлашганда рўмолчага ўралган қўнғироғини олиб чалганлар. Қўнғироқ овозини эшитган бекат назоратчилари чопарга тезда чопқир отларни тайёрлаб тақдим этиши шарт бўлган. Карвон йўлларида бундай тезкор хизмат ҳукмдорнинг махсус ёрлиғига эга чет эллик савдогарларга ва элчиларга ҳам кўрсатилган [27:64-65].

Шошилинч хабар олиб кетаётган от қўшилган аравалар тезлиги ҳам анча юқори бўлган. Масалан, қиёс тариқасида XX аср бошларида бир неча от қўшилган почта аравалари Самарқанд – Термиз почта йўли бўйлаб Термиздан Самарқандга шошилинч хабарларни 40 соатда етказиши шарт бўлганлигини айтиб ўтиш мумкин [28:31-32,79].

Карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимини барпо этиш, унинг фаолиятини назорат қилишда давлат ҳокимиятининг иштирокини қуйидаги ҳолатлар белгилаб берган.

Биринчидан, карвон йўллари ва тегишли инфратузилмаларнинг ҳолати билан боғлиқ белгилар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларга:

– Йўловчилар ва савдо карвонлари фойдаланишига, улов воситалари ва аравалар ҳаракатига қулай алоқа йўлларининг мавжудлиги, йўлларни қуриш ва таъмирлаш, фаолиятини назорат қилиш хизмати йўлга қўйилганлиги, соҳанинг бошқарув тизими мавжудлиги;

– йўлбўйи иншоотлари – вақтинчалик қўналғалар, работлар, карвонсаройлар, сардобалар, қудуқлар, кўприклар ва бошқа тегишли инфратузилмалар мавжудлиги;

– улов воситалари мавжудлиги, улардан нафақат савдогарлар, элчилар, чопарлар, давлат хизматчилари, шу билан бирга кенг аҳоли қатламининг фойдалана олиш имконияти яратилгани;

Иккинчидан, карвон йўлларида хизмат кўрсатиш хизматининг йўлга қўйилганлиги. Унда йўлбошловчилар, киракашлар, тилмочлар хизмати мавжудлиги, қўриқчилар хизматининг йўлга қўйилганлиги, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, яъни карвон йўлларида, савдо марказларида кишиларни озиқ-овқат ва улов воситаларини озуқа билан таъминланиш даражаси, маданий тадбирлар ташкил этилиши, карвон йўлларида, савдо марказларида тиббий хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги каби хизматларни кўрсатиш мумкин.

Карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатлари яратилгани ҳам давлат ҳокимиятининг катта хизмати эди. Хусусан:

– марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ривожлантиришга бўлган эътибори, тегишли қонунларнинг мавжудлиги;

– маҳаллий ва хорижий савдогарларнинг, карвонбошиларнинг ҳуқуқлари, уларнинг мол-мулкларининг дахлсизлиги тегишли қонунлар билан кафолатланганлиги;

– давлат хокимияти ва хусусий сармоядорларнинг карвон савдосидаги иштироки ва карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизимига жалб этилганлиги даражаси карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида давлат ҳокимиятининг тутган ўрнидан далолат беради.

Хуллас, Буюк ипак йўли карвон йўлларида хизмат кўрсатиш тизими фаолиятида минтақада ҳукмронлик қилган сулолаларнинг сиёсий ва иқтисодий қудрати муҳим ўрин тутган. Карвон йўлларида хизмат кўсатиш тизими фаолияти кўп қиррали бўлиб, унинг ривожланиш даражаси (динамикаси) жамиятдаги иқтисодий-маданий тараққиёт кўрсаткичларига ҳам мос келганлигини ва умуман цивилизация тараққиёти билан узвий боғлиқликда боргани ҳақида муҳим хулосага келишимиз мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Массон М.Е. Средневековый торговый путь из Мерва в Хорезм и в Мавераннахр (в пределах Туркменской ССР) // Труды ЮТАКЕ. – Ашхабад: Изд-во АН ТуркмССР, 1966. Т. 13. – С. 75-129.

2. Носир Хисров. Сафарнома / Форсийдан Ғ. Карим таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 20.

3. Марко Поло. Книги о разнообразии мира / Перевод И.Минаева.– М.:ЭКСМО, 2005. – С.171-174.

4. Темур тузуклари // Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996, – Б. 73.

5. Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2004. – Б. 174-176.

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989, – Б. 10.

7. Бичурин Н.Я. (Иакинф) . Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х частях.– Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч.2. – С.165.

8. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) . Рус тилидан (1881 йилда рус тилига қилинган таржимадан) О.Тоғаев таржимаси. – Тошкент: «O’zbekiston» NMIU, 2010. – Б. 126-146.

9. Ғуломов С. Амир Темур давлатининг Европа давлатлари билан дипломатик муносабатлари // O'zbekiston tarixi. – Тошкент: 2003. – № 2. – Б. 19-29.

10. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 132-133.

11. Сайди Али Раис. Миръотул мамолик (Мамлакатлар кўзгуси) / Таржима ва изоҳлар И. Зуннуновники, таҳрир ва сўзбоши С. Азимжонованики. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 94-116.

12. Мирзаев Р. Путешествие в Бухару Энтони Дженкинсона // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 4 (24) .– Б. 36-41.

13. Геродот. История. В девяти книгах / Пер.с греческого и коммент. Г.А. Стратановского. – М.: ОЛМА-ПРЕССИнвест, 2004.– С. 286.

14. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. (Китоб ал масалик ва-л мамалик) / Пер. с арабского, комм., исслед., указ. и карты Н. Валихановой. – Боку: Элм, 1986. – С. 124.

15. Бартольд В.В. Очерки истории Семиречья // Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1963. Т. 2. Ч. 1. – С. 39.

16. Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир ат-Табарий. "История" ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с арабского В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 232.

17. Ибн ал-Факих ал-Хамадани. Ахбор ал-Булдан (Известия о странах) / Пер. текста Ф.М. Асадова по изданию: Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. – Баку: Элм, 1993. – С. 2-3.

18. Из «Китаб ал-Хараджˮ» Кудама ибн Джа'фара / Перевод с арабского С. Волина // Новые материалы по древней и средневековой источники Казахстана. – Алма-Ата, 1960. – С. 77.

19. Мец А. Мусульманский Ренессанс// Перевод с немецкого, предисловий и указатель Д.Е.Бертельса.-М.: Изд-во ВиМ, 1996. – С. 449.

20. Абулфазл Байҳақий. Таърихи Масъудий // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2 (14) . – Б. 24-25.

21. Низомилмулк. Сиёсатнома. Сияр ул-Мулук / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлилар муаллифи Ш.Воҳидов ва А.Эркинов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 88.

22. Наршахий. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулов таржимаси. – Тошкент, 1991. – Б. 106; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006. – Б. 75-78.

23. Марко Поло. Книга о разнообразии мира / Перевод И.Минаева. – М.: ЭКСМО, 2005. – С. 170-174.

24. Шильтбергер И. Путешествие Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) / Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Ф.Брун.-Ташкент: Шарқ, 1997. – С. 64-65

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Буюк ипак йўлларида маҳаллий ҳукуматнинг хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этишдаги ўрни тарихий манба ва адабиётлар асосида ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье на основе исторических источников и литературы освещена роль местного правительства в организации сервиса на Великом шёлковом пути.

**SUMMARY**

This article explains the role of the local gouerment in organizing the services of the Great Silk Road on historical sources and literature.

***Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган***

## ТЕРМИЗ ЎРТА АСРЛАРДА

**Ҳасанов А.М.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Жанубий Ўзбекистон, Термиз, Амударё, Ҳутталон, Чағониён, Тирмиз, Турмиз, Та ми, шаҳарсозлик, илк ўрта асрлар, шаҳар.*

Термиз шаҳри Жанубий Ўзбекистоннинг йирик ва қадим тарихга эга шаҳарларидан биридир. Амударёнинг ўнг қирғоғида, муҳим кечув бўйида жойлашган Термиз мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб Шимолий Бақтриядаги энг йирик шаҳар сифатида

кўзга ташланади [1]. Бу шаҳар антик давр ва айниқса илк ўрта асрларда Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг ички ва ташқи алоқаларида, хусусан, Бақтрия пойтахтини Шимолий Бақтриядаги маконлар ва Суғд билан билан боғловчи йўллар тизимида асосий ўрин тута бошлайди [2:43-49].

Сурхон воҳасининг Зараутсой, Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсунтоғ қояларидаги расмлар бу замин жаҳон цивилизациясининг бешикларидан эканига гувоҳлик беради [3:277].

Термиз шаҳри ҳақидаги қимматли маълумотларни араб географлари ал-Мақдисий (“Аҳсан ут-тақосим фи маърифат ал-ақолийм”), ал-Истахрий (“Ал-Масолик ва-л-мамолик”), ал-Балазурий (“Футуҳ ал-булдон”) ва бошқа қатор муаллифларнинг асарларида учратамиз [4:52].

Термиз шаҳрининг барпо этилиши ҳақида манбаларда турлича маълумотлар сақланиб қолган. Тарихчи Ат Табарий Термизнинг барпо этилиши масаласига тўхталиб, ўз асарининг бир жойида Термизни Александр Македонский барпо этган 12 та шаҳарларнинг бири сифатида қайд қилса, бошқа жойда бу шаҳар сосоний ҳукмдор Кубод (489-581) томонидан барпо этилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади [5:210]. Ҳофизи Абрунинг “География” асарида Термизга Александр Македонский асос солганлиги ҳақида маълумот берилади [6:92]. Маҳаллий манбаларда эса Александр истилоси давригача бу ерда шаҳар мавжуд бўлганлиги қайд этилган 7:100].

Термиз атамаси бўйича ҳам ягона ва умум қабул қилинган, илмий асосли фикрлар ишлаб чиқилмаган. Айрим маълумотларга кўра, Термиз шаҳри номи Юнон Бақтрия подшоҳи Деметрий номидан келиб чиққан. Хитой манбаларида бу шаҳар “Та ми” шаклида келтирилади [7:101]. Шаҳарнинг энг қадимги номи Тармита эди.Бу ном В.Томашекнинг фикрича, “дарёнинг нариги соҳилларидаги манзил” маъносини англатувчи қадимги авесточа “Taramaetha” сўзидан келиб чиққан. Илк ўрта асрларга оид арман манбаларида “Дрмат” тарзида машҳур эди. IX-XIII асрларга оид араб манбаларида унинг «Тармиз», «Тирмиз», «Турмиз» шаклида турлича ёзилган номларини учратиш мумкин. XII аср муаллифларидан бири Термизда ўн икки кун яшаган Самъоний, гарчи баъзан “Турмиз” шаклида учраса ҳам, адабиётларда “Тирмиз” номи қабул қилинганлигини қайд этган эди. Самъоний маълумотларига кўра, маҳаллий аҳоли шаҳар номини, одатда, “Тармиз” шаклида талаффуз этган [8].

Милодий IV аср охиридан Тармита-Термиз вақт-вақти билан кидарийлар, хионийлар ва эфталитлар мулклари таркибига кирган. V асрнинг иккинчи ярми бошидан Тармита-Термиз шу даврдан бошлаб 563 йилгача, туркийлар томонидан тор-мор этилгунча ҳукмронлик қилган эфталитлар давлати тасарруфида бўлган.

Илк ўрта асрларда Термиз вилояти Термиз шаҳрини ва унга тегишли бўлган ҳудудларни ўз ичига олган йирик мулк ҳисобланган. Берунийнинг маълумотига кўра, исломгача бўлган даврда Термиз ҳукмдорлари “Термизшоҳ” унвонига эга бўлганлар [9:112].

Термиз шаҳрида 630 йилда бўлган Хитой сайёҳи, будда монахи Сюань Цзань Термизни туркларга тегишли шаҳар эканлигини, бу ерда 10 та будда ибодатхонаси борлигини, шаҳар шарқдан ғарбга қараб чўзилган бўлиб 20 ли (7-10 км) майдонни эгаллаганлигини маълумот сифатида қайд этади [10:237-243, 7:101].

Термиз шаҳри 689 йилда араб лашкарбошиси Мусо ибн Абдуллоҳ томонидан босиб олиниб, маҳаллий ҳукмдор “Термизшоҳ” шаҳардан ҳайдалгани ва 15 йил мазкур лашкарбоши томонидан халифаликдан мустақил мулк сифатида бошқаргани, фақатгина 704 йилда лашкарбоши Усмон ибн Маъсуд 15 минг кишилик қўшин билан келиб Мусо ибн Абдуллоҳни шаҳар ҳукмронлигидан маҳрум қилгани манбаларда ўз аксини топган [7:101]. Термизни араблар томонидан босиб олиниши ва араб халифалиги таркибига кириши шаҳарда янги маданият ва диннинг ёйилишига олиб келди. Шаҳарда яшовчи арабларнинг кўпчилиги унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий мавқеини эгаллагандилар.

Қисқа давр ичида шаҳарда исломнинг мавқеи жуда мустаҳкамланди, маҳаллий аҳоли орасидан ҳам янги дин тарафдорлари кўплаб пайдо бўла борди. Натижада ислом шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида белгиловчи омил бўлиб қолди.

Термиз VIII-IX асрлар давомида ҳали ҳам йирик шаҳар марказига айланмаганди. IX-X асрларга келиб эса Термиз Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик ва аҳолиси зич жойлашган шаҳар бўлиб, Ҳутталон ва Чағониённинг савдо маркази ҳисобланган. Шаҳар яқинида Амударёнинг энг тор кечуви жойлашган бўлиб, шаҳар Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик бандаргоҳ вазифасини ҳам бажарар эди [7:102]. IX асрда шаҳар 2 қисмдан –шаҳар ва рабоддан иборат эди. Ибн Хўрдодбеҳ, Кудома, Ат-Табарий маълумотларига кўра Термиз қояда жойлашган ва унинг девори дарёга туташлиги қайд этилган.

Сомонийлар даврида Термиздаги ҳаёт аста-секин шаҳристонга қараб сурилди ва унинг майдони 35 гектардан ошиб кетди. Ривожланган ўрта асрларда Термиз уч қисмдан - куҳандиз, шаҳристон ва рабоддан иборат йирик шаҳар бўлиб, VII асрдаёқ мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Ёзма манбалар маълумотига кўра, X асрда шаҳарнинг ҳар бир қисми, яъни қалъаси, мадинаси ва рабоди алоҳида девор билан ўраб олинган. Ҳукмдор саройи шаҳар қалъаси ичида, шаҳар жоме масжиди, бозори ва турмаси бевосита шаҳарда жойлашган эди [11]. Шаҳристон ҳудуди деярли бутун айланаси бўйлаб ташқи ва ички мудофаа деворлари билан ўралган. Бу деворлар бир-биридан 7-8 метр масофа оралиқда турган.

Ривожланган ўрта асрларда шаҳарнинг қисмларга бўлиниши ҳам олдинги даврларда шаклланган анъаналарни сақлаб қолган ҳолда амалга оширилган. Минтақамизда шаҳарларнинг уч қисмдан иборат бўлиши кушонлар давридаёқ шаклланган ва шаҳарсозлик маданиятининг ўзига хос белгиси ва анъанаси сифатида кўзга ташланар эди [7:104].

Термизшоҳлар саройи Қалъанинг жануби шарқий қисмидаги атрофи девор билан ўралган ҳудудда жойлашган бўлиб, унинг рўпарасида XI асрда Термиз шаҳри ҳокими саройи барпо этилган эди. Сарой 1025 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилган Маҳмуд Ғазнавий номи билан боғланади. Шаҳарда X асрда 3 та дарвоза бўлиб, қалъанинг жануби ғарбий қисмида жойлашган асосий дарвозасидан Амударёга чиқиш мумкин бўлган [12:34]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, шаҳар қалъасининг асосий дарвозаси ривожланган ўрта асрларда қалъанинг шарқий деворида, яъни шаҳристонга қараб жойлашган бўлиб, эски дарвозаси X асрда қайта қурилиб, фақат пиёдалар ўтиши учунгина қолдирилган [13:92].

Термиз шаҳри харобаси, яъни эски Термиз ҳозирги Термиз шаҳридан 8 км.ча ғарбда жойлашган бўлиб, мудофаа деворлари билан ўралган бир неча қисмдан иборат. Маҳаллий аҳоли томонидан қалъа деб аталувчи эски шаҳар қўрғони Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, 10 гектарга яқин майдонни эгаллайди. Амударё суви эски шаҳар деворини бевосита ювиб туради.

Термиз шаҳри ўрта асрларда Турмиз вилоятининг марказий шаҳри бўлиб, вилоятининг тарихий географик чегаралари сиёсий вазиятга боғлиқ равишда ўзгариб турганлиги боис унинг аниқ географик чегаралари хусусида фикр билдириш қийин. Термиз вилояти таркибига Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бир қанча рустоқлар ва кўплаб йирик қишлоқлар, Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бир қанча шаҳарлар ва кўплаб йирик қишлоқлар кирган бўлиб, улар ичида Сомон қишлоғи анча машҳур ҳисобланади. Бу қишлоқ Сомонхудодларнинг мулки бўлиб, бу ердан Сомонийлар сулоласининг асосчилари чиққан деган фикр ҳам бор [7:112-114].

Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган Термиз [1] ривожланган ўрта асрларда Амударё сув йўлидаги йирик бандаргоҳга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг жанубидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳарлардан ҳисобланарди [14]. Термиздан Шарқий Хуросоннинг энг йирик шаҳри, араб манбаларида “Умм ул-Билод” (“шаҳарлар онаси”) деб номланган Балх шаҳрига ўтувчи карвон йўли бошланиб, манбаларда улар оралиғида Сияхгирд номли йирик қишлоқ бўлгани қайд этилади.

Эски Термиздаги Қоратепа ёдгорлигидан топилган булладаги (Булла - бир томонида (уч қисмида) муҳр ёки тамға босилган, ёғоч ёки сополдан ясалган буюм) кема тасвири қадимги даврда Амударёда фойдаланилган кемалар шакли ва тузилиши ҳақида муҳим маълумот беради.

Термиз шаҳри XI-XIII аср бошларида тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди. Умумий майдони эса 500 гектардан ошиб кетди. Қалъа мудофаа деворининг пишиқ ғиштдан кўтарилган иккинчи ҳалқаси қурилган давр ҳам, айнан шу даврга тўғри келади. XI-XIII аср бошларида Термизда ички ва ташқи савдо ғоят юксалди, натижада бу ерда товар-пул муносабатларининг ривожланиш даражаси жуда юқори бўлди. Термиз қуруқлик орқали эмас, дарё орқали ҳам савдо-сотиқ олиб борган.Ўша даврда у Амударё бўйидаги энг йирик бандаргоҳ шаҳар эди. Бироқ 1220 йилнинг кузида Чингизхон шаҳарни ўн кун қамал қилиши ва уни таг-туги билан вайрон этишга амр этиши билан шаҳар равнақи тўхтаб қолди. Шаҳар эса мардоновор қаршилик кўрсатганлиги сабаб “Мадинат уррижол” номи билан эсланадиган бўлди. Мўғуллар истилосидан сўнг тез орада янги жойда янги шаҳарга пойдевор қўйилди [15].

Мўғуллар истилосидан сўнг Термиз Чиғатойлар давлати таркибига кирди. Лекин шаҳар ўрнида тикланмади, балки шимоли-шарқ томонга қараб сурилди ҳамда Чағонруд бўйлаб ҳудудни эгаллади. XIV аср бошига келиб янги шаҳар ажойиб бозорлари ва сон-саноқсиз боғ-роғларга эга бўлган жуда йирик шаҳар сифатида қад кўтарди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Жалолиддин Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.

2.Пидаев Ш.Р. Кўҳна Термиз ва Буюк ипак йўли // Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари. – Самарқанд, 1994. – Б. 52-53; Leriche P., Sh. R.Pidaev. Termez // LA BACTRIANE. Les fabuleux tresors de L’Oxus // Dossiers d’Archeologie. – Paris, 1999. № 247. – P. 43-49.

3.Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 277.

4.Уватов У. Буюк юрт алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 52.

5.Ат-Табари. Тарихи Табари (“История” ат-Табари). Избранные отрывки /Перевод с арабскогоВ.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Бальшакова и А.Б. Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 210.

6.Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения. Работы по источниковедению. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII. – С. 92.

7.Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 100.

8.Термиз. Китоб-альбом. – Т.: 2001.

9.Беруний, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Таржимон А. Расулов. Изоҳларни И.Абдуллаев ва А.Расулов тузган.– Тошкент: Фан, 1968. Т. I. – Б. 112.

10. Бартольд В.В. Туркестанский край в XIII веке (По рассказу китайского путешественника) / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 237-243; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тахаристана. ... – С. 101.

11. Бартольд В.В. Работы по источниковедению. / Соч. в 9 томах. – М.: Наука, 1965. Т. VIII.

12. Махмуд Ибн Вали. Бахр ал-асрор фи маноқиб ал ахйар. Море тайн относительно доблестей благородных (география) / Введение, перевод, примеч. и указатели Б.Ахмедова. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 34.

13. Массон М.Е. Городище старого Термеза и его изучение. Труды Узбекистанского филиала АН СССР. Серия 1. Термезская археологическая комплексная экспедеция 1936 г. – Ташкент, 1940. – С. 92.

14. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viaeregnorum … P.338-341; Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (Kitab surat al-Ard) ... – P. 457-458; Hudüd al-‘Älam (The regions of the world) ... – P. 114.

15. Термиз. Китоб-альбом. – Т., 2001.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Жанубий Ўзбекистоннинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Термиз шаҳрининг ўрта асрлардаги тарихи талқин этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье описывается средневековая история Термеза - одного из центральных городов юга Узбекистана.

**SUMMARY**

The history of Termiz city in middle ages is described which was one of the central cities of Southern Uzbekistan in this article.

***Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган***

## БУХОРО АМИРЛИГИ ШАҲАРЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Бердиев Ж.П.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар***: Бухоро хонлиги, Бухоро амирлиги, деҳқончилик, чорвачилик, шаҳар, ҳунармадчилик, бозор, йилқичилик, тўқимачилик, пахта, жун, ипак, кулолчилик, дурадгорлик, кўнчилик, темирчилик, заргарлик, карвонсарой, гилам, қозон, игна, олма, қайчи, қанд, шакар, мўйна, чарм.*

XV асрниг охири – XVI асрнинг бошларида Бухоро хонлиги сифатида пайдо бўлиб, кейинчалик Бухоро амирлиги деб юритилган ҳамда 1920 йилга қадар мавжуд бўлган Бухоро давлатининг ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрни ва мавқеи бор. Айниқса, жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган, пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалувчи Бухоро амирлиги шаҳарлари нафақат Ўрта Осиё, балки хориж давлатлар билан бўлган ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларда ўзига хос нуфузга эга эдилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқларда истиқомат қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган бўлса-да, бу даврдаги шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳаётдаги иштироки, шаҳарлардаги ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ҳар томонлама ривожи, шаҳарлардаги ҳунармандчилик турларининг ихтисослашуви кабилар шаҳарларнинг иқтисодий ҳаётдаги мавқеини белгилаб берган эди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда амирликнинг Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Кармана, Қарши, Каттақўрғон, Термиз, Денов каби шаҳарлари иқтисодий ҳаётнинг ички ва ташқи савдосига етакчилик қилганлар. Манбаларга эътибор берадиган бўлсак, Д.Н.Логофетнинг маълумотларига кўра, Бухоро амирлигининг Қашқадарё воҳаси, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Термиз шаҳарларидаги иқтисодий ҳаёт савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан боғлиқ эди [1].

Аввало, амирликнинг пойтахти Бухоро шаҳри ҳақида тўхталадиган бўлсак, Бухоро бозорларида Шаҳрисабз ва Ҳисордан келтирилган гуруч, Бухоро ва Қаршининг куруқ мевалари, Зарафшон, Кармана, Миёнқол ипаги ва пахтаси юқори баҳоланган. Мисол учун, 1834 йилнинг қишида Бухорода буғдойнинг бир ботмони[1] 12-14 танга миқдорида, кунжутнинг бир ботмони 18-19 танга, арпанинг бир ботмони 10,5 танга, нўхатнинг бир ботмони 20 танга миқдорида сотилган [2].

Мавжуд манбаларнинг кўпчилиги Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида боғлар яратишга катта эътибор берилганлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Хусусан, бу ҳудудларда ўрик, бодом, гилос, олча, ёввойи гилос, тоғ олча, писта, шафтоли, нок, олхўри,

[1] Ўша давр ҳисоб-китобларига кўра, Бухорода бир ботмон 131 кг.га тенг бўлган.

олма, ёнғоқ, беҳи, анор, ҳамда тутларнинг катта-катта боғлари мавжуд бўлиб, улардан кўплаб ҳосил олинган ва янгилари ички бозорларда, қуритилганлари эса ички ва ташқи бозорларда сотилган.

Амирликнинг Бухоро, Қарши, Сурхон-Шеробод чўл-даштларида чорвачилик ва йилқичиликка катта эътибор қаратилганлиги боис чорвачилик ривож топган. Ушбу соҳанинг ривожи асосида эса сифатли тери ва жун маҳсулотлари олиниб, улардан кийим, пойабзал, гиламлар, шолчалар, наматлар, турли арқонлар тайёрланиб, бозорларга чиқарилган. Ундан ташқари чўл ва дашт аҳолиси шаҳар аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотлари билан ҳам таъминлаб турган [3].

Амирлик шаҳарларидаги ҳунармандчиликда тўқимачилик етакчи тармоқлардан ҳисобланган. Бу соҳа асосан амирликдаги маҳаллий хом ашё манбалари – пахта, жун ва ипакнинг етарли миқдорда бўлганлиги учун ҳам яхши ривожланган. Маълумотларга кўра, XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлигининг Қашқадарё воҳасида ҳунармандчилик яхши ривожланган бўлиб, унинг тўқимачилик, кулолчилик, дурадгорлик, кўнчилик ва темирчилик турлари бутун воҳа ҳамда амирликнинг хўжалик ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган эди. Ҳунармандчиликнинг кўпчилик турлари Қашқадарё воҳасининг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарларида жуда яхши ривожланган эди [4].

Қашқадарё воҳаси шаҳарлари ҳунармандчиликнинг тўқимачилик соҳаси билан ҳам амирлик ва қўшни давлатларга машҳур бўлган. Манбаларга кўра, воҳа шаҳарларида бўз, чит, олача, кўп миқдорда тайёрланган бўлиб, айниқса, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ипак матолар тайёрлашга катта эътибор қаратилган эди [5].

Воҳа ҳунармандчилигида кулолчиликнинг мавқеи анча юқори бўлиб амирлик даврида Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Ғиждувон, Денов кулолларининг тайёрлаган маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан ажралиб турган. Қарши шаҳри Бухоро амирлигидаги мис ва кумуш буюмлар ишлаб чиқарувчи йирик марказлардан бири бўлган бўлса, Қарши, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги заргарлар томонидан тайёрланган заргарлик буюмлари, металл ва турли шишалардан ясалган тақинчоқлар амирлик ва қўшни давлатлар бозорларида қадрланган [6].

Амирлик шаҳарларида кўнчилик ҳам яхши ривожланган тармоқ ҳисобланган. Манбалар шаҳарлардаги (айниқса, дашт ҳудудларга яқин жойлашган шаҳарлар) чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли хил оёқ кийимлари, бош кийимлар, пўстин ва ним пўстин, турли хил мешлар тайёрлаганлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Шаҳарлардаги турли бино ва иншоотлар қурилишида ёғоч ўймакорлигидан кенг фойдаланилганлиги бу соҳанинг яхши ривожланганлигидан далолат беради.

Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, Бухоро амирлиги ҳунармандчилигидаги турли соҳаларнинг ривожланиши амирлик шаҳарларидаги савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланишига кенг имкониятлар яратган эди. Маълумотларга кўра, айнан шунинг учун ҳам XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг жуда кўп катта ва кичик шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига катта эътибор қаратилган эди. Айнан мана шу даврда Бухоро амирлигининг қўшни давлатлар ҳамда Россия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон давлатлари билан бўлган савдо-иқтисодий алоқалари тез суръатлар билан ривожланиб борган эди [7].

Амирликнинг ички бозорида Бухоро, Самарқанд, Денов, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Кармана шаҳарлари йирик савдо марказлари ҳисобланган. Ушбу шаҳарларида турли-туман маҳсулотлар сотилиб пулнинг қиймати ва маҳсулотлар таннархи белгиланган. Улар орасида Ғузор чорва моллари сотиш ва сотиб олишда энг катта бозорларга эга бўлган. Амирликнинг катта-кичик шаҳарлари ҳамда йирик қишлоқларида ҳафтанинг маълум кунларида бозорлар бўлган. Ушбу бозорларда аввало, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш буюмлари, пахта матолари, заргарлик маҳсулотлари, жун ва ипак матоларга талаб юқори даражада бўлган. Шунинг-

дек, шаҳарлар ўз яқин атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг эҳтиёжларини қондиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этган.

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги шаҳарларида йилнинг январ ойидан май ойигача савдо-сотиқ яхши бўлган. Бу даврда шаҳарларда савдо кўргазмалари ташкил этилиб, уларга Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва амирлик вилоятларидан кўплаб савдогарлар келишган. Бу мавсумда асосий марказ Бухоро шаҳри бўлиб, савдо карвонлари махсус карвонсаройларда тўхтаганлар. XIX асрнинг бошларида Бухорода ажнабийлар учун 10 та карвонсарой бўлса, шу асрнинг 40-йилларига келиб эса 24 та тошдан қурилган ва 14 та ёғочдан қурилган, жами 38 та карвонсарой мавжуд бўлган [8].

Амирлик савдогарлари қўшни давлатлар ва кўчманчилар билан савдо алоқаларига катта эътибор берганлар. Маълумотларга кўра, кўпчилик қозоқлар Бухоро амирлиги шаҳар ва қишлоқларига паласлар, наматлар ҳамда ўтроқ аҳоли учун энг керакли бўлган муҳим хом ашё – жун ва терини кўплаб етказиб берганлар. Ўз навбатида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси қозоқ даштларига нон, озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, кийим-кечаклар, ҳунар-мандчилик маҳсулотлари, пахта маҳсулотларини етказганлар.

Амирлик шаҳарларида туркман гиламлари ниҳоятда қадрланган. Туркманлар эса шаҳарлар бозорларидан кийим-кечак учун керакли бўлган бўз ва бошқа матоларни олиб кетганлар. Бухоро савдогарлари Балх, Бадахшон, Қобул ва Ҳиндистон билан ҳам фаол савдо алоқаларини ўрнатишган. Хусусан, Балх ва Бадахшонга амирликдан қозонлар, Бухоро матолари, Россиядан келтирилган игна, ойна, қайчи каби маҳсулотлар олиб келинган бу ҳудудлардан Бухорога кумуш ва олтин олиб кетилган. Ҳиндистонга Россиядан келтирилган маҳсулотлар, хусусан, металл идишлар, дори-дармонлар олиб кетилган бўлса, у ердан қимматбаҳо тошлар, ҳинд ва кашмир матолари олиб келинган [9].

Амирлик савдогарлари Оренбург орқали олиб бориладиган Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларга алоҳида эътибор қаратган эдилар. Оренбург шаҳрида жуда катта савдо маркази қурилиши муносабати билан XVIII асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб Россия – Бухоро савдо-иқтисодий муносабатлари тез ривожлана бошлади. Бу даврда амирлик шаҳарларидан Россияга ипак матолар, ипак хом ашёси, тери хом ашёси, тери қайишлар, пахта, ип, қоракўл каби маҳсулотлар, олтин ва кумуш олиб борилган. Россиядан эса мих, ойна, игна, қанд, шакар, мўйна, чарм, айрим ҳолларда маълум миқдорда темир олиб келинган. Маълумки, 1800 йилга қадар Россиядан Бухоро амирлигига темир сотиш тақиқлаб қўйилган бўлиб, 1801 йилдан бу тақиқ олиб ташланади. XIX асрнинг биринчи ярмида Россиядан Бухоро амирлигига кўплаб темир, мис, чўян, олтин ва кумуш келтирилиши ҳар иккала ҳудудлар ўртасидаги савдо алоқаларини янада жонлантирди [10].

Бу даврда Бухоро амирлигининг Марказий Россия ҳамда Сибир билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилган эди. П.Небольсиннинг маълумотларига кўра 1858 йилда Россия билан Бухоро амирлиги ўртасидаги савдо айланмаси 11 млн.рублни, 1862 йилда эса 15 млн. рублни ташкил этган [11]. Тадқиқотчиларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, савдо-сотиқ ишлари айланмасидаги катта улуш Бухоро амирлиги ҳиссасига тўғри келган. Бу даврда ҳам амирликдан Россияга асосан пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар олиб борилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бухоро амирлиги шаҳарларининг XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳар томонлама тараққий этишида, иқтисодий муносабатларнинг қарор топишида савдо-сотиқ ва ўзаро айирбошлашнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган эди. Кўплаб манбаларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, XIX асрнинг ўрталарига келиб амирликнинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Денов, Кармана, Бойсун каби йирик шаҳарлари асосий савдо марказларига айланган эди. Бу ўринда амирликнинг катта ва кичик шаҳарларида кўплаб ҳунармандчилик турларининг тараққиёти савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожига асосий сабаб бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Ундан ташқари, бу даврда Бухоро амирлигининг қўшни

давлатлар – Қўқон ва Хива хонликлари, Афғонистон ҳамда Россия, Эрон, Ҳиндистон ва Хитой каби йирик давлатлар билан савдо-сотиқ алоқалари ривожланиб борди.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Логфет Д.Н. На границах Средней Азии: Путевые очерки. В 3-х кН. – СПб., 1909. – С.116.
2. Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И.Демизона и И.В.Виткевича). – М.: Наука, 1983. – С. 76.
3. Холиқова Р. Росия – Бухоро: тарих чораҳасида (XIXасрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: O'qituvchi, 2005. – Б.88.
4. Холиқулов А. Ҳунармандчилик ва савдо марказлари // Жамият ва бошқарув, 2003. – №1. – Б.54-56.
5. Ханыков Н.В. Описание Бухрского ханства. – СПб, 1843. – С. 171.
6. Холиқулов А. Ҳунармандчилик ва савдо марказлари // Жамият ва бошқарув, 2003. – №1. – Б.56.
7. Холиқова Р. Росия – Бухоро: тарих чораҳасида (XIXасрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: O'qituvchi, 2005. – Б. 89.
8. Михалёва Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург. – Т., 1992. – С.41.
9. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-Хсередина XIX века). – М., 1958. – 113 с.
10. Мавланов У.М. XVIII-XIX асрлар Бухоро – Россия савдо-иқтисодий алоқалари тарихидан // Жамият ва бошқарув, 2010. – №3. – Б. 54-59.
11. Небольсин П.П. Очерки о торговле России со Средней Азией // Записки русского географического общества. Т. X. – СПб., 1866. – С. 22-23.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Бухоро амирлиги шаҳарларидаги иқтисодий ҳаёт илмий манбалар асосида ёритилган ҳамда муаллифнинг хулосалари берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье на основе научных источников освещена экономическая жизнь городов Бухарского эмирата, а также даны выводы автора.

**UMMARY**

The following article was wrote about the economic life of cities of the emirate of Bukhara according to the scientific resources.


***Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган***

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИДА МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМБАШАРИЙЛИК БИРЛИГИ

**Қурбонов Т.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *миллат, миллийлик, миллий менталитет, умуммиллийлик, умумбашарийлик, миллийлик ва умумбашарийлик бирлиги, миллий урф-одатлар, миллий анаъаналар, миллий қадриятлар, умумбашарий қадриятлар.*

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 19 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи мазмундорлиги ва аҳамияти, биз яшаётган мураккаб даврнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

Президентимиз БМТ юксак минбаридан туриб, "Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бораётганлигини, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб, - улардан кўзланган мақсад – "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган, оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат", дея барчанинг эътиборини мамлакатимизда изчил олиб борилаётган тизимли ислоҳотларга қаратди.

Шунингдек, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", деган шиорлар нуфузли ҳалқаро анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини тайёрлаш, Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича таклифлари ҳам барчанинг диққат-эътиборини тортди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу ғояларнинг ижтимоий моҳияти, илмий-назарий қиммати ва аҳамияти нақадар беқиёс экани бугун, вақт ўтиб, ўз ифодасини топмоқда. Ҳеч муболағасиз, яна бир ўта муҳим жиҳат шундаки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида аввалбошданоқ асосий устувор йўналишларга айланган масалалар – тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш, миллий армияни шакллантириш - *Ҳарбий соҳадаги ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Мудофаа доктринаси муҳим роль ўйнайди,* суд-ҳуқуқ тизимини янги асосда барпо этиш - *2018–2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз,* инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, аҳоли саломатлиги – *"Ақлли тиббиёт" ва "Ягона тиббий ахборот маркази" концепцияларини ўз шароитимизга мослаштириб татбиқ этишимиз,*илм-фан, таълим-тарбия – *ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиниши,* маданият ва спорт жабҳаларига эътибор қаратиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш каби кўпдан кўп долзарб вазифалар мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамлашга қўйилаётган қадамлар Президентимизнинг ҳар бир чиқишларида ўз ифодасини топа бошлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан яна бир муҳим масала миллатимизга хос азалий яқин қўшничилик ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларга катта эътибор қаратилди. Бунинг натижаси айни пайтда қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар изчил

йўлга қўйилаётганида яққол кўринади. Сўнгги даврда ўзаро ишонч ошди, савдо-иқтисодий, маданий алоқалар янада ривожланмоқда. Пировардида эса миллат ва миллатлараро муносабатларни яхшилашга эришилади.

Миллат ва миллатлараро муносабатлар жамият ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Миллий ривожланишни ва миллатлараро муносабатларни барқарор такомиллаштириб бориш кўпмиллатли ҳар қандай давлат учун муҳим амалий аҳамиятга моликдир. Республикамизда инсонпарвар, демократик жамият қуриш учун авж олган ҳозирги шароитда миллатлараро маданиятни янги босқичга кўтармоқ учун одамлар миллий онгни ва умуминсоний қадриятларни, айниқса байналмилал ҳис-туйғуларни шакллантириш муҳим аҳамиятга моликдир. Бунинг учун эса, энг аввало, миллийлик ва байналмиллийлик орасидаги диалектик алоқадорлик механизмини тўла тушуниб олмоқ даркор.

Миллийлик деганда, энг аввало, ўз миллатини улуғлаш ва уни ҳимоя қилиш, миллий ғурур ва нафсоният туйғусини ўзининг тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари, барча маънавий қадриятларни қадрлаш, ўзи туғилиб вояга етган она диёрини ардоқлаш, унинг табиати, дарё ва кўллари, мусаффо осмони билан фахрланиш тушунилади. Байналмиллийлик бошқа миллат ва элатлар манфаатини ҳамиша эътиборга олиш уларнинг тили, адабиёти, маданияти, санъати, тарихи, дини, урф-одатларини ҳимоя қилиш, қадрлай билиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, бисотида байналмиллийлик туйғуси бўлган инсон дастлаб ўз миллати ёки элатининг миллий қадриятларини ўзлаштириб олади. Миллий қадриятларни ўзлаштириш орқали бошқа миллат ва элат яратган умуминсоний қадриятларни, яъни инсоният яратган барча илғор прогрессив қадриятларни ўзлаштиради.

Миллийлик ва байналмиллийлик инсон фаолиятининг бири иккинчиси билан диалектик алоқадор бўлган энг муҳим ҳис ва туйғулардир. Бу икки хислат икки даражада бири иккинчисисиз яшай олмайди, мавжуд ҳам бўла олмайди. Инсон фаолиятидаги бу икки туйғунинг бири кучсизланса, иккинчиси ҳам дарҳол заифлашади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, байналмиллийликнинг заминида миллий онг ётади. Чунки инсонда миллийлик туйғуси бўлмаса, у ўзининг қайси миллат, элатга мансублигини ҳис қила олмаса, ўша миллат ёки элатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий манфаатларини тушуниб етмаса, уни ҳимоя қила билмаса, урф-одатлари ва расм-русумларига риоя қилмаса, маданияти, тили, адабиёти ва тарихидан йироқ бўлса, бундай киши чинакам байналмилалчи бўла олмайди.

Маълумки миллий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам миллий ва миллатлараро муносабатларда ижтимоий ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, қийинчиликлар, зиддиятлар ўз аксини топмай қолмайди. Ҳар қандай ривожланишга зиддиятлар хосдир. Бинобарин, ўзаро миллий муносабатлар ривожи учун ҳам муқаррардир. Энг муҳим, зиддиятларни юзага келтириб турадиган жиҳатларни кўра билиш, ҳаёт ўртага қўядиган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб бериш зарур. Афсуски, ўтмишда миллий сиёсатнинг ютуқлари ҳақида керагидан ортиқча даражада гапирилса, аммо мазкур соҳадаги жиддий камчиликлар, бузилишлар, хатолар, муаммолар ҳақида лом-мим дейилмади, жиддий қийинчиликлар кўриб кўрмасликка олинди.

Совет ҳокимияти йилларида амалга оширилган тарбиявий-мафкуравий ишларимизда байналмиллийлик миллийликдан ажратиб қўйилган. Зўр байналмиллийлик ҳақида гапирдигу, миллий ғурур ҳақида лом-мим демадик. Умумтаълим мактабларининг дастурида миллий маданиятни, миллат тарихини, миллий тилни ўқитишга эътибор берилмади. Натижада йигит ва қизларимизнинг кўпчилиги миллий қадриятларимиздан бенасиб бўлиб вояга етдилар.

Тоталитар давлат узоқ йиллар бир томонлама олиб борган тарбиявий-мафкуравий ишлари, яъни миллийликка асосланмаган, миллийликдан ажралган байналмилал тарбия

оқибатида одамларнинг миллий манфаатлари поймол қилинди, миллий ғурур бўғиб қўйилди.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, СССРда коммунистик мафкуранинг энг муҳим мақсади – аҳолини байналмиллаштириш ҳамда марказнинг “совет халқи” деган ўзига хос социал бирликни шакллантириш ғоясини ошириш чоғида барча миллий хусусиятлари асосий тўсиқ ҳисоблангани сир эмас.

Миллий масалани ҳал қилишнинг жирканч кўрсаткичларидан яна бири шу бўлдики, иложи борича миллатларни бир-бирига зўравонлик билан қўшиб юбориш ҳам амалга оширилди. Таниқли этнограф С.И.Брукнинг келтирган маълумотларига кўра, 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича собиқ совет ҳудудида 194 та этник бирлик яшаган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда 101 тага тушиб қолди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, улар катта миллатларга қўшиб юборилса, оқибатда улар ўз она тиллари, урф-одатлар, анъаналари ва қадриятларидан аста-секинлик билан маҳрум бўлган.

Собиқ тоталитар совет давлати СССР ҳудудида ягона тилни шакллантириш миллий маданиятлар ўрнига ягона маданият вужудга келтириш борасида ҳам катта ишларни амалга оширди. Айниқса тил соҳасида олиб борилган сиёсатда рус тили расмий тилга айланиб борди ва кўкларга кўтариб мақталди. Аммо ўз она тилини эсдан чиқариб ўзлигини йўқотиб манқуртга айланиб бораётган миллатлар ҳақида ҳеч қаерда гапирилмас ва ёзилмас эди.

Миллий ривожланишни ташкил қилиш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш собиқ тоталитар совет давлати олиб борган сиёсат назарий жиҳатдан яроқсиз эканлигини ҳаёт тасдиқлади.

Бундай фарқли равишда миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб боришдаги дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида тўпланган тажрибалар шундан иборат бўлдики, бу мамлакатларнинг кўпчилигида ҳар бир миллатнинг сонидан қаъти назар ривожланиш учун ишлаб чиқилган ҳуқуқий жиҳатлар реал ҳаётда амалга оширилишига катта эътибор берилди. Миллий эҳтиёжларнинг мунтазам равишда қондирилиб борилиши асосида давлатлар ўз атрофида табиий равишда турли миллат ва элат вакилларини бирлаштиради ҳамда демократик фуқаровий жамият қуришга эришдилар.

Миллий ва милларлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такрорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва ривожлантириб юборган сабабларни кенг ва атрофлича идрок қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги куннинг асосий вазифаси миллий масалада ўтмишда рўй берган нуқсон ва камчиликларни санаб ўтишдангина иборат бўлмай, балки бугунги куннинг вазифалари ва келажак ҳақида илмий асосда аниқ-равшан фикр юритишдир.

Миллий муносабатларни янада такомиллаштиришда барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ижобий ютуқлар, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиб, уларни кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишнинг, кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг зарур йўлларидан ҳисобланади.

Кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашда турли халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни ривожлантиришда инсоният маданиятининг таркибий қисми бўлган турли тилларни мукаммал эгаллаш катта аҳамият касб этади. Ҳар бир тил халқнинг маънавий бойликларини чуқурроқ эгаллаб олиши, миллатлар ва халқларнинг ҳаёти, тарихи, маданияти ва психологиясини чуқур тушуниб олиш учун муҳим ўринга эга, шунингдек, жаҳон миллатлари ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бошқа хорижий тилларни билиш катта аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён.

Маълумки ота-боболаримиз бир неча чет тилларни билишган, жумладан, араб, форс, санкрит, лотин, юнон ва бошқа тилларда нодир асарлар ёзиб қолдиришган. Умуман, ҳар бир кўпмиллатли давлатнинг мустақил ишлаб чиқилган миллий сиёсий концепцияси бўлиши шарт.

Давлатнинг фаолиятида амалга ошириладиган миллий сиёсат ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш миллатлараро муносабатларни ҳисобга олиш, бир миллатлик, маҳаллийчилик, шовинизм ва миллатчиликни назарда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, профессор А.Чориев таъкидлаганидек: “Давлат мафкурасининг асосини ташкил этувчи умуммиллий, умумдавлат ғоясининг бўлиши тарихий заруратдир. Чунки ҳар қандай давлат шароитида ҳам унинг турли миллат ва элатларга, маслак ва манфаатларга мансуб фуқаролари учун умумий ғоя зарур. Ягона давлат ҳудудида яшовчи барча миллатлар ва элатлар манфаатига мос тушувчи умуммиллий, умумдавлат ғояси бўлмаса, кўпмиллатли давлат шароитида у ёки бу миллат манфаати оёқ ости бўлади.

Худди шунинг учун ҳам турли миллат ва элатлар яшаётган Ўзбекистон шароитида барча миллат ва элатларнинг миллий манфаатига мос тушувчи умуммиллий ғоя уларни нурафшон келажак - инсонпарвар, демократик жамият қуришдек олижаноб мақсад атрофида бирлаштиради.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон. 2016. – 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 48.
4. Мирзиёев Ш.М. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халк сўзи” газетасининг 2017 йил 23 декабрь сони.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 102 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
8. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т:.Ўзбекистон, 2015. – 302 б.
9. Хоназаров Қ. Миллий менталитет – тараққиёт омили // Мулоқот, 2000. – №3. – Б. 3.
10. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент, 2001. – 95 б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзбек миллий менталитетида миллийлик ва умумбашарийлик бирлигининг намоён бўлиши хусусиятлари баён этилади. Ҳозирги замон цивилизациясининг ўзбек миллий менталитетига таъсири таҳлил қилинади. Ўзбек халқининг ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари илмий асосда ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются особенности проявления единства национального и общечеловеческого в национальном менталитете узбеков. Анализируется влияние совре-менной цивилизации на национальный менталитет. С научной позиции изучаются тра-диции, обряды и ценности узбекского народа, которые могут послужить ускорению социального развития.

**SUMMARY**

In this article it is considered features of manifestation unit of nationality and hymanism in Uzbek national mentality. Effect of current civilization to Uzbek national mentalityis discussed. It is studied scientifically national customs and traditions, outlook and meditation that serve for our nationalprogress.


***Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган***

# МЕҲНАТ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – ОИЛАВИЙ МУҲИТНИНГ СОҒЛОМЛАШУВИ ОМИЛИ

**Тўраева А.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *оила, оилавий муҳит, меҳнат маданияти, меҳнатга муносабат, меҳнатга ижодий муносабат, оилавий муҳитнинг соғломлашуви.*

Жаҳонда, айниқса, ривожланган мамлакатларда оила институтининг инқирозга юз тутаётгани уни асраб қолиш, ундаги муҳитни соғломлаштириш чоралари устида бош қотиришни тақозо қилмоқда. Хусусан, мутахассислар оилавий муҳитни соғломлаштиришга хизмат қиладиган кўплаб омилларни таҳлил ва тадқиқ қилиб бермоқдалар. Уларнинг барчасини констатация қилиш зарурияти йўқлигини эътироф қилган ҳолда мазкур омиллардан бирини тилга олиш билан чекланмоқчимиз: оилавий муҳит характери жузъан шахс меҳнат маданиятининг шаклланганлиги даражасига боғлиқ. Меҳнат маданиятини шакллантириш учун эса унинг субъектив омили бўлган меҳнатга муносабатни ўзгартириш зарур. Бу мантиқий занжирни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:




Шахснинг меҳнат маданиятини юксалтириш учун уни ўз меҳнатига оқилона муносабатда бўлишга, ўз меҳнати ва лавозимининг қадрига етишга, унинг ижтимоий аҳамиятини чуқур англаб олишга одатлантириш даркор. Меҳнатга оқилона муносабатгина ходимда ижодий тафаккурни ривожлантиради, унда иш вақтидан самарали фойдаланиш малакасини шакллантиради, оптимистик кайфиятни юзага келтиради, бўш вақти миқдорини оширади, оила аъзоларига муносабатини ўзгартиради.

Фикримизча, шахснинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш орқали меҳнат маданиятини юксалтириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

*Биринчидан.* Шахсни иш вақтидан оқилона фойдаланишга одатлантириш лозим.

“Молиявий ва бошқарув таҳлили” фани ходимнинг иш вақтидан фойдаланишини таҳлил қилишнинг ўнлаб услубларини таклиф қилади. Иш вақтининг йўқолиши сабабларини, унинг иш сифатига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини аниқлаш йўлларини ифодалайди. Бироқ ушбу методология амалда кам қўлланилмоқда. Шу боисдан иш вақтидан фойдаланиш аҳволига оид маълумотларни аниқлаш ва умумлаштириш имкониятлари чекланган. Визуал кузатувлар эса шундан далолат берадики, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ходимнинг иш вақтидан оқилона фойдаланишига халал бераётган қуйидаги муаммолар мавжуд:

- иш вақтига риоя этмаслик (иш жойига кечикиб келиш, тушликнинг чўзилиб кетиши, иш жойида асоссиз ушланиб қолиш ёки эрта кетиш ва ҳоказо);
- ўз функционал вазифаларига кирмайдиган юмушлар билан шуғулланиш;
- иш вақтини режалаштирмаслик;

Ушбу муаммолар ходимнинг аксарият ҳолларда иш вақтидан ноoқилона фойдаланаётганидан далолат беради. Иш вақтидан ноoқилона фойдаланилиши эса ходим вақт бюджетининг нотўғри тақсимланишига, у бажариши лозим бўлган ишнинг йиғилиб қоли-

шига олиб келаяпти. Тўпланиб қолган вазифалар охир-оқибатда ходимнинг бўш вақти ҳисобига бажарилади. Бу эса оилавий муносабатлар учун кетадиган вақтнинг қисқаришига олиб келади.

Ходимни иш вақтидан оқилона фойдаланишга одатлантириш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

а) Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларида қайд қилинган меҳнат интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кескин кучайтириш зарур. Иш вақтига амал қилган ходимлар учун мукофотлаш чораларининг, риоя этмаган ходимларга нисбатан жазо чораларининг қўлланилиши корхонанинг одатий иш режимига айланиши керак;

б) ходимнинг ўз функционал вазифаларини қатъий ўзлаштиришига эришиш керак. Шунингдек, ходимни ўз вазифасига кирмайдиган юмушлар билан шуғулланишга ундайдиган омилларни аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Агар ушбу омиллар раҳбариятнинг ходим функционал вазифасига кирмайдиган топшириқлари билан боғлиқ бўлса, корхонадаги ходимларга топшириқ бериш амалиётини қайта кўриб чиқиш зарур;

в) корхона ва ташкилотларда иш вақтини режалаштиришга оид малака ошириш курслари ташкил қилиш даркор. Бу курслар иш вақтининг 60 фоизини режалаштириш, қолган 40 фоизини эса функционал вазифаларга дахлдор кутилмаган тадбирларни бажариш малакасини шакллантириши зарур. Ходимларнинг иш вақтини режалаштиришга оид буклетлар, услубий тавсиялар билан таъминланиши ҳам самара беради.

Ушбу тавсиялар ходимни иш вақтидан оқилона фойдаланишга одатлантиради, ўз функционал вазифаларини иш вақти миқёсида бажаришга ундайди, унинг ўз меҳнатига муносабатини тубдан ўзгартиради. Натижада ота ва онанинг бўш вақти миқдори ошади – ундан фарзандлар эҳтиёжларини қондириш, маданий савиясини ошириш йўлида фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай вазият, бир томондан, ота ва онанинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, иккинчи томондан, фарзандлар эҳтиёжларининг ўз вақтида қондирилишига замин яратади, учинчи томондан эса, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар характерига ижобий тус беради.

*Иккинчидан.* Шахсни ўз функционал вазифаларини оқилона бажаришга одатлантириш керак.

Корхона ва ташкилотларда ходимнинг ўз функционал вазифаларини белгиланган иш вақти доирасида бажармаслиги ҳоллари учрашини айтиб ўтдик. Бу ижтимоий иллат Совет ҳокимияти йилларида вужудга келиб, ҳанузга қадар сақланиб қолмоқда.

Коммунистик мафкура шахс манфаатларига эмас, давлатнинг утопик мақсадларига хизмат қиладиган меҳнатни улуғларди. Мақсаднинг тушунарсизлиги, унинг шахс манфаатларига монанд эмаслиги, юқоридан юборилган кўрсатмалар асосида фаолият кўрсатишнинг қўллаб-қувватланиши хизмат вазифаларини тўғри англаб етишга, уни тўғри бажаришга халақит бериб келди. Буларнинг барчаси шахс ижтимоий қиёфаси учун изсиз кетмади. У ўз функционал вазифаларини моҳиятини чуқур англамай бажаришга, муттасил қандайдир вазифаларни зудлик билан бажаришга, давлатнинг утопик мақсадлари учун ўз шахсий вақтидан, соғлиғидан, хотиржамлигидан воз кечишга тайёр турадиган бўлиб қолди. Оқибатда унинг ўз хизмат вазифаларини оқилона бажариш малакаси пасайди, унинг меҳнатидаги норационал элементлар кўпайди.

Афсуски, ушбу иллатнинг айрим жиҳатлари ҳозирга қадар сақланиб қолмоқда. Ҳанузгача нақ кечки 9-10 га қадар иш жойида қолиб кетиш, меҳнат топшириқларини штурм билан бажариш, якшанба ва бошқа дам олиш кунларини ҳам функционал вазифаларни бажаришга сарфлаш, меҳнат таътилига чиқмаслик тез-тез учраб туради. Бундай сохта "фидокорлик" жойларда қўллаб-қувватланаётгани, ходимнинг профессионал малакасини белгиловчи омилга айланаётгани ҳам бор гап. Меҳнатга бундай ёндашув шахс соғлиғига, унинг жисмоний имкониятларига, руҳий аҳволига, дунёқарашига салбий таъсир ўтказади. Шунинг учун XX асрнинг охирига келиб жаҳоннинг етакчи компания ва

корпорацияларида ходимнинг соғлиғига алоҳида эътибор билан қараш, унинг меҳнат фаолиятини ақлга мувофиқ чегараларда амалга ошириш тажрибаси юзага келди.

Шахсни ўз функционал вазифаларини оқилона бажаришга ўргатиш, унинг меҳнатидаги норационал элементларни бартараф этиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) жамоатчилик орасида функционал вазифаларни иш вақти доирасида бажара олмасликни қоралаш кайфиятини юзага келтириш, бунинг учун оммавий ахборот воситаларида махсус мақолалар, интервьюлар, ахборотлар ташкил қилиш керак; мазкур материалларнинг нашр қилиниши даврий характер касб этиши лозим;

б) ходимнинг ўз функционал вазифаларини иш вақти доирасида бажара олиш малакаси унинг касбий маҳоратини ифодаловчи асосий мезонлардан бирига айланмоғи даркор. Ходим аттестациядан ўзказилаётганда, янги лавозимга тайинланаётганда ушбу соҳага оид кўрсаткичлар ҳам пухта таҳлилдан ўтказилмоғи шарт;

в) корхона ва ташкилотларда ҳанузга қадар учраб турадиган иллат – турли ижтимоий вазифаларни бир ҳамла билан бажаришга интилиш услубиётидан, кампаниябозликдан воз кечиш зарур. Ходимнинг иш вақтидан кейин ҳам ишлашини, меҳнат таътилига чиқмаслигини маъқуллаш тажрибасига ҳам чек қўйишга фурсат етди;

г) ходимга қисқа муддат давомида бажариши зарур бўлган топшириқлар бериш тажрибаси ҳам ўзини оқламаяпти. Бундай ҳолатлар топшириқнинг сифатсиз бажарилишига, ходимнинг асабийлашишига олиб келмоқда. Бинобарин, ходим олдига қўйиладиган вазифалар унинг жисмоний ва интеллектуал имкониятларига мутаносиб бўлмоғи керак.

Ушбу тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши шахсда функционал вазифаларини оқилона бажариш малакасини шакллантиради ва оқибатда унинг меҳнатга муносабатини ўзгартиради. Шахснинг ўз вазифаларини ўз вақтида ва самарали бажариши оилавий муносабатлар учун ажратиладиган вақтнинг барқарорлигини таъминлайди, оилавий муносабатларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида сўнгги ўринда қолиб кетишига чек қўяди. Шахслараро муносабатларда оилавий муносабатларнинг устувор аҳамият касб этиши эса оилавий муҳитнинг янада соғломлашишига пойдевор яратади.

*Учинчидан.* Шахснинг меҳнатга ижодий муносабатини юксалтириш зарур.

Маълумки, "меҳнатга ижодий ёндашув" деганда маълум касб стандартларига риоя этиш билан бирга юқори натижаларга олиб келувчи усуллар ва воситаларни излаш ва қўллаш, рационализаторлик ва кашфиётчилик фаолияти, меҳнатнинг ташкил этилишини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар тушунилади.

Ходимда меҳнатга ижодий ёндашувни ривожлантириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

а) корхона ва ташкилотда ходимга ўз касбининг ижтимоий аҳамиятини англаб етишига имкон берадиган муҳитни шакллантириш зарур. Чунки "меҳнатга ижодий ёндашув асосини ўз меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини англаб етиш ташкил этади. Шахс ўз меҳнатининг бефойдалигини, натижасизлигини кўрса, бу соҳада ташаббускорлик кўрсатиб ўтирмайди. Аксинча, ўз меҳнатининг ҳеч бўлмаса кичик бир гуруҳга фойда келтираётганини, унинг баъзи эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётганини англаб етган шахс ўз фаолиятининг самарасини оширишга ҳаракат қила бошлайди"[1]

б) ходим меҳнатининг самарасини белгилашда кичик йўқотишлар эвазига катта натижаларга эришгани мезон вазифасини ўтамоғи даркор. Бунинг учун ходим меҳнатининг маҳсули маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган вақт, хом ашё ва энергия миқдори билан таққосланиши кифоя;

---

[1]Чориев С. Сиёсий етук шахсни шакллантириш муаммолари: Фалс. ф. д. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2005. – Б. 39.

в) ходимни аттестациядан ўтказишда нафақат унинг томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши, балки тайёрлаган рационализаторлик таклифлари, ихтиролари ва кашфиётлари ҳам асосий мезонлардан бирига айланмоғи керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, глобаллашув шароитида оилавий муҳит трансформацияси билан боғлиқ асосий муаммолардан бири ижтимоий тараққиётнинг жадаллашгани, ижтимоий муносабатларнинг интенсивлашгани туфайли ота ва онанинг жамиятда, иш жойида ўтказадиган вақтининг оилада ўтказадиган вақтидан бениҳоя ошиб кетганидир. Ушбу муаммони бартараф этиш учун ота ва онани ўз иш вақтидан оқилона фойдаланишга ўргатиш зарур. Бинобарин, оилавий муҳитни янада соғломлаштиришнинг муҳим омили – шахс меҳнат маданиятини юксалтиришдир. Бунинг учун, бир томондан, корхонадаги меҳнат шароитларини янада яхшилаш, иккинчи томондан эса, ходимнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш тақозо қилинади. Корхонадаги меҳнат шароитини яхшилаш меҳнатни ташкил этишни рационаллаштириш, ходим қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган механизмни шакллантириш, маънавий-руҳий вазият билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилишни талаб этади. Ходимнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш учун эса уни иш вақтидан оқилона фойдаланишга одатлантириш, унда ўзини асраш туйғусини ривожлантириш, меҳнатга ижодий муносабатини юксалтириш зарур. Ушбу омилларнинг барчаси оилавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мацковский М.С. Социология семьи: проблемы теории, методологии и методики. – Москва, 1989.
2. Рябова Г.Б. Семьеведение.– Томск: Томский межвузовский центр дистанционного образования, 2004.
3. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений. – Москва: Апрель-Пресс, 2000.
4. http://zacheta.net.ua/referat-39230.html.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада оилавий муҳитни янада соғломлаштиришнинг муҳим омили – шахс меҳнат маданиятини юксалтириш йўллари ҳақида мулоҳаза юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье автор размышляет о путях повышения культуры труда личности как важного фактора оздоровления семейной среды.

**REZUME**

In the article the author reflects on ways of increasing the work culture of the person, an important factor in improving family environment.

***Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган***

# ЗАМОНАВИЙ ТАРҒИБОТ СИСТЕМАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Рустамов Р.** (ҚарМИИ)

**Таянч сўз ва иборалар**: *тарғибот, замонавий тарғибот системаси, тарғибот субъекти, тарғиботнинг молиявий асослари, тарғибот вазифалари, тарғибот услублари.*

Бугунги кундаги тарғибот системалари ўзининг турли-туманлиги билан характерланади. Улар орасида турли иқтисодий мақсадларга мўлжалланган, ижтимоий вазифаларга бўйсундирилган, сиёсий соҳада қўлланилаётган тарғибот системалари мавжуд. Биз бу ўринда уларнинг барчасини муфассал таҳлил қилиш вазифасини қўяётганимиз йўқ. Улар

сирасидан геополитик мақсадларга хизмат қилаётган, аксарият ҳолларда ўзининг деструктив характери билан тафовутланиб турган, муқобил сифатида замонавий маънавий тарғибот системасини шакллантириш ва ривожлантиришга ундаётган системаларгагина эътиборни жамладик.

*Замонавий тарғибот системалари* – тарғиботни амалга ошираётган субъектларни, уларнинг мақсадларига хизмат қилаётган институтларни, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий маконда маълум ғоя, таълимот, фикр ёхуд аргументни тарқатиш мақсадида қўлланилаётган тарғибот услублари, усуллари, принципларини умумлашган тарзда ифодаловчи тушунчадир.

Геополитик мақсадларга йўналтирилган ҳар қандай тарғибот системасининг асосий *субъекти* давлатдир. Чунки геополитик сиёсат давлат томонидан амалга оширилар экан, унинг мақсадларига эришиш воситалари ҳам давлат қўлида мужассам бўлади. Давлат жамиятда мавжуд бўлган ва тарғибот ишларини амалга оширишга қодир турли институтларни ўз геополитик мақсадларига эришиш йўлида сафарбар қилади. Бунинг учун у тарғиботни амалга оширадиган институт ва механизмларни шакллантиришга, уларни маблағ билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор беради. Буни АҚШ мисолида яққол кўрса бўлади. Мамлакатда тарғибот ишлари нафақат давлат муассасалари томонидан, балки фаолияти давлат томонидан мувофиқлаштирилаётган қатор хусусий ташкилотлар иштирокида ҳам амалга оширилади. Тарғибот субъектларининг кўплиги тарғибот мазмунига салбий таъсир кўрсатаётгани йўқ: барча субъектлар ягона стратегик вазифани бажаришга хизмат қилади.

АҚШ тарғибот системаси узоқ тарихга эга: у 1917 йилдаёқ шакллана бошлаган. Уруш йилларида АҚШ манфаатлари Ҳарбий ахборот Канцелярияси томонидан тарғиб қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бу вазифанинг бажарилиши АҚШ махсус хизматлари томонидан қатъий мувофиқлаштириб борилди. Шунингдек, Америка қадриятлари 1953 йилда ташкил қилинган ЮСИА агентлиги томонидан тарғиб этилди. Бу агентлик “Америка овози”, “Озодлик радиоси”, “Озод Европа радиоси” каби ахборот манбалари фаолиятини назорат қилди. Молиявий иқтисодий инқироздан кейин геополитик рақобатнинг авж олиши АҚШ ҳукмрон доираларини янги, марказлашган тарғибот системасини ташкил қилишга ундади.[1] Бугунги кунда бу система Америка қадриятларини умуминсоний қадриятлар сифатида тарғиб қилишга, мамлакат геополитик манфаатларини ҳимоя қилишга эътиборни қаратмоқда.Бу тадбирлар учун АҚШ ҳукумати томонидан 2012 йилда 752 миллион доллар, 2013 йилда 756 миллион доллар, 2014 йилда 731 миллион доллар сарфланди. Эътиборли жиҳати шундаки, жаҳондаги геополитик рақобатни авж олдирган молиявий-иқтисодий инқирозга қадар бу мақсадларга йилига 500 миллион доллар ажратиларди.[2]

Россия Федерацияси ҳам мустаҳкам тарғибот системасига эга. Бу система ҳукуматнинг тегишли муассасалари томонидан мувофиқлаштириб борилади. Кейинги йилларда мазкур тарғибот системасини такомиллаштириш учун айниқса катта маблағлар ажратила бошланди. Масалан, 2014 йилда давлат тарғибот системасининг таркибий элементлари бўлган “ВГТРК”га 19,1 миллиард рубль, “RussiaToday”га 11 миллиард рубль, “Голос России”га 4,4 миллиард рубль, “Российская газета”га 3,95 миллиард рубль, “РИА Новости”га 2,9 миллиард рубль, “1-канал”, “НТВ”, “ТК Петербург”га жами 5 миллиард рубль ажратилди.[3] Шу тариқа Россия Федерацияси тарғибот учун ажратилган давлат маблағлари бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Мамлакат эса ўз геополитик

[1] Зубков К. Америка точит пропагандистское оружие // RBKdaily, 2008, 26 марта.
[2] Россия заняла первое место в мире по государственным затратам на пропаганду.// www.vitki.info.
[3] Ўша ерда.

мақсадларини кенгроқ тарғиб этиш, мухолифларини мунтазам равишда танқид қилиш имкониятларини кенгайтирди.

Хитой Халқ Республикасида ҳам тарғибот системаси яхши йўлга қўйилган. Бу система 1921 йилдан буён фаолият кўрсатади. 1977 йилда Хитой Коммунистик Партияси негизида тарғибот бўлими ташкил қилинди ва бу бўлим партиянинг энг нуфузи баланд бўлимларидан бири ҳисобланади. У бугунги кунда Хитой геополитик мақсадларини тарғиб қилишга нафақат оммавий ахборот воситаларини, балки кино, таълим, ноширлик муассасаларини ҳам жалб қилган. Тарғибот маблағларига ажратиладиган маблағлар бўйича ХХР жаҳонда Россиядан сўнг иккинчи ўринни эгалламоқда. Молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги даврда Хитой ҳукумати ўз мақсад-муддаоларини тарғиб қилишни кучайтириш мақсадида мамлакатдаги уч йирик компания – Хитой марказий телевидениеси, Хитой Ҳалқаро радиоси ва Хитой миллий радиосини ягона бренд (“Хитой овози”) остида бирлаштирди. “Хитой овози”нинг юзага келиши мамлакат геополитик мақсадларини бутун жаҳон бўйлаб системавий тарзда тарғиб қилиш имкониятларини яратди.

Буюк Британияда ҳукм сураётган тарғибот системаси бир қадар бошқачароқ конфигурацияга эга. Мамлакатдаги барча оммавий ахборот воситаларининг 80 фоизи беш олигарх қўлида жамланган. Британия Интернетининг 87 фоизи эса беш асосий провайдер томонидан назорат қилинади. Бироқ, масаланинг моҳияти шундаки, ушбу олигарх ва провайдерларнинг барчаси ҳукумат билан чамбарчас боғланган.[1] Шу боисдан мамлакат ҳукумати геополитик маконда тарғибот ишларини йўлга қўйиш учун ушбу манбаларнинг хизматларидан бемалол фойдаланмоқдалар. Британия оммавий ахборот воситаларининг аксарият сиёсий воқеаларга бир позициядан бирваракайига муносабат билдиришлари ҳам шундан.

Германияда қатор илмий жамиятлар тарғибот марказларига айлантирилган. Бу жамиятлар туркумига Ғарбий Европа Мюнхен институти, Ғарбий Европа институти, Геттинген тадқиқот жамияти ва бошқалар киради. Улар тарғибот институтларини ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, турли сиёсий масалалар бўйича эксперт хулосаларини тарқатиш, тарғибот аҳамиятига эга плакатлар тайёрлаш ва шу кабилар билан шуғулланишади. Бундан ташқари, мамлакатда тарғибот ишларини ниҳоятда самарали амалга оширишга қодир оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатади. Уларнинг 75 фоизи “Axel Springer”медиаконцернига тааллуқли бўлгани боис тарғибот дастурлари ҳам айнан шу концерн билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам ўзига хос тарғибот системалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси, биринчидан, геополитик мақсад-муддаоларни тарғиб қилиш ишларига фаол жалб қилинмоқда. Бундай ишлар албатта давлатнинг мутасадди органлари томонидан мувофиқлаштирилади. Иккинчидан эса мазкур мақсадларга хизмат қилаётган тарғибот системаларининг зарурий маблағлар, ресурслар билан таъминланиб борилаётгани кўзга ташланади.

Шунингдек, кейинги йилларда геополитик кучларга бевосита эмас, билвосита тааллуқли бўлган тарғибот марказлари пайдо бўлмоқда. Расман мустақил деб эълон қилинган бу марказлар ( “Сорос” жамғармаси, “Freedom hause” ва бошқалар) аслида аниқ махсус хизматлар томонидан молиялаштирилмоқда ва уларнинг мақсадларига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, замонавий тарғибот системаси геополитик кучларга гоҳ бевосита, гоҳ билвосита дахлдор бўлган мураккаб институтлар, механизмлар, марказлар, воситаларни ўзида мужассам қилгани, етарли миқдордаги маблағ билан таъминланиб борилаётгани билан характерланади. Мазкур институт, марказ ва механизмлар *икки асосий вазифани* бажаришга сафарбар қилинган:

---

[1] Ванберген Г. Пропаганда и цензура в Англии.//https:// antizoomby.livejournal.com.

1. Тарғибот мамлакат аҳолиси орасида мақбул жамоатчилик фикрини шакллантириши ва ҳаётий позицияни қарор топтириши лозим. Янги асрга қадар бу вазифани бажариш жиддий қийинчиликлар туғдирмасди. Бунинг учун аҳолининг тегишли ахборот манбаларидан фойдаланишини таъминлаш, мақсадга мувофиқ бўлмаган ахборотларни тарқатаётган муқобил каналларни ёпишнинг ўзи кифоя эди. Бироқ жаҳонда оммавий коммуникация воситаларининг мисли кўрилмаган даражада ривож топиши, глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви бу борадаги вазиятни тубдан ўзгартирди. Эндиликда аҳоли орасида мақбул жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ҳаётий позицияни қарор топтириш учун энг самарали услублардан моҳирона фойдаланишнинг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари, аҳолини мухолиф геополитик кучларнинг тарғибот системаси таъсиридан ҳимоялаш зарурияти ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда.

2. Тарғибот маълум геополитик кучга хос ижтимоий-сиёсий позицияни мухолиф мамлакат аҳолисига етказиши, уни ўз қарашларидан воз кечишга ундаши керак. Жаҳондаги етакчи иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий қудратга айланишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай геополитик куч ўз позицияларини, мафкуравий принципларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор беради. Бироқ бу борада ҳам вазият мураккаб тус олмоқда. Чунки мухолиф геополитик кучларнинг ҳам ўз тарғибот ва контртарғибот системаси мавжуд, бу система ҳам замонавий услуб ва усуллари, омил ва воситалари ёрдамида тарғибот ишларини кенг кўламда амалга оширмоқда. Бундай вазиятда тарғибот таъсирчанлигини ва ишонарлилигини ошириш ҳақиқатан ҳам муҳим, долзарб муаммога айланади. Бу муаммонинг ечими эса қатъий сиёсий иродага, салоҳиятли илмий потенциалга, салмоқли моддий-молиявий ресурсга бориб тақалади.

Хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кун воқелиги замонавий тарғиботни мураккаб, ўзига хос, геополитик мақсад-муддаоларга хизмат қиладиган қудратга айлантирди. Бу механизм катта молиявий имкониятлар, воситалар, услублар билан бисёр таъминланмоқда. Юзага келган вазиятда миллий маънавий тарғибот системасини такомиллаштириш, модернизация қилиш долзарб ижтимоий аҳамиятга молик вазифага айланмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Зубков К. Америка точит пропагандистское оружие.// RBKdaily, 2008, 26 марта.

2.Россия заняла первое место в мире по государственным затратам на пропаганду.// www.vitki.info.

3.Ванберген Г. Пропаганда и цензура в Англии.//https:// antizoomby.livejournal.com.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада замонавий тарғибот системасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Ривожланган мамлакатлардаги тарғибот системаларининг таркиби ва асосий вазифалари аниқлаб берилади. Муаллифнинг фикрига кўра, бугунги кунга келиб, замонавий тарғибот системалари геополитик мақсадларга хизмат қиладиган механизмга айландилар.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются особенности современной системы пропаганды. Определяются структура и основные задачи систем пропаганды в развитых странах. По мнению автора, в нынешнее время современ-ные системы пропаганды превратились в механизм, служащий геополитическим целям и интересам.

**SUMMARY**

The article analyses the modern system of propaganda.Identifies the structure and main tasks the system of propaganda in developed countries.According to authors opinion,nowadays the system of propaganda transformed in mechanism,which serves for geopolitical aims and interests.

***Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган***

# ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ – ШАХС СИЁСИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИ КАФОЛАТИ

**Байматов Р.Б.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *адолат, ижтимоий адолат, сиёсий ижтимоийлашув, мулк, мулкий тенгсизлик, умумий фаровонлик, фуқаролар тенглиги, демократия, фуқаролик жамияти.*

Инсон зотининг азал-азалдан энг катта орзуси, энг улуғ мақсади битта бўлган – бу ҳам бўлса яхши яшаш, бахтли ҳаёт кечиришдир. Унинг интилишлари, куч ва ғайрати, салоҳияти асосан ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилгандир. Инсоннинг бахтли турмуш кечириши учун, аввало, унинг табиий-биологик эҳтиёжлари қондирилиши, шунингдек, у ҳадик-хавотирсиз, эмин-эркин яшаши керак эди. Ана шу эҳтиёжлар уни жамоага бирлаштирди.

Инсон эҳтиёж ва манфаатларининг маҳсули сифатида вужудга келган жамият ўз тараққиётининг илк босқичлариданоқ адолат масаласига рўбарў келди. Жамият тараққий этган сари бу масала долзарблашиб бораверди. Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши билан эса инсон онгида адолат ҳақидаги тасаввурлар тиниқлашиб, ушбу тушунчанинг шаклланишига олиб келди. Негаки, хусусий мулкчилик билан бир вақтда мулкий тенгсизлик ҳам вужудга келганди. “Жамиятда ижтимоий адолат, энг аввало, ҳаётий неъматларни тақсимлашда намоён бўлади. Чунки адолат – кишилар ўртасида бойликларни тақсимлаш, у ёки бу хатти-ҳаракатлар учун рағбатлантириш ёки жазолаш мезонини англатади”.[1] Демак, ижтимоий адолат мулкчилик муносабатлари билан боғлиқлиги туфайли ушбу муносабатлардаги адолатсизлик ижтимоий адолат механизмининг бузилишини англатади. Яъниким, ижтимоий адолатнинг асосий мезони мулкий муносабатларга бориб тақалади. Бу эса кимлардадир норозиликни келтириб чиқариши табиий эди. “Адолат – ҳаётдан норози инсон фарзандининг интилиши. Рози одамнинг адолатга эҳтиёжи ҳам йўқ ва у ҳақида гапирмайди ҳам”[2]. Мухтасар айтганда, инсоният жамиятининг келиб чиқишини табиий эҳтиёжлар белгилаган бўлса, бу эҳтиёжларни уйғунлаштириш эса адолат туйғусини шакллантирди. Шу боис, адолатли жамият қандай бўлиши керак, ижтимоий адолат нима, деган масалалар инсоният қадар азалийдир.

Инсоният тараққиётининг кейинги босқичларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шарт-шароитларнинг ўзгариб бориши билан кишиларнинг адолат тўғрисидаги тасаввурлари, тушунчалари ҳам ўзгариб, такомиллашиб борди. Охир-оқибат адолат ҳақидаги тасаввурлар шундай бир умумий моҳият касб этдики, ҳар бир инсон ўзи яшаётган ижтимоий-сиёсий тузум ҳақида муҳокама юритганда унга асосланадиган бўлди. Ушбу категорияни қўллаш орқали ижтимоий воқелик қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга арзийдими ёки уни ўзгартиришга ҳаракат қилиш керакми, деган саволларга жавоб изланадиган бўлди.

Шу асосда турли давр мутафаккирларининг адолат ҳақидаги назарий қарашлари ҳам шаклланиб борди. Халқимизнинг энг қадимий мероси бўлган зардуштийлик динида ҳам адолат ғояси марказий ўринни эгаллаб, олам эзгулик худоси Ахурамазда билан ёвузлик худоси Ахриман курашидан иборат, дея талқин қилинади. Қадимги Юнон фалсафасида “адолат” тушунчаси талқини асосий ўринни эгаллаган. Бу борада айниқса Аристотель қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. “Давлат фаровонлиги, - деб ёзади у, - умумий

[1] Насимжон Алимов. Иқтисодий адолат – ижтимоий адолат омили. Жамият ва бошқарув. 2006, – № – Б. 3–8.
[2] Некрасов А.И.Этика. – Харьков: Одиссей, 2007. – С. 224.

фаровонликка эришиш, яъни адолатнинг қарор топишидир”[1]. Аристотель учун адолатнинг муҳим аспекти бу – умумий фаровонликдир.

Буюк аждодларимиз Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқалар ҳам адолат ўрнатадиган одил ҳукмдор, адолат ва фаровонлик ҳукм сурадиган идеал жамиятни орзу қилишган бўлишса, буюк соҳибқирон Амир Темур эса ўз салтанатида адолат ўрнатишга интилган.

Адолатнинг умумий фаровонликка асосланиши ҳақидаги фикрлар асрлар давомида ривожланди. Сўнгги даврларда бу масалани тадқиқ қилган энг машҳур назариётчилардан бири АҚШ лик олим Жон Ролс ҳисобланади. Унинг асосий қарашлари 1972 йилда эълон қилинган “Адолат назарияси” номли асарида баён қилинган. Ролс адолатни формал-ҳуқуқий эмас, балки сиёсий-ижтимоий категория сифатида тушунади. Ролс фикрича, фуқароларнинг асосий эркинликлари (эркин сайлаш ва сайланиш, сўз, фикр, виждон, йиғилишлар ўтказиш, мулк эркинлиги ва қонундан ташқари ўзбошимча қамоққа олинмаслик кафолати) сиёсий эркинликларни аниқлаш учун асос бўлади. Адолат тамойилларига жавоб берадиган сиёсий тизим, унинг фикрича, конституциявий демократиядир.

Шундай қилиб, ижтимоий адолат тўғрисида асрлар давомида мулоҳаза юритилиб, турлича фикрлар билдирилган. Кўпчиликнинг фикрича, адолатнинг қарор топиши учун, аввало, адолатли жамият барпо этилиши керак. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий адолат тамойиллари эса адолатли жамият мезони сифатида намоён бўлади. Ушбу тамойиллар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Хусусан: қулай меҳнат шароитини яратиш; меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш; аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш; бюрократизм ва коррупцияга қарши кураш; демократияни қарор топтириш; халқ оммасини жамиятда бўлаётган ҳодиса-жараёнлар ҳақида тўлиқ ва объектив ахборот билан таъминлаш; шахсга ўзини ҳар томонлама намоён қилиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш ва бошқалар.

Ушбу тамойилларга амал қилиниши шахснинг иқтисодий имкониятлари, сиёсий эркинликларини кенгайтириб, давлат сиёсати ва ижтимоий тузумдан қониқиш ҳосил қилишига, оқибатда унинг сиёсий ижтимоийлашувига муносиб шароит яратилади. Кўрсатилган тамойилларнинг бузилиши эса фуқароларда норозилик кайфиятини туғдиради. Негаки, Иммануил Кант таъкидлаганидек, “ҳеч нарса бизни адолатсизлик каби изтиробга сола олмайди: бошимизга тушган бошқа кулфатлар унинг олдида ҳеч гап эмас”[2]

Шахс сиёсий туйғулари, сиёсий билим ва тафаккури ҳамда сиёсий қадриятлари жамиятдаги мавжуд адолат тамойилларига мос равишда шаклланади. Яъни жамиятда ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилиниши шахс сиёсий ижтимоийлашувининг муҳим шартидир. Шундай экан, ушбу мақсадларни рўёбга чиқарадиган жамият барпо этиш муҳим масаладир. Ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг энг мақбул йўли демократик тартибот эканлиги дунё тажрибасида ўз исботини топган, дейишга асослар етарли.

Ижтимоий адолатни қарор топтиришни асосий мақсад қилган мустақил Ўзбекистон “ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” сифатида инсонпарвар демократик жамият қуриш йўлини танлади. Истиқлол йилларида ижтимоий адолатни қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг асосий тамойилларидан бири, “кучли ижтимоий сиёсат юритиш” эканлиги ҳам фикримиз далилидир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов амалга оширган энг муҳим ишлардан бири ҳам шундан иборатки, “адолат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи лозим”[3]лиги қатъий белгилаб қўйилди.

---

[1] Арстотель.Сочинения. Т. 4. – М., 1983. – С. 124.

[2] Кант И. Сочинения в 6-томах. – М.:Мысль, 1964. Т. 2. – С. 201.

3 Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.3-том. – Т.:Ўзбекистон, 1996. – Б. 10.

Барчамизга маълумки, 2016 йилдан мамлакатимиз сиёсий ҳаётида янги давр бошланди. Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди. Эндиликда ислоҳотлар нафақат изчил давом эттирилаяпти, балки сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. “...бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.

Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир”.[1]

Иқтисодиётни ривожлантириш, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилгандир. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”[2] ги фармонининг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. Мазкур дастурнинг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, шахснинг сиёсий қиёфасини шакллантиришнинг ҳал қилувчи шарти ижтимоий адолат норма ва принципларининг тикланиши, унинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши билан боғлиқ. Ижтимоий адолат ижтимоий ютуқлар даражасини, жамият ва унинг аъзоларининг жисмоний ва маънавий етуклиги даражасини, жамият тараққиёти тенденцияларини, турли ижтимоий гуруҳларнинг тенглиги (тенгсизлиги) меъёрини, кишилар фаровонлигини таъминловчи ижтимоий кафолатлар системасини, инсонпарварлик принциплари ва умуминсоний қадриятларга мос бўлган ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар меъёрини характерлайди. Фуқаролик жамиятининг барпо этилиши ижтимоий адолат норма ва принципларининг мустаҳкамланишига олиб келади ва шунинг билан сиёсий ижтимоийлашув жараёнини амалга ошириш учун объектив шарт-шароит яратади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Некрасов А.И. Этика. – Харьков: Одиссей, 2007, – 224 с.
2. Арстотель. Сочинения. Т.4, – М., 1983. – 124 с.
3. Кант И. Сочинения в 6-томах. – М.:Мысль, 1964. Т. 2.– С. 201.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том.. – Т.:Ўзбекистон, 1996. – 354 б.


**РЕЗЮМЕ**


Ушбу мақолада ижтимоий адолат тушунчасининг моҳияти тўғрисида фикр юритилади. Айниқса ижтимоий адолатнинг шахс сиёсий ижтимоийлашувидаги аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган.


**РЕЗЮМЕ**


В этой статье рассмотрена сущность понятия социальной справедливости. Основательно проанализирована роль социальной справедливости в политической социализации личности.


**SUMMARY**


This article deals with the essence of an understanding of social justice. In particular this article thorounghly analyzed the role of social justice in the political socialization of the individual.


***Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган***

---

1 Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 декабрь.

2 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони. 2017 йил 7 февраль.

# КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ – ИНСОН МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИ

**Қаноатова Ф.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *маданият, маънавият, китоб, китобхон, китобат, мутолаа, дунёқараш, фикр, муаммо, таклиф.*

Инсониятнинг тарихий ютуқларидан бири ёзувнинг кашф этилиши натижасида аждодларимиз асотирларини, илмий-бадиий ижодини, тарихини, тажрибасини, билимларини, муҳим маълумотларини ёзув ёрдамида турли усулларда, дастлаб тошларда, бино деворлари, устунларда, сопол, суяк, папирусларда, пергамент ва теридан тайёрланган материалларда ёзиб қолдирган. Олимлар фикрига кўра, қоғоз ўрта асрларда дастлаб Самарқандда ихтиро қилинган, Германияда эса китобни нашр қилишнинг саноат усули кашф этилди. Унгача китоблар қўлда ёзилган ва кўпайтирилган. Бу авлодлар ўртасида ворисийликни таъминлаган, ҳеч бир кашфиётнинг унутилаётганлигига, янги авлод уларни қайтадан кашф этмасдан тайёр ҳолда қабул қилиб, янада ривожлантиришга имкон яратган.

Китобларда халқнинг тарихий хотираси, маънавияти, ахлоқи, нафосати, турмуш меъёрлари ва муносабатлари муҳрланиб қолган. Бу уларнинг миллий-этник онги, маданияти барқарор ривожланишига асос бўлган. Шу сабабдан тарихда деярли барча истилочилар бир мамлакатнинг ҳудудини босиб олганларидан сўнг уларнинг китобларини, маданиятларини йўқотишга ҳаракат қилган. Александр Македонский “Авесто”ни пергаментга китобат қилинганини тўлиқ ёқиб, йўқ қилган, фақат бир қисмини кўчиртириб олган. Берунийнинг “Осор-ул боқия” асарида ёзилишича, Қутайба хоразмликларнинг китоб ва ҳарфларини йўқ қилган. Лекин шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, ана шундай қирғинбарот ҳам аждодларимизнинг китобхонлик маданиятига барҳам бера олмади. Улар ислом талабларига мослашиб илм-фанни, адабиётни ривожлантирди. Қўлёзма шаклида буюк асарларни китобат этди.

Китоб ва китоб мутолааси бутун бир миллатнинг, халқнинг маданияти, илмий салоҳияти даражасини белгилаб беради. Таълим-тарбияда, инсоннинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда китобнинг ўрни беқиёс. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур китобга шундай таъриф беради: “Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл – идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”[1].

Китоб ўқиш, билим олиб унга амал қилишни Алишер Навоий инсоннинг комилликка эришиш шарти ва воситаси сифатида талқин қилади, ўқиб ўрганган билимига риоя этмаган кишини у устига китоб ортилган эшак билан қиёслайди.

Жадидлар ҳам ўз вақтида китобни инсон ва миллат ривожидаги аҳамиятини жуда яхши идрок этишгани сабабли таълимни тубдан ислоҳ қилиш, китоб ва ОАВ ларини мунтазам нашр этишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берган эди.

Кўпинча ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларни, бартараф этилиши керак бўлган ғовларни теран аниқлашда турли илмий, бадиий, сиёсий, фалсафий, публицистик китоблар ёрдам бера олади. Ҳаётнинг чигал муаммоларини, асл ҳикматларини фақат китоб ўқибгина теран англаш мумкин. Чунки китобда жамиятнинг шу пайтгача тўплаган билимлари, қарашлари муаллифнинг индивидуал тажрибаси, кашфиётлари акс этади. Барча даврларда ҳам китобнинг қадр-қиммати жуда юқори бўлган. Ҳадисларда "Илм – саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида – таянч, ёлғиз қадамларда – йўлдош, бахтиѐр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир" – деб бежиз айтилмаган.

Ўзбекистонда китоб мутолаасини ошириш, бадиий маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий аҳамиятга эга адабиётлар билан таъминлаш мақсадида кўплаб чора- тадбирлар олиб борилмоқда. Биргина 2017 йил 12 январда мамлакатимиз Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ва 2017 йил 13 сентябрда эса, **"**Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" қарори эълон қилинди. Унда "ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга"[2] алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидланган.

Лекин китобхонликни ривожлантириш борасида ютуқлар билан бирга бир қатор камчиликлар, муаммолар ҳам мавжуд бўлиб улар ҳали ҳам тўлиқ бартараф этилмай қолмоқда.

"...ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда."[3]. Китоб ёзиш ва нашр этиш бизнес турига айланиб улгурган ҳозирги глобал даврда яратилаётган асарларнинг умри қисқалиги, кеча ўқиган китобни бугун эслай олмайдиган даражада саёз эканлиги фуқаролар, айниқса ёшларни китобхонлик маданиятидан мосуво қилмоқда.

Бунда адиблар ва нашр билан боғлиқ муаммолар, баъзи асарларнинг савияси юзаки, мазмун-мантиқсиз, китоблар хорижнинг жангари ёки мелодрама фильмларининг қоғоздаги нусхасига айланган, жўн мавзунинг атрофида айланиб, сериал сингари чўзилиши ўқувчининг воқеани қандай тугашини олдиндан айтиб, хулоса чиқаришига олиб келади. Ана шундай китобларнинг муқоваси кассабоп фильмларнинг афишасига ўхшаб қолаётганлигига сабаби ҳам шунда. Лекин китоблар савиясига кўра ҳар хилдир. Баъзилари мазмунан жуда бўш. Бундай китоблар бир маротаба ўқиб охирига етказиб- етказмай ташлаб юборилар даражада, деб қўрқмасдан айтиш мумкин. Биз ҳозир бадиий адабиёт ҳақида фикр юритмоқдамиз.

Шунингдек, ҳозирги шоирликка даъвогарлик қилаётган айрим ёшларимизнинг яратаётган шеърларида биз тўлиб тошган ҳис туйғуни эмас, балки сўз ўйинини кўрамиз. Шу ўринда Анвар Обиджоннинг бу каби "шоирча"ларга қарата ёзилган қуйидаги шеърини эслаб ўтиш жоиз топдик:

*Каламушвой, каламуш,*
*Саводинг сал чаламуш.*
*Ёз десалар "темир"деб,*
*Сен ёзибсан "кемир" деб*[4].
*Ёки қуйидаги мисрасига эътибор қаратсак:*
*Навоийга ўхшаш-чун*
*Патдан қалам йўндирдим.*
*Чопон кийдим сал узун*
*Бошга салла қўндирдим.*
*Сотиб олдим бир жуфт шам,*
*Вазирбоп пар ёстиқча...*
*Энди фақат талант кам*
*Ва... хотиним ортиқча*[5].

Бу мисраларни ўқиган одамда бир қарашда юзида табассум уйғонса, иккинчи томондан талантсиз қаламкашларнинг кўпайиб бораётгани танқид остига олинганлигини

тушуниб, дили хира тортса керак. Чунки савиясиз асарлар китобхонлар оммасининг камайиб, турли муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Лекин ёшларимиз орасида турли мавзуларда бемалол суҳбат қура олаётган, билимдон, китобхонлик маданияти даражасини ошиб бораётганларини кўриб, эшитиб уларга нисбатан барчанинг ҳавасини ортади. Масалан, "Ёшлар" телеканалида ўтказилаётган "Ёш китобхон" танловида иштирок этаётган ёшларнинг китоб мутолаасига бўлган муносабатини кўриб, қанийди ҳамма ҳам шундай бўлса, деб орзу қиласан киши. Албатта, шундай талантларни кашф этиш учун ҳар бир ота-она, устоз-муаллим ўзида шундай юксак масъулиятни ҳис этиши керакки, улардан ҳамма ўрнак олсин. Айтиш мумкинки, ёш авлодни фикр доирасини шакллантиришда китоб алоҳида вазифани бажарар экан, шу ўринда ўзбек халқининг дунёга машхур алломалардан бири Абдулла Авлонийнинг шундай фикрларини эслаш жоиздир: "Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суянган муқаддас бир вазифадир".

Тўғри, бугунги кунда китоб дўконларида эринмасдан айланиб, фарзандларига турли китоблар харид қилаётган кўплаб ота-оналарни кўрамиз ва уларга ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак арзийди. Улар ўғил-қизларининг порлоқ келажагига ҳозирданоқ замин тайёрлашмоқда. Китоб харид қилишда ҳам китобхон унинг муқовасига эмас, мазмун-моҳиятига аҳамият қаратса, нур устига аъло нур бўларди.

Лекин китоб дўконларига кирган ёшлар қандай бадиий асарни кўпроқ сўрашяпти ёки дўкон сотувчисининг ўзи қайси китобни таклиф қилаётир деган савол бизни ўйлантириб қўймоқда. Китоб дўконига кириб келган ёшгина қиз расталарни айланиб чиқиб, сотувчидан "Дайди қизнинг саргузаштлари" 1-2 китобларини топиб беришини илтимос қилди. Хўш, мактаб ўқувчисини нима учун айнан шу асар қизиқтиряпти? Албатта бунинг сабабларини турлича изоҳлаш мумкин. Мана шундай ҳолатлар янгидан - янги муаммони келтириб чиқармайди деб ҳеч қайсимиз кафолат бера олмаймиз албатта. Биз катталарнинг лоқайдлигимиз бундай ҳолатларга бош омил десак, тўғрироқ бўлади.

Шунингдек, кузатишимиз асосида таълим муассасаларида болаларни китобхонликка даъват этиб, бир ойда ким кўп китоб ўқишини талаб қилинганлик ҳолатига дуч келдик. Балки бир ойда 30 та китоб ўқиш мумкиндир, лекин уни уқишчи? Ўқувчи ёш қанақа китоб ўқияпти, у билан ўқитувчи, ота-она қизиқаяптими?

Яхши китоб мутолааси инсонга гўзаллик, эстетик дид, яхши хулқ, хушмуомалалик, сўзамоллик бахш этади. Инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради, ширинзабон, хушмуомала қилишга ёрдам беради.Турли асабий ҳолатлардан чиқиш, таҳликали нохуш фикрлардан чалғишнинг энг қулай усули ҳам китоб ўқишдир.

"Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда"[6].

Китоб мутолааси нафақат инсонга маърифат улашади, маънавиятини бойитади, балки унинг саломатлиги учун ҳам фойдали экан. Шотландиялик олимларнинг тадқиқотларига қараганда, китоб ўқиш тушкунликни даволашнинг энг самарали воситасидир. Тушкунликка чалинган беморлар китоб ўқишни бошлаганидан кейин уларнинг тушкунликка тушиш ҳолатлари камайган. Чунки ҳар сафар китоб ўқилганда мия фаол ишлайди. Қатор тадқиқотлардан маълум бўлишича, кўп китоб ўқиган инсонлар алсгеймер касаллигига камроқ чалинар экан

Британияда эса ғайриоддий касб – библиотерапевт мутахассислиги ташкил этилган. Ушбу соҳада руҳий муаммолар қуршовида қолган кишиларни китобга жалб қилиш

дастури асосида иш юритадиган мутахассислар фаолият кўрсатади. У ерда стресс ва турли фобиялардан қийналаётган беморлар учун ўзига хос усул ишлаб чиқилган. Ҳозир Европанинг етакчи шифохоналарида даволашнинг янги усули – библиотерапеядан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган бир замон, дунёда турли ёт ғоялар, маънавий хуружлар ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилаётган бир пайтда, китоб ёшларимиз маънавиятини ривожлантириб, уларнинг маънавий иммунитетини шакллантирувчи асосий манба бўла олади.

Китоб ҳақида Абдураҳмон Жомий шундай деб ёзади:

*Китобдан яхши дўст йўқдир жаҳонда,*
*Ғамхўринг бўлган у ғамли замонда.*
*У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,*
*Жонингга юз роҳат беради такрор*[7].

Ҳақиқатдан ҳам, китоб инсоннинг энг яхши, ҳеч қандай таъмани билмайдиган дўсти, зарур пайтларда энг яқин маслаҳатчиси, кўнгил маъюс бўлган кезларда дардкаши, жон роҳатидир.

Хўш, китобхонни ўзини қандай қилиб китобга яқинлаштириш керак? Бизнинг фикримизча, бунинг учун қуйидагиларга эътибор қаратмоқ зарур:

Биринчидан, болани энг кичик ёши, керак бўлса, гўдаклигидан китобга меҳр қўйишга эришиш лозим. Халқ эртак китобларини нашр қилишни кўпайтириш лозим, чунки ана шу ёшдан инсон онгида ёмонликка нафрат ва яхшиликка муҳаббат руҳини шакллантириб бориш мумкин;

Иккинчидан, болаларда сабрлилик ва кузатувчан, мантиққа асосланиш, диққатни жамлаш каби ижтимоий фазилатларни шакллантириш учун кўпроқ сермазмун саргузашт асарларни ўқишга жалб этиш;

Учинчидан, одамни эртанги кунга умид билан қарашга ўргатувчи ўлмас асарлар ўқиш ва уларни яратиш;

Тўртинчидан, кўп китоб ўқийдиган киши рўй бераётган ҳар бир воқеадан ҳаётий хулосалар чиқара олиши, илмли ва донолиги билан ҳурмат-иззат топишини ўрнак бўладиган шахслар мисолида китобхонликка меҳр уйғотиш;

Бешинчидан, ота-онанинг аввало ўзи шахсий намуна бўлиши, ўзи китоб ўқишни сидқидилдан севиши, мутолаа завқини туя олиши керак.

Умуман олганда, китобхонлик мажбуриятга эмас, балки заруратга, эҳтиёжга айланиши зарур. Чунки китоб дилга нур беради, дил нурдан баҳра олади, инсон кўзи равшанлашади, оламни кўради, англайди, тўғри йўл ила бахт саодат топади.

Китоб – абадий мўъжиза, ундан ҳайратланмоқ ва унга ишонмоқ зарур. Китобхонлик маданиятини шакллантириш ижтимоий муносабатларнинг алоқадорлиги замирида юзага келувчи ҳодисадир. Унинг ўзгарувчанлиги давр, замон ва макон билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳаёт ҳикматларини ўзида жамлаган буюк кучга эга бўлган китоб инсон қалб уйини доимо чароғон этиб туради.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271 сонли қарори // www lex uz
2. Марсель Брион. Менким Соҳибқирон Жаҳонгир Темур. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – 572 б.
3. Интернет манбалари.
www.kitob.uz

www. lex uz
hhh/// n.ziyouz.com


**РЕЗЮМЕ**

Китоб мутолааси шахс, миллатнинг маданиятлилик даражасини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири. Китобхонлик маданиятини шакллантириш ижтимоий муносабатларнинг алоқадорлиги замирида юзага келувчи ҳодисадир. Унинг ўзгарувчанлиги давр, замон ва макон билан чамбарчас боғлиқ.

**РЕЗЮМЕ**

Чтение книг является одним из ключевых факторов, определяющих культуру личности, нации. Формирование культуры чтения - явление, связанное с социальными отношениями. Его изменчивость тесно связана с временем и пространством.

**SUMMARY**

Book readings are devoted to one of the key characters, a certain culture of the individual, the nation. The formation of a culture of life is a phenomenon connected with social relations. Ego variability is closely related to time and space.



***Нашрга проф. А.Эркаев тавсия этган***


# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ФАЛСАФАСИДА ИНТУИЦИЯ


**Надирова З.П., Раҳимов У.М. (**ТАТУ Қарши филиали**)**



**Таянч сўз ва иборалар:** *билиш, илмий билиш, интуиция, интуитив билиш, жонли мушоҳада, рационал ва иррационал билиш.*


Абу Райҳон Муҳаммад Ибн Аҳмад Беруний (973–1048) – машҳур қомусий олим ва йирик мутафаккир Хоразмнинг Қиёт шаҳрида туғилган. Беруний илм фаннинг барча соҳаларида самарали ижод этиб, 162 та китоб ва рисолалар ёзган, шулардан атиги 28 таси бизга етиб келган.

Олимнинг борлиқ тўғрисидаги ғоялари унинг табиий илмий қарашлари билан узвий боғланган. Унинг эътиборини борлиқ, материя, фазо ва вакт, қонуният, зарурият ва тасодифлик, сабаб ва оқибат, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият каби муаммолар ўзига жалб этади.

Берунийнинг билиш назариясида жонли мушоҳада ақлнинг яқин кўмакчисидир. Бунга кўра “Ақл жонли мушоҳада етказиб берган маълумотларга таянган ҳолда ашёларнинг ички моҳиятига кириб боради. Инсон ўзининг табиат ҳодисаларини билишга бўлган интилишида икки нарсадан илҳомланади. Булардан бири – Аллоҳ томонидан азалдан берилган табиий қизиқиш, барча нарсаларнинг мазмун моҳиятига етиб боришга бўлган интилишдир. Иккинчиси эса билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Билимнинг чин ёки ёлғонлиги тажриба синов, кузатув мезони орқали аниқланиши шарт.[1]” Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, мушоҳада юритиш орқали воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳияти англанади, лекин мазкур билиш жараёни ақлий фаолият номига эга. Бироқ айни пайтда инсон олган билимлар унинг манфаатига ҳам хизмат қилиши айни ҳақиқат. Аниқ, чин билимни Беруний тажриба билан боғлайди. Бизнинг назаримизда рационал ва иррационал тафаккурда ҳам бевосита аниқ билимни тажриба орқали эгаллаш мумкин. Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқариш мумкинки, **“мушоҳада – манфаат – тажриба”**нинг уйғунлиги восита аниқ билишга интилиш жараёни содир

[1]Фалсафадан қисқача изоҳли луғат / Муаллифлар жамоаси. Абдуллаева М.Н., Абдурашидов М., Абилов У. ва бошқ.. Маъсул муҳаррир А.Жалолов. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 64.

бўлади. Билиш жараёнига алоқадор мазкур уйғунликнинг таъриф ва тавсифига эътибор қаратсак, мушоҳада нима ўзи? деган саволга жавоб бериш лозим бўлади.

Беруний қомусий олим сифатида билишнинг табиатини жуда яхши ўрганган. У "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", "Маъсуд қонунлари", "Ҳиндистон" каби асарларида ижтимоий билимларнинг мазмун моҳиятига катта эътибор беради. Олимнинг табиий-илмий қарашлари "Геодезия", "Минералогия" асарларида ўз ифодасини топган. Ушбу асарларида олим дунёнинг ўзига хос табиий илмий манзарасини баён қилган, табиат ҳодисаларини билиш масалаларига катта эътибор берган. Беруний инсон энг асосий қадриятлардан бири, тафаккур эса уни бошқа жонзотлардан ажратиб туради, деб ҳисоблаган.

Шу ўринда Абу Райҳоннинг билиш назарияси ўзига хос аҳамиятга эгалигини таъкидлаш зарур. Беруний тажриба ва мантиқни билишнинг муҳим воситаси ва ҳақиқат мезони деб билади. Унинг фикрича, билишнинг бошланиши – сезгилардан ва ҳар бир сезиш жараёнининг ташқи кузатувчиси ўша нарсанинг бошқарувчисидир. Бундай сезиш табиатнинг икки қисмга – ҳайвонлар ва инсонларга хос эканлигини айтади. Мутафаккирнинг фикрича, сезиш жараёнида маълум даражада онг унсурини кўрсатиш мумкин. Сезишнинг онг билан боғловчи жиҳатлари – бу эшитиш ва кўриш сезгиларидир. Билишнинг юқори босқичи бўлмиш ақл худо томонидан берилган, – дейди Беруний. Унинг вазифаси дунёни билиш, олий мақсади эса табиатдаги уйғунликка путур етказмаган ҳолда ундан одамлар манфаати, бахт саодат йўлида фойдаланишдир. Интуиция ҳақида олиб борилган тадқиқотлар интуициянинг бир қанча турлари мавжудлигини таъкидлашади. Интеллектуал интуиция, ахлоқий интуиция, ижтимоий интуиция, ижодий интуиция, илоҳий интуиция каби кўринишларга эга. Интуиция илмий ва фалсафий қонунларни кашф этади. Давлат бошқарувида, жиноят оламида интуициянинг ўрни ниҳоятда аҳамиятли. Ҳар бир давлат арбоби мавжуд ижтимоий муаммоларни олдиндан кўра олиши ва уни олдини олиши, ижтимоий қонунларни халқ манфаати учун олдиндан башорат қила олиши лозим.

Абу Али Инб Сино –жаҳон фани ва маданиятининг энг йирик намояндаларидан бири. Ўзининг илмий даҳоси билан у Шарқ ва Ғарбда кенг танилиб, "Шайх ур-раис", ("Олимлар бошлиғи", "Табиблар подшоҳи") деган номга сазовор бўлган. Ибн Сино Шарқ ва ғарб, хусусан, қадимги Юнонистон фалсафий анъаналарини чуқур ўзлаштириб, ривожлантирди, ўз ижтимоий таълимотида у буюк инсонпарвар, ватанпарвар, адолатпарвар мутафаккир сифатида танилди. Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мутафаккирлар ҳақида шундай фикр билдиради: "Юртимиз заминида етишиб чиққан, Бағдоддаги "Байтул ҳикма" ва Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб борган, илм-фан соҳасидаги тенгсиз кашфиётлари, маънавий жасорати билан тарихда ўчмас из қолдирган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино каби етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди."[1]

Буюк ҳаким, олим ва файласуф Ибн Сино Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. Болалигидан кўп мутолаа қилган олим илм чўққиларига мустақил ўқиб ўрганиш йўли билан етиб боради. Бу ҳақда алломанинг ўзи шундай ёзади: "Ўн ёшимда Қуръонни ўргандим, баъдиий адабиётларни ўқиб чиқдим. Кейин мантиқ илмига оид китобларни мутолаа қилиб, мустақил равишда бу илмнинг нозик қирраларини ўзлаштира билдим".[2] Абу Али Ибн Синонинг илмий-фалсафий, ахлоқий эстетик қарашларининг асосини ташкил қилувчи билиш назарияси муҳим аҳамиятга эга. Билиш реал предметларни биринчи навбатда сезгилар орқали акс эттиради, сўнг ақлий билимга асосланади. Ибн Сино билишни уч турга бўлади: ҳиссий, ақлий ва мистик билиш –нубувват, яъни

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2009. – Б. 161.
[2] Ҳақиқат манзаралари. – Тошкене: Янги аср авлоди, 2002. – 195 б.

пайғамбарона билишдир. Ҳиссий билишнинг воситасини сезгилар ташкил этса, ақлий билишда мантиқий фикр юритиш, нубувват учун эса илоҳий ақл билан мистик тарзда мулоқот – ваҳий восита бўлади, дейди у. Келтирилган уч босқич билиш даражаларига кўра ҳақиқатни турлича тушунишдир. Ҳиссий билишда ҳақиқат – бу тажрибалар ва сезги кўрсатмаларига мос келадиган билим бўлса, ақлий билишда эса мантиқий равишда ҳукмлардан хулоса чиқаришдир. Ақлий билишнинг қуроли – бу мантиқ. Мантиқ ёрдамида таъриф ва тавсифлар берилади, уларнинг асосида эса хулосалар чиқарилади. Мантиқ илмидан бохабар бўлиш хатолар ва янглишлардан асрайди. Умуман олганда. олимнинг билиш назарияси кўпроқ мантиқийликка асосланади.

Унинг талқинида, мантиқ маълум билимлардан номаълум билимларни келтириб чиқаради, уларни бир-биридан фарқ қилади ва чин билим нимадан иборат, ёлғон нима уларнинг турлари тўғрисидаги фан ёки мантиқ илмини назарий санъатнинг қуроли деб баҳолайди. Унинг фикрича, мантиқ ҳақиқатни билиш тўғрисидаги маълум билимдан номаълум билимга ўтиш жараёнида объектив оламни билиш учун хизмат қилади. “Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим[1].” – дейди олим. Мантиқ барча илмларнинг умумий методологияси, услубидир. Нубувват эса табиатан чин ва ҳақиқатдир. Ибн Сино интуитив билишни илоҳий илм деб ҳисоблайди. Барча билимлар мажмуи Худода ниҳон бўлганлиги учун, икки йўл орқали билиш мумкиндир: ҳам табиий йўл, яъни ҳиссийликдан ақлий билиш орқали биринчи сабабни идрок этиш, ҳам ғайри табиий йўл –илоҳдан ақлга ва ундан инсон сезгиларига келадиган билимни эгаллаш орқали келиш мумкин. Ибн Сининг билиш назарияси хусусан ҳиссий билиш, сезгилар, сезги органлари ҳақидаги фикрларида сезгини ташқи ва ички сезгиларга ажратади. Ташқи сезги инсонни ташқи олам билан боғлайди. Ички сезгилар бу умумий, яъни тахмин этувчи, ифодаловчи, эслаб қолувчи (хотира), тасаввур этувчи сезгилардир. Бу ички сезгилар ташқи сезгилар асосида шаклланиб ташқаридан олинган айрим сезгиларни умумлаштириш, уни қабул этиш, хотирада сақлаш ва тасаввур этиш учун хизмат қилади.

Билиш жараёни уч турга бўлингани сингари тадқиқотчилар интуициянинг ҳам ҳиссий, ақлий, яъни интеллектуал, эмоционал ва мистик турлари ҳақида маълумот беришади. Ақлий мушоҳада ва бошқа сезги образларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, тушунчадан олдин келадиган интуитив сезиш – ҳиссий интуиция дейилади.

Ҳодисаларнинг моҳиятини бирданига, ақлий жиҳатдан илғаб олиш жараёни интеллектуал интуициядир ва бирор нарсанинг қадр қимматини ҳиссиёт орқали англаб етиш жараёнида эмоционал интуиция намоён бўлади. Баъзи ўринларда Ибн Сино таъкидлаганидек, интуиция илоҳий қудрат билан мулоқот жараёнида вужудга келадиган мутлоқо онгсиз, илоҳий илҳом жараёнидир деб талқин этилади. Интуиция қандайдир ички англашни тўсатдан очиб, мураккаб, ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган реалликнинг сермаънолигини аниқлашга ёрдам беради. Интуиция ўрганилаётган объектдаги муаммо бўлган ҳолат тўғрисида ҳеч бир мушоҳада ва исботга таянмасдан туриб, бирданига яхлитлигича қамраб олиш воситасида янги билимга эга бўлиш жараёни сифатида ўрганилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Сино талқинида, мантиқ, билиш, ҳиссий билиш, ақлий билиш ва нубувват яъни пайғамбарона билиш муҳим аҳамиятга эга. Энг асосий ҳар қандай янги билим унинг назарида мантиқий қоидаларга асосланиши керак, чунки мантиқ илмидан бохабар бўлиш хатолар ва янглишлардан асрайди. Интуитив билишнинг муҳим хусусияти шундаки, у объективлик, тарихийлик методи билан бирга мантиқий кетма-кетликка асосланади. Мантиқ илми унинг асосий қуроли сифатида хизмат қилади.

[1] Ҳақиқат манзаралари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 197 б.

**Фойдаланган адабиётлар**
1. Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2009. – 161 б..
2. Ҳақиқат манзаралари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 295 б.
3. Ибн Сина. Дониш-намэ. Книга знания. – Сталинабад: Таджикгосиздат, 1957. – 286 с.
4. Ибн Сина. Избранные произведения. – Душанбе: Ирфон, 1980. – 312 с.
5. Солдадзе Л. Ибн Сина – Авиценна. – Т.: Ғ.Ғулом, 1983. – 464 с.
6. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I қисм. – Т., 2004. – 327 б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида интуиция ва интуитив билиш муаммолари тадқиқ этилди.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассмотрена проблема интуиции и интуитивных знаний во взглядах мыслителей Центральной Азии

**SUMMARY**

This article deals with intuition and scientific knowledge outlooks of philosophers of Central Asia.

***Нашрга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган***

## ДИАХРОН МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛАДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

**Зоҳиров Р.Т. (**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси)

“Диахрон” сўзи “икки авлод”га тааллуқли тушунча. Этимологик нуқтаи назардан у икки-уч авлодлар ўртасидаги алоқаларни, муносабатларни англатади.

Диахрон муносабатлар кенг маънодаги ижтимоий муносабатларнинг микро ифодасидир, чунки оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Оиланинг жамият билан узвий боғлиқлиги ундаги муносабатларни умумманфаатларга мувофиқ кечишини, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги алоқаларни маълум бир социал ҳамда ҳуқуқий нормаларга қурилишини тақозо қилади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диахрон муносабатларга оид махсус XIV боб киритилган бўлиб, унда ота-оналарнинг фарзандлари олдида ва, ўз навбатида, фарзандларнинг ота-оналари олдида масъул экани кўрсатилган. Хуллас, оиладаги диахрон алоқалар Асосий Қонунимизга мувофиқ умуминсоний гуманитар ҳуқуқ талабларига мувофиқ келиши зарур. Шу билан бирга, диахрон муносабатларнинг маънавий-ахлоқий императивлар билан боғлиқ томонлари ҳам борки, айнан улар оилани кенг ижтимоий муносабатлар ва жамият ҳаёти билан боғлайди, улар ўртасидаги уйғунликни ҳамда ҳар қандай ижтимоий воқеликда бўлганидек, зиддиятларни, муаммоларни ифодалайди. Бу зиддиятлар ва муаммолар аввало оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит билан боғлиқдир.

Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг фарзандлар шаклланишига таъсири бениҳоя катта эканини кишилар ибтидоий даврлардаёқ билишган. Бу ўринда ибтидоий даврнинг ўзига тарбия усули, ҳатто тарбия фалсафаси “табу”ни эслаш мумкин. Машҳур этнограф ва антропологлар: Ж.Фрезед, Э.Тайлор, К.Клакхон, М.Миднинг асарларида бу борада кўпгина мисоллар келтирилади.

Диахрон муносабатларни ибтидоий “табу” усулида давом эттириш ҳеч қачон тўхтамаган, у ижтимоий-тарихий босқичларда турли шаклларда давом этган. Ўрта асрларда, айниқса, Уйғониш даврига келиб авлодлараро муносабатлар, бола тарбияси кейинги босқичларникидан ҳам кўпроқ автоном олиб борилди. Фақат XX асрга келиб ота-оналар ва фарзандлар ҳуқуқлари ҳақида гапириш мумкин бўлади ва бу борада меъёрий ҳужжатлар

қабул қилинади. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция” (1989 йил 20 ноябрь) диахрон муносабатларни гуманизациялаштиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унда “Иштирокчи – давлатлар ўз зиммасига болани унинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлашни зиммаларига оладилар, бунда унинг ота-онаси, васийси ёки қонун бўйича унинг учун жавобгар саналмиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини эътиборда тутишни ҳисобга оладилар ҳамда ана шу мақсадда барча қонуний ва маъмурий чора-тадбирларни кўрадилар”, деб таъкидланган. “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция” (1979 йил 18 декабр)да “болалар манфаатлари барча ҳолларда устун туришини назарда тутиб, оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англаниши ҳамда эркак ва аёлларнинг ўз болалари тарбияси ва камолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилиши” зарурлиги кўрсатилган. Демак, халқаро ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда оила ва оилавий тарбия, аввало, ота-оналар зиммасидаги вазифа эканини, бунинг учун давлатлар ота-оналарнинг давлат ва жамият ҳақида қатнашиш ҳуқуқларини таъминлаши, уларни “тегишли турмуш шароитларидан, айниқса уй-жой шароитларидан, санитария хизматларидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш”да тенг ҳуқуқлигини эътироф этади. Ўзбекистонда қабул қилинган “Оила кодекси” (1998 йил 30 апрел), давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018 йил 2 феврал) Фармони, “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори (2018 йил 27 июн)да юқоридаги умуминсоний ҳуқуқий меъёрлар миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи хусусиятларига мос тарзда ифода этилган. Масалан, оила институтини мустаҳкамлаш концепциясида “оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш... оиланинг тарбиявий таълим салоҳиятини юксалтириш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш” долзарб вазифалардан экани қайд қилинади. Мазкур ҳужжатда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятига бевосита тааллуқли вазифалар, жумладан, оилалардаги аҳволни, маънавий-ахлоқий муҳит ва тарбиявий жараёнларни ўрганишга қаратилган “Йўл харитаси” ҳақида ҳам муҳим кўрсатмалар берилган.

“Йўл харитаси” ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оиладаги аҳволни ўрганишга йўлланмадир. Энди илмий тадқиқотлар жойлардаги аҳволни аниқ билишга, мавжуд муаммоларнинг аниқ ечимини топишга, оилавий ажралишлар сонининг ошишига йўл қўйилмасликка, болалар тарбиясини яхшилашга қаратилиши даркор.

Расмий маълумотларга кўра, республикамизда 300 мингдан ортиқ никоҳлар расмийлаштирилади, шу билан бирга 25-30 минг никоҳ бекор қилинади. Масалан, 2017 йилда 306,2 минг никоҳ қайд этилган бўлса, ажримлар 31930 ни ташкил этган. Бу 2016 йилга нисбатан 32.9 фоиз кўпдир. Баъзи жойларда ажралишлар 25 фоизгача боради. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 2016 йилда ажрим 1838 та, 2017 йил шу даврда 1952 ажрим холатлари қайд этилган бўлиб, 114 тага ошган. Бундан ташқари, республикамизда жиноятларнинг умумий сони камайган бўлса-да, қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, ўғрилик ва фирибгарлик каби жиноятлар сони юқорилигича қолмоқда. Жиноят содир этганларнинг ҳар тўртдан бири – ишсиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жиноятларнинг аксарияти оила шароитида ёки оилавий муносабатларнинг деструктив таъсири остида содир бўлади. “Оиладаги ахлоқий қарашлар ўзининг мазмуни, таъсирига кўра, ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқдир. Бироқ ахлоқий муносабатларнинг таъсир доираси ниҳоятда кенг, у оила ҳаётининг энг майда икир-чикирларидан тортиб, ҳал қилувчи ҳодисаларгача бошқариб туради. Чунончи, оила аъзоларининг кийиниши, овқатланиши, дам олиши, фарзандларини ўқитиши,

уйлантириши ҳам ахлоқий қоидалар воситасида бошқариб турилади. Оила вужудга келиши билан "оила – оила аъзоси", шунингдек, "оила – жамият" муносабатларини муайян ахлоқ қоидалари, одат ва анъаналар билан бошқариш объектив заруратга айланади. "Эр-хотин" ўртасидаги муносабат ахлоқий муносабатнинг бир қисми бўлиб, "ота-она" муносабати тўла-тўкис ахлоқий муносабатдир. Шунинг учун оиладаги маънавиятнинг, ахлоқий етукликнинг моҳияти – оилани сақлаш ва мустаҳкамлаш, комил фарзандларни тарбиялаш учун имконият яратиб беришдан иборатдир". Муаллифлар хулосага келишади: "оилалардаги ҳуқуқбузарлар ўз хатти-ҳаракатларини деярли танқидий баҳолашмаган ёки рўй берган ҳодисаларнинг ҳақиқий ҳолатини беркитишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг кўпчилиги ўз оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар яхши бўлганлигини, кам қисми муносабатларнинг салбий бўлганлигини қайд этишади, айримлари оила амалда деярли барбод бўлганлигини тасдиқлайдилар". Демак, оилада содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитга, ўзаро муносабатларга бориб тақалади. Бундай оилалардаги муносабатлардаги кескинлик, талашув, низолар жиноятларга етаклайди.

Бизнинг Қашқадарё вилоятида олиб борган кузатувларимиз ҳам кўрсатадики, оилани барқарор, аҳил институт сифатида сақлаб турувчи омил – авторитет вазифасини ўтовчи кекса авлоднинг бўлишидир. Кекса авлод мавжуд оилалардаги ажралиш 3-5 фоизни ташкил этганида, улар йўқ, айниқса ёш оилалардаги ажралиш 82-85 фоизгача етади. Кекса авлод мавжуд оилаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар деярли йўқ даражада (1-2 фоиз), улар йўқ оилаларда 20-22 фоиз атрофидадир.

Кекса авлоднинг оилавий муносабатларнинг шаклланишига ижобий таъсирини респондентларимизнинг 62 фоизи қайд этадилар, 30 фоизи бу таъсир "гоҳ ижобий, гоҳ салбий бўлиши мумкин" деб жавоб беради, 8 фоиз респондент ота-оналарининг оилавий ҳаётига аралашмаслигининг тарафдорларидир. Мазкур 8 фоиз респондентлар кекса авлодга консерватизм, вайсақилик, янгиликни ёқтирмаслик, ўз амрини ва хоҳишини ўтказишга интилиш, невараларини талтайтириб юбориш хос, деб биладилар. Мазкур респондентлар ичида "оиламнинг барбод бўлишига", "зўравонлик қилишимга ота-онам сабабчи бўлган" деган шахслар ҳам бор. Тўғри, улар кўп эмас, аммо шундай ҳодисалар ҳам учраб туради.

"Оила бутун каби ўзи ўзига бурканган айрим шахс бутунига зид тарзда шаклланган". Демак, Гегелнинг фикрича, оиланинг "бутун", институт экани бошқа индивидлар – эр-хотин, фарзандлар, ака-ука, опа сингил кабиларнинг аҳиллигига, бирга яшашига, ҳар куни бир-бирлари билан муносабатларга киришиб туришига қурилган маънавий – ахлоқий муҳит эканидадир. Бу муҳит меҳр-муҳаббат ва дўстликка асосланганидагина оилани мустаҳкам, унда яшашни завқли, самарали, гуманистик моҳиятли қилади.

Диахрон муносабатлар оиланинг бир, икки, уч ёки тўрт авлодли бўлишига мувофиқ кечади. Мазкур тизимлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Бир авлодли оила фақат эр-хотиндан, икки авлодли оила эр-хотин ва уларнинг фарзандлари, уч авлодли оила эса буви (бува), ота (она) ва фарзанд (невара) лардан иборат бўлади. Тўрт авлодли оила бугун ўта кам учрайди, аммо бундай оила ўтмиш ҳаётимизда етарлича топилган. Цивилизация, айниқса урбанизация оилаларни ихчам, мобил бўлишга, ўз салоҳиятини намоён этиш борасида яратилаётган имкониятлардан, қулайликлардан тўла фойдаланишга ундамоқда. Бу оилаларни ихчам, кам сонли бўлишига ундаётган омиллардан биридир.

Кекса авлоднинг ҳаётий тажрибаси ёш авлод учун муҳим. Ўрта авлод кўпинча, ижтимоий вазифаларини бажариш билан банд бўлиб, кексаларнинг ёрдамига, маслаҳатига муҳтожлик сезавермайди. Авлодлар ўртасидаги фарқлар ижтимоий ҳаёт босқичлари ўртасидаги фарқлардир. Ҳар бир ижтимоий ҳаёт босқичи авлодлар қалбида ўзига хос из қолдиради, ўзига хос қадриятларни шакллантиради. Бироқ маънавий-ахлоқий қадриятлардаги гуманизм, боқийлик кекса авлод тарғиб этадиган тажрибаларни қадрли қилади.

**Шу нуқтаи назардан ҳам кекса авлоднинг тажрибаси, маънавий-ахлоқий сабоқлари ёш авлод учун ҳаёт дарслиги вазифасини ўтайди**. Оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни бир авлод эмас, балки икки, уч авлод ва улар ўртасидаги муносабатлар шакллантиради. Бироқ муносабатлар ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва дўстлик каби гуманистик қадриятларни тақозо этади, ана шунда улар оила институтини мустаҳкамлашга хизмат қилади. **Кекса авлоднинг ҳаёт тажрибаси – бебаҳо бойлик**, аммо у ҳозирги модернизациялашаётган жамият ва ижтимоий муносабатларга мос келиши ҳам даркор. Ўрта ва ёш авлод ушбу тажрибани мудом ўз даври, янгиланаётган ижтимоий борлиқ нуқтаи назаридан баҳолайди, бу жамият тараққиётининг ўжар талабидир.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Фрезер Дж. Золотая весть. – Москва: Изд.полит. лит-ры, 1983.
3. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – Москва: Изд.полит. лит-ры, 1989.
4. Клакхон К. Зеркало для человека. Введение в антропологию. – Санкт-Петербург, Евразия, 1998.
5. Мид М. Культура и мир детства. - Москва: наука, 1988.
6. Семья. Книга для чтения. Т.1. – Москва: Изд. полит. лит-ры, 1991.
7. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2012 / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – 388.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” // Халқ сўзи, 2018, 28 июн.
9. Алимова Г. Оила қўрғонига дарз кетмасин // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 12 май.
10. Тўлаганова Г., Ўразалиев М. Оиладан узоқлашган жиноятга яқинлашади // Инсон ва қонун, 2018 йил 7 август.
11. Гегель. “Семья – это органическое целое” // Семья, Книга для чтения. Т.2. – Москва: Изд. полит. лит-ры, 1991.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада диахрон муносабатларнинг оила институтидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг айрим ҳуқуқий жиҳатлари, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитга таъсирининг айрим масалалари тадқиқ қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье исследуются некоторые вопросы диахронных отношений, их место в укреплении семьи и некоторые правовые аспекты, связанные с созданием духовно-нравственной среды в семье.

**RESUME**

This article explores some issues of diachronic relations, their place in strengthening the family and some legal aspects related to the creation of the spiritual and moral environment in families.


***Нашрга фолс.ф.д. С.Чориев тавсия этган***

# ДИАЛОГ КАК СРЕДСТВО ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ КОММУНИКАЦИЙ В ПОЛИТИКЕ: СОВРЕМЕННЫЙ КОНЦЕПТУАЛЬНЫЙ ДИСКУРС

**Мавлонов Ж.** (НУ Уз)

**Ключевые слова:** *диалог, гражданское общество, модель диалога «государство – гражданин», модель диалога «государство - гражданское общество – гражданин», диалогизм, социальный диалог, делиберативная модель демократии.*

Проблема организации диалога в современном мире вызывает широкий интерес у философов, педагогов и культурологов, политологов и религиоведов, у представителей различных направлений современной общественной мысли. Это объясняется тем, что в конце XX - начале XXI века в мире актуализировался ряд таких острых проблем, решение которых возможно только на основе общественного диалога. Диалог в современном мире представляет собой широкую междисциплинарную научно-теоретической парадигмы и важнейшую форму социокультурной и политической деятельности, характеризующейся стремлением к «согласию» культур, цивилизаций, народов, религий, государств, идеологий, политических и общественных организаций, то есть всех участников современного социально-политического процесса.

Практика организации широкого политического диалога нашла свое новое понимание с избранием на пост руководителя страны Шавката Мирзиёева. «Известно, что во многих развитых странах мира существует практика обращения главы государства с Посланием к национальному парламенту по самым важным и актуальным вопросам политического, социально-экономического и демократического развития. Думаю, что такой демократический метод государственного управления сегодня особенно востребован и созвучен проводимым в Узбекистане широкомасштабным реформам, прежде всего, принципу диалога с народом, и служит дальнейшему повышению эффективности нашей деятельности»[1].

Прежде чем вести речь о диалоге необходимо разобраться в концептуальных особенностях понимания диалога в гуманитарных науках.

Диалог представляет собой сложный феномен и анализу его свойств, структур, типов посвящено немалое количество работ. Однако нам представляется необходимым обратить внимание на общезначимые для исследовательского сообщества характеристики, определяющие основные направления научных изысканий в данной сфере. К ним, как правило, относят:

равенство субъектов диалога, что подразумевает возможность взаимодействия как «государство – гражданин», так и «гражданин – государство»;

нацеленность на понимание, которая предполагает совпадение интересов и обретения новых знаний, умений и навыков по обсуждаемым вопросам;

достижение согласия как необходимый результат диалога.

Понятие «диалог государства и общества» имеет достаточно широкое распространение как в теории политических наук, так и социально-политической практике. Однако, как показывает анализ материалов по данной тематике, до сих пор этот термин так и не получил обоснованного теоретического осмысления. Это обстоятельство обуславливает необходимость специальной концептуализации с позиций политической науки и социально-гуманитарных знаний в целом. Тем более, как считает российский эксперт, автор диссертации по проблемам политического диалога С.Поцелуев, сегодня необходима «специальная теория политического диалога, которая могла бы критически проанализи-

ровать и синтезировать уже имеющиеся концепты и теории, отражающие диалогические взаимодействия в политической практике современного общества»[2:5]. Однако такой теории пока что нет.

Новые реалии политической жизни общества предполагают теоретическое переосмысление сущности человека как гражданина, его коммуникативной природы, условий развития и существования личности и общества, коммуникации государства, гражданского общества и гражданина. Исследованием этих и других проблем занялись еще представители нового направления, возникшего в начале прошлого столетия и получившего название «философия диалога». Её основоположниками считаются Мартин Бубер (1878-1965), Ойген Розеншток-Хюсси (1888-1973), Михаил Михайлович Бахтин (1895-1975), Франц Розенцвейг (1886-1829), Фердинанд Эбнер (1882-1931) и другие философы.

Благодаря им в научный оборот были введены такие понятия, как «диалогизм» и «диалогичность», а исследования в этой сфере создали новую методологическую основу для переосмыслении важнейших проблем современности. Данную теорию представители философии диалога связывают с присутствием живого равноправного участника процесса коммуникации, наличием собеседника, способного принять участие в диалоге и отвечать на обращенную к нему идеи, мысли и взгляды. С точки зрения методологии это означало отказ от прежних моноцентричных субъект-объектных отношений, сформировавшихся в эпоху Нового времени, и переход к субъект-субъектному, то есть не монологическому, как ранее, а равноправному диалогическому взаимодействию полноценных акторов коммуникативного процесса.

Данная дискурсивная теория позже была перенесена из сферы абстрактных метафизических рассуждений представителей диалогической философии в сферу социальной и политической коммуникации власти и социума, государства и гражданского общества (М.Фуко, М.Хабермас, К.Апель и др.). Это отвечало требованию того времени, тенденциям демократизации общественно-политической жизни западноевропейского общества, отходу от монологически-вещательных, пропагандистских, административно-командных и авторитарно-тоталитарных методов управления к более современным, учитывающим возрастающую политическую роль и значение гражданского общества, его институтов и организаций [3:233-243]. Так диалог постепенно становится важнейшей составляющей современной цивилизации и демократизации политики.

Диалог как двух- или многосторонняя коммуникация обычно противопоставляется монологу. Так, в своих исследованиях Юрген Хабермас пришел к пониманию гражданского общества как «особой сферы, отделенной как от государства, так и от рынка, названной им публичной сферой, где и проистекает диалог государства, бизнеса и общества. Этот диалог носит не межперсональный, а интерсубъективный характер. Это не общение между различными личностями, а взаимодействие институтов, общественных организаций, коммерческих структур и органов государственной власти» [4:417]. Как видно, у автора понимание диалога носит опосредованный характер и понимается как коммуникация, которая осуществляется иными способами и средствами, нежели чем языковая диалоговая коммуникация между личностями в традиционном понимании термина «диалог». Следовательно, можно выделять некие разновидности межсубъектного диалога: межцивилизационный диалог, диалог исторических эпох, межрелигиозный диалог, диалог культур, международный диалог, межгосударственный диалог, диалог в области прав человека и др. Особое место среди них занимает диалог государства и общества.

Одну из важнейших особенностей современной политической коммуникации, необходимую для понимания сущности современного политического диалога, выявил немецкий исследователь Р.Мюнх. Речь идет об инфляции языка, которая проявляется в том, что «значение слов становится все более пустым, прогнозы сбываются все реже, обещания все чаще не исполняются, а сделанные утверждения приходится корректиро-

вать все более быстро и основательно. Соответственно множатся упреки и обвинения в непорядочности, лжи, подтасовках, манипуляциях» [5:159-177].

В основе этой проблемы, по мнению Мюнха, лежит расширение политической коммуникации и ослабление прочных социальных связей, которые формировали интересы электората и обусловливали их устойчивость. Участник современных избирательных процессов не связан в своем политическом выборе никакими статусными характеристиками, его политические взгляды изменчивы и все больше основываются на информации, получаемой из различных источников коммуникационных систем. В результате растет динамизм политики и увеличивается необходимость создания таких механизмов, которые бы одновременно обеспечивали взаимопонимание и консенсус ведущих политических сил и препятствовали «обезличиванию» политической коммуникации.

«Каждое решение, касающееся жизни страны, мы принимаем на основе непосредственного диалога с народом, с учетом мнений общественности. Краеугольным камнем нашей деятельности становится принцип “Не народ служит государственным органам, а государственные органы должны служить народу”.

Работники государственных органов, прежде всего руководители, не ограничиваясь кабинетной работой, выезжают на места, занимаются практическим решением самых актуальных проблем населения.

В этом смысле мы с полной уверенностью можем сказать, что в истории Узбекистана 2017 год стал годом создания новой системы прямого диалога с народом, эффективного решения его жизненных проблем. Являющиеся основой этой системы Народные приемные и Виртуальная приемная Президента Республики Узбекистан стали своеобразным демократическим институтом по работе с обращениями граждан» [1].

В западноевропейской научной литературе сегодня говорят о таких разновидностях диалога, как социальный и гражданский диалог. Они отличаются различной степенью накала в рамках взаимодействия государства и гражданского общества: чем выше степень непонимания, тем жестче тон диалогической коммуникации. И наоборот, чем более налажены когнитивные процедуры в сфере взаимоотношений государства и гражданского общества, тем стабильнее и конструктивнее их коммуникация, протекающая в виде того или иного диалога. При этом, самый острый диалог имеет больше значение не в сфере конфликтогенности, сколько выполняет роль согласительно-примерительного фактора, поскольку позволяет его участникам донести до оппонента суть проблемы, аргументировать доводы и отстоять свои позиции. Исходя из этого диалог требует в определенной степени развитую политическую культуру, наличие навыков публичного выступления, логического мышления и обоснованной аргументации.

Следует согласиться с тем, что успех во многом будет зависеть от правильно избранной тактики и стратегии коммуникации, где навешивание ярлыков, оскорбление оппонентов или уход от актуальных и злободневных тем, нежелание вступать в интеракцию, молчание, обидчивость конкретных акторов публичного диалогического дискурса могут лишь обострить и без того непростую социально-политическую ситуацию в сфере взаимоотношений государства и структур гражданского общества. И наоборот, коммуникативная компетентность субъектов диалога, владение методами социальной интеракции, правильно избранная стратегия и тактики, аргументированный дискурс, открытость, уважительность к чужому мнению, умение достойно оппонировать, подмечая не только слабости, но и рациональное зерно в позиции других коммуникантов, - способны изменить ситуацию в более благоприятном направлении [6:30-33].

Дефиниция «социальный диалог» имеет более длительную историю существования и в своей сущности близко к пониманию в качестве социального партнерства. Как известно, наряду с государством и предпринимательскими структурами неотъемлемым участником такого диалога являются общественные организации, институты гражданского общества [7:109].

Применение такого подхода позволяет включить социальный диалог в более широкое понятие диалога государства с обществом. Однако, если рассматривать работодателей наряду государством и гражданским обществом в качестве «второго сектора» механизма трехсекторного социального партнерства, то такой социальный диалог лишь отчасти совпадает диалогом государства и гражданского общества.

Это объясняется тем, что европейские страны строят свои политические системы не только на власти и рынке, как это делает большинство демократических государств, но еще и в целях собственной легитимации включает в нее третий сектор, то есть гражданское общество, публичную сферу и диалог в самом широком смысле этого слова. Данное обстоятельство вполне сочетается с хабермасовской теорией делиберативной (коммуникативной) модели демократии, который писал, что «для политики в смысле практики гражданского самоопределения парадигмой является не рынок, а диалог» [8:388].

Как отмечалось выше, делиберативная модель демократии - это нормативная модель демократического устройства, где важнейшую роль в принятии политических решений играют те или иные разновидности диалоговой коммуникации: дебаты, дискуссии, обсуждения, общественные слушания, опросы общественного мнения и т.д. В политологической научной литературе этот термин иногда заменяется совещательной или дискурсивной моделью демократии. Джозеф М.Бессет, создатель термина «делиберативная демократия», полагает, что делиберативный процесс способен реализовываться в самых различных формах. «Это может быть согласованный процесс сотрудничества единомышленников ..., - пишет этот современный американский мыслитель, - это может быть процесс, содержащий глубоко укоренившиеся конфликты по поводу основных вопросов или принципов. Он может завершиться единогласным мнением; он может выявить острейшие разногласия, которые нельзя урегулировать; он может варьироваться от спокойного обсуждения до эмоционального обмена мнениями. Это может быть открытая публичная дискуссия. Это могут быть прямые диспуты. Участие может быть ограничено или привлекать идеи и мнения заинтересованных групп» [9:75-76].

Из вышесказанного следует, что диалог государства и гражданского общества как таковой существует лишь формально, т.к. является стереотипным понятием по отношению к конкретным проявлениям диалога. При этом, правильнее будет говорить о диалоге как коммуникации государство – гражданское общество – гражданин. Именно такая система позволят гражданину наиболее точно артикулировать и агрегировать свои интересы носящие характер не индивидуально-эгоистического контекста, а продуманных с позиций общественной полезности идей. Конкретными же разновидностями такого диалога могут выступать общественные консультации, экспертизы, обсуждения, согласования действий, переговоры, прения сторон, споры, дискуссии, дебаты, диспуты, полемика и прочее. Все в какой-то степени связаны с сущностью диалоговой коммуникации в ее противостоянии к монологическим трендам.

Таким образом, диалог между государством и гражданами можно рассматривать как делиберативное взаимодействие между субъектами на основе двух- или многосторонней коммуникации с целью нахождения взаимопонимания между властью и обществом, поиска и определения общих интересов, прозрачного определения социальных взглядов, артикулирование интересов, разрешения конфликтов, контроль действий субъектов, исправление ситуации путем выработки граждански институционализированного публичного обсуждения приемлемых нормативно-правовых, организационно-политических и кадрово-управленческих решений и мероприятий на перспективу.

Практика показывает, что основе подлинной демократии лежит равноправный информационный обмен, диалог между основными политическими субъектами общества – государством и народом. Этот обмен, без которого невозможно наладить коммуникации, что предполагает в свою очередь, и достижение политического консенсуса. Диалог не

всегда является одномоментным и последовательным, т.к. формируется и протекает на протяжении продолжительного времени. По своей значимости и влиянию на функционирование политической системы, диалог характеризуется как информация, поступающей от представителей органов государственной власти к членам политического общества и имеющий обратную связь.

В третьем тысячелетии общественный диалог приобретает всё большее значение, как залог мирного существования современной постиндустриальной информационной цивилизации. Глобальные вызовы в мире и перемены, бурно происходящие в информационно-коммуниктивном пространстве, в социально-экономической и общественно-политической жизни, требуют от рядовых граждан, профессиональных политиков, политической элиты, правящих партий, государства и гражданского общества, «партии власти» и оппозиции умения эффективно разрешать возникающие конфликты и противоречия, толерантно и мирно сосуществовать в общем жизненном пространстве, быть открытыми для переговорного процесса, партнерства, взаимодействия, уметь строить диалог со всеми субъектами, агентами и акторами социально-политического коммуникативного процесса.

**Использованная литература**

1. Мирзиёев Ш. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису. 22 декабря 2017 года. http://president.uz/ru/lists/view/1371.

2. Поцелуев С.П. Диалог и парадиалог как формы дискурсивного взаимодействия в политической практике коммуникативного общества / Автореф. Дисс. ... докт. полит. наук. – Ростов-на-Дону, 2010.

3. Савченко И.А. Современные методы осуществления диалога между государством и обществом // Политика и общество, 2016. – № 9.

4. Хабермас Ю. Вовлечение другого. Очерки политической теории. – Санкт-Петербург: Наука, 2001.

5. Munch R. Politische Macht als Medium der Kommunikation // Dynamik der Kommunikationsgesellschaft. – Frankfurt am Main: Suhrkamp, 1995.

6. Зайцев А.В. Диалог государства и гражданского общества как социально-политическая категория // Социум и власть, 2012. – № 1(33).

7. Никовская Л.И. Социальные основания гражданского общества на Западе и в России: состояние и проблемы // Проблемы становления гражданского общества в России. Выпуск 4.– М.: Альтаир, 2003.

8. Русакова О.Ф., Русаков В.М. PR дидискурс: теоретико-методологический анализ. – Екатеринбург: УрО РАН Институт международных связей, 2008.

9. Бессет Джозеф М. Тихий голос разума. Делиберативная демократия и американская система государственной власти / пер. с англ. Ю.Шпакова. – М.: РОССПЭН, 2011.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы современного концептуального дискурса о диалоге как средстве социальной и политической коммуникации. На основе анализа эволюции представлений о широко обсуждаемой в современной социальной науке модели «государство – гражданин», автор предлагает новую модель диалоговых коммуникаций «государство – гражданское общество – гражданин» и раскрывает ее возможности в социально-политической жизни.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ижтимоий ва сиёсий коммуникация воситаси сифатида мулоқотга оид замонавий концептуал дискурс масалалари кўриб чиқилган. Замонавий ижтимоий фанларда кенг муҳокама қилинадиган “давлат – фуқаро” мулоқот модели ҳақидаги қарашлар эволюциясининг таҳлили асосида муаллиф мулоқот коммуникацияларининг янги “давлат – фуқаролик жамияти – фуқаро” моделини таклиф этиб, унинг ижтимоий-сиёсий хаётдаги имкониятларини очиб берди.

**SUMMARY**

The article deals with the issues of modern conceptual discourse about dialogue as a means of social and political communication. On the basis of the analysis of the evolution of the notions of the state-citizen model widely discussed in modern social science, the author suggests a new model of dialogue communications "state-civil society-citizen" and reveals its possibilities in social and political life.

***Рекомендовано к печати д.филос.н. С.Чориевым***

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ВА ГЕОСИЁСИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Омонов Б.** (ҚарДУ), **Очилова Г.** (ҚарМИИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *геосиёсий имконият, геостратегик минтақа, геосиёсий зиддият, геосиёсий характер, платформали тектоник тузилиш, Марказий Осиё илмий тафаккури, ислом маданияти, денгиз савдо йўли, ўта муҳим минтақа.*

Дунё иқтисодий ривожланишида геостратегик минтақаларнинг роли шунчалик муҳимки, у бугун ва келажакда жаҳон мамлакатлари ҳамда умуминсоният тараққиёти даражаларини белгиловчи ҳудуд ҳисобланади. Бундай ҳудудлар жуда саноқли бўлиб, геосиёсий зиддиятлар ва муносабатларни йўналтирувчи чизиқ вазифасини бажаради. Марказий Осиё минтақаси ҳам ўзининг географик жойлашуви, турмуш-тарзи, характери, интеллектуал салоҳияти, савдо ва маданий-мафкуравий алоқаларининг йўналиши билан хорижий давлатлар ташқи сиёсатида муносабатлар ўрнатиш учун устувор йўналишда кўрилаётган макондир. Марказий Осиё минтақасининг жаҳон геосиёсатида сезиларли таъсири XXI аср бошларида янада ортмоқда. Собиқ Иттифоқнинг тарқалишидан кейин минтақа давлатлари мустақил тараққиёт йўлига ўтиши ва уларнинг қайси йўлдан бориши жаҳондаги геосиёсий кучлар балансига кескин таъсир этиши маълум бўлиб қолди. Шунга кўра, Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий характери ва йўналишини назорат қилиш, уни илмий-амалий ўрганиш фаолияти кенгайиб бормоқда.

Марказий Осиё минтақаси геосиёсий нуқтаи назардан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан ўрганила бошланди ва XIX асрдан ҳалқаро кучларнинг қизиқиши тобора ортиб борди. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиё минтақаси жаҳоннинг икки қудратли давлати Чор Россияси ва Англия давлатлари томонидан ишғол этилди. Минтақа хоржий мамлакатлар ўртасида **эндемик майдон*** сифатида эътироф этила бошланди ва бу хулоса 1991 йилгача давом этди. Мана шу оралиқда Марказий Осиё геостратегик марказ мақомини жаҳон геосиёсий муносабатларида йўқотган эди. Лекин иккинчи жаҳон урушида энг катта таъминот марказига айланди ва жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Маркзий Осиё қадимдан дунё тараққиётидаги муҳим геосиёсий ҳудуд вазифасини бажарган. Қадимги Турон (кейинчалик араблар босқинидан кейин Мовароуннаҳр – дарёнинг у тарафи) ҳудудларни боғловчи геостратегик ўлка сифатида Миср, Яқин Шарқ, Европа, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ўртасида кўприк вазифасини ўтади. Энг қудратли империялар бўлган Эрон Аҳамонийлар салтанати, Грек Македон давлати, Араб Халифалиги, Чингизийлар давлати қудратининг кучайишида Марказий Осиё минтақасининг роли ниҳоятда катта бўлди. “Буюк ипак йўли” чорраҳасида жойлашган минтақа ижтимоий-иқтисодий, савдо-коммуникациявий, ҳарбий, маданий-маърифий, меъморчилик, қишлоқ хўжалиги ва интеллектуализацияда бошқа ҳудудларга қараганда баъзавий салоҳиятга эга эди. Шу сабабли минтақада жаҳон геосиёсатига кучли таъсир этувчи қудратли давлатлар фаолият юритган. Масалан, Сомонийлар (874-999), Қорахонийлар (999-1141), Ғазнавийлар (962-1186), Салжуқийлар (1038-1308), Хоразмшохлар (1097-1231) давлати шулар жумласидандир.

IX-XII асрларда Марказий Осиё жаҳон цивилизациясини бошлаб берган ҳудуд сифатида тарихда қолди. Баъзи тадқиқотчилар бу давр цивилизациясини араблар сиёсати натижаси, дея баҳолашади. Бу бир томондан нисбий хулосаларни келтиради. Минтақада қадимдан катта илмий мактаб сифатида шуҳрат қозонган Зардўштийлик таълимоти анча такомиллашган бўлиб, Александр Македониский босқини даврида Эллин маданияти билан синтезлашди. Араблар босқини даврида маҳаллий интеллектуализация ислом таъли-

моти билан қоришиши эвазига юқори илмий салоҳиятли ҳудудга айланди. Натижада ислом маданияти энг юқори босқичга кўтарилди. Арабларнинг Испанияга кириб бориши эса жаҳон цивилизациясининг кўтарилишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан – агар Марказий Осиё илмий тафаккури бўлмаганда – ислом маданияти бунчалик обрў қозонмас эди, агар ислом маданияти бўлмаганда – дунё бунчалик тараққиётга эришолмаган бўлар эди, деган хулосаларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини эътироф этиш жоиздир. Геосиёсий қудратда ягона империялиги билан шуҳрат қозонган Амир Темур ва темурийлар давлатининг камол топишида ҳам минтақанинг геостратегик аҳамияти юқоридир. Бу қудрат жаҳон геосиёсатида денгиз савдо йўлининг кучайишига қадар ўз аҳамиятини йўқотмади.

Марказий Осиё жаҳон ташқи сиёсати муносабатларида ўта муҳим минтақалиги, геосиёсий имкониятлари билан ажралиб туради. Марказий Осиё тушунчаси бир қанча эътирозлар билан ҳам боғлиқ. Аслида Марказий Осиё атамаси – Совет Иттифоқи парчалангандан кейин мустақилликка эришган бешта республика: Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистонга нисбатан ишлатила бошланди. Советлар даврида бу ҳудудга Ўрта Осиё ва Қозоғистон атамаси қўлланилган. 1992 йилда мустақилликка эришган бешта давлат раҳбарлари расмий учрашувида Марказий Осиё атамасини қабул қилишди. Ҳозир бу атама дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ва аксарият ҳалқаро ташкилот ва тадқиқот институтларида Марказий Осиё бўлимлари очилган. Географик олимлар Марказий Осиёга Афғонистон, Мўғулистон ва Хитойнинг Уйғур вилоятларини ҳам киритади. Бундан ташқари баъзи сиёсатчилар ва тадқиқотчилар „Greater Central Asia“ – “Кенгроқ Марказий Осиё” атамасини ҳам ишлатишади ва юқорида келтирилган давлатлардан ташқари Эрон, Озарбайжон, Туркия, Покистон ва Ҳиндистоннинг Афғонистон, Тожикистон ва Хитойга яқин ҳудудларини ҳам қўшишади. Бу эса рус геосиёсатчиси Петр Савицкийнинг “Турон” концепциясида назарда тутилган ҳудудларни акс эттиради.

Табиий-географик жиҳатдан Марказий Осиё субрегионига Ўрта Осиё атамаси ишлатилади ва унинг ўзаро фарқи қуйидагича изоҳланади. Ўрта Осиё – Евроосиё материгининг 14 та табиий географик ўлкаларидан бири бўлиб, ғарбда Касбий денгизи, шарқда Тяншан тоғлари, шимолда Қозоғистон паст тоғларининг этаклари, жанубда Ҳиндистон ва Туркман-Хуросон тоғлари билан чегараланган, асосан Орол ва Балхаш кўлларининг берк ҳавзаларига тўғри келади. Ўрта Осиёнинг табиий чегаралари доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон бутунлигича жойлашган. Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг марказий ва жануби-шарқий, Афғонистон ва Эроннинг шимолий, Хитойнинг чекка шимоли-ғарбий қисми ҳам Ўрта Осиё ҳудудига тўғри келиши эътироф этилади. Геосиёсий жиҳатдан қараганда Марказий Осиё тушунчаси 1992 йилда келишилган бешта давлат чегаралари бўйича ажратилган ҳудудий бирлик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедиясида келтирилишича Марказий Осиё – Осиё материгининг ички қисмидаги табиий географик ҳудуд. Майдони 6 млн км$^2$. Шимолий ва ғарбий чеккаси Монголия, Хитой билан Россия давлат чегарасигача бўлиб, шарқи Катта Шинжон, жануби эса Тибет ҳудудидаги Сангпо (Брахмапутра) дарёси ва Ҳинд дарёсининг юқори қисми билан ўралган. Марказий Осиё денгиз сатҳидан анча баланд жойлашган. Рельефи кенглик бўйлаб чўзилган тоғ тизмалари (Монголия Олтойи, Хангай, Хентей, Тяншан, Наншан, Кунлун) ва кенг ҳамда анча чуқур ботиқлар (Жунғория, Ғарбий Монголиядаги Катта Кўллар сойлиги, Тарим, Сайдам)дан иборат. Айрим жойларда мутлақ баландлик денгиз сатҳидан паст (масалан, Турфон ботиғи – 154 м). Қум ва шағалли баланд текисликлар, кичик тоғлар кўп. Иқлими ҳамма ерда кескин континентал, чўл иқлими; ёғин кам, йилига ўртача 100-200 мм, марказий қисмларида 10-30 мм, чеккаларида 300-400 мм, жанубий-шарқида, Тибет тоғларининг четларида 1000 мм ва ундан ҳам кўпроқ. Қишда антициклон таъсирида қаттиқ совуқ бўлади, январнинг ўртача

температураси -10$^{0,}$ -25$^{0}$, энг паст температура -50$^{0}$, -52$^{0}$. Тяншан, Наншан, Қорақурум тоғларида доимий музликлар мавжуд бўлиб, Селенга, Иртиш, Хуанхе, Янсзи, Брахмапутра, Ҳинд, Меконг, Тарим, Хайдигол, Кобдо, Тес, Манас, Урунгу, Эдзингол дарёлари ушбу тоғлардан бошланади. Чучук сувли энг катта Хубсугул оқар кўлининг майдони 2620 км$^2$, энг чуқур жойи – 238 м. Марказий Осиёда Гоби, Такла Макон, Алашан ва бошқа чўллар катта майдонни эгаллаган. Чўл ва чала чўллар баланд тоғларгача кўтарилиб боради. Баландлик минтақалари Наншаннинг шарқий қисмида, шарқий Тяншаннинг шимолий ён бағирларида ва Монголия Олтойининг жанубий-шарқий четларида учрайди. Хангай, Хентай тоғлари ва Тибет тоғларининг жанубий-шарқий четларида ўрмонлар бор [1;476–477] - деб келтирилган. Бу қарашни Марказий Осиё минтақасига эмас, балки, Ўрта Осиё минтақасига нисбатан ишлатиш маъқулроқ. Чунки юқорида келтиралаётган географик ҳудудий бирлик собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари чегарасидан ташқари Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Хитой каби давлатларнинг маълум ҳудудларини ҳам қамраб олган ва 1992 йилда келишилган ҳудудий бирликка хос эмас.

Геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиё сиёсий-географик субрегиони Евросиёнинг ичкарисида жойлашган. Марказий Осиё минтақаси 1991 йилдан мустақил давлатлар сифатида ривожланаётган 5 та собиқ иттифоқдош республика – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонни бирлаштиради. Умумий майдони 4 миллион км$^2$ дан зиёд бўлиб, 72 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади (2018 йил 1-июль холатига кўра). Минтақа дунё ҳудудининг 3 фоиздан кўпроғини ва аҳолисининг 1 фоизга яқинини ташкил этади [2;9]. Субрегион давлатлари ҳудуди катталиги ва аҳолиси сони жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳудуднинг кенглиги бўйича Қозоғистон минтақада етакчи бўлса, аҳоли кўплиги жиҳатидан Ўзбекистон сезиларли салмоқга эга. Маҳаллий халқлардан ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқлар олтой тиллар оиласининг туркий гуруҳига мансуб бўлса, тожиклар ва уларга қардош Помирдаги кичик халқлар (шуғононлар, ваханлар, ишкашимлар ва бошқа) ҳинд-европа тиллар оиласининг эроний гуруҳи таркибига киради. Маҳаллий халқлар минтақанинг барча давлатларида ҳам кенг тарқалган. Масалан, ўзбеклар Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистонда сон жиҳатидан иккинчи, Қозоғистонда учинчи миллат ҳисобланади. Ўз навбатида Ўзбекистонда ҳам тожиклар, қозоқлар, қирғизлар ва туркман вакиллари салмоқлидир. Бу эса Марказий Осиёни этник жиҳатдан бир-бирига жуда яқин халқлар сифатида, геосиёсий нуқтаи назардан доимий интеграция тизимини такомиллашишига хизмат қилишида муҳим ҳисобланади.

Марказий Осиё давлатлари Евросиё ва Ҳинд-Австралия литосфера плиталарининг чегараси бўйлаб ўтган Алп-Ҳимолай бурмали минтақасига яқин жойлашганлиги сабабли жануби-шарқий ва марказий қисмлари сейсмик жиҳатдан хавфли ҳисобланади. Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларида кучли зилзилалар бўлиб туради. Минтақанинг ғарбий ва шимолий қисмлари платформали тектоник тузилишга эга. Текисликлар минтақанинг 3/4 қисмини ташкил этади. Тоғлар ва ясси тоғликлар эса 1/4 қисмни[2;10] эгаллаган бўлиб, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон давлатлари ҳудудларининг асосий қисми текисликлардан иборат ва тоғли ҳудудлар 10-15 фоизни эгаллайди. Минтақа давлатларининг барчасида ҳам океанга бевосита чиқиш имконияти йўқ. Қозоғистон ва Туркманистон ҳудудининг Касбий денгизига туташганлиги давлатнинг иқтисодий-географик ўрнига, транспорт-географик имкониятларига, табиий-ресурс салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Транспорт-географик шароити анча мураккаб бўлган Тяншан ва Помир баланд тоғлари ҳудудида жойлашган Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг иқтисодий-географик ўрни, бошқа давлатларнинг жойлашувига нисбатан бирмунча ноқулай ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақаси жаҳон сиёсати стратегиясида табиий-географик, геосиёсий имкониятлари ва аҳамияти билан ажралиб туради.

**Биринчидан, Европа ва Осиёнинг турли қисмларини қуруқлик транспорт тизимлари билан боғлайдиган чорраҳада жойлашганлиги**. Марказий Осиё тарихда ҳам "Буюк ипак йўли"ни туташтирувчи, иқтисодий-географик ва сиёсий куч маркази бўлган. Америкага ва Ҳиндистонга сув йўлининг очилиши туфайли "Буюк ипак йўли" ўз аҳамиятини йўқотди [3;130]. Лекин Марказий Осиё жаҳон геосиёсатида ўз таъсирини сақлаб қолди. Ҳозирги даврда ҳам минтақа давлатларининг иқтисодий-географик имкониятлари юқори баҳоланиши асосли. Марказий Осиёнинг геосиёсий ўрни ўзига хос бўлиб, Евросиёдаги куч марказлари Хитой, Россия, Эронга туташганлиги ҳамда АҚШ, Европа иттифоқи, Туркия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Покистон каби геосиёсий "ўйинчи"ларнинг манфатлари кесишган геостратегик макон ҳамда жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жараёнларига бугунда ҳам, келажакда ҳам муносиб ҳисса қўша олиши муҳим аҳамиятга эга.

**Иккинчидан, қулай минтақага хос иқлимнинг мавжудлиги**. Минтақа иқлимининг умумий хусусиятлари мўтадил ва субтуропик жиҳатларнинг туркумланиши, кескин континенталлиги ва қирғоқчилигида ўз ифодасини топади. Қиш фаслининг нисбатан қисқа ва совуқлиги, сернамлиги, ёзнинг нисбатан давомийлиги, жазирама иссиқлиги ҳамда қуруқлиги, йил фасллари ўртасида $т^0$ амплитудадасининг анча катталиги, ёғин миқдорининг текисликда камлиги (100-150 мм), баландлик ва тоғли ҳудудлар томон намликнинг ошиб бориши (350-700 мм ҳатто 1500 м гача) қонуниятининг мавжудлигидир. Минтақанинг қурғоқчил континентал табиий шароити унинг асосий қисмида деҳқончилик ишларини ташкил қилиш учун сунъий суғориш заруриятини келтириб чиқаради. Шимолдан жанубга томон суғориладиган майдонлари ҳажми ортиб, баҳорикор майдонлари камайиб боради [2;10].

**Учинчидан, минтақанинг қишлоқ хўжалигида катта улуш ва имкониятга эгалиги**. Қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсир кўрсатадиган сув ресурслари ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган бўлса-да, минтақа ўзига хос тизимга эга. Барча йирик дарёлар Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Или, Иртиш ва бошқалар трансчегаравий бўлиб, Тяншан, Жунғория Олотови, помир тоғларидан яъни Тожикистон, Қирғизистон ва Хитой ҳудудларидан бошланади. Шунинг учун Тожикистон, Қирғизистон сув ва гидроэнергетика ресурсларига бой. Қозоғистон, Ўзбекистон, айниқса, Туркманистон сувга тақчил. Дарё водийси ва делталари, тоғ оралиқларида суғорма деҳқончилик яхши ривожланган. Деҳқончилик тармоқлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб беради. Республикаларда деҳқончиликнинг таркиби ҳам бир-биридан фарқланади. Қозоғистон ва Қирғизистонда дончилик муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда суғорма деҳқончилик, унинг таркибий қисми бўлган пахтачиликнинг аҳамияти жуда катта. Қозоғистонда деҳқончилик қилиш мумкин бўлган 34 млн га ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 2/3 қисмига баҳорги буғдой, арпа, тариқ, маккажўхори, шоли, пахта, қанд лавлаги, картошка ва ем-хашак экинлар етиштирилади. Экин майдонларининг жуда катта қисми лалмикор ерлардан ташкил топган. Қирғизистоннинг 1/2 қисмига донли экинлар етиштирилади. Техник экинлардан пахта, тамаки, қанд лавлаги экилади. Туркманистонда суғорма деҳқончилик устунлик қилади ва суғориб экиладиган ер майдони 1,3 млн гектар. Дончилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Тожикистонда пахтачилик, дончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик етакчи тармоқдир. Ўзбекистонда пахтачилик ва дончилик ривожланган бўлиб, пахта ҳосили етиштириш бўйича дунёда 4-ўринда, экспорт соҳасида 2-ўринда (АҚШдан кейин) туради. Сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқлар ривожланмоқда. Минтақада бугунги кунда қишлоқ хўжалик тармоқларида самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда ва экспорт салоҳияти кўтарилмоқда. Жаҳон бозорида минтақада етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларига

талаб жуда юқори. Етиштирилган маҳсулотлар табиийлиги билан бошқа минтақалар диққатига сазовор ва сердаромадлидир.

Чорвачиликда: қўй, эчки, йилқи, туя, қорамол, пилла, асалари етиштириш илғор соҳага айланган. Қозоғистон Республикасида бугунги кунда 17,8 млн бошдан зиёд қўй ва эчкилар, 5,6 млн бошдан зиёд қорамол мавжуд. Қирғизистонда майин жунли қўйчилик устунлик қилади. Туркманистонда қоракўлчилик ва йилқичилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Тожикистонда паррандачилик, қорамолчилик, ҳисори қўй етиштириш, аричилик муҳим тармоққа айланган. Ўзбекистонда қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, қоракўлчилик, туячилик, йилқичилик, паррандачилик, аричилик, пиллачилик тармоқлари аҳамиятлидир [2;40-43].

**Тўртинчидан, тўлақонли меҳнат ресурсларига эгалиги.** Марказий Осиё халқ абадий қадриятлари, интеллектуал салоҳияти, меҳнатга бўлган иштиёқи ва ишчи кучининг кўплиги билан ажралиб туради. Аҳолининг географик жойлашуви объектив ва субъектив омилларга кўра турлича тақсимланган. Водий ва воҳалар, қадимий маданият марказларида аҳоли кўп ва зич яшайди. Шундай бўлса-да, минтақанинг барча ҳудудларида шаҳар аҳолисига қараганда қишлоқ аҳолиси кўпчиликни ташкил этади. Яъни умумий аҳолининг 47,1 фоиз шаҳарларда, 52,9 фоиз қишлоқларда яшайди. Минтақанинг ишлаб чиқариш салоҳияти кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги боис ишчи кучига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланган ва бошқа соҳаларда ҳам муаммолар сезилмайди. Фақатгина Қозоғистонда ишчи кучига бўлган эҳтиёж бошқа ҳудудларга қараганда бир оз сезиларли. Минтақадаги асосий муаммо, аҳолининг барча қатламларини иш билан таъминлашда кузатилади.

Марказий Осиёда аҳолининг зичлиги ҳар бир км$^2$ га 16,5 кишини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 67, Қозоғистонда 6, Тожикистонда 55, Туркманистонда 11, Қирғизистонда 27 кишига тўғри келади [2;20]. Минтақа аҳолисининг асосий қисми ёшлар бўлиб 60 фоизни ташкил этади. Бу эса келажакда ҳам меҳнат кучларига бўлган этиёжни тўлиқ таъминлайди.

**Бешинчидан, ўлканинг минерал-ресурс салоҳиятига эгалиги**. Минтақада дунё минерал-ресурсларининг диярли барчаси мавжуд бўлиб, баъзи ноёб элиментларнинг кўплиги борасида етакчи ўринларга эга. Нефть захиралари бўйича Қозоғистон, Туркманистон, табиий газ захиралари жиҳатидан Туркманистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ажралиб туради. Нефть-газ захиралари, асосан, Касбийбўйи пасттекислиги, Қорақум ва Қизилқўм чўллари, Устюрт платаси ҳамда тоғ оралиғидаги ботиқларда жойлашган. Қозоғистон нефть захиралари, уни қазиб олиш ва экспорт қилиш борасида етакчилик қилади. Туркманистон табиий газ захиралари бўйича жаҳонда тўртинчи, МДҲда иккинчи, минтақада биринчи ўринда туради. Дунёда газ захиралари ҳажмига кўра иккинчи ўринда турадиган Галқиниш кони ҳам Туркманистонда жойлашган. Тошкўмирга Қозоғистон, қўнғир кўмирга Ўзбекистон бой. Темир, марганец ва хром каби қора металларнинг рудалари Қозоғистонда кўпроқни ташкил этади. Турли рангли қимматбаҳо нодир металларнинг йирик конлари Туркманистондан ташқари минтақанинг барча давлатларида мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон олтин, уран, кадмий, мис, молибден; Қозоғистон уран, волфрам, молибден, қўрғошин, рух; Қирғизистон олтин, симоб, сурма; Тожикистон кумуш, уран захиралари бўйича алоҳида ажралиб туради. Мис захираларининг кўплиги бўйича Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринда, Ўзбекистон мис ва уран захиралари бўйича дунёда ўнинчи, ўн биринчи ўринларда туради. Кимёвий минерал ресурслар жуда кўп. Фосфорнинг йирик конларига Қозоғистон ва Ўзбекистон етакчилик қилади. Турли минерал туз захиралари минтақанинг барча ҳудудларида учрайди ва катта қисми Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Электр энергетикаси соҳасида республикаларнинг барчаси етакчи ҳисобланади. Гидроэнергетика соҳасида Тожикистон жаҳонда саккизинчи ўриндаги давлатдир.

**Олтинчидан, минтақада саноат ривожланишининг ўзига хослиги**. Марказий Осиёда саноат ишлаб чиқариши сезиларли даражада ривожланмоқда. Қора металлургия саноатида Қозоғистон энг яхши ривожланган. Бу тармоқларнинг катта улуши Қарағанда ва Қустанай корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Рангли металлургия саноати минтақа давлатлари ташқи савдосида катта аҳамиятга эга. Жумладан, Тожикистон учун Турсунзода шаҳрида фаолият юритаётган альюминий заводи, Қирғизистон учун Иссиққўл вилоятидаги Қумтар олтин кони сермаҳсул даромад келтирувчи объектлар ҳисобланади. Ўзбекистон олтин қазиб чиқаришда МДҲда иккинчи, дунёда ўнинчи ўринни эгаллайди. Кимё саноати Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркманистонда нисбатан яхши ривожланган. Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ҳажми ва сиғими жиҳатидан дунёда саноқли ўринларда турувчи Шўртан газ-кимё мажмуаси, Устюрт газ-кимё мажмуаси, Қандим газни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи жойлашган. Машинасозлик соҳасида Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилик қилмоқда. Бу борада Ўзбекистонда ривожланиб бораётган автомобилсозлик саноати диққатга сазовор.

**Еттинчидан, минтақа иқтисодиётида сезиларли ўсиш суръатларининг мавжудлиги**. Марказий Осиёда иқтисодиёт тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш учун турли иқтисодий ва ижтимоий шароитлар мавжуд. Гидроэнергетика, ер, минерал ва бошқа ресурслар етарли. Давлатлар иқтисодиёти хом ашё ва ярим хом ашё маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган эди. Ҳозирда махсулотларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар етиштириш тизими ривожланмоқда. Минтақа мамлакатларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 2016 йил якунлари, Ҳалқаро валюта фонди (ХВФ) маълумотларига кўра 800 млрд АҚШ долларига тенг. Бешта мамлакат ичида ЯИМ ҳажми бўйича биринчи Қозоғистон, иккинчи Ўзбекистон, учинчи Туркманистон, тўртинчи Тожикистон ва бешинчи ўринда Қирғизистон туради. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 56,4 фоиз Қозоғистон, 25,8 фоиз Ўзбекистон, 11,8 фоиз Туркманистон, 3,3 фоиз Тожикистон, 2,7 фоиз Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади. МДҲ давлатларида етиштирилаётган пахтанинг 95 фоиз, шоли, мева, забзавот, пилланинг 65 фоиз минтақа ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётининг асосий таркиби саноат ва қишлоқ хўжалик ва уларнинг тармоқларидан иборатдир. Минтақада хўжалик таркиблари ва иқтисодиётнинг шаклланиши, ривожланиши, жойлашиши республикаларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, табиий географик шароитлари билан боғлиқ бўлиб, қулай имкониятларга эга.

**Саккизинчидан, минтақада туризм салоҳиятини ривожлантириш имкониятларининг кенглиги**. Марказий Осиё минтақаси ички ва ташқи туризм соҳасини ривожлантиришда такрорланмас меъморий ёдгорликларига, миллий анъаналирига ва табиий гўзалликларига бой шаҳар ҳудудларга эга. Бу тизимни ривожлантиришнинг ички ҳалқа йўлларини такомиллаштириш борасида 2018 йил 15-мартда Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиё рахбарлари Маслаҳат кенгаши”нинг биринчи йиғилишида муҳокама қилиниб, муҳим қарор ва дастурлар ишлаб чиқилди.

**Тўққизинчидан, минтақа жуда катта харид бозорига эга.** Минтақа давлатларининг барчасида тайёр маҳсулотларнинг асосий қисми четдан келтирилади. Экспортга қараганда импорт улуши анча юқори. Ишлаб чиқариш соҳасида Қозоғистон ва Ўзбекистон сезиларли ўсиш суръатларига эга бўлиб бормоқда. Тожикистон ва Қирғизистон бу соҳада анча орқада. Яқин келажакда ҳам минтақа давлатлари асосий тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни импорт улуши асосида қаноатлантиради.

**Ўнинчидан, минтақада бозор муносабатларини ривожлантириш ва барча соҳаларда ҳалқаро алоқалар ўрнатишнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини мавжудлиги.** Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ривожланишни такомиллаштириш, ҳалқаро инвестирлар, ишбилармонлар гуруҳини минтақага жалб қилиш ва уларга тўлақонли шароитларни яратиб бериш, барча шартномаларда назарда тутилган қонуний-ҳуқуқий тизим кафолатланган. Шу сабабли, қўшма корхоналарни кўпайтириш, дунёнинг йирик

компаниялари билан алоқаларни ўрнатиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Масалан Хитой, Россия, Япония, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Корея, Малайзия, Белоруссия, Украина, Франция АҚШ каби давлатларнинг ҳалқаро нуфузга эга бўлган компаниялари фаолият юритмоқда. Бу алоқалар минтақа ва ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё жуда қулай географик, геосиёсий минтақада жойлашган. Минтақа давлатлари ривожланиши учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар мавжуд. Бугунги тараққиёт тизими давлатлар интеграцияси даражасининг юқори босқичини талаб қилади. Шунга кўра Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришни давр тақозо этмоқда. Марказий Осиёнинг ҳалқаро майдондаги қудрати – ҳудуд давлатларининг барча соҳаларда ўзаро тенг ҳуқуқли, манфаатли алоқаларини кенгайтириши ва тараққиётнинг илмий асосланган инновацион тизимидаги қисқа ва узоқ муддатли режаларини ишлаб чиқиши, ривожланишга таъсир этаётган муаммоларни бартараф этишда кескин чора-тадбирларни амалга ошириши, жаҳон бозорига чиқишнинг транс-коммуникациявий тармоқларини такомиллаштириши ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашида намоён бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.

2. Қаюмов А, Пардаев Ғ, Исломов И. Иқтисодий ва ижтимоий география (Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси). –Т., 2015. – 161 б.

3. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. –Т.: Маънавият, 2002. – 240 б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада Марказий Осиё минтақасининг табиий-географик ва геосиёсий имкониятлари ёритилган. Минтақа давлатлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ҳамжиҳатлик, ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва иқтисодий тараққиётни янги босқичга кўтариш зарурияти ҳақида фикр юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются естественно-географические и геополитические возможности Центральноазиатского региона. Выражаются мысли о необходимости поднятия социально-политического согласия, равноправного сотрудничества и экономического развития на новый уровень.

**RESUME**

The article highlights the natural geographic and geopolitical opportunities of the Central Asian region. Thoughts of the need to raise social and political solidarity, equal cooperation and economic development to a new level are expressed.

***Нашрга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган***

# ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Ёқубов А.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *бола (болалар), васийлар, ҳомийлар, Конвенция, протокол, декларация, стратегия, процессуал, Кодекс, ратификация, профилактика, маъмурий назорат, муомала лаёқати, кафолат, конференция.*

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасида Бола (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга қадар бўлган шахс (шахслар), болаларнинг қонуний вакиллари – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, қонунда васийлик ва ҳомийлик, етим бола, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, ногирон бола, ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар, ота-она қарамоғида бўлган бола тушунчалари ҳам ўз ифодасини топган.

Республикада вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини ушбу соҳага тегишли ҳалқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунлари ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция" (1989 йил 20 ноябрь), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги факультатив Протокол (2000 йил 25 май), БМТ нинг Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир Қоидалари (1986 йил 21 май), Бола ҳуқуқлари Женева Декларациясида (1924 йил), 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари Декларацияси"да кўзда тутилган тамойиллар ва Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон Декларацияси каби ҳужжатлар бола ҳуқуқлари бўйича муҳим манбалардир.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция"га 193 та давлат аъзо, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам бу ҳужжат ратификация қилинган. Конвенцияга аъзо давлатлар ҳужжатда белгиланган қоидаларнинг маъмурий қонунчилик, суд ва тегишли чоралар ёрдамида амалда қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олганлар. Давлатимиз ушбу Конвенцияга 1992 йилда қўшилган бўлиб унда белгиланган қоидаларни таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2007 йил 23 ноябрда "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва 2008 йил 7 январдан кучга кирди. Қонуннинг 1-бобида умумий қоидалар, 2-бобида асосий тушунчалар ва бола ҳуқуқлари, 3-бобида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларини қўшимча кафолатлари, 4-бобида якунловчи қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун, 2016 йил 14 сентябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди, қатор ҳалқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

"Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига биноан, муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши

чекланган ахборот маҳсулотлари жумласига қуйидагилар: шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар тасвири ёки баён тарзида тақдим этиладиган; болаларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, шу жумладан, куч ишлатилмаган ўлимни, касалликни, ўз жонига қасд қилишни, бахтсиз ҳодисани, аварияни ёки фалокатни ва (ёки) уларнинг оқибатларини инсон қадр-қимматини камситадиган шаклда тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган; эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган; уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради[1].

БМТнинг "Бола меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 182-сонли ва "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-сонли Конвенциялари бола ҳуқуқларига доир муҳим ҳужжатлардир. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция 1973 йилда Ҳалқаро меҳнат ташкилоти Бош конференциясининг 58-сессиясида қабул қилинган бўлиб, унда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишига мос келадиган даражада белгиланиши назарда тутилган. Мазкур ҳужжат 2008 йилда давлатимиз парламенти томонидан ратификация қилинган.

Ушбу ҳужжат қоидаларини амалда қўллаш мақсадида Ўзбекистонда қатор тегишли қонунлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси дастури тасдиқланди ва кучга киритилди.

Мамлакатимизда 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили", 2001 йилнинг "Оналар ва болалар йили", 2008 йилни "Ёшлар йили" ва 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани ва зарурий тегишли давлат дастурлари қабул қилиниб амалга жорий этилгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ – 2133-сонли қарори билан тасдиқланган "Соғлом бола йили" Давлат дастури мазмуни ва моҳияти бу борадаги фаолиятни янги босқичга олиб чиққанлигини яхши биламиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш" деб номланган алоҳида банд акс эттирилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати деганда, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятни камол топтириш учун шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими тушунилади[2].

Ҳаракатлар стратегиясида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уй-жой билан таъминлаш, ўқувчи ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлоднинг китоб ва бошқа босма маҳсулотларга қизиқишини ўстириш, ёш авлодни тарбиялаш, унинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш каби қоидалар белгиланган ва изчил амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, маъмурий, жиноят, фуқаролик, хўжалик-иқтисодий соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш асосида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Суди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Адолат, 2015. – Б. 5-114.

[2] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси". 4-боб, 4-5-бўлим. – Тошкент. 2017. – Б.203-209.

кучайтиришга доир бир қатор ўзгартиришлар киритиш белгиланган. Бунда диққат-эътибор вояга етмаган шахсларни ўқиш ва ишдан, энг асосийси, уларни оиласидан ажратмаган ҳолда, уларнинг таълим-тарбиясига ижобий таъсир қилувчи жазо ва мажбурлов чораларини кенгроқ қўллашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак” деб таъкидлаган фикрлари ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда, бу соҳадаги қонунларни янада ривожлантиришда асос сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45, 63, 64-моддаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, оила, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси II боби, “Вояга етмаган болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари” деб номланган. Кодекснинг 65-, 66-, 67-, 68-, 69-, 70-, 79-моддаларида боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи, боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи, боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи, боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ва ўзгартириш ҳуқуқи, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қоидалари белгиланган[1].

Оила Кодексининг 14-бобида ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари, 19-бобида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, 20-бобида фарзандликка олиш, 21-бобида васийлик ва ҳомийлик, 22-бобида болаларни оилага тарбияга олиш қоидалари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 7 – 23-моддалари бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари, 24 – 29 - моддаларида ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари, якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш, вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ёки ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуни 7-14-моддаларида васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатлари, 15-18-моддаларида васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисидаги ахборот, 19-27-моддаларида васийлик ва ҳомийликни белгилаш, васий ёки ҳомий тайинлаш, 28-30-моддаларида васийликдаги шахс вафот этганда, вояга етмаган 14 ёшга тўлганда, вояга етмаган ота-онасига қайтарилганда, васийликдаги шахс фарзандликка олинганда, фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан тикланганда васийлик тугатилишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Шунингдек, ҳомийлик қуйидаги ҳолларда тугатилиши қайд этилган:

- ҳомийликдаги шахс вафот этганда;
- ҳомийликдаги шахс вояга етганда;
- ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганда;
- ҳомийликдаги шахс фарзандликка олинганда;

[1] Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. – Тошкент: Адолат, 2018. – Б. 5-35.

- фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;
- вояга етмаган тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация).
- Ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганда;
- соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг соғлиғи яхшиланганда.

Қонунда васийлар ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳуқуқлари (6-боб, 31-33 моддалар), васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу соҳадаги назорат қоидалари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" (2015 йил)ги Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари белгилаб берилган.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари кўрсатилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, ушбу ваколатни бевосита амалга оширувчи органлар – ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлиги хизмати, армия, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бу соҳадаги ваколатлари қайд этилган. Қонуннинг 20-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар, 21-моддасида эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки, 27-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шунингдек Қонуннинг 29-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларига;
- профилактика суҳбати;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш каби маъмурий назорат қоидалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишдаги ҳуқуқий асослар, қонунчилик вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўришда амалда қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 17-22.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари тўплами, 2018. 1-сон; 2-сон; 2009, 52-сон. – Б. 5-114.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ҳужжатлари тўплами. 39-сон, 2010; 52-сон, 2009. – Б. 3-36.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. 1-сон. – Б. 3-36.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: Адолат, 2015. – Б. 3-38.
6. Ортиқхўжаева Г. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари – Қонун ҳимоясида. – Тошкент: Адолат, 2018. Lex.uz.
10.Зиёдуллаев М. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари: уларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: ИИБ Академияси нашриёти, 2018. Lex.uz.
11. Асадов Л. Болаларга қандай тасвирларни кўриш тақиқланди? “Ҳуқуқ” газетасининг 2018 йил, 20 сентябрь сони. – Б. 12.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро ва миллий қонунчилик ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишдаги ҳуқуқий асослар баён этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается международное и национальное законодательство о правах несовершеннолетних, а также правовые основы для предотвращения преступности среди несовершеннолетних.

**SUMMARY**

This article deals with the international and national legality of teenagers and protection of verditure among youngsters.

***Нашрга доц. Ҳ.Турсунов тавсия этган***

# ФИЛОЛОГИЯ

## ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА ЯХШИЛИК ТУШУНЧАСИ

**Сулаймонова Н.** (ТДЎТАУ)

**Таянч сўз ва иборалар**: *ахлоқий қараш, панд-насиҳат, ҳикматли сўз, яхшилик, ёмонлик, эзгулик, ибрат, хайр-саховат, мурувват, фазилат.*

Инсоният тарихидаги энг қадимий тушунча, таъбир жоиз бўлса, энг қадимий зиддият яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш шаклида яшаб келмоқда. Тарихий воқеликлар яна шундан далолат берадики, барча замонларда яхшилик ёмонликни енгиб келган. Бунга маълум маънода, замонанинг илғор фикрли алломаларининг инсонларни яхшиликка чорловчи даъватлари ҳам муайян аҳамиятга эга бўлган. Шундай алломалар сирасига, шубҳасиз, хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарийни киритиш мумкин. Унинг қатор дидактик мазмундаги асарлари мавжуд бўлиб, уларда алломанинг инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари ҳаётий далиллар асосида баён этилган.“Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) ва “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) асарлари шулар жумласидандир. Замахшарийнинг мазкур асарларда ўз аксини топган ахлоқий қарашларида ибратомуз тарзда одамларни комилликка, яхшиликка, эзгуликка ундовчи фикрлар баён этилган. Унинг “*Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир*” [1;75], – деган гаплари фикримизнинг далилидир. Халқимизда образли тарзда яхшилик қилган одам, албатта, унинг мевасидан манфаат кўриши ҳақида “*Нимани эксанг, шуни ўрасан*”, дейилади.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг яхшилик ҳақидаги қарашларида шунчаки уларнинг турлари ва тавсифларигагина тўхталмаган, балки уларнинг мазмуни ва инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳам ибратли фикрларни билдирган. Шу маънода алломанинг “*Кимники ҳимматию мурувvати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлар (ҳамдардлик билдирар)*” [1;76], – деган фикри эътиборга лойиқдир.

Ўзгаларга яхшилик қилиш нафақат ўша кишига, балки унинг фарзандларига, кенг маънода жамиятга, инсониятга наф келтириши ҳақида фикр билдирар экан, Замахшарий шундай дейди: “*Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур (инжу) садафга қараганда юқори даражададир*” [1;76]. Шунинг учун Замахшарий одамларни яхшилик қилишга, эзгуликка даъват этиб, “*Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут*” [1;63], дейди.

Халқимизда “Бугунги ишни эртага қўйма”, деган нақл бор. Бу даъват фақат эзгу ишларга нисбатан айтилган. Бу барча ёшдагиларга тааллуқлидир, яъни ўқувчи дарсини вақтида қилиши, талаба берилган вазифаларни вақтида топшириши, ишчи ва хизматчилар вақтида малакали хизмат кўрсатишлари ва ҳ.к. Маҳмуд Замахшарий яна шуни эслатадики, бу ишларни шунчаки вақтида бажариш эмас, уларга масъулият билан ёндашган ҳолда сифатли бажариш лозимлигини ҳам уқтиради. Бу даъват ҳам диний, ҳам дунёвий таълимотда бирдек аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, муқаддас динимиз Ислом динида ҳам яхшиликка буюриш ҳар бир мусулмон эр ва муслима аёлга фарз қилинган. Вақтида қилинган яхшилик инсонни ҳаётлигида ҳам, ундан кейин ҳам унга зийнат бўлиб қолиши уқтирилади. Шунинг учун марҳумларни зиёрат қилганда, уларнинг тириклик даврларида қилган яхши амалларидан ҳосил бўлган савоблар ўзларига йўлдош бўлишини тилаб дуо қилинади. Бунга ишора тариқасида Замахшарий шундай дейди: “*Ҳар бир тирик кимса*

*вақти келиб вафот этади, бас шундай экан, энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш ўлаётган киши учун ўта савобдир*” [1;67].

Дарҳақиқат, алломанинг фикрларида катта маъно бор. Ҳадисларда ҳам яхшиликнинг катта-кичиги бўлмаслиги такрор ва такрор айтилади. Жумладан, “*Яхшиликни ҳеч қачон арзимас деб ҳисоблама. Гарчи у биродарингни юзига табассум билан қараш бўлса ҳам*”. Замахшарийнинг фикрини яна бир ҳадиси шариф билан давом эттириш мумкин: “*Инсонларга ёмонлик қилишдан ўзингни тиясан. Бу ҳам сендан садақадир*”. Бу фикрлари билан Замахшарий инсонларга ёмонлик қилмаслик ҳам яхшилигини таъкидлайди.

Маҳмуд Замахшарийнинг эзгуликни муттасил қилиш, улар йиғилиб-йиғилиб, катта бир хайр, яъни яхшилик булоғига айланиши ҳақида гапириб шундай дейди: “*Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир*” [1;50].

Замахшарий инсоният руҳиятидаги яхшилик қилиш (ёки унинг акси) йўлидаги иродавий жиҳатларни ҳам нозиклик билан илғайди ва бу фикрларни образли тарзда шундай ифодалайди: “*Хабар берайинми сенга, бахтли, билаги нусрат билан тўйинган, яхшилиги ёмғирдек ёғилган жаноб ҳақида. Бу зотнинг маслаги мол тўплаб, қадрини топтаган кимсанинг йўлига хилофдир. У шундай жанобки, мол-дунёни қадрига қалқон қилади ва хазинабонига: ҳожатларни раво эт, тўхтама, дейди. Тарозибонига: оғир қилиб, мўл-кўл бер, дейди. У шундай инсонки, тоқати тоқ бўлиб, жазавага тушаётган нафсига: ўрнингда тур, мақталасан, изингдагиларга йўл бер, ардоқли инсонга айланасан, дейди*” [3;26].

Маҳмуд Замахшарий яхшилик ва эзгу ишларга қодир бўлмаган кимсаларга таъриф берар экан, “*Кимники қўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас*”лигига ишора қилади [1;73]

Замахшарийнинг яхшилик ва эзгулик ҳақидаги фикрлари яна шуни англатадики, яхшилик беминнат, таъмасиз бўлмоғи лозим. Таъма билан қилинган яхшилик юқмаслигини шундай ифодалайди: “*Ёмонликка боғланган қалбда яхшилик турмайди, худди ёғ томган вараққа сиёҳ юқмагани каби*” [3;38]. Бу фикрнинг мантиқий давоми сифатида алломанинг “*Можаро билан кўрсатилган мурувват(яхшилик)да хайрлик йўқдир, гарчанд у (яъни яхшилик) челаклаб қуйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам*” [1;77], - деган фикри ғоят ибратлидир. Шунингдек, унинг “*Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш – сароб ва кул каби ҳеч қандай фойда бермайди*” [1;63], – деган фикри ҳам яхшилик беминнат қилиниши лозимлигини англатади.

Вақтида яхшилик қилишни билмаганларга нисбатан эса Замахшарий “*Солиҳ амаллар қилмаган киши уруғсиз экувчига ўхшайди, чунки (вақтида) экин экканларнинг омборлари тўла бўлур, экмаганники бўш бўлур* (бунинг маъноси шуки, қиёматда ҳам, бу дунёда ҳам эзгу иш қилганлар ажр ва савоб олар, солиҳ амали йўқ кишининг қўли бўш қолар)” [1;74]. –дейди. Шунингдек, яхшиликни ўрнида ва вақтида қилишнинг муҳимлигига ишора тариқасида қуйидаги фикрни билдиради: “*Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир*” [1;61].

Замахшарийнинг нафақат яхшилик қилиш, балки ёмонликлардан йироқ юриш ҳам муҳим инсоний фазилат эканлиги ҳақидаги қарашлари ҳам эътиборга молик. Бу борада унинг “*Яхшиликни ирода қилувчи ҳар бир муттақий хайрни танлайди. Хира ранглардан очиқ рангларни афзал билади (яъни ҳалол ва ҳаромнинг чегараси аниқ ва очиқ экан, шубҳали амалларга яқин йўламайди), тутаб ётган ўтдан ўзини олиб қочади*” [3;99], – деган фикри одамларни ҳушёрликка чорловчи даъват сифатида бугунги кунда ҳам муҳим маънавий-тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

Маҳмуд Замахшарийнинг яхшилик ва эзгулик ҳақидаги яна бир фикрини алоҳида қайд этиш лозим. Унда аллома инсон, биринчи навбатда, ўз яқинларига – ота онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қолаверса, қариндош уруғларига ёрдам кўрсатиши маъқулли-

гини таъкидлайди. Ва аллома айтади: "*Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига хайру эзгулик кўрсатмай, яқин(қариндош)лиги бўлмаганларга эҳсон қиладур – туяқуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисоли. Яъни, баъзи телба одамлар борки, ўз қариндош-уруғининг ёрдамга муҳтожлигини кўра туриб, унга ёрдам қилмай, беҳуда ёту бегоналарга эҳсон қилади*" [1;58]. Имконияти бор кимсалар эса эзгулик ишларини кенг миқёсда қилишлари лозимлигини уқтириб, Замахшарий шундай дейди: "*Ҳоким(хўжа)нинг қулига, бой-бадавлат кишининг фақир бечорага хайру эҳсондан бошқа ҳеч бир фазилати йўқдир*" [1;77].

Алломанинг фикрларидан хулоса шуки, инсоният тарихида яхшиликка даъват эзгу амалларнинг энг яхшиси бўлгани каби, алломаларимиз бу инсоний фазилатларга алоҳида эътибор қаратганлар. Замахшарий қарашларида яхшилик фақат шоду хуррамлик келтиришин ҳақидаги фикр алломанинг қуйидаги битикларида ҳам ўз ифодасини топган: "*Шод-хуррамлик ва ярамаслик эзгулик ва ёвузликка муқорана қилинди, яъни шод-хуррамлик эзгуликка, ярамаслик ёвузлигу қайғу ҳасратга муқорин (баробар) бўлди*" [1;66].

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 80 б.
2. Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 256 б.
3. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 144 б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада аллома Маҳмуд Замахшарийнинг "Навобиғу-л-калим" ("Нозик иборалар") ва "Атвоқу-з-заҳаб" ("Олтин шодалар") номли дидактик асарларидаги яхшилик тушунчаси талқинига бағишланган қарашлари, панд-насиҳатлари таҳлил этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье проанализированы взгляды мыслителя Махмуда Замахшари на доброту, изложенные в его дидактических произведениях "Навобигу-л-калим" ("Нежные выражения") и "Атвоку-з-захаб" ("Золотые ожерелья").

**SUMMARY**

The article analyzes the views of the thinker Mahmud Zamahshari on kindness, presented in his didactic works "Navobigu-l-Kalim" ("Gentle expressions") and "Atvoku-zahab" ("Golden necklaces").


***Нашрга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган***

## АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ДЕРИВАЦИЯСИ

**Тожиева Г.Н., Раджабова З.Р.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *семантика, семантик деревация, сўз ясалиши, метафора, омонимлик, маъновий махсуслашув, лексема, сема, семема.*

Атов бирликлари семантик тараққиётининг юқори босқичи семантик деривациядир. Семантик деривация сўз ясалиши маъносидаги деривациядан ясовчи воситаларсиз, асос маънодан ўсиб чиқиб, унга омоним характердаги атов бирликларининг вужудга келиши билан фарқланади. Чунончи, М.В.Косова «Семантик деривация бу категориал-луғавий семанинг буткул парчаланиб, мутлақо бошқа бир лексик-семантик гуруҳга мансуб бўлган янги лексик бирликлар ва уларнинг атрофида янги семантик муносабатларнинг ҳосил бўлишидан иборат бўлган жараёндир»[1] деган фикрни айтади.

[1]Косова М.В. Терминологизация как лексико-семантический процесс // Вестник ОГУ. 2004. – №2. – С. 45.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида берилган омонимликка ишора қилувчи пометалар билан қайд этилган қатор бирликлар ана шундай ўз семантик моҳиятини субстанциал асосларда ўзгартирган деривацион ифодалардир. Бундай маъноли ифодаларни маънонинг махсуслашувига кўра иккига бўлиш мумкин:

1) умумистеъмол маъноли ифодалар (маъновий махсуслашмаган);
2) терминологик маъноли ифодалар (маъновий махсуслашган).

Умумистеъмол маъноли, махсуслашмаган ифодалар асос маънодан асосан метафорик усулда вужудга келган бўлиб, асос ва ҳосила маъно орасидаги семик «боғ»лар узилган, янги маънога эга бўлган сўз алоҳида парадигматик қаторларга мансуб бўлиб қолади, бошқача айтганда, сўзнинг синонимик, градуонимик, партонимик ва бош муносабатлари асос маънодаги бирликдан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, ўзбек тилидаги *новча* сўзларини олайлик. Уларнинг изоҳли луғатда берилиши қуйидагича:

**НОВЧА I** Бўйи баланд, дароз, узун. *Новча йигит. Бўйи новча одам. Ҳокимнинг новча, ҳайбатли қомати олдида Тешабой ҳам одамлар назаридан четда эмас эди*. М.Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча». *Новча тераклар учида ойнинг кумуш парчаси сузади*. С. Аҳмад, «Қадрдон далалар».

**НОВЧА II** *тар*. Қарол, хизматкор. *Улар қишлоқдан чиқиб улгурмасданоқ қариндош бойнинг новчалари кетмон кўтариб келиб, сотиб олинган уйларнинг том тупроғини кўкка совуриб буза бошладилар*. П.Турсун, «Ўқитувчи». *Қанча бойникида новча бўлиб ишладим-у, ҳамма ерда тўғри ишладим*. Ш.Тошматов, «Эрк қуши».[1]

Иккинчи лисоний бирлик биринчи лексема маъносининг махсуслашуви асосида вужудга келган. Аслида, қарол ёки хизматкорликка асосан баланд бўйли, бақувват, қорувли кишилар жалб этилганлиги махсус исбот ва далилларни талаб қилмайди. Демак, айтиш мумкинки, қарол ва хизматкорлар асосан новча кишилар бўлишган, лекин новча кишиларнинг барчаси ҳам қарол бўлавермаган. Бундан биринчи маънодаги *новча* сўзи иккинчи *новча* сўзидан семантик қийматининг қамрови кенглиги билан характерланади. Кенг маънодан тор маънонинг ўсиб чиқиши эса семантик махсуслашувнинг хос белгиларидан бири.

Ўзбек тилида миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари тизимига мансуб *мақом* лексемасида ҳам ана шундай метафорик асосда ҳосила маъно вужудга келган ва ҳосилалар омонимлашган ҳодисаларга мисол бўла олади. *Мақом* лексемасининг қуйидаги маъноларини ажратишимиз мумкин:

**МАҚОМ I** [жой, ўрин; товушлар қатори, куй (оҳанг) тузилиши] **1** Мусулмон Шарқ мусиқасида мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби, шакли ва жанри.

**2** «Шашмақом» деб аталган олти қисмдан иборат ўзбек мумтоз мусиқа асарининг ҳар бир қисми. *«Наво» мақоми.*

**5** *кўчма с. т.* Хатти-ҳаракат, усул; йўл.

**МАҚОМ II** [*а* - вазият, мавқе; ўрин, жой; даража, мартаба] *кт.* **1** Ўрин, жой.

**2** Мартаба, мавқе. *Олий мақомга эришмоқ.*

**3** *ҳуқ.* Сайлаб қўйиладиган шахслар, фуқаролар, давлат идоралари, ташкилот, муассаса, халқаро ташкилотларнинг меъёрий ҳужжат билан расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳолати.[2]

Бунда, албатта, бош ва ҳосила маъноларни асосий ва иккинчи даражали маънолардан фарқлаш лозим бўлади. Айрим лексемаларда генетик жиҳатдан бош маъно қўлланиш жиҳатидан ҳосила маънога айланиши мумкин. Юқорида келтирилган лексемаларда ҳам луғатда берилган МАҚОМ II генетик жиҳатдан бош лексема ҳисобланади ва кўчма маъно сифатида вужудга келиб, кейинчалик алоҳида лексемага айланган. Унинг ҳосиласи бўлган лексема (МАҚОМ I) нинг алоҳидаланиши ва қўлланиш даражасининг ихтисослаши-

---

[1]Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. Т. I. – Б. 47.
[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. Т. II. – Б.569.

ши билан бирга истеъмол миқдори ошган ва асосий лексемага айланган. Шу боисдан ҳам у ЎТИЛда олдин берилган. Зеро, ЎТИЛ маъноларни генетик жиҳатдан эмас, балки қўлланиш жиҳатидан тартиблайди.

**ОБИДА I [***а.***] 1** *эск. кт.* Тоат-ибодатни канда қилмайдиган, художўй, тақводор аёл.

2 Обида (хотин-қизлар исми).

**ОБИДА II** *кт.* **1** Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик. *Украинанинг бу қишлоғида ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш учун рамзий қабр устига обида ўрнатилган.* Газетадан.

2 Археологик ёдгорлик, узоқ ўтмишдан қолган моддий ёдгорлик.[1]

Бунда ҳам мазкур тамойил асосида иш кўрилган ва маъноларни тартиблашда қўлланиш даражаси кўпроқ бўлган омоним биринчи ўринга чиқарилган. Шундай қилиб, бош ва асосий маънонинг ушбу ўринда мувофиқ келишини кўрамиз.

**ДУНЁ I** [*а.* – жаҳон, олам] **1** Бутун борлиқ; коинот, олам.

(ЎТИЛда лексеманинг 11 та маъноси ажратилган бўлиб, бунда ушбу лексеманинг барча маънолари келтириб ўтирилмади ва лексеманинг асосий ва бош маъносини келтириш билан чекланилди).

**ДУНЁ II** [а. – жаҳон, олам] Бойлик, давлат. *Дунёнинг кераклигини бозорда билдим, Охиратнинг кераклигини – мозорда.* Мақол.[2]

*Обида* омонимик лексемалари каби объектив лексикографик талқин этилган. Лексемалар орасида сезилар-сезилмас семантик “ип” мавжуд бўлиб, у маъноларнинг полисемантиклиги учун етарли эмас. Лекин семантик деривациянинг ёрқин намунаси бўла олади. Иккинчи ҳолат (ДУНЁ II лексемаси) да маъновий ихтисослашув мавжуд бўлиб, биринчи лексеманинг умумий лексик маъноси бўлган “моддий олам, материя” маъносининг “моддийлик” семаси асосида шаклланган.

Терминологик моҳият касб этган бирликларнинг семантик деривацияси натижасида ҳар хил семантик силжишлар рўй бериши мумкин. Айрим белги билдирувчи сўзлар предметлик хусусиятини касб этса, бошқаларида белги ёки предметлик хусусияти муносабат хусусиятига айланиши мумкин. Мисолларга мурожаат қиламиз:

**ОҒМАЧИ 1** Бир гапда турмайдиган, ҳадеб айнийверадиган иродасиз одам, иккиланувчи; икки юзламачи.

2 *сиёс.* Бош йўлдан чекинувчи, четга чиқувчи, оғувчи. *Ўнг оғмачилар. Сўл оғмачилар.*[3]

Ушбу деривацион ҳосила бош маъно билан “характер заифлиги” умумий, интеграл семаси асосида боғланади. Бошқа шахсни тавсифловчи сўзлар билан шахс отлари орасидаги полифункционаллик ушбу ҳолатда ҳам акс этган. Ғоявий моҳият касб этган иккинчи махсуслашган маъноси билан лексема “предметлик” хусусиятини касб этган. Иккала маъно (“белги”лик ва “предмет”лик) фарқловчи омил сифатида хизмат қилади.[4]

**ТЕКИСЛИК 1** Текис юза(сирт)га эгалик. *Ернинг текислиги. Тахтанинг текислиги.*

***2*** Баланд-пасти бўлмаган текис ер, текис майдон.

**3** *физ., геом.* Текис юза. *Проекцияловчи текислик.*

**4** *геогр.* Катта баландликлар, тоғлар бўлмаган, нисбий текис бўлган ер сатҳи; океанлар тубидаги ясси катта майдон.

5 *сиёс.* Ҳар жиҳатдан тенглик, тенг ҳуқуқлилик. *Иқтисодий текислик.*[5]

Лексеманинг учта ихтисослашган маъноларидан учинчиси (5-маъно) Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари тизими билан боғланади. Бу маъноси билан

---

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. Т. III. – Б.73.
[2] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. Т. I. – Б. 665.
[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. Т. III. – Б. 191.
[4] Ширинова Н.А. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 23 б.
[5] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. Т.IV. – Б. 55.

кўпроқ Миллий ғоя тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари “иқтисод” таггуруҳига мансублик касб этади. Қуйидаги лексемада эса ҳосила маъно “сиёсат” умумий семали атов бирликлари тизимидан ўрин олади:

**ТЎНТАРИШ 1** Тўнтармоқ ф л . ҳар. н. *Қозонни тўнтариш. Қайиқни тўнтариш.*

**2** *сиёс.* Давлатни, ҳокимиятни куч билан ўзгартириш, ағдариш, қўлга олиш. *Сиёсий тўнтариш.*[1]

Кўрилган деривацион ҳодисага асос бўлувчи бирликлар ҳаракат/ҳолат маъносини ифодалайди. Бирлик терминлашганда унинг ҳаракат/ҳолатдан иборат умумий «процессуаллик» субстанциал моҳияти «предметлик» хусусиятини касб этади ёки «процессуаллик → предметлик» семантик силжиши рўй беради.

Семантик деривацияси жараёнида «белги» субстанциал моҳияти ҳам «предмет» моҳиятига айланиши мумкин. Масалан, юқорида саналган сўз-терминларда дастлаб «ҳаракат → белги» семантик силжиши рўй берган бўлса, иккинчи деривация босқичида «белги → предмет» семантик субстанциал силжиши содир бўлган.

«Ҳаракат» субстанциал белгиси семантик деривация жараёнида «муносабат» хусусиятига «силжиши» мумкин. *Ўтмоқ* феълининг семантик структурасини кузатиш асосида бунга амин бўлишимиз мумкин. Мисол: Феълдан ангашилган ҳаракат/ҳолат объектга ўтса, бундай феъл ўтимли феъл дейилади: (китобни) *ўқимоқ*, (уйни) *супурмоқ*, (сувни) *оқизмоқ* каби. Бунда *ўтмоқ* феълининг маъноси деривацион силжишга эга бўлиб, тилшуносликка хос терминологик моҳият касб этган. Энди у феъл англатган ҳаракатнинг объектга муносабатини билдириш учун хизмат қилмоқда. Аммо у грамматик-семантик жиҳатдан ўзининг асл «процессуаллик» субстанциал моҳиятини сақлаб қолганлиги ҳам эътиборга молик. Чунки унда феълга хос грамматик хусусиятлар, яъни тусланиш, нисбатланиш, ўзгаланиш сифатлари тўлиқ ўз кучида қолмоқда. *Ўтмоқ* феълининг терминологик маъносида «муносабат» тушунчасининг мавжудлиги ундан ҳосил бўлган *ўтимли* терминида белги ва муносабат хусусиятларининг яхлит ҳолда мавжуд эканлиги билан ҳам асосланади.

Деривация жараёнида терминлашган лексемалар ўзларининг системавий алоқаларини ҳам ўзгартиради. «Деривацион семантик ўзгаришлар жараёнида қўлланиш доираси чегараланмаган сўз ўз синонимик муносабатларини ҳамда ҳосилалари тизимини ўзгартиради, яъни янги тизимли муносабатларга киришади; семантик деривация жараёнида лексемалар маъновий таркибидаги алмашишлар категориал лексик семанинг ўзгаришига ва янги лексик маънонинг шаклланишига, яъни омоним сўзнинг пайдо бўлишига олиб келади».[2]

Демак, семантик деривация сўз маъновий тараққиётининг юқори даражаси бўлиб, у тилни янги бирликлар билан бойитиш, тил бойишининг ички имкониятларидан, тилда омонимлар юзага келишининг ички сермаҳсул омилларидан биридир.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Косова М.В. Терминологизация как лексико-семантический процесс // Вестник ОГУ. 2004. – №2. – 96 с.
2. Ширинова Н.А. Ўзбек тилида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлаш воситалари: Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 23 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли, 1-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
4. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли, 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли, 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.

[1] Қайд этилган луғат. – Б. 239.
[2] Косова М.В. Терминологизация как лексико-семантический процесс // Вестник ОГУ. 2004. №2. – С.48.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли, 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада маъновий деривациянинг илмий асослари маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликлари орқали очиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изложены научные основы семантической деривации отвлеченных единиц, выражающих духовно-просветительские понятия.

**SUMMARY**

The article outlines the scientific basis of semantic derivation of abstract units expressing spiritual and educational concepts.

***Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган***

# ЙЎЛСОЗЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИК

**Валиев Т.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *полифункционал термин, семема,* семантик структураси, *бирлаштирувчи семалар, фарқловчи семалар, котегория, универсалия, полисемия, омонимия ҳодисалари.*

Полифункционал термин деганда турли соҳаларда қўлланадиган бир атов бирлиги тушунилиб, унинг семантик структурасида соҳавий маънолар ажралган бўлса-да, бироқ улар орасидаги семик алоқалар сақланиб қолган бўлади. Терминларнинг турли соҳаларга доир тушунчаларни ифодалайдиган семемалари ўзаро бирлаштирувчи семаларга эга бўлади. Бу бирлаштирувчи семаларнинг мавжудлиги уларни омоним бирликлар сифатида қарашга йўл қўймайди. Қуйида ана шундай полифункционал терминлардан мисоллар келтирамиз: *аберрация* (**1**(*биол*)маълум бир навга мансуб ҳайвонлар организмида (унинг тузилиши ёки функциясида) пайдо бўладиган ўзгалик, ўзгариш, нормадан четлашиш; **2** (*физ*)ёруғлик нурларининг линза орқали ўтишида линза фокусидан оғиши, четга чиқиш ҳодисаси; **3** (*астр*)ернинг ўз ўқи ва қуёш атрофида айланиши натижасида ер билан бирга ҳаракат қилаётган кузатувчига юлдузларнинг асл ўрнидан бир оз силжиганга ўхшаб кўриниши), *аборигенлар*(**1** (*этн*)мамлакат ёки бирор жойда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳоли; тубжойликлар; *2* (*биол*)ўсимлик ёки ҳайвонларнинг қадимдан бир жойга мансуб (маҳаллий, жайдари) турлари, зотлари), *автомат*(**1** муайян жараёнлар бўйича белгиланган ишни ички механизми ёрдамида инсоннинг бевосита иштирокисиз ўзи бажарадиган аппарат, машина, асбоб; **2** тезотар автоматик қурол), *адаптаци я*(**1** (*биол*) организмнинг, мас, сезги аъзоларининг атроф- муҳит шароитларига мослашиши, кўникиши; *2* (*ҳуқ*) бошқа, янги жойда яшаш шароитига мослашиш; **3** (*таъл*) чет тилларни ўрганувчилар учун асар матнини соддалаштириб бериш ва шу тариқа соддалаштирилган матн), *коллектор* (**1** (*мел*) зах қочириш (дренаж) тармоғининг сув йиғувчи қисмидан келаётган (сизот) сувни тўплаб, суви қочирилаётган майдондан бошқа томонга оқизиб, чиқазиб юбориш учун хизмат қиладиган дренаж қувури ёки очиқ канал; сизот сувларни тортадиган катта зовур; **2** (*махс*) канализация тармоғининг канализация ҳовузларидан оқова сувларни йиғадиган қисми (бетон, темир-бетон ёки керамик блоклардан қилинадиган қувур, ҳовуз кабилар; **3** (*махс*)алоқа кабеллари ҳамда сув, газ ўтказувчи ва б. қувурлар ётқизиладиган ер ости йўлаклари; **4** (*тех*) айрим техник қурилмаларнинг номи, мас, ички ёнув двигателининг чиқариш ва киритиш коллектори; **5** (*тех. физ*)электр токи частотасини механик тарзда ўзгартирувчи мослама; конструктив жиҳатдан электр машина ротори (якори) билан бирлаштирилган бўлади), *конверсия*(**1** (*банк-мол*) алмаштириш, ўзгартириш, қайта ҳисоб-китоб қилиш; олдинги йилларда чиқарилган давлат заёмларини янгиси

билан алмаштириш; **2** (*тлш*)бирор тизимга оид тил бирлигини бошқа тизимга (соҳага) оид бирликка айлантириш билан янги бирлик ҳосил қилиш) терминлари каби.[1]

Автойўлсозлик терминосистемасида ҳам полифункционал терминлар талай. Улардан айрим мисоллар келтирамиз: ***нов*** (**1** сув оқиши учун ёғоч, тахта, цемент ва ш.к. дан ишланган махсус ўзан; тарнов; **2** суғориш ёки умуман сув сақлаш учун ёғоч, тахта, цемент кабилардан ишланган охур; тегана; **3** (*геогр*)океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиқлар) ***пайванд*** (**1** (*биол*)бирор ўсимликнинг новда ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига ўтқазиш, улаш усули ва шу усулда улаб ўстирилган ўсимлик; **2** (*тех*)металл бўлакларини эритиб ёки парчинлаб, бир-бирита ёпиштириш, бириктириш ва шу усулда ҳосил қилинган чок), ***панель*** (**1** (*бнк*)бино, хона ичидаги деворнинг тахта-ёғоч, пластмасса ёки мой-бўёкли безак қопламаси; ***2*** (*бнк*)заводда тайёрланиб, қурилишда ишлатиладиган йирик ўлчамли ясси темир-бетон ёки ёғоч плита; **3** (*махс*)электр тармоқлари, бошқариш пульти, радиотехник асбоб ва б. нинг сигнал берувчи, назорат қилувчи, ўлчовчи ускуна-лар ўрнатиладиган олд девори), ***паспорт*** (**1** (*ҳуқ*)муайян давлат фуқароси эканлигини ва эгасининг шахсини кўрсатувчи ва тасдиқловчи асосий ҳужжат; **2** (*и/ч*) корхона, бино, технологик қурилма, асбоб-ускуна қисми, транспорт воситаси ва ш.к. ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган ҳужжат, гувоҳнома), ***категория***(**1** (*флс*)моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлари ва алоқаларини ифодаловчи умумий тушунча; **2** (*махс*) муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи; даража; **3** (*тилш*) предмет турларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча).

Қайд этилган полифункционал терминлар семемаларининг семантик структурасини кўриб чиқамиз.

| *Семема* | *Бирлаштирувчи семалар* | *Фарқловчи семалар* |
|---|---|---|
| | ***нов*** | |
| 1 (*автойўл*) сув оқиши учун ишланган махсус ўзан | "сувга хос", "оқиш учун", "ўзан" | "автойўлга хос", "ишланган", "махсус", |
| 2 (*геог*) океанлар остидаги узун чўзилган ўзансимон чуқур ботиқ | "сувга хос", "оқиш учун", "ўзан" | "географик", "океанлар остидаги","чўзилган" "чуқур ботиқ" |
| | ***пайванд*** | |
| **1** (*биол*)ўсимлик куртагини бошқа ўсимликка улаш усули | "бир-бирига", "улаш усули" | "бошқа ўсимликка", "ўсимлик куртагини" |
| **2** (*тех*)металл бўлакларини бир-бирига улаш усули), | "бир-бирига", "улаш усули" | "металл бўлакларини" |
| | ***паспорт*** | |
| **1** (*ҳуқ*)муайян давлат фуқаролиги ва шахсни тасдиқловчи, муҳим маълумотлар қайд этилган асосий ҳужжат | "ҳужжат", "муҳим маълумотлар қайд этилган" | "фуқаролик ав шахсни тасдиқловчи" |
| **2** (*и/ч*) корхона, бино, технологик қурилма, асбоб-ускуна, транспорт воситаси кабилар ҳақидаги муҳим маълумотлар қайд этилган ҳужжат | "ҳужжат", "муҳим маълумотлар қайд этилган" | "корхона, бино, технологик қурилма, асбоб-ускуна, транспорт воситаси кабилар ҳақидаги" |

Автойўлсозлик терминологиясида йўлларнинг турлари ва хусусиятларини ифодалашда *категория* терминидан фойдаланилади. Масалан, *биринчи категорияли йўл, иккин-*

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-том. – Т., 2006, – Б. 398.

*чи категорияли йўл* каби. Бугунги кунда *категория* термини ўрнида *тоифа* термини фаол ишлатилмоқда. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да терминнинг бир нечта маъноси мавжудлиги қайд этилган. Биз учун терминнинг ЎТИЛда қайд этилган учинчи маъноси муҳим: **2** (*махс*) “муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи; даража”. Термин бу маъноси билан автойўлсозлик терминлари сирасидан ўрин олади. У йўлларнинг аҳамияти, қурилиш хусусияти ва бошқа белгиларига кўра турини ифодалашга хизмат қилади. *Категория* терминининг йўлга нисбатан қўлланишига доир мисолларни махсус илмий адабиётларда учратдик:

1.Жаҳон стандартлари бўйича Автомобиль йўллари мамлакат умумий транспорт тармоғидаги аҳамияти ва ҳисобий ҳаракат жадаллигига кўра беш тоифага (категорияга) бўлинади.[1]

2.Энг юқори (I) тоифадаги (категория) автомобиль йўлида ҳар иккала йўналишда ўртага суткалик ҳаракат жадаллиги 7000 дан кўпроқ автомобилга, ҳисобий тезлик 150км/соатга, энг паст тоифадаги йўлда ҳаракат жадаллиги суткасига 100 га яқин автомобилга ва ҳисобий тезлик 60км/соатга мўлжалланади.[2]

Республика 1864 км автомобиль йўли 1-тоифадаги (категорияли) йўлга киради.[3]

3.Умумдавлат аҳамиятидаги йўллар I-II, Ia-Iв категорияга мансуб бўлиб Республикалар марказларини, йирик саноат ва маданият марказларини ўзаро боғловчи, қўшни давлатлар билан транспорт ва саёҳат учун бўладиган алоқаларни таъминловчи йўллардир.[4]

4.V-котегориядаги автомобил йўлларига маҳаллий аҳамиятдаги йўллар киради.

[5](Автомобиль йўлларидан фойдаланиш” фанидан маърузалар тўплами. Тошкент,1999, 88 бет)

Айтиб ўтиш лозимки, айрим қурилиш материалларини ифодаловчи тушунчалар автойўлсозлик соҳасида ҳам, бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланишга эга. Масалан, *ишлаб чиқаришни автоматизациялаштириш, бурғиламоқ, бурғилаб ковламоқ, сувни пасайтириш, трассани тиклаш, сувли экиш, тупроқни сувбардошли қилиш, узлуксиз ишлаб чиқариш, қурилиш бошқарувини марказлаштириш, ихтисослаштирилган узлуксиз ишлаб чиқариш, тармоқда график боғланиш, тош ётқизиш, тошни устма-уст ташламоқ, устки ишлов бериш, қирқиш, чопиш, айланиб ўтиш, четлаб ўтиш, қияликка чим босиш, қурилишни ташкил қилиш, сифат даражасини баҳолаш, планировка, асос қисмини тайёрлаш, фойдаланишга қабул қилиш, тугатилган (битирилган) ишни қабул қилиш, аниқланмаган ишларни қабул қилиш, текислаш, ишлов бериш билан маълум шаклга киритиш, оқимни ёйиш, парчаламоқ, тупроқни тақсимлаш, бўлиш, материалларни бўлиш, тақсимлаш, корхонанинг бир маромда ишлаши, боғловчи сепиш, устки қатлам ёйиш, тупроқни силикатлаш, йўлда аралаштириш, қурилмада аралаштириш, қатламни қирқиш, плита тоштахта ётқизиш, тупроқларни мустаҳкамлаш, маҳкамлаш, туз билан тупроқни мустаҳкамлаш, қияликни мустаҳкамлаш, тупроқларни яхшиламоқ, тузатмоқ, бетон қотишини тезлатиш, тўсиқ ўрнатиш, қуришни уюштирмоқ, рельес қолипни ўрнатиш, ғадир-будир уюштириш, бетонга қараш, парвариш қилиш, майдалаш, цемент, бетон, темир-бетон* каби терминлар йўл қурилиши соҳасида ҳам, бинокорлик ишларида ҳам, ободонлаштириш соҳасида ишлатилади. Лекин улар уч соҳада қўлланса-да, уларнинг барчасида бир хил тушунчани, бир хил объектив воқеликни англатади, ифодалайди. Полифункционал терминлар эса турли соҳада бир турнинг маълум бир даражада

[1] ЎзМЭ 1-том, 97-бет
[2] УзМЭ, I-том, 97 бет.
[3] ЎзМЭ I-том, 98 бет
[4] Автомобиль йўлларидан фойдаланиш (маърузалар тўплами). – Тошкент, 1999. – 86 б.
[5] Ўша ерда. – 88 б.

фарқланувчи жинс сифатидаги ҳодисаларни ифодалашга хизмат қилади. Масалан, *туз билан тупроқни мустаҳкамлаш* терминологик бирикмаси йўл қурилиши соҳасида ҳам, мелиорация ишларида ҳам, ободонлаштиришда ҳам, шунингдек, бинокорликда ҳам битта денотатни ифодалайди. Шу боисдан бу ва бу каби терминларни ушбу маъноси нуқтаи назаридан битта термин сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

1.Терминларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра муносабати ўта мураккаблиги билан характерланади. Бу терминларнинг стихияли равишда вужудга келадиган ва истеъмолга кирадиган сўзлардан фарқли ҳолда онгли равишда ишлаб чиқилиши, ижтимоийликдан фарқли равишда алоҳида шахслар ижоди маҳсули эканлиги, мутахассисларнинг ўз тадқиқ объектларини номлашларида ҳодисаларнинг турли соҳалардаги ўхшашликларига асосланишлари муҳим роль ўйнайди. Бу эса универсалия, полисемия, полифункционаллик, омонимия каби ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

2. Терминологияда универсалия, полисемия, полифункционаллик ва омонимия ҳодисалари кўплаб учрайди. Терминлар тизимига ушбу лингвистик ҳодисалар кўзгуси орқали муносабатда бўлиш терминшунослик учун қимматли маълумотлар беради.

3. Айрим терминлар бир неча соҳада юз берадиган ва амал қиладиган бир хил ҳодисаларни номлайди. Ҳодисалар бирдан ортиқ махсус соҳалар учун универсал бўлганлиги сабабли уларни ифодаловчи терминлар ҳам универсаллик табиати билан ажралиб туради.

4. Полисемантик терминлар бирдан ортиқ семемага эга бўлиб, улар бу семемалари билан бир соҳада қўлланади. Ушбу семемалар орасидаги семик занжирлар мустаҳкамлиги билан характерланади. Шу билан бирга, айрим полисемантик умумистеъмол лексемаларнинг баъзи семемалари терминологик моҳиятга эга бўлади. Бундай бирликларни лексема-терминлар дея аташ мумкин.

5. Полисемантик терминларнинг ҳосила семемалари, полисемантик умумистеъмол лексемаларнинг терминологик маънолари метафорик, функционимик асосларда вужудга келади.

6. Автойўлсозлик терминлари сирасида маънолари маълум даражада узоқлашган полифункционал атамалар ҳам учрайди. Бундай терминларнинг маънолари орасидаги алоқа полисемантик терминларнинг маънолари орасидаги алоқадан маълум даражада сусайганлиги ва омонимликка интилаётганлиги билан характерланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-том. – Т., 2006, – 592 б.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. I том. – Тошкент, 2000. – 736 б.
3. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш (маърузалар тўплами). – Тошкент, 1999.


**РЕЗЮМЕ**


Мақолада муаллиф терминларнинг турли соҳаларга доир тушунчаларни ифодалайдиган сема (маъно) лари ҳақида таҳлилий фикр юритган. Шунинингдек, автойўлсозлик терминосистемасида полифункционал терминларнинг лингвистик хусусиятлари далиллар асосида таҳлил этилган.


**РЕЗЮМЕ**


В статье проанализированы семы терминов, выражающие понятия, относящиеся к различным сферам, а также лингвистические особенности полифункциональных терминов в системе автодорожной терминологии.


**РЕЗЮМЕ**


The article analyzes semes of terms expressing concepts related to different spheres, as well as linguistic features of polyfunctional terms in the road-transport terminology system.


***Нашрга проф. Б.Менглиев тавсия этган***

# «МАЖОЛИСУН-НАФОИС» АСАРИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

**Жумаев Т.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *лексика, луғат бирлик, тарихий этимологик қатлам, лексема, антропоним, топоним, адабий тил, эски ўзбек тили.*

Лексикани статистик жиҳатдан ўрганиш машаққатли ва оғир эканлиги ҳаммага маълум. Натижалари атиги бир бетда умумлаштирилиши мумкин бўлган миқдорий кўрсаткичлар изланувчидан йиллаб қилинадиган оғир меҳнатни тақозо этади. Биз ҳам шу машаққатли иш билан шуғулланиб, Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асарлари лексикаси бўйича қуйидаги миқдорий кўрсаткичларни қўлга киритдик.

Асарда ҳаммаси бўлиб 40 914 сўзшакл ишлатилган. Қўлланган сўзлар 4260 луғат бирлиги – лексемани ташкил этади. Демак, ўртача сўз қўлланиш частотаси 12 марта эканлигини кўрсатади. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асарида атиги бир бор ишлатилган *атодорлиқ хулқлик//хулқлуқ, хирадлиқ, вужудлуқ, тийралиқ, телбалардек, тахайюллуқ, таврлиғ//таврлик//таврлиқ, тасарруфлуқ, тақвимдек* каби сўзлар билан бир қаторда неча юз марталаб ишлатилган *эмоқ* тўлиқсиз феъли, *бўлмоқ, қилмоқ, этмоқ* каби ёрдамчи феъллар, шахс ва кўрсатиш олмошлари, *амакизода, анжумсипоҳ, арзадошт, бадмаош, беадабона, беададона, фароғатдўст, файласуфваш, ғаробатжўй* каби форс-тожикча сўзлар ҳам қўлланган.

1. Бу 4260 лексема тарихий-этимологик жиҳатдан қуйидагича тақсимланган:
2. 1. Туркий сўзлар – 926 та (умумий лексиканинг 21,7 фоизини ташкил этади).
3. Арабча сўзлар – 1661 та (39 фоиз).
4. Форс-тожикча сўзлар – 781 (15,6 фоиз).
5. Аралаш ҳолдага сўзлар – 538 та ( 12,6 фоиз):

а) арабий-туркий сўзлар – 79 та (1,9 фоиз).

б) эроний-туркий сўзлар – 49 та (1,1 фоиз);

в) арабий-эроний – туркий сўзлар - 214 та (2 фоиз);

г) арабий-эроний (келиб чиқиши жиҳатидан арабча, аммо форс-тожикча ясовчи қўшимчалар билан ҳосил бўлган сўзлар) – 236 та (2,9 фоиз).

Демак, маълум бўладики, Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари лексикадаги туркий сўзлар (21,7 фоиз, аралаш ҳолдаги сўзларни ҳисобга олмаганда) нинг миқдори арабча ва форс-тожикча сўзларнинг ададидан (64 фоиз) анча паст. Қўлланган 4260 лексеманинг 2996 таси (70,3 фоиз) ҳозирги ўзбек адабий тилида ва шеваларда учрайди, қолган 1264 та сўз ҳозирги ўзбек китобхони учун эскирган бўлиб, умумий лексемаларнинг 29,7 фоизини ташкил қилади.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»даги мавжуд лексемаларни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» га нисбатан олиб қарасак, 1755 лексема (41,2 фоиз) луғат фондидан ўрин олганли, 2505 лексема (58,8 фоиз) мазкур луғатда учрамаслигини кўрамиз. Шундан:

а) эскирган сўзлар – 1264 та (29,7 фоиз);

б) номлар – 892 та (20,9 фоиз).

Бундан ташқари, бу ёдномаларда қуйидаги 52 та дублетлар (фонетик фарқли сўзлар) мавжуд: *адил//адл, асил//асл, ато//ота, аввалги//аввалги, аёғ//аёқ, чоғлик//чоғлиқ, дилжўйлуғ//дилжўйлуқ, дойим//доим, экан//экон, эркан//эркин, гадо//гадой, ики//икки, инилик//инилиқ, жоме//жомеъ, жумла//жумлат, кўнгил//кўнгул, мададкорлиғ//мададкорлиқ, мисра//мисраъ, мў//мо, мушкил//мушкул, мусоҳиблиғ/мусоҳиблиқ, мутааллақ//мутааллиқ,*

*наққошлик//наққошлиқ, ногаҳ//ногоҳ, номуродлиғ//номуродлиқ, ўғил//ўғул, ўттиз//ўттуз, одамийлик//одамийлиқ, ортуғ//ортуқ, қаронғу//қаронқу, қасоид//қасойид, қаттиғ//қаттиқ, қуллуғ//қуллуқ, шўхлик//шўхлуқ, шоирлик//шоирлиқ, табълик//табълиқ, таолло//таоло, татаббу//татаббуъ, таврлиғ//таврлик, тегра//тегру, тиб//тибб, вайрон//вайрона, вожиб//вожуб, хирман//хирмон, хублиқ//хублуғ, хулқлик//хулқлуқ, йигирма//йигирми, ёмонлик//ёмонлуқ, ёрлиғ//ёрлиқ, ёруғлик//ёруғлуғ, замон//замона, захим//захм* мавжуд бўлиб, уларнинг 18 таси туркий, 28 таси арабий ва 5 таси эроний тарихий-этимологак қатлам (ТЭҚ)га оид сўзлардир. Ёдгорликларда қўлланган атоқли отларнинг 732 таси киши номларини (антропонимларни): шундан 287 таси шахс номлари, 445 таси шоирлар номи, 102 таси жой номларини (топонимларни), 58 таси асар номларини ташкил қилади.

Бу маълумотлар қуйидаги расмда умумлаштирилиши мумкин: (1-жадвал).

1-жадв

| Қатлам сўзлари | **Жами сўзлар** | | **ДЛТ да бор сўзлар** | | **ЎТИЛ да бор сўзлар** | | **Эскирган сўзлар** | | **Номлар** | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | **Шахс номлари** | | **Асар номлари** | | **Жой номлари** | | **Шоирлар номи** | |
| | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** | ***Сони*** | ***Фоиз*** |
| **Туркий сўзлар** | **926** | 21,7 | | | | | | | | | | | | | | |
| а) соф туркий сўзлар | 584 | 13,7 | | | | | | | | | | | | | | |
| б) арабий-туркий | 79 | 1,9 | | | | | | | | | | | | | | |
| в) эроний-туркий | 49 | 1,1 | | | | | | | | | | | | | | |
| г) арабий-эроний-туркий | 214 | 2 | | | | | | | | | | | | | | |
| **Арабий сўзлар** | **1661** | 39 | | | | | | | | | | | | | | |
| **Эроний сўзлар** | **781** | 15,6 | | | | | | | | | | | | | | |
| а) соф эроний | 545 | 12,8 | | | | | | | | | | | | | | |
| б) арабий-эроний | 236 | 2,9 | | | | | | | | | | | | | | |
| **Ж а м и** | **4260** | 100 | 325 | 7,6 | 1755 | 88 | 1264 | 29,7 | **287** | 6,7 | **58** | 1,4 | **102** | 2,4 | **445** | 12,8 |

Миқдорий кўрсаткичлар луғавий гуруҳларининг таҳлили бир қадар лисоний ранг-барангликларни келтириб чиқаради. Тарихий этимологик қатламлар ўзбек ва туркийшунослик лексикографияси ва лексикологиясида анча муфассал ўрганилган.

X-XIX аср адабий тили учун асосан уч тарихий қатлам хосдир:

1) туркий қатлам;

2) арабий қатлам;

3) эроний қатлам.

Шубҳасизки, бу қатламлар ичида жуда қадимги даврлардан бошлаб халқимиз тилида қўлланиб келинаётган ва тарихи тамоман бошқа тилларга бориб тақаладиган хитойча, сўғдча, юнонча, мўғулча, ҳиндча каби сўзлар ҳам бор. Лекин бундай сўзларни алоҳида гуруҳларга ажратиш ҳам мунозарали, ҳам фан учун аҳамияти камдир. Чунки ўзбек халқи қеч қачон юнонлар билан бевосита алоқада бўлмаган ва улардан сўз қабул қилиб, уларга сўз бермаган. Бундай сўзлар тилимизга араблар томонидан ўтган, шунинг учун уларни арабий сўзлар сифатида баҳолаш лозим. Шу боис ҳам биз Алишер Навоий асарлари луғат бойлигини уч асосий қатламга ажратдик:

Туркий сўзлар 584 та (13,7 фоиз).

Арабий сўзлар 1661 та (39 фоиз).

Эроний сўзлар 545 та (12,8 фоиз).

Шунингдек, аралаш сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, улар 578 та (13,6 фоиз)ни ташкил этади.

«Мажолисун-нафоис» лексикасини ҳозирги ўзбек тили луғавий бойлиги билан таққослаш орқали қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

1. «Мажолисун-нафоис» лексикасининг катта қисмини ҳозирги ўзбек тили сўзлари ташкил қилади.

2. «Мажолисун-нафоис» лексикасининг бир қисми ҳозирги ўзбек шеваларида мавжуд. Бу сўзлар адабий тилимизни бойитиш учун олимлар ёзувчилар шоирларга муҳим манба бўлиб хизмат қила олади.

3. «Мажолисун-нафоис»даги эскирган сўзларнинг катта қисми адабиёт ва унинг соҳаларига тегишли. Улар араб ва форс тилига тегишли лексик бирликлар бўлгани учун ҳозирги давр ўзбек китобхони учун тушунарли эмас.

4. Асарда катта миқдорда – 892 та турли соҳаларга тегишли атамалар (21 фоиз) ишлатилган. Уларнинг 287 таси (6,7 фоиз) шахс номлари, 58 таси (1,4 фоиз) асар номлари, 102 таси (2,4 фоиз) жой номлари ва 445 таси (12,8 фоиз) шоирларнинг номлари ҳисобланади. Атамаларнинг бундай катта миқдорда қўлланиши ўша давр антропонимлари ва топонимлари ҳақида ҳозирги давр тилшунослигига муҳим маълумотлар беради.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдураҳмонов Ғ. Тарихий синтаксис // Ўзбек тили тарихий грамматикаси курси бўйича материаллар. – Тошкент, 1974. – 324 б.

2. Абдураҳмонов Ғ. Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Тошкент 1984. – 194 б.

3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент 1983. – 173 б.

4. Каримов А. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. Филол.фан. ном. дисс. – Тошкент 1973. – 165 .

5. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Э.И.Фозилов таҳрири остида. I том. – Тошкент, 1983. – 656 б.; II том. – Тошкент, 1983. – 642 б.; III том. – Тошкент, 1984. – 622 б.; IV том. – Тошкент, 1985. – 634 б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада “Мажолисун-нафоис” асарида Алишер Навоийнинг сўз қўллашдаги маҳорати баён этилган, унда турли этимологиқ қатламга оид сўзлар тасниф этилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье на примере произведения "Мажолисун нафоис" описывается мастерство Алишера Навои в использовании слов, в также приводится классификация слов по различным этимологическим группам.

**SUMMARY**

The article describes the mastery of Alisher Navoi in the use of words by the example of the work "Majolisun nafois" and also classifies words according to various etymological groups.

# ТИПИЧНЫЕ ОШИБКИ В РУССКОЙ РЕЧИ УЗБЕКОВ, СВЯЗАННЫЕ С МОРФОЛОГИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИЕЙ ЧИСЛА

**Базарова Н.Ш.** (КарГУ)

**Ключевые слова**: *категория числа, аффиксы, единственное число, множественное число, абстрактные существительные, сравнительный анализ, грамматическое значение.*

В этой статье анализируются типичные ошибки учащихся с узбекским языком обучения и сопоставляются способы языкового выражения категории числа в русском и узбекском языках.

В русском языке особых, специальных средств выражения форм единственного числа имени существительного нет, так как форма единственного числа выражается вместе с формой падежа, рода: книг-а, книг-и, книг-е, книг-ой, (о) книг-е.

В узбекском языке форма существительного, которая считается формой единственного числа, не имеет специального форманта и состоит из основы существительного (бола, дала).

В русском языке форма множественного числа имен существительных имеет несколько морфологических аффиксов: дом-а, книг-и, сибир-яне, брат-ья, ут-ята, неб-еса и т.д.

В узбекском же языке имеется единственный морфологический аффикс множественного числа -лар: қиз-лар, тулки-лар, боғ-лар, дафтар-лар. Однако в узбекском языке весьма продуктивным представлена синтетическая форма выражения множественности, так называемые парные слова: бала-чақа - дети, латта-путта - тряпье, ёру-дўст - близкие и т.д.

Если аффикс -лар (дала-лар) в узбекском языке является показателем только множественного числа и не имеет других грамматических значений, то аффиксы множественного числа в русском языке параллельно выражают значения числа, падежа, что особенно ярко видно в косвенных падежах: телефон-ов, телефон-ам, телефон-ами, телефон-ах; ночей, ноч-ам, ноч-ами, (о) ноч-ах и т.д. Как видно, аффикс -ами в форме домами указывает не только на число слова, но и на падежную форму. Следовательно, в русском языке нет "чистых" аффиксов множественного числа.

В узбекском же языке, в котором аффикс множественного числа -лар указывает только на форму числа слова, в косвенных падежах за этим аффиксом следуют уже падежные аффиксы: одам-лар-га, уй-лар-да, бола-лар-дан и др.

Аналитический способ образования множественного числа проявляется только в образовании форм множественности от заимствованных неизменяемых лексем (новое пальто – новые пальто). Случаи супплетивизма в образовании форм множественного числа в русском языке крайне редки {человек – люди, ребенок – дети), а в узбекском языке они отсутствуют.

В обоих языках категория числа является семантичной, значимой у считаемых существительных (конкретные одушевленные и неодушевленные, неединичные собственные). Она является асемантичной у несчитаемых существительных: вещественных (сув - вода), абстрактных (гўзаллик - красота), конкретных единичных (ой - луна). Только считаемые существительные могут иметь оба числа без изменения значения: гул - цветок, гуллар - цветы.

В узбекском и русском языках распределение существительных по семантическим классам «считаемость-несчитаемость» в основном совпадает. Так, например одам - человек, уй - дом, ёнғок - орех относятся к считаемым существительным в обоих компонентах сравнения. К несчитаемым существительным в обоих языках относятся: а) вещественные

существительные: темир - железо, мис - мед, олтин - золото; б) абстрактные ботирлик - смелость, шодлик - радость, офат - беда; в) конкретные единичные: куёш - солнце.

Интернумеральные понятия не поддаются исчислению. Поэтому в русском языке собирательные, вещественные и отвлеченные имена существительные не образуют грамматических оппозиций единственного и множественного числа и относятся либо к именам, употребляемым только в единственном числе, либо к именам, употребляемым только во множественном числе. Однако в узбекском языке потенциально любое существительное может иметь формы обоих чисел. А потому правильнее будет говорить только о преимущественном употреблении имен существительных в форме единственного или множественного числа.

В русском и узбекском языках в единичности как противопоставлении множественности – основное значение форм единственного числа. Кроме основного или ядерного значения форм единственного числа – значения единичности, данные формы в обоих языках могут обладать и другими значениями, а именно: 1) обобщенно-собирательное: В Ангаре ходила рыба, в лесу летала птица (В. Распутин); 2) дистрибутивное – И загадочны, и бедны, спят они, открывши рот (Заболоцкий); 3) родо-видовой отнесенности – Сага - древнеисландское прозаическое повествование. В русском языке также выделяется значение ограничительности – отдел игрушки, рукава с хлястиком.

Как показало исследование, в обоих языках за формами множественного числа коррелятивных существительных закрепились следующие значения: 1) значение простой количественной множественности: стол-столы; 2) значение парносоставности, выражение точного количества равного двум: кўзлар - глаза; 3) значение класса: Осетровые рыбы имеют большие размеры – бакра баликлари катта ўлчамга эга; 4) обобщенно-собирательное значение: Болалар – хаётимиз гуллари - Дети – цветы жизни; 5) дистрибутивное значение: Улар бошларини эгдилар - они опустили головы; 6) гиперболическое значение: распивать чаи – чой ичиб ўтирмоқ.

В обоих языках по семантическим (и отчасти формально грамматическим) признакам имена существительные делятся на несколько лексико- грамматических групп. Прежде всего, выделяются существительные нарицательные и собственные. Как в русском языке и в узбекском языке если имена существительные нарицательные служат обобщенным наименованиями однородных предметов: лес-ўрмон, гора-тоғ, человек-одам (киши), а имена существительное собственные служат названиями единичных предметов, выделенных из ряда однородных: Кавказ, Владимир, Анвар и другие.

В отличие от русского языка, в узбекском языке имена существительные, обозначающие одушевленные предметы, при склонении ничем не отличаются от существительных, обозначающих неодушевленные предметы, и поэтому в грамматике узбекского языка нет терминов одушевленные и неодушевленные существительные. Следует отметить, что в русском языке есть слова, которые выражают совокупность людей (народ, поколение и др.) Учащиеся-узбеки такие слова рассматривают как одушевленные существительные и в русской речи допускают ошибки. Например: «Мы любим нашего народа», а правильно будет «Мы любим наш народ».

Кроме того в узбекском языке выделяются еще 2 значения множественного числа, выражающих:

1) индивидуальное множество;

2) коллективное множество.

Категория числа в русском и узбекском языках в целом характеризуется тождеством в плане содержания, но обладает национальным своеобразием в плане выражения.

В узбекском языке, как отмечалось выше, любое существительное потенциально может иметь формы обоих чисел. В форме единственного числа в основном употребляются в узбекском языке существительные вещественные и отвлеченные: сут - молоко, ун - мука, олтин – золото. В русском языке эти слова не могут употребляться во множествен-

ном числе. Однако в узбекском языке наблюдается употребление некоторых терминов и слов только во множественном числе. Например: ёшлар - молодежь, оқлар - белые и т.д. При употреблении этих слов в единственном числе их значение меняется, поэтому некоторых исследователей такое явление приводит к мысли, что в узбекском языке начинают функционировать слова, употребляющиеся только во множественном числе (pluralia tantum). Однако в нашем исследовании это явление рассматривается как особенность функционирования формы множественого числа в собирательном значении. Как образуются формы множественного числа в сопоставляемых языках, мы знаем. Следовало бы отметить, что категория числа имен существительных в русском языке, в отличие от этой категории в узбекском языке – очень сложная семантика – грамматическое явление. Так, например, форма падежа множественного числа некоторых существительных в русском языке полностью совпадает с другими падежными формами этих существительных: с формой родительного падежа единственного числа «школы»- существительное множественного числа, и «школы» – существительное в родительном падеже единственного числа, а в узбекском же языке значения падежа и множественного числа выражаются каждое своим особым стандартным суффиксом, например: мактаблар, мактабнинг.

Расхождение в типологии средств выражения значения количества в русском и узбекском языках является причиной явлений интерференции в русской речи узбеков.

Таким образом, для русского и узбекского языков характерны разнообразные способы выражения множественного числа. Анализ типичных ошибок в русской речи узбеков, связанных с морфологической категорией числа, показывает, что причина их в несовпадении значений, форм и функций данной категории в русском и узбекском языках. Учителя русского языка должны хорошо представлять себе эти специфические особенности и учитывать при прохождении данной темы.

**Литература**

1. Брусенская JТ.А. Семантические и функциональные аспекты интерпретации категории числа в русском языке. Дисс. докт. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 1994.

2. Ю.Брусенская Л.А. О распределительном значении форм единственного числа существительных // Русский язык в школе, 1988. – № 6. – С. 66-69.

3. Николаев С.Г. Выражения категории числа в 3-х индоевропейских языках: принципы сопоставления // Филология, 1993. – № 1.– С. 4-5.

4. Щербак А.М. Введение в сравнительное изучение тюркских языков. – СПб.: Наука, 1994. – С. 192-161.

5. Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. 2-е изд. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – 685 с.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье анализируются типичные ошибки в русской речи учащихся-узбеков, связанные с морфологической категорией числа. В русском и узбекском языках имеются разнообразные способы выражения множественного числа. Существует больше различий, чем сходства в образовании множественного числа в русском и узбекском языках. Поэтому учащиеся с узбекским языком обучения, допускают много ошибок при образовании множественного числа.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўзбек ўқувчиларининг рус тилини ўрганишда, кўплик шаклининг морфологик категорияси билан боғлиқ бўлган, типик хатолари таҳлил қилинган. Рус ва ўзбек тилларида кўплик шаклини ифодалайдиган турли хил усуллар мавжуд. Кўплик шаклини хосил қилишда бу икки тилда ўхшашликлардан кўра фарқлар кўпроқ. Шу сабабли, ўзбек тилида таълим олган ўқувчилар рус тилида кўплик шаклини ясашда кўп хатоликларга йўл қўйишади.

**SUMMARY**

This article analyzes typical mistakes in the Russian language of Uzbek students associated with the morphological category of number. There are various ways to express the plural in Russian and Uzbek. There are more differences than similarities in the formation of the plural in the Russian and Uzbek. That`s why the students who are learned Uzbek language, make many mistakes in the formation of the plural.

***Рекомендовано к печати д.п.н. Р.Шадиевым***

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ БОЛА ШАХСИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

**Бекова Ш.Ж.** (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *мулоқот, мулоқот маданияти, бола тарбияси, шарқ мутафаккирлари, таълим, тарбия, ахлоқ, тарбиячи, ўқитувчи, баркамол инсон*.

Шахслараро муносабатлар, улардаги психологик ва этнопсихологик илиқ муҳит муаммосига тааллуқли адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, таълим-тарбия жараёни бир неча асрлар давомида буюк алломаларнинг диққат марказида бўлиб келган. Чунончи, Шарқ мутафаккирларидан Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий (783-850), Абу Наср Форобий (870-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), Алишер Навоий (1441-1501), Абдулла Авлоний (1878-1934) ва бошқалар болаларни тарбиялашда мулоқот маданияти муаммосига ўзларининг диққат-эътиборини қаратганлар ва ўзларидан кейинги, яъни бугунги кун авлодларига бебаҳо фикрларни мерос қилиб қолдирганлар.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида таълим-тарбия масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса, улар оилада фарзанд тарбиясига катта эътибор билан қарашган.

Шунингдек, шарқда шундай диний–тасаввуфий асарлар ҳам мавжудки, уларда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари илгари сурилган бўлиб, улар маънавиятимиз тарихида муносиб ўринни эгаллаганлар.

Имом ал-Бухорий (810-870) бир ўринда ота-она фарзандига зулм қилса ҳам фарзандлари уларга яхшилик қилаверишлари керак, деб таъкидласа, бошқа бир ўринда “Қайси бир мусулмон фарзанд савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатнинг иккита эшигини очади. Оилада бола тарбияси жуда муҳим. Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга уларнинг ахлоқ-одобини яхшилангиз. Болаларингизни сузишга ва ўқ отишга ўргатинглар, қиз фарзандларингиз уйда тикиш, бичиш ишлари билан шуғуллангани яхши, дейди.

Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онага жавоб қил, Ота-онаси қарғаганни тангри қарғайди. Кимнинг гўдаги ёш бўлса, уни гўдакларча қилиқ қилиб эркалатсин. Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”, деган фикрларни илгари сурган.

Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг (824-892) оила ва оилада бола тарбияси ўртасидаги “Ота-она ва фарзанд бурчи”, “Ота-онани, оилани ва қариндошларни ҳурматлаш” ва ҳоказо каби нодир ҳадислари бизгача етиб келган. Ат-Термизий ҳам “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар, ёки, ота-оналарингизга қандай яхши муомалада бўлсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга шундай муомалада бўлади” каби ҳадислари билан ҳадис илмининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган сиймолардан бири ҳисобланади

Саййид Муҳаммад ибн Саййид Баҳоуддин Нақшбандийнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва панду насиҳатлари ғоят қимматлидир. У баркамол инсонни тарбиялашнинг дастлаб одобдан бошланишини таъкидлаб, шундай деган эди: “Адаб хулқини чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир”. “Адаб сақлаш-муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахтининг уруғи ҳамдир”. Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам, нимаики қилмагин, беадаблик кўринади. Одам ўзини бир хил сифат ва кўринишда олиб юриши лозим, токи одамларда унга тасарруф (таъсир қилиш) таъмаси пайдо бўлмаган бўлсин. Нақшбандий дўстлик ва ўртоқликка катта эътибор берган ва агар дўст айбига боқсангиз, дўстсиз қоласиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас, деган пурҳикмат сатрларни қолдириб кетган.

Шарқ мутафаккирлари ўз замонасидаёқ оилада бола тарбиясининг ижтимоий вазият билан боғлиқ эканлигини, бу вазиятнинг ўзгартирилиши унинг тарбиясига таъсир қилиши табиийдир, деган хулосага келишган.

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотида оила ва оилада бола тарбиясига тегишли тушунчалар ҳамда қарашлари билан Ал-Хоразмий, Абу-Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Имом ат-Термизий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Амир Темур ва бошқа йирик сиймолар ривожлантирди. Булар жумласига Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ", Кайковуснинг "Қобуснома", Шайх Саъдийнинг "Бўстон" ва "Гулистон", А.Жомийнинг "Баҳористон", Алишер Навоийнинг "Ҳайратул аброр" ва "Маҳбубул-қулуб" ва ҳоказоларнинг асарларини киритишимиз мумкин.

Абу Наср Муҳаммад Ибн Муҳаммад Ибн Узлуғ Таврхон Форобий (870-950) файласуф, тилшунос, мантиқшунос, риёзатчи ва Шарқ уйғониш даврининг донишманди –жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган мутафаккир, Ўрта Осиёлик машҳур алломадир. У ўз замонасининг етук олими бўлган. Арастудан кейин "Шарқ Арастуси" номига сазовор бўлган олим ҳисобланади.

Форобий "Ҳар бир шахс муносиб одам, унга таълим ва тарбия зарурдир. У таълим орқали назарий камолотга эришади, тарбия орқали эса кишилар билан мулоқотнинг қадр-қимматини ва амалий фаолиятни ўрганади", деган. Форобий болаларнинг феъл-атворига қараб тарбия жараёнида "қаттиқ" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланиш керак, деб ҳисоблаган.

Форобийнинг таълим-тарбия хақидаги ғоялари, аввало, Оллоҳни билишга, инсоният яратган илмий билимларни ўзлаштиришга қаратилган. У таълим-тарбиянинг восита ва усулларини асослаб берган.

Абу Райҳон Муҳаммад бин Аҳмад Ал-Берунийнинг (973-1051) оилада ота-она ва фарзанд тарбияси хусусидаги фикрлари эътиборга лойиқдир. Файласуф, олим ўзининг "Ёдгорликлар", "Ҳиндистон", "Минерология", "Китоб-ас-Сайдона", "Геодезия", "Эътиқодлар ва динлар ҳақида" ва бошқа асарларида одоб, ахлоқ, нафосат, меҳнат тарбияси, оила ва оилада, ота-она ва фарзанд тарбияси хусусида қимматли фикрларни билдирган. Берунийнинг оилада аҳлоқ-одоб тарбиясини амалга ошириш ва унинг услубларини такомиллаштириш соҳасидаги фикрлари жуда диққатга сазовордир.

Буюк қомусий олим Шарқ мутафаккирларидан яна бири Абу Али Ибн Синодир (980-1037). Унинг педагогик-психологик қарашлари илмий асосда қурилган бўлиб, у боланинг феъл-атвори ва тасаввурлари тариқасида умуминсоний ғоялар қўлланилишини ишлаб чиққан ва тарбиячи, ота-оналарга уни қаттиқ тан жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини кўрсатган. Мутафаккирнинг "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Уй хўжалиги", "Тиб қонунлари" каби қатор асарлари Марказий Осиё халқларининг одоб-аҳлоқ психологияси ва соғлом турмуш тарзини барпо этишда алоҳида ўрин тутган йирик ғоявий манбалардан ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳам олимнинг фалсафий-психологик қарашлари ижтимоий ҳаётимизда ўз қимматини йўқотмаган. Ибн Сино болани тарбиялаш масаласига катта аҳамият бериб, "Тадбир ул манозил" асарнинг махсус бўлимини ана шу масалага бағишлаган. Китобнинг "Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш" бўлимида болани мактабга жалб қилишдан аввал мактабгача даврда ахборотларни тўғри узатиш ва қабул қилишда гуруҳ бўлиб ишлашни ўргатиш хақида тўхталиб ўтади.

1. Агар болалар бирга ўқишса зерикмайди, уларда фанни эгаллашга қизиқиш юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақалашиш истаги ривожланади. Буларнинг ҳаммаси ўқишнинг яхшиланишига ёрдам беради.

2. Ўзаро суҳбатда болалар бир-бирига китобдан ўқиб олганларини, катталардан эшитганларини ҳикоя қиладилар.

3. Болалар бирга тўпланганларида бир-бирларини ҳурмат қила бошлайдилар, дўстлашадилар, ўқув материалларини ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдамлашадилар, бир-бирларидан яхши одатларни ўрганадилар.

Кайковус (412-ҳижрий, 1021-1022-милодий; 475-ҳижрий, 1082-1083 йй.) ўзининг "Қобуснома" асарида оила ва фарзанд тарбияси хусусида тўхталиб, шундай дейди: "Энг биринчи галда насл-насабни тоза сақламоқ, асли қадр-қимматини билмоқ, инсон тарбиясининг гултожидир". Ота-она ҳақини билмоқлик фарзандларнинг ақл юзасидан иш тутмоқларидир, деб қуйидагиларни айтади: "Ҳар фарзандки, оқилу доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳри ҳаққини адо қилмоқдин холи бўлмағусидир. Ота-онанинг иши анга парвариш қилмоқдир ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдир. Эй фарзанд, шул важдан ота-онангни сағал ҳам ранжитмагил". Мазкур фикрлар таҳлил қилинса, Кайковус айтган ҳар бир сўз замирида катта бир фалсафий, ҳаётий маъно, тарғибга боришини англаш мумкин. Кайковус ота-онани дарахтга ўхшатади. "Дарахтни ҳар қанча парвариш қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур". Ота-онага иззат ва ҳурмат кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур, дейди. Бу албатта, боланинг ёшлигидан коммуникатив фаолиятида бўлиши ва шаклланиб бориши ҳақидадир.

Аҳмад Югнакий ўз замонасининг истеъдодли шоири, адиби, донишмандидир. У ўз асарларида Туркистон халқларига Қуръони карим оятлари ва пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида таълим-тарбия бериш ғоясини илгари суради.

Шунингдек, Югнакий ўзининг педагогик ва психологик қарашларида сир бой бермаслик хислатлари ҳақида ҳам фикр билдиради. Унинг фикрича, диний маънавий эътиқод пайдо бўлиши натижасида ор-номус, иффат, иззат, ҳурмат, ғазаб, ёвузлик каби ҳис-туйғулар ҳосил бўлган. Бу ҳис-туйғулар таъсирида инсонларда эзгулик билан ёвузлик хислатлари ривожланиб савоб ёки гуноҳлар содир бўлишини болаликдан ўргатишга боғлиқ деган фикрни билдирган.

IX асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Кутадғу билиг" номли шоҳ асарида инсон ва унинг ҳаётига оид қарашларини баён қилади. У одамнинг Оллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга келиши, болаликдаги тарбияси ва унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етиши ва келиб чиқишига, ҳаётда шуғулланаётган фаолиятига, атрофга нисбатан мулоқот маданияти муносабатларига боғлиқлигини айтиб "Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади", деб ҳисоблайди.

XI асрда яшаб ижод этган ва бутун инсоният оламида катта обрў-эътибор қозонган тил илмининг донишманди, истеъдодли мутафаккир Маҳмуд Кошғарийнинг илмий меросисиз жаҳон илму фани, маданияти ва маърифати тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. У ўзининг "Девону луғатит турк" асари панду насиҳатларга, таълим-тарбияга, ўгит ва йўл-йўриқларга бой асар бўлиб, кишиларнинг ақл заковати билан иш қилишга, бирор касб-ҳунар билан шуғулланишларига чақиради.

Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий – забардаст ўзбек олими, арабшунос, шоир ва ёзувчи. У ўзидан катталарни ҳурматлаш, болани тарбиялаш ва унда ота-онанинг вазифалари ҳақида қимматли фикрларни баён қилган. Унинг фикрича, ота-она болани хушхулқ, одобли, меҳнатсевар, ақл-идрокли қилиб тарбияламоқчи экан, аввало уни меъёридан ортиқ эркаламаслиги, доимо назоратда тутиши керак. "Ҳайвонни қашласа, шодланиб эгасин тепади, одам боласи эркаланса, ота-онасини азобга қўяди", деган фикрларни билдирган.

Абдураҳмон Жомий болалар тарбияси ҳақида бир қанча асарлар яратади. Бундай асарлар жумласига "Баҳористон", "Хирадномаи Искандарий", "Гуҳфатул аҳрор", "Силсилатус заҳоб" ва бошқа асарларини киритиш мумкин. Бу асарларда таълим-тарбияли бўлиш, яхши хислат, адаб эгаллаш борасида қатор таълимий ва услубий фикрлар баён этилади. Жомий тарбия орқали инсонни ўзгартириш, ақлий ва коммуникатив қобилияти-

ни ўстириш мумкин, дейиши билан бирга, бола тарбияси билан жуда ҳам ёшлигидан бошлаб шуғулланиш лозим; чунки гўдаклигида киши ҳеч қандай нуқсонсиз, яхши-ёмон одатлардан холи бўлади, дейди. Жомий ўзининг насл-насабини мақтаб, ота-онасининг давлатига ишониб, таралла-бедод қилиб юрган ёшларни қаттиқ танқид қилади.

Марказий Осиёда кейинги илмий-маданий тараққиёт соҳибқирон Амир Темур (1335-1405) ва темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида юз берди. Буюк бобокалонимиз ҳар вақт "Инсонпарварлик ва мардликни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди", деган ҳикматли сўзини такрорлашни хуш кўрган ва ҳаётда ўзи бунга амал қилган. Шунингдек, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукаммалликка эришган сиймолардан биридир.

Жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккирлар орасида фахрли ўрин соҳиби Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг бадиий асарларида комил инсон образини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этган.

Навоий ўз асарларида тасаввурларидаги бола тарбияси билан оилада ва мактабда шуғулланиб намуна услубида фойдаланишни тавсия этади. Шу билан бирга, таълим-тарбия ота-она, тарбиячи ҳамда ўқитувчи томонидан олиб борилиши лозим, деб таъкидлайди.

Навоий болаларга жисмоний жазо бериш эмас, балки хушмуомалалик билан муомалада бўлишни тавсия этган, лекин бунда Навоий ўқитувчи ва тарбиячининг талабчан бўлишига ундагани, аммо ҳар иккаласида ҳам маълум меъёрни билиши зарурлигини уқтиргани маълумдир. Навоий тарбия ҳақида гапирар экан, "Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир ва қобилиятсизга тарбия ҳайф"деб таъкидлайди.

Алишер Навоий таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини мулоқот маданиятини шакллантириш асосида олиб бориш талабларини кўрсатади. У таълимда илмийликка асосланганлик, каби талабларни асос қилиб олади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) бола тарбияси ҳақида, у фарзанд тарбиясида қўлланилиши лозим бўлган усуллар деб:

1. Ота-онанинг фармони фарзанд учун вожиблиги.
2. Барча инсонларга яқинликни ўргатиш.
3. Ҳар бир пайтда ўзингизни ибрат айлаб кўрсатиш.
4. Мустақиллик, қатъийлик ва уддабуронлик учун болага доимий талабларни қўйиш ва унинг ижросини кузатишларини ҳисоблайди. Бобурнинг таълим-тарбиявий қарашларидаги бош масала Ватанга чексиз муҳаббатдир. Унинг шу мавзудаги шеърлари китобхонни Она Ватанни севишга, унга фидойи, содиқ бўлишга, ўз халқига хизмат қилишига чорлайди, боланинг қалбида юксак инсонпарварлик туйғуларини уйғотади.

Асримизнинг етук маърифатпарвари (1878-1934) Абдулла Авлонийнинг 1913 йилдаги ёзган "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида бола тарбияси борасида ва умуман унинг ижтимоий роли фалсафий-педагогик жиҳатдан кенг очиб берилган. Аллома тарбия жараёнида оила ва жамоатчиликнинг ролини, унинг ҳамкорлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, баркамол шахснинг кўп қиррали билимларга эга бўлиши, яхши бир касбу корнинг сирларини эгаллаш, бир томондан, ижтимоий муҳит ва оилавий шароитга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, болаларнинг ғайрат ва шижоатига, саъй-ҳаракатларига, хоҳиш-истакларига боғлиқ бўлади. Шунингдек, таниқли шоир ва педагог А.Авлоний "Боланинг соғлиги ва бахти, аввало, унинг яхши тарбияланишига, баданнинг тозалигига, эътиқод ҳосил қилишига, яхши ҳулққа эга бўлишига, уни ғайри аҳлоқий ҳаракатлардан огоҳлантирилишига боғлиқ", деган эди. Шу билан бирга, тарбия воситаларидан бири эртакдир. Эртак орқали халқнинг урф-одатлари, аҳлоқ қоидалари ифодаланиб, етарли тушунчаларни ахборот узатишбилан боғлаб болаларда атроф-муҳит, нарса-ҳодисаларга

нисбатан коммуникатив қобилиятларини шакллантириш лозимлигини ўқтиради. Масалан, ҳайвон ва қушларни асраш, дарахт шохлари ва гулларни синдирмаслик каби хислатлар сингдирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ислом оламининг муқаддас китоблари Қуръони карим, ҳадиси шарифлардан, Шарқ мутафаккирларининг оилада, таълим муассасаларида бола тарбияси, маънавияти, мулоқотчанлиги, коммуникатив қобилиятини шакллантириб боришга доир жуда кўплаб қимматли психологик-педагогик қарашлари ва угитларидан ҳозирги даврда ҳам бевосита маънавий мерос сифатида фойдаланиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –- Тошкент: Шарқ.1998. – 132 б.
2. Каримов. И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ. 1998.
3. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулло Қодирий, 1993.
4. Абу Райҳон Беруний. Тарвихлар (“Жавоҳирот китоби”дан “Минерология”). – Тошкент: Мерос, 1991.

5.Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул- Қулуб. – Тошкент, 1983. – 112 б.
8. Алиқулов Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. – Тошкент: 1979. – 48б.
9. Ғозиев.Э.Ғ. Муомала психологияси. – Тошкент: Университет, 2001. – 140 б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада шарқ мутафаккирлари қарашларида бола шахсини камол топтириш уларнинг мулоқот маданиятини шакллантиришга қаратилган хос оилада ота-она фарзанд муносабатлари ҳақида фикр юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье речь идёт о взглядах восточных мыслителей на взаимоотношения между родителями и детьми в семье, ориентированные на развитие культуры общения, способствующие развитию личности ребенка.

**SUMMARY**

This article deals with the views of Eastern thinkers on the relationship between parents and children in the family, focused on the development of a culture of communication, contributing to the development of the child's personality.



***Нашрга проф. А.Жабборов тавсия этган***


## ПСИХОДИАГНОСТИК ВОСИТАЛАРДАН ШАХСНИ ЎРГАНИШГА ХОС МЕТОДИКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ


**Бекназарова Л.С.** (ҚарДУ)



**Таянч сўз ва иборалар:** *психодиагностика, методика, тест, тадқиқот, синалувчи, шахс, модификация, валидлик, ишончлилик, аниқлик, интеллект, индивидуал психологик хусусият.*


Бугунги кунда психодиагностик методикаларни татбиқ этишда сифат масаласига эътибор қаратиш тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиши лозим. Чунки кўп ҳолатларда тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган муаммонинг баҳолаш аппарати, уларнинг мезонлари ва ёндашувлари мавҳум ҳолда бўлади. Натижада тадқиқотдан олинаётган маълумотларда илмий янглишишларга йўл қўйилади ёки тадқиқот янгилигини изоҳлашга асос бўлмай қолади. Шунинг учун психодиагностик методикаларни татбиқ этиш ёки диагностика сифатини аниқлашда унинг даражалари ва жиҳатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги замон психологиясида инсон омилини, шахсни ўрганишнинг жуда кўплаб воситалари мавжуд ва улар психологик амалиётда кенг қўлланилиб келинади. Шундай воситалардан бири психодиагностик тестлардир. Улар деярли ҳамма соҳада, кўплаб фанлар намояндалари томонидан ишлатилади. Мақсади бевосита шахсни тарбиялаш ва шакллантириш муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган педагогика ва психологияда ҳозирги вақтда тестлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Педагогикада қўлланиладиган тестлар дидактик тестлар ҳисобланади. Мана бир неча йилдирки, Республикамиз ҳудудидаги таълим муассасаларида (мактаб, лицей, коллеж ва бошқа), олий ўқув юртларида бундай тестлардан фойдаланиб келинмоқда.

Дидактик тестлар ўз моҳиятига кўра, синалувчиларнинг айни вақтдаги (синалаётган вақтдаги) билим даражасини, у ёки бу предметни, материални, дастурни қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлашга хизмат қилади. Лекин улар синалувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятлари (қобилияти, иқтидори, иродавий-ҳиссий жиҳатлари ва ш.к.лар)ни аниқлашга мўлжалланмаган. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш учун *психодиагностик тестлардан* фойдаланилади.

Дидактик тестлар ва психодиагностик тестларнинг бир-биридан фарқи шундаки, уларда бир-бирига ўхшаган, синалувчи эътиборига ҳавола этиладиган саволлар ва уларга бериладиган жавоблар вариантлари берилган бўлса-да, дидактик тестларда саволлар маълум бир фан ва унинг дастури бўйича ўзлаштирилиши (синалувчининг билиши) лозим бўлган масалалар ҳақида тўғридан-тўғри берилади ва бу саволлар бўйича таклиф этилган жавоб вариантлари "тўғри" ва "нотўғри" жавобларга фарқланади. Синалувчи қанчалик кўп тўғри жавоб берса, шунчалик яхши, юқори натижаларга эришади. Психодиагностик (шахсни ва унинг у ёки бу масалага нисбатан муносабатини ўрганувчи) тестларда эса улардан фарқли равишда, синалувчи эътиборига ҳавола этиладиган саволлар чалғитиб берилади (аксарият ҳолларда синалувчи гап нима ҳақида кетаётганлигини англолмайди, чунки саволларнинг аксарияти гўё бир-бирига мантиқан боғланмагандек берилиши мумкин). Бу савол, тасдиқ, мулоҳазаларга бериладиган жавоблар "тўғри" ёки "нотўғри" жавобларга эмас, балки "самимий" ёки "носамимий" жавобларга фарқланади (интеллектни ўрганувчи тестлар бундан мустасно). Бу ўринда синалувчи қанчалик самимий жавоб берса, шунчалик у ҳақда, унинг у ёки бу ҳодисага нисбатан муносабати ҳақида аниқроқ маълумотни олиш имконияти туғилади. Шунинг учун ҳам психодиагностик тестларда синалувчи жавобларининг самимий бўлишлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда психологик амалиётда фойдаланилаётган психодиагностик тестларни шартли равишда *ихчам* ва *ихтисослаштирилган чуқур илмий тадқиқот психодиагностик тестлари*га фарқлаш мумкин. Ихчам тестлар ўз номига яраша ихчам, кам ҳажмли, озгина саволлардан иборат бўлиб, синалувчи шахси ҳақида бирламчи маълумотларни олиш имкониятини беради. Улардан ҳар бир педагог ўз фаолиятида ўзини, ўқувчисини ва энг муҳими унинг ота-онасини ўрганишда фойдаланиши мумкин. Ихчам тестларнинг афзаллиги шундаки, улардан фойдаланиш учун тадқиқотчидан махсус психологик тайёргарлик талаб қилинмаслиги билан бирга ундан олинган натижаларни қайта ишлаб, тегишли маълумотларни олиш на тадқиқотчидан ва на синалувчидан кўп вақт талаб қилмайди. Уларни дам олиш вақтларида, шунчаки суҳбат чоғларида ҳам ўтказиб кўриш мумкин.

Одатда психологик амалиётда бундай тестлардан синалувчиларни асосий психодиагностик тадқиқотга тайёрлаш, уларнинг эътиборини қозониш, психолог-педагог ишончини уйғотиш, қизиқишини юзага келтириш мақсадида, машқ қилиш сифатида фойдаланилади. Уларнинг камчилик жиҳати шундаки, улардан олинган маълумотлар бир оз саёзлиги, юзакилиги, хатога йўл қўйиш эҳтимолининг юқорилиги билан фарқланиб туради. Лекин одам ҳақида ҳеч нима билмагандан кўра, қисман бўлса-да, маълум бир маълумотга эга бўлишнинг ўзи ҳам у билан олиб бориладиган иш самарадорлигини оширади. Бундай

тестларнинг хатога йўл қўйиш эҳтимоли юқори бўлиши билан бирга, уларнинг синалувчи шахсига, унинг тақдирига (агар ғараз мақсадларда фойдаланилмаса) зиён етказиш эҳтимоли ҳам кам бўлади. Шунинг учун ҳам сўнгги вақтларда ихчам психодиагностик тестлар оммавий ахборот воситалари (газета, журналлар) саҳифаларида кўплаб берилиб борилмоқда. Газета журналлар таҳририяти ходимлари бу тестлардан ўз нашрларига ўқувчилар қизиқишини ошириш, уларнинг харидоргирлигини кучайтириш мақсадида ҳам фойдаланишмоқда.

Амалиётчи психолог, педагог томонидан бундай тестлардан фойдаланиш, унинг таълим- тарбия жараёни иштирокчиси, шахс кўз ўнгида эътиборини оширишга, ўрганилаётган шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини яхшироқ билиб олиш, шу билан бирга, унинг "кўнглига кириб бориш" имкониятини яратишга, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган тестлар билан танишиб чиқиб, улардан фойдаланишни ўрганиб олган амалиётчи психолог ва педагог ўз навбатида шу каби тестларни бошқа психологик адабиётлардан, газета, журналлардан ҳам қидириб топиб, уларни ўрганиб, ўзлаштириб, ўзининг психодиагностик тестлар "банки"ни бойитиб бориши, ўзининг кундалик иш фаолиятида улардан самарали фойдаланиши мумкин. Тадқиқотчи ихтиёрида бундай тестлар миқдори қанчалик кўп ва хилма-хил бўлса ва улардан ўз фаолиятида, ўз-ўзини ва атрофидагиларни ўрганишда мунтазам фойдаланиб борса, улардан тегишли мақсадларда ва ўринли фойдалана олиш эҳтимоли янада ортиб бораверади.

Таълим тизими педагог ходимлари психодиагностика ишларини ўтказишда, аввало, психодиагностик тадқиқотларни олиб бориш тамойиллари, талаблари, жумладан, методикаларнинг *модификациялаштирилиши*, уларнинг *валидлик, ишончлилик* ва *аниқлик* талаблари ҳақида тегишли маълумотларга қатъий амал қилиши лозим. Акс ҳолда яхши ниятларни кўзлаб иш бошлаган "психодиагност" жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин. Чунки синалувчилар маҳаллий шароитларга мослаштирилмаган (модификация қилинмаган) методикалар ёрдамида ўрганилса, психодиагностика талаблари қўпол тарзда бузилади. Оқибатда маҳаллий шароит, этник хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳолда қўлланилган психодиагностик воситалар синалувчи шахси ҳақида нотўғри маълумотларни олишга олиб келади.

Бундай хатоларга йўл қўймаслик учун, биринчи навбатда, психодиагностик воситалар савиясига, психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш тартибига жиддий эътибор бериш лозим. Унда фойдаланиладиган методикалар синалувчиларнинг ёш-психологик, этник, ҳудудий хусусиятларига мувофиқ келишлигига эришиш шарт.

Тестнинг ишончлилиги – психологик тадқиқот аниқлигини белгиловчи тест сифатлари кўрсаткичидир. Тестнинг ишончлилиги баъзи ҳолларда шакл ва мақсади жиҳатидан 2 та бир хил тестнинг эквивалентлиги даражасининг намоён бўлиши сифатида қаралса, баъзи ҳолларда қайта ўтказилганда натижаларнинг барқарорлиги сифатида қаралади. Валидлик – тест сифатлилигининг асосий кўрсаткичларидан бири. Тестнинг қанчалик валидлиги юқори бўлса, унда текширилаётган ишлар шунчалик яхши акс эттирилади. Масалан, интеллектни ўлчаш валидлиги "интеллект" тушунчасининг таърифига; ундан келиб чиққан ҳолда тузилган тест топшириқлари таркибига; эмперик кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, мақсадга мувофик танланган методика ва тестлар психик фаолият кўринишларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш имкониятини беради. Тадқиқотчи тадқиқот ўтказиш учун у ёки бу методикани танлаганида кўрсатмани салгина ўзгартирганда методиканинг йўналиши ўзгариб кетишини назарда тутиш керак. Топшириқни бажаришга киришишдан олдин текширилувчи кўрсатмани тўғри тушунганлигига ишонч

ҳосил қилиши керак. Бажарилаётган топшириқнинг натижалари маълум даражада шунга ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиз, ихтисослаштирилган чуқур илмий тадқиқот тестлари эса махсус, жиддий илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ва махсус психологик тайёргарликдан ўтган мутахассислар томонидан фойдаланиладиган тестлардир. Бундай тестлар тоифасига Кеттелнинг 16-факторли шахсни ўрганиш тестлари, Г.Ю.Айзенкнинг интеллект тестлари, Д.Векслер тестлари, MMPI, FPI, Равен тести, Тематик Апперцепциялашган Тест (ТАТ), Люшер тести, Лири тести, Роршахнинг "Сиёҳ доғлари" тести ва шу каби кўплаб тестлар киради. Улар ихчам тестлардан саволлари, топшириқлари миқдорининг кўплиги (улар айрим ҳолларда бир неча юзлаб бўлиши мумкин), тадқиқот ўтказиш учун қўйиладиган талабларнинг ўзига хослиги, олинган натижаларни қайта ишлаш жараёнларининг мураккаблиги, тадқиқот ўтказиш ва қайта ишлаш учун кўп вақт, махсус малака талаб қилиниши каби хусусиятлари билан фарқланади. Уларнинг афзаллик жиҳати шундаки, улар синалувчи шахси ҳақида, унинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳақида тўлароқ маълумотлар олиш имкониятини беради. Бундай тестлардан фойдаланиш жараёнига қўйиладиган талабларга жавоб бермаслик, улардан фойдаланиш тартибини бузиш, олинган натижаларнинг нотўғрилигига, синалувчи шахсига ноўрин психологик тавсиф беришга, оқибатда синалувчи шахси ва унинг тақдирига жиддий зиён етказишга олиб келиши мумкин. Бундай тестлардан ноўрин фойдаланиш натижасида шахсга нотўғри ташхис қўйиш билан унинг фаолиятига салбий таъсирни кучайтиради. Энг аянчлиси, бундай психологик саводсизлик оқибатида психология фани имкониятлари барбод этилади, унинг обрўсига путур етказилади. Бундай хатоларга йўл қўйиш ўқувчи шахсига, унинг ота-онаси, уларнинг ўзаро муносабатлари, жамиятга жиддий зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай тестларга нисбатан эҳтиёткорлик, масъулият билан ёндашиш лозим бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1.Аверин В.А. Психология личности: Учебное пособие, 2-е издание. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. – 191 с.

2.Дружинин В.Н. Экспериментальная психология. 2-е изд., доп. – СПб.: Питер, 2001. – 320 с.

3.Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии.: Информ.-метод. пособие к курсу "Психология человека". – М.: Педагогическое общество России, 2001. – 448 с.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада шахсни ўрганишга доир психодиагностик методика ва улардан фойдаланиш имкониятлари, таълим тарбия жараёнида, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда қўллаш тартиби ҳақида фикр-мулоҳазалар бериб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приводятся размышления автора о психодиагностических методах изучения личности и возможностях их использования и применения в учебно-воспитательной процессе и при проведении научно-исследовательской работы.

**SUMMARY**

The article presents the author's thoughts on psychodiagnostic methods of studying personality and the possibilities of their use and application in the educational process and during research.

***Нашрга проф. А.Жабборов тавсия этган***

## O‘RTA OSIYO CHO‘LLARINING LANDSHAFT XUSUSIYATLARI

**Usmanova R.** (QarDU)

**Tayanch so‘z ва иборалар:** *cho‘l, arid, geografik qobiq, geografik zona, zonallik, azonallik, landshaft, relyef.*

Geografik qobiqning eng muhim xususiyatlaridan biri zonallik hisoblanadi. Geografik qobiqda tabiat komplekslarining ekvatordan qutblarga tomon qonuniy almashinib borishi zonallik deb ataladi. Zonallikni yuzaga kelishining asosiy sababi Yer sharida issiqlik va namlikning notekis taqsimlanishidir. Yerning sharsimonligi natijasida geografik qobiqda harorat, bug’lanish, yog’inlar, shamollar, iqlim, nurash va tuproq hosil bo’lish jarayonlari, o’simlik va boshqalar ham kengliklar bo’yicha zona-zona bo’lib tarqalgan. Ammo quruqlik va dengizlarning bir xilda taqsimlanmaganligi, iliq va sovuq dengiz iqlimlarining mavjudligi va Yer yuzasi relyefining xilma-xilligi tabiat komplekslarini kengliklar bo’ylab joylanishini buzadi. Yer yuzasi landshaftining xilma-xilligi va rivojlanishi zonal va azonal omillarning yig’indisi va o’zaro ta’siri natijasidir. Zonal va azonal xususiyatlar hamma vaqt birga uchraydi. Har bir iqlim mintaqasida namlikni va issiqlikni notekis taqsimlanishi natijasida qator tabiat zonalari vujudga keladi.

Cho‘llar – geografik qobiqda, Yer yuzasida issiqlik va namning o‘ziga xos taqismlanishi va organik olamning unga bog`liq holda rivojlanishi natijasida tarkib topadigan zonal landshaft tipidir. Cho‘l landshaftlarining vujudga kelishi, shakllanishi va rivojlanishida, ularning makon va zamonda geografik tarqalishida bir necha omillar yetakchi o‘rin tutadi. Bular geografik qobiqning zonalligi, issiqlik va namlikning notekis taqsimlanishi, orografik to‘siqlar, subtropik kengliklarda yil davomida atmosfera bosimining hukmronligi, sovuq dengiz oqimlarining materik sohillariga ta`siri va boshqalardir.

Cho‘l landshaftlarining asosiy qismi subtropik, tropik va mo‘tadil mintaqalarga to‘g`ri keladi. Cho‘l landshaftlari muayyan zonal, regional xususiyatlari bilan ajralib turuvchi, o‘zining alohida shakllangan ekologik sharoiti bilan yashovchi qonyniyatlariga, rivojlanish va degradatsiyalanish jarayonlarida o‘ziga xos xususiyatlariga, dinamik o‘zgarish shakllariga ega bo‘lgan tabiiy geografik hosiladir. Arid iqlim sharoitida vujudga kelgan cho‘l landshaftlari materiklarning ichki qismlarida, okean va dengiz sohillarida, yirik tog` oralig`i botiqlarida, orografik to‘siqlarida, baland tog` va platolarda keng tarqalgan.

Yer sharida cho’l va chalacho’llar 34,4 mlrd gektarni yoki butun quruqlikning 22 foizni tashkil etadi [2]. Ulardan asosan yaylov sifatida foydalaniladi. Cho‘l yaylovlarining mahsuldorligi juda past bo’lib, yillar va fasllar davomida iqlimiy omillarga bog’liq ravishda o’zgarib kelmoqda.

O‘rta Osiyo va janubiy Qozog`iston hududlari doirasida cho‘l zonalari g`arbda Kaspiy dengizi qirg`oqlaridan, sharqda va janubi-sharqda Jung`oriya Olatovi, Tyanshan va Pomir, Oloy tog`larining etaklarigacha cho‘zilgan. Cho‘l zonalarining shimoliy chegarasi taxminan $48^0$ sh.k. bo‘yicha, subtropik mintaqaning O‘rta Osiyo doirasidagi janubiy chegarasi esa Kopetdog` va Paropamiz tog`larining etaklari bo‘ylab o‘tadi.

Berk havzali O‘rta Osiyo tabiiy geografik o‘lkasi mo‘tadil mintaqalarda joylashgan bo‘lib, cho‘l landshaftlarining vujudga kelishi, shakllanishi va barqaror rivojlanishi uchun hududda hukmronlik qiluvchi arid iqlimli tabiiy geografik muhitning ta`siri katta. O‘rta Osiyo o‘lkasining geografik o‘rni, okeanlardan uzoqda joylashganligi, mussonlardan tog` tizmalari bilan to‘silganligi, yoz oylarida termik depressiyaning vujudga kelishi, atmosfera yog`inlarining kam bo‘lishiga va arid iqlim sharoitining shakllanishiga sabab bo‘ladi. Natijada o‘lkada yog`in

miqdori 100-200 mm dan oshmaydi. Havoning maksimal harorati 42-45$^0$C gacha ko‘tariladi. Mumkin bo‘lgan bug`lanish miqdori yog`in miqdoriga nisbatan 15-20 marta ko‘pdir. Ana shunday kontinental iqlim sharoitida O‘rta Osiyoning g`arbiy va shimoli-g`arbiy tekislik qismlarida Qizilqum, Qoraqum, Mo‘yinqum, Katta va Kichik Bo‘rsiq qumlari, Orolbo‘yi Qoraqumi, Ustyurt va Betpakdala cho‘l landshaftlari vujudga kelgan.

Tog` tizmalari va tog`oralig`i botiqlaridagi cho‘l landshaftlari (Issiqko‘l, Farg`ona, Surxondaryo botiqlaridagi cho‘llar, Pomir tog`idagi cho‘llar) orografik to‘siqlar tufayli vujudga kelgan cho‘l landshaftlaridir. Masalan, tog`li rayonlardagi Farg`ona, Samarqand, Surxondaryo va Issiqko‘l botiqlarining baryer (to‘siq) soyasidagi arid cho‘l landshatlari, Pomirdagi baland tog` toshloq cho‘l landshaftlari tarkib topgan. Ularning umumiy maydoni 1 mln. kv.km dan oshadi. Materiklarning ichki tekislik qismlarida vujudga kelgan cho‘l landshaftlarining aksariyati geografik zonallik qonuniyatining mahsulidir.

Olimlar o‘rtasida hozirga qadar «cho‘l» atamasi bilan «arid» atamasini tushunishda mutanosiblik yo‘q. Ma`lumki, cho‘l landshaftlarining aridlik (qurg`oqchilik) darajasi hamma yerda bir xil emas. Shuni e`tiborga olib A.G.Babayev va boshqalar (1986) arid yerlarni aridlik (qurg`oqchilik) darajasiga qarab ekstraarid (o‘ta qurg`oqchil, doimiy qurg`oqchilik ehtimoli 75-100 foiz), arid (qurg`oqchil, 50-75 foiz) va chalaarid (chala qurg`oqchil, 20-40 foiz) yerlarga ajratadilar (Abdulqosimov, Abbosov, 2007 ilovasi). Cho‘l atamasining mazmuni esa cho‘l landshaftlarining asosiy mohiyatini, ularning zonal va tipologik xususiyatlarini belgilaydi. Masalan, O‘rta Osiyoning cho‘l landshaft zonasi ichki zonal farqlariga ko‘ra shimoliy cho‘l, o‘rta yoki tipik cho‘l va janubiy cho‘lga bo‘linadi. Cho‘l landshaftlari tipologik xususiyatlariga ko‘ra qumli cho‘l, toshloqli cho‘l, lyossli cho‘l, gilli cho‘l, sho‘rxok cho‘l kabilarga bo‘linadi. Shunday ekan, O‘rta Osiyoning eng katta cho‘llaridan hisoblangan, Qizilqum va Qoraqum cho‘llari ham arid landshaftlar guruhiga kiradi [1].

M.P.Petrov (1973) Yer sharidagi cho‘llarni o‘rganib va tahlil qilib shunday xulosaga kelganki, qurg‘oqchilik eng oxirgi nuqtaga borib taqalgan iqlim sharoitiga ega bo‘lgan hududlarni cho‘l deb atash mumkin [6].

Cho‘l – bu o‘ziga xos landshaft tipi bo‘lib, nafaqat tekisliklar, balki tog‘li hududlar uchun ham xosdir. Tog`li rayonlardagi Farg`ona, Samarqand, Surxondaryo va Issiqko‘l botiqlarining barer (to‘siq) soyasidagi arid cho‘l landshatlari, Pomirdagi baland tog` toshloq cho‘l landshaftlari tarkib topgan. Ularning umumiy maydoni 1 mln. kv.km dan oshadi. Baland tog` cho`li mintaqasi Pomir va Tyanshanning Markaziy qismlarida dengiz sathidan 3500 m dan baland joylarda tarqalgan. Ushbu mintaqa iqlimi juda kontinental, yozi salqin, qishi o`ta sovuq. Shuning uchun ham bu yerda o‘suvchi o`simliklar kserofit va kriofitlardan iborat. Masalan, Sharqiy Pomirning iqlimi G‘arbiy Pomirnikidan ancha farq qiladi. Yilning o‘rtacha harorati uning hamma qismida manfiy bo‘lib, qish uzoq davom etadi va sovuq bo‘ladi. Bu yerda qor qoplami yupqa, kuchli shamollar bo‘lib turadi. Yanvarning o‘rtacha harorati 3600 m balandlikda -17,8°, mutlaq minimum -50° ga yaqin. Yoz fasli qisqa va salqin, yoz kechalari harorat ko‘pincha 0° dan pastga tushadi. Iyulning o‘rtacha harorati esa +15° dan oshmaydi. Sharqiy Pomirda haroratning o‘zgaruvchanligi katta, ba’zi bir hududlarida esa sovuqsiz davr deyarli yo‘q. Yog‘ingarchiliknnng miqdori juda kam. Sharqiy Pomirning bu xususiyatlari baland tog‘ cho‘lining tipik namunasi hisoblanadi.

Cho‘llar butun Turon tekisligining va Qozog`iston qumtepalarining janubiy qismini ishg‘ol etadi. O‘rta Osiyo cho‘llarida yog`in miqdori 250 mm dan kam, mumkin bo‘lgan bug‘lanish miqdori esa undan 15-20 marta ko‘p bo‘lganligi sababli sun`iy sug`orishsiz dehqonchilik qilib bo‘lmaydi. Binobarin, yuqorida keltirilgan m``lumotlardan va bildirilgan fikrlardan shunday umumiy xulosa qilish mumkinki, cho‘llar kontinental quruq iqlim sharoitida vujudga kelgan va shakllangan arid landshaftlardan tashkil topgan tabiiy geografik zona bo‘lib, unda barcha komponentlarning aridlik xususiyatlari va ularning keskinlik darajalari yaqqol ifodalangan. Bu keskinlik oxirgi nuqtadan o‘tgandan keyin landshaftlarning cho‘llanishi boshlanib, biokompo-

nentlar kambag`allashadi, unumdorlik pasayadi. Oqibatda O‘rta Osiyoning arid landshaftlari asta-sekin ekstraarid (o‘ta qurg`oqchil) landshaftlar bilan almashinishi mumkin. Bu bevosita hozirgi iqlimning tabiiy o‘zgarishi va antropogen omillar ta`sirida sodir bo‘ladi.

Qizilqum cho‘li (maydoni 300 ming kv. km) O‘rta Osiyoning arid iqlimli Amudaryo bilan Sirdaryoning oralig`ida o‘lkaning ichki berk havzasida joylashgan. Uning eng keng joyi shimoldan janubga qarab Jusali-Farob meridianida 650 km masofaga, g‘arbdan sharqqa qarab 600 km masofaga cho‘zilgan. Bu ko‘rsatkich Afrikaning shimoliy qismida joylashgan Sahroi Kabir cho‘lidan 20 marta, Markaziy Osiyodagi Gobi cho‘lidan 3 marta kichikroqdir.

Qizilqumning vujudga kelishi, shakllanishi va rivojlanishida hududning paleoiqlim, geologik tuzilishi, litologik tarkibi, tektonik strukturasi va relyef shakllari asosiy indikatorlar vazifasini bajaradi. Paleogen davrida Qizilqumning aksariyat maydoni qadimgi Tetis dengizi suv landshaftlari bilan band bo‘lgan. Keyinchalik neogenda dengiz yangi tektonik harakatlar natijasida kontinental rejim bilan almashinadi va kontinental sharoitida vujudga kelgan cho‘kindi jinslari orasida qumoq-alevrolitlar ko‘pchilikni tashkil etadi.

Qizilqumning yer yuzasini tuzilishi, kontinental iqlim sharoiti bilan bog`liq ravishda uzoq davom etgan tabiiy geografik jarayonlar natijasida yotqiziqlarning delyuvial, elyuvial, prolyuvial, allyuvial va genetik tiplari shakllangan. Cho‘l landshaftlarining shakllanib, dinamik rivojlanib borishida hozirga qadar ham davom etib kelayotgan yangi tektonik harakatlar alohida o‘rin egallaydi. Mazkur mintaqaning faqat hozirgi relyef shakllarigina emas, balki eol qumli tekislik, past tog`, sho‘rxokli berk botiqlar, prolyuvial tekislik, allyuvial va boshqa turdagi arid landshaftlar ham yangi tektonik harakatlar ta`sirida rivojlanib, o‘zining hozirgi qiyofasiga va strukturasiga ega bo‘lgan.

Iqlimiy sharoitlari haqiqiy cho‘lni tavsiflaydi. Qizilqumning shimoli-g‘arbida yanvarning o‘rtacha harorati $-7^0$-$11^0$, janubda -1, $-2^0$ gacha pasayadi. Iyulning harorati +28, $+30^0$, qishda minimal harorat -30, $-33^0$ gacha tushishi mumkin [4]. Harorat $10^0$dan yuqori bo‘lgan haroratlarning jami yig‘indisi Orol sohillarida $3800^0$, janubi-sharqda $5000^0$gacha. Yillik yog‘in miqdori 80-100 mm, asosan mart-aprelda eng ko‘p namlik tushadi. Sharqiy qismida yog‘in ortib boradi (Chordarada 175mm). Yil davomida shimoliy shamollar barqaror (28-44 foiz). O‘rtacha tezlik sekundiga 4-7m. Shimoli-sharqiy shamollar ham ko‘p esadi. Kuchli shamollar sekundiga 20-25 m gacha boradi, ko‘proq bahor va yozda esadi.

Qizilqum cho‘lining arid sharoitida tez-tez takrorlanib turadigan shamollar yordamida allyuvial qum qatlamlari qayta yotqizilib, avvalo pushtali, pushtali-do‘ng va barxan eol qum relyef shakllari paydo bo‘lgan, keyinchalik arid iqlim va ekologik sharoitga moslashgan eol qumli cho‘l landshaftlari shakllangan. Tog` etaklaridagi tog`oldi prolyuvial tekislik cho‘l landshaftlari rivojlangan. Quvondaryo va Janadaryolarning quruq o‘zanlari Sirdaryoning qadimgi tarmoqlaridir, bu yerda gilli cho‘l landshaftlari yaxshi rivojlangan. Mingbuloq, Oyoqog`itma, Qoraxotin, Mullali va boshqa berk botiqlar litologik poydevori tuzga boy bo‘lgan yotqiziqlardan tashkil topganligi sababli bu yerda sho‘rxok (xemogen) cho‘l landshaftlari hukmronlik qiladi.

Qoraqum cho‘li (maydoni 350 ming kv. km) Turon pasttekisligining janubiy qismida joylashgan. Shimoli-sharq va shimolda chegara Amudaryo o‘zani, Xorazm vohasi, Sariqamishbo‘yi deltasi, g`arbda Uzbo‘y Qoraqum o‘zani, janubda Kopetdog` tog` etaklari, janubi-sharqda Badxiz va Qorabil balandliklarining shimoliy etaklaridan o‘tadi. Relyefi asosan tekislikdan iborat, balandligi g`arbdan sharqda tomon ortib boradi. Qoraqum hududi uch qismga aniq ajralib turadi: birinchisi, Shimoliy qism - Unguzorti Qoraqumi, ikkinchisi, O‘rta qism Markaziy Qoraqum, uchinchisi Janubi-sharqiy Qoraqum egallaydi. Bu qismlar relyefi, iqlimi va boshqa xususiyatlari jihatidan keskin ajralib turadi.

Quyoshning ufqdan ancha balandda turishi va bulutsiz kunlarning ko‘proq davom etishi Qoraqum iqlimining o‘ziga xos xususiyatlarini belgilaydi. Jami Quyosh radiatsiyasi shimolda har sm da 133 kkal, Qoraqum kanali mintaqasida 152-163 kkal ni tashkil qiladi. Ijobiy radiatsion muvozanat yil davomida havo haroratining yuqori darajada bo‘lishiga ta’sir ko‘rsatadi.

Shimolda bu harorat 11°, markazda 14,8-5,8° (Davali, Baxardok), janubda va janubi-sharqda 16° dan (Repetek, Tajan) yuqori. Yilning sovuq davrida havo harorati 26-30°, yozda esa harorat +51° (Repetek) gacha tebranadi. Ayrim yillari havo harorati sutka davomida 20° gacha o‘zgarishi kuzatilgan. Atmosfera yog`inlarining 80 foizi noyabr-mart oylariga to‘g`ri keladi. Unguzorti Qoraqumda yil davomida 100 mm dan kamroq. Markaziy Qoraqumda 91-128 mm, Tajanda 139 mm yog`in tushadi. Yog`inlarning asosiy qismi (80- 90foiz) yomg`ir sifatida yog`adi [4].

Qoraqum cho‘li tabiiy geografik jihatdan bir butun o‘lka bo‘lishi bilan birga uning geosistemalari strukturasi yetarli darajada murakkab. Katta hududni egallamasa ham har holda landshaft strukturasi jihatidan o‘zgacharoq bo‘lgan Unguzning chinklari va cho‘kmasi, Uzbo‘yning quruq o‘zani va vodiysini ajratish maqsadga muvofiq. O‘z navbatida ular tarkibida yana kichikroq tabiat komplekslarini ham ajratish mumkin.

Orol dengizining shimoli-sharqida, To‘rg`ay supasimon platosining janubida Orolbo‘yi Qoraqumi joylashgan. Tekislik qum massivlari bilan murakkablashgan. Masalan, Jeneshkekqum massivi 100-120 km uzunlikka ega bo‘lib, kengligi 10-15 km. Qulquduqqum esa 50-60 uzunlikda bo‘lib, kengligi 3-15 km va hokazo. Qumlar o‘simliklar bilan mustahkamlangan.

Orolbo‘yi qumli cho‘llar iqlimi tipik arid xususiyatga ega bo‘lib, qishda havoning o‘rtacha harorati -11,7° -13,5° gacha boradi. Yozda iyulning o‘rtacha harorati mazkur stansiyalarda +26,1°, +26,3°darajada qayd etilgan. Yillik mutlaq eng past harorat -34-36°, eng baland harorat esa 42° gacha yetadi. Yog`in miqdori esa 108-124 mm, yil davomida qor qoplamining saqlanishi 77-78 kun, qalinligi 10 sm atrofida bo‘ladi.

Orol dengizining tub qirgoqlaridan shimoli-g`arbda Katta Bo‘rsiq (uzunligi 200 km) va Kichik Bo‘rsiq (uzunligi 100 km) qumliklari joylashgan. Bu qumliklar insonning xo‘jalik faoliyati natijasida kichikroq barxanlardan tarkib topgan. Asosan qum relyefining do‘ngli, marzali shakllari rivojlangan. Katta Bo‘rsiq va Kichik Bo‘rsiq qumliklari o‘simlik qoplami turlicha bo‘lib, nisbatan tekisroq qumliklarda kserofitli butalar, shuvoq bir yillik sho‘ralar va efemerlar keng tarqalgan.

Qoraqum cho‘llariga litoedafik xususiyatlariga ko‘ra yaqin turadigan Sandiqli qumli cho‘li, hududiy jihatdan Qarshi cho‘li bilan tutashib turganligi sababli deyarli barcha geografik tadqiqotlarda Qarshi cho‘li tarkibiga kiritiladi. Qarshi cho‘lining Kitob-Shahrisabz tektonik botig`i va G`uzor adirlari bilan bo‘lgan chegaralari ham relyefda yaqqol ifodalanmagan.

O‘rta Osiyo janubiy qismining markazida joylashgan Qarshi cho‘lining chegaralari shimolda Ziyoviddin-Zirabuloq tog`larining etaklari, janubiy - sharqda Hisor tizmasi, G`uzor, Dehqonobod past tog`lari bilan g`arbda va janubi-g`arbda Sho‘rsoy cho‘kmasining shimoliy chekkasi va Devxona hamda Chilgumbaz platolarining etaklari bo‘ylab o‘tadi. Qarshi cho‘li Chilgumbaz platosi orqali Sandiqli qumli cho‘lidan ajralib turadi.

Qarshi cho‘li geografik o‘rniga ko‘ra subtropik mintaqaning materik ichkarisidagi cho‘llar zonasiga, gipsometrik sathiga ko‘ra tekislik cho‘llariga, iqlim sharoitlariga ko‘ra arid (quruq) cho‘llarga, litologik-edafik va landshaft xususiyatlariga ko‘ra asosan gilli va qumli cho‘llarga mansubdir. Qarshi cho‘lida cho‘l landshaftlarining xususiyatlari va tuzilmasi landshaft hosil qiluvchi omillarning xususiyatlari bilan bevosita bog`liq. Qarshi cho‘li litologik-landshaft xususiyatlariga ko‘ra asosan gilli va qumli cho‘llarga mansub bo‘lib, cho‘llarning bu tiplari orasida ayrim joylarda sho‘rxokli cho‘llar hamda tog` oldi hududlarida lyossli cho‘llar ham tarqalgan. Qarshi cho‘lida havoning o‘rtacha yillik harorati 14,3°C dan 17,0$^0$ gacha o‘zgaradi. Eng past harorat -25,0$^0$ -27,0$^0$ C bo‘lishiga qaramay hududda yanvar oyining o‘rtacha harorati ijobiydir [5].

Qarshi cho‘li hududida yillik yog‘in miqdori unchalik katta emas (Qarshida-237 mm, Muborakda-155 mm). Yoz faslining uzoq davom etishi oqibatida hududda yillik haroratning kattaligi natijasida bug‘lanish 1700 mm ga yetadi, bu esa o‘z navbatida namlik taqchilligi

(defitsit)ni vujudga keltiradi. Iqlim bo‘yicha rayonlashtirishda Qarshi cho‘li alohida iqlim rayoni sifatida ajratiladi.

Qarshi cho‘lining agroiqlim imkoniyatlari va xususiyatlari bu yerda dehqonchilikni asosan sug‘oriladigan sharoitlarda tashkil etishni taqozo etadi. Iqlim sharoitlarining bunday xususiyatlari Qarshi cho‘lida suv resurslaridan oqilona foydalanish zaruriyatini keltirib chiqaradi. Ammo bu hududning sug‘orish uchun resurslari yetarli emas. Hududda qishloq xo‘jaligi ekinlaridan yuqori mahsulot olish sug‘orma dehqonchilikni talab qiladi. Shu sababli Qarshi cho‘lida obikor dehqonchilikni suv bilan ta’minlash Qashqadaryo havzasining va qo‘shni havzalarning suv resurslaridan tejamkorlik bilan foydalanilishi taqozo etadi.

Hozirgi ilmiy texnika davrida ekologik muvozanatning buzilishi va buning oqibatida o‘simlik, hayvonot olamiga jiddiy zarar yekazilmoqda, natijda landshaftlarning mahsuldorligi yildan–yilga pasayib bormoqda. Landshaftlarning degradasiyasi ayniqsa quruq iqlimli hududlarda, yani cho‘llarda tobora rivojlanib bormoqda [2]. Bular esa tabiat komponentlarida qashshoqlanishga va cho’llanish jarayoning rivojlanishiga olib keladi. Bunday jarayonlar ayniqsa quruq iqlimli cho’l va chalacho’l mintaqalarida yaqqol namoyon bo’lmoqda. Hozirgi kunda eng ko’p cho’llanish jarayoni tabiiy va antropogen omillar ta’sirida sodir bo’lmoqda. Ayniqsa, antropogen omillar ta`sirida cho‘llarning maydoni ortib bormoqda. Cho’llanish jarayonining rivojlanishiga ta`sir etuvchi salbiy o’zgarishlarni oldini olish, tabiiy muhitning salohiyatiga putur yetkazmasdan oqilona foydalanish zarurdir. Cho‘llashishga qarshi kurash o‘zaro ta’sirdagi tabiiy va antropogen omillar tizimini chuqur tushunib yetishga va natijada cho‘llashish tarqalgan hududlarda yuz berayotgan iqtisodiy o‘zgarishlar tamoyillarini ishlab chiqish zarur bo‘ladi. Shundagina cho‘llar maydonining kengayishini oldini olish mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


6. Abulqosimov A.A., Abbosov S.B. Cho‘llarning vujudga kelishi, shakllanishi va geografik tarqalishi // O‘z.GJ axboroti. 28-jild. – B. 6-10 b.

7. Abdullayev S.I. Usmonova M.I. Qashqadaryo havzasida madaniy landshaftlarning shakllanish xususiyatlari. “Geografiya va barqaror rivojlanish» mavzusidagi konferensiya materiallari. – Samarqand, 2004. – 25-26 b.

3. Adilova O., Ismatov M., Mamatqulova F. Cho’llanishni rivojlantiruvchi tabiiy va antropogen omillar. “Geografiya va geografiya ta’limidagi muammolar” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Jizzax, 2018. – 33-35 b.

4. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 2002. – 402 б.

5. Қашқадарё вилояти географияси. – Қарши, 1994. – 94 б.

6. Петров М.П. Пустыни земного шара. – М., 1973. – 120 с.


**РЕЗЮМЕ**


Мақолада O‘rta Osiyoning cho‘llari haqida bayon etilgan. Cho‘llarning geografik o‘rni ва iqlimiy xususiyatlari bayon etilib, landhsaftlar tizimida tutgan o‘rni qarab chiqilgan. “Cho‘l”, “arid”, “geografik zona” kabi tushunchalari bayon qilingan.


**РЕЗЮМЕ**


В статье **идет речь** о среднеазиатских пустынях, их географическом положении и климатических особенностиях, системе ландшафтов.Также проанализированы понятия “пустыня”, “арид”, “географическая зона”.


**SUMMARY**


Article is based on the deserts of Central Asia. Reports geographical position of deserts and climate factors, looked landscape positions.Desert, arid, geographical zone factors and mentioned in the article.


***Nashrga dots. S.Abdullayev tavsiya etgan***

# УРУҒНИ САҚЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Убайдуллаев Ш.Р.** (ҚарМИИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *кузги буғдой, уруғ, сақлаш усуллари, унувчанлик, кўчат қалинлиги, бўйи баландлиги, дон ҳосилдорлиги*

**Кириш.** Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун аввало, юқори ҳосил берадиган, маҳаллий шароитларга мос келадиган навларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш талаб этилади. Бу экинларни экиб ўстириш ва ҳосилдорлигини оширишда камхарж ҳамда самарали агротехнологик тадбирларни қўллаш муҳим омил бўлиб ҳисобланади [2,5]. Шунингдек, дала экинларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулотнинг сифати экиш учун сарфланадиган уруғнинг уруғлик сифатларига боғлиқдир [6]. Уруғларни экиш сифатлари, уни экиш учун яроқлилигини тавсифловчи хусусиятлар йиғиндисидир.

Республикамизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, бошоқли дон экинлари уруғчилигини такомиллаштириш ва сифатли уруғ етиштиришни таъминлашга қаратилган қатор амалий ишлар йўлга қўйилди. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5418-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази ташкил этилганлиги уруғчилик соҳасида республикамизда олиб борилаётган ишларни ҳар тарафлама янада ривожлантириш учун асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади [1].

Юқоридагилар дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда уруғларнинг сифат кўрсаткичлари катта амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Уруғнинг унувчанлик даражаси бевосита уруғлик материалнинг сақлаш шароитига боғлиқдир. Уруғларни сақлашнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг самарадорлиги уруғликнинг униб чиқиш кўрсаткичлари, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги билан баҳоланади. Шундан келиб чиқиб уруғлик буғдой донини сақлаш усулларининг кузги буғдой уруғи унувчанлиги, кўчат қалинлиги, ўсимликларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

**Тажрибанинг мақсади, вазифалари, объекти ва услубиёти.** Тажрибанинг мақсади кузги буғдой “Чиллаки” нави дон ҳосилдорлигига уруғлик донни сақлаш усулларининг таъсирини аниқлашдан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- уруғликни сақлаш усулларини уларнинг унувчанлик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;
- турли усулларда сақланган уруғлардан фойдаланиб ўстирилган кузги буғдой ўсимликларининг кўчат қалинлигини аниқлаш;
- турли усулларда сақланган уруғларни экиб ўстирилган кузги буғдой ўсимликларининг ўсиши (бўйи баландлиги)ни аниқлаш;
- турли усулларда сақланган уруғларини экиб ўстирилган кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигини ўрганиш.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 2016-2017 йилларда ўтказилган дала тажрибаларини олиб боришда Б.А.Доспехов [3] тавсия қилган услублардан фойдаланилди.

Тажриба 3 вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантда 3 қайтариқли тажриба майдончалари ташкил этилди. Ҳар бир тажриба майдончаси юзаси 36 $м^2$, жами 324 $м^2$ майдонга тажриба қўйилди. Тажрибаларда кузги буғдой уруғларини сақлашнинг қуйидаги усулларининг уруғ унувчанлиги, кўчат қалинлиги, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди:

I вариант – уруғни тўкма ҳолатда сақлаш;

II вариант –уруғни қоғоз қопларда сақлаш;

III вариант – уруғни қанор қопларда сақлаш.

Тажриба объекти қилиб буғдойнинг 2002 йилдан республикамизнинг суғориладиган ерларида кузги муддатларда экиш учун Давлат реестирига киритилган “Чиллаки” нави танлаб олинди. Нав тезпишар. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 171 кунда пишади, қолган вилоятларда пишиш муддати 198-212 кун. 1000 дона уруғининг вазни 42,0-44,0 г [7].

Унувчанлик деганда, уруғнинг нормал ривожланган ўсимталар бера олиш қобилияти тушунилади. Унувчанлик лабораторияда ҳар бир экин уруғи учун белгиланган энг қулай шароитида уруғни ўстириш йўли билан аниқланди.

Кузги буғдой ўсимликларининг кўчат қалинлиги улар тўлиқ кўкариб чиққанда (ўсув даврининг бошида), эрта баҳорда (қишлаб чиққан майсалар сони) ва ўсув даври охирида (ҳосил тўла пишиши даврида) қайтариқлар бўйича қаторнинг 1 метридаги кўчатларни санаш орқали аниқланди.

Кузги буғдой ер устки қисмининг ўсишини аниқлаш учун ҳар бир қайтариқда 50 тадан, жами ҳар бир вариантда 150 та ўсимликнинг бўйи ўлчанди. Ўсимликларнинг бўйи баландлиги найчалаш, бошоқлаш ва донининг тўла пишиш фазаларида аниқланди.

Кузги буғдой дон ҳосилдорлигини аниқлаш учун ҳар бир қайтариқда 5 $м^2$ майдондаги ўсимликлар тўла пишиш фазасида ер юзасидан 7-8 см юқоридан ўриб олинди. Сўнгра янчилиб, дони тозаланди ва тарозида тортилиб, ҳосил кўрсаткичлари аниқланди.

Олинган маълумотлар статистик математика усулидан фойдаланиб қайта ишланди [4].

**Тажриба натижалари ва таҳлили.** Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олишда тўлиқ ва соғлом кўчатлар ҳосил қилиш муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Тўлиқ ва соғлом кўчатлар ҳосил қилишда экин етиштирилаётган тупроқ-иқлим шароити, экологик омиллар, навнинг биологик хусусиятлари, қўлланилаётган агротехник чора-тадбирлари билан бирга уруғларнинг унувчанлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Барча дон экинлари каби, кузги буғдой донининг унувчанлиги лаборатория ва дала шароитларида турлича бўлади. Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги ҳамиша лаборатория шароитидаги унувчанлигидан паст бўлиб, унувчанлик асосан уруғ сифатига, агротехник омилларга, экологик шароитга ҳамда уруғликни сақлаш шароити ва усулларига боғлиқ бўлади.

Кузги буғдой уруғи унувчанлигининг унинг кўчат қалинлиги, ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилини шаклланишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, сифат кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига жавоб берадиган уруғларнинг сақлаш усулларини уларнинг унувчанлигига таъсири ўрганилди.

1-жадвалда сақлаш усулларига кўра кузги буғдойни унувчанлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, кузги буғдой уруғининг унувчанлигига уруғни сақлаш усуллари катта таъсир кўрсатади. Агар уруғлик тўкма ҳолатда сақланган I вариантда унинг унувчанлиги уруғ ундиришга қўйилгандан кейин 13-куни 92 фоизни ташкил этган бўлса, уруғлик қоғоз қопларда сақланган II вариантда бу кўрсаткич камайиб кетиши кузатилади ва 88 фоизга тенг бўлади. Энг юқори унувчанлик уруғларни қанор қопларда сақланган III вариантда қайд этилди. Бунда уруғларнинг унувчанлиги 94 фоизни ташкил этди.

1-жадв.

**Сақлаш усулларини кузги буғдой “Чиллаки” нави уруғларининг унувчанлигига таъсири**

| Вари-антлар | Уруғликни сақлаш усули | Уруғнинг униш кўрсаткичлари, фоиз ҳисобида | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 7 - кун | 9 - кун | 11 - кун | 13 - кун |
| I | Тўкма ҳолатда | 52 | 72 | 82 | 92 |
| II | Қоғоз қопларда | 50 | 67 | 77 | 88 |
| III | Қанор қопларда | 54 | 75 | 87 | 94 |

Тажрибада олинган натижалар таҳлили кузги буғдой “Чиллаки” навининг уруғлари тўкма ҳолатда ва қанор қопларда сақланганда уларнинг унувчанлик даражаси давлат стандарти талабларига жавоб беришини ва 2-синфга тегишли бўлишини кўрсатди. Қоғоз қопларда сақланган уруғларнинг эса унувчанлиги паст бўлиб, қабул қилинган стандарт талабларига жавоб бермайди. Бу уруғларни техник мақсадлар учун ишлатишга жўнатиш талаб этилади.

Уруғларнинг унувчанлик кўрсаткичлари қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат қалинлигига катта таъсир этувчи асосий омиллардан бири сифатида қаралади. Шу сабабли турли усулларда сақланган кузги буғдойнинг “Чиллаки” нави уруғларидан фойдаланиб ўстирилган экинларнинг кўчат қалинлиги ўрганилди ва олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тўкма ҳолда сақланган (I вариант) уруғлар экиб ўстирилган вариантда ўсув даврининг бошида ҳар бир м$^2$ да ўртача 457,6 дона майса ҳосил бўлади ва уларнинг 405,1 донаси қишлаб чиқади. Бу вариантда қишда нобуд бўлган ўсимлик туплари сони 12,5фоизни ташкил қилади. Ўсув даврининг охирига келиб бу вариантда экинларнинг кўчат қалинлиги бир метр квадратда 362,6 донани ёки дастлабки кўчат қалинлигига нисбатан 79,2 фоизга тенг бўлади.

Қоғоз қопларда сақланган уруғлар экилган II вариантда ўсув даври бошида бу кўрсаткич 448,2 дона/м$^2$ бўлиб, қишлаш даврида уларнинг 15,8 фоизи нобуд бўлиши кузатилади ёки эрта баҳорда бу вариантда кўчат қалинлиги 377,5 дона/м$^2$ га тенг бўлади. Ўсув даврининг охирига – доннинг тўла пишиш даврига келиб кўчат қалинлиги бу вариантда 333,1 дона/м$^2$ ни ёки дастлабки кўчат қалинлиги нисбатан 74,3 фоизни ташкил этади.

Қанор қопларда сақланган уруғлар экилган III вариантда ўсув даври бошида кузги буғдой кўчат қалинлиги 473,4 дона/м$^2$ га тенг бўлади. Эрта баҳорда ўтказилган кузатишлар бу вариантда кўчат қалинлиги 424,7 дона/м$^2$ бўлишини ёки қишлов даврида бу вариантда кўчатларнинг 10,3 фоизи нобуд бўлишини кўрсатди. Донининг тўла пишиш даврига келиб қопларда сақланган уруғликлар экилган майдонларда кўчат қалинлиги 381,4 дона/м$^2$ ни ташкил этиши аниқланди ёки дастлабки ҳосил бўлган кўчатларнинг 80,6 фоизи сақланиб қолиши кузатилди.

2-жадв.

**Кузги буғдой “Чиллаки” нави кўчат қалинлигига уруғни сақлаш усулларининг таъсири**

| Ва-ри-ант лар | Уруғликни сақлаш усуллари | Ўсув даври бошидаги кўчат (туп) лар сони, дона/м$^2$ | Қишлаб чиққан кўчатлар сони, дона/м$^2$ | Нобуд бўлган ўсимликлар сони, фоиз | Ўсув даври охирида кўчатлар сони, дона/м$^2$ |
|---|---|---|---|---|---|
| I | Тўкма ҳолатда | 457,6 $\pm$ 9,5 | 405,1 $\pm$ 12,1 | 12,5 | 362,6 $\pm$ 11,1 |
| II | Қоғоз қопларда | 448,2 $\pm$ 10,5 | 377,5 $\pm$ 11,7 | 15,8 | 333,1 $\pm$ 9,9 |
| III | Қанор қопларда | 473,4 $\pm$ 8,9 | 424,7 $\pm$ 10,6 | 10,3 | 381,4 $\pm$ 10,8 |

Демак, кузги буғдой “Чиллаки” нави уруғлари қанор қопларда сақланганда ўсимликларнинг кўчат қалинлиги ва уларнинг яшовчанлиги ўрганилган бошқа вариантларга нисбатан анча юқори бўлади. Ўсув даврининг охирига келиб қанор қопларда сақланган уруғлар экилган III вариантда кузги буғдой кўчат қалинлиги уруғлар тўкма ҳолатда сақланган I вариантдагига нисбатан 5,2 фоизга, қоғоз қопларда сақланган II вариантдагига нисбатан 14,5 фоизга юқори бўлиши аниқланди. Булар кузги буғдой уруғларини қанор қопларда сақлаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.Экинларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи омиллардан бўлиб, яхши ўсиб ривожланган экинлардан юқори ҳосил олиш мумкинлиги қатор тажрибаларда аниқланган. Шунинг учун уруғлик донни сақлаш усулларини кузги буғдойнинг ўсишига таъсири ўрганилди.

Кузатиш натижалари келтирилган 3-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, турли усулларда сақланган уруғларни экиб ўстирилган кузги экинларининг ўсиш даражаси турлича бўлади. Уруғлар тўкма ҳолда сақланган I вариантда ўсимликларнинг бўйи баландлиги найчалаш фазасида 26,9 см ни, бошоқлаш фазасида 85,5 см ни ва донининг тўла пишиш даврида эса 93,8 см ни ташкил этди. II вариантда (уруғлар қоғоз қопларда сақланганда) кузги буғдой ўсимликларининг ўсиши секинроқ бориши намоён бўлди. Уруғлари қоғоз қопларда сақлаб ўстирилган кузги буғдой ўсимликларининг бўйи баландлиги найчалаш фазасида 26,1 см га, бошоқлаш фазасида 82,9 см га ва донининг тўла пишиши даврида 91,5 см га тенг

3-жадв.

**Турли усулларда сақланган уруғлари экиб ўстирилган кузги буғдой ўсимликларининг ўсиш кўрсаткичлари**

| Вариант-лар | Уруғларни сақлаш усуллари | Поялар баландлиги, см | | |
|---|---|---|---|---|
| | | найчалаш | бошоқлаш | тўла пишиш |
| | | 30.03 | 24.04 | 07.06 |
| I | Тўкма ҳолатда | 26,9 ± 1,3 | 85,5 ± 2,6 | 93,8 ± 3,1 |
| II | Қоғоз қопларда | 26,1 ± 1,7 | 82,9 ± 2,1 | 91,5 ± 2,9 |
| III | Қанор қопларда | 27,6 ± 1,5 | 88,2 ± 2,8 | 98,2 ± 3,3 |

бўлди ёки дастлабки вариантдагига нисбатан ривожланиш фазалари бўйича мос ҳолда 0,8; 2,6 ва 2,3 см га паст бўйли бўлиб ривожланди.

Уруғлар қанор қопларда сақланган III вариантда кузги буғдой ўсимликларининг бўйи баландлиги найчалаш фазасида 27,6 см, бошоқлаш фазасида 87,2 см ва донининг тўла пишиш даврида эса 98,2 см бўлиши аниқланди. Бу вариантдаги кузги буғдой ўсимликлари бошқа вариантдаги ўсимликларга нисбатан баланд бўйли бўлиб ривожланиши кузатилди. Қанор қопларда сақланган уруғлардан ўстирилган бу вариантдаги ўсимликлар бўйи баландлиги қоғоз қопларда уруғи сақланган II вариантдаги ўсимликлар бўйи баландлигига нисбатан найчалаш фазасида 1,5 см га, бошоқлаш фазасида 5,3 см га, донининг тўла пишиши фазасида эса 6,7 см га баланд бўлади.

Олинган маълумотлар таҳлили кузги буғдой уруғлари қанор қопларда сақлаш самарали эканлигини кўрсатади. Чунки бундай усулда сақланган уруғлардан экиб ўстирилган кузги буғдой ўсимликлари яхши ўсиб ривожланади ва улар баланд бўйли бўлиб ўсади.

Дон экинлари асосан дон олиш учун экиб ўстириладиган қишлоқ хўжалик экинлари бўлиб, уларнинг етиштириш самарадорлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич унинг дон ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда қатор агротехник, биологик ва экологик талаблар билан бир қаторда уруғларни сақлаш сифат кўрсаткичлари ҳам муҳим ҳисобланади.

Тажрибанинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, кузги буғдой дон ҳосилдорлигига уруғларни сақлаш усулларининг таъсири ўрганилди ва олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигига унинг уруғларини сақлаш усуллари сезиларни даражада таъсир кўрсатади. Уруғлар тўкилган ҳолатда сақланган I вариантда ҳар гектар ердан 49,2 центнер дон ҳосили олинган ҳолда, II вариантда қоғоз қопларда сақланган уруғлар экиб ўстирилган кузги буғдой далаларининг ҳар гектаридан 48,1 центнер дон ҳосили йиғиштирилади. Кузги буғдойнинг энг юқори дон ҳосилдорлиги тажриба ўтказилган шароитда қанор қопларда сақланган уруғлар экиб ўстирилган далаларда кузатилди. Бу вариантда ҳар гектар ердаги кузги буғдой “Чиллаки” навининг дон ҳосилдорлиги 51,3 центнерни ташкил этди.

Демак, кузги буғдойнинг уруғлик материалини қанор қопларда сақлаш бу экиндан қоғоз қопларда сақлагандагига нисбатан гектарига 3,2 центнер,

4-жадв.

**Уруғликни сақлаш усулларини кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигига таъсири**

| Вариантлар | Уруғларни сақлаш усуллари | Ўртача ҳосилдорлик, с/га |
|---|---|---|
| | Тўкма ҳолатда | $49{,}2 \pm 2{,}4$ |
| II | Қоғоз қопларда | $48{,}1 \pm 3{,}2$ |
| III | Қанор қопларда | $51{,}3 \pm 3{,}5$ |

тўкма ҳолатда сақлаганга кўра эса 2,1 центнер кўп дон ҳосили етиштириш имконини беради.

## Хулоса

1. Уруғлик материалининг унувчанлигини керакли даражада сақланишини таъминлаш учун уни сақлаш шароити ва усулларини тўғри белгилаш талаб этилади. Кузги буғдой “Чиллаки” навининг уруғлари қанор қопларда сақланганда уларнинг унувчанлик даражаси бошқа ўрганилган усулларга нисбатан анча юқори (94фоиз) бўлади. Қоғоз қопларда сақланган уруғларнинг эса унувчанлиги паст бўлганлиги учун бу усулда сақланган уруғларни техник мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлади.

2. Кузги буғдой уруғлигини сақлаш усуллари бу уруғликлар экиб ўстирилган ўсимликларнинг кўчат қалинлиги ва уларнинг яшовчанлигига ҳам таъсир кўрсатади. “Чиллаки” навининг қанор қопларда сақланган уруғлари экиб ўстирилганда ўсимликларнинг кўчат қалинлиги ва уларнинг яшовчанлиги ўсув даврининг охирига келиб уруғлар тўкма ҳолатда сақлангандагига нисбатан 5,2 фоизга, қоғоз қопларда сақлангандагига нисбатан 14,5 фоизга юқори бўлади.

3. Кузги буғдойнинг қанор қопларда сақланган уруғлари экиб ўстирилганда бу экин ўсимликлари яхши ўсиб ривожланади ва баланд бўйли бўлиб ўсади. Уруғлари қанор қопларда ва тўкма ҳолатда сақланган уруғлардан ўстирилган кузги буғдой ўсимликларининг бўйига ўсиши нисбатан секинроқ бориши кузатилади ва улар паст бўйли бўлиб ривожланади.

4. Уруғлик материал қанор қопларда сақланган вариантда ҳар гектар ердаги кузги буғдой “Чиллаки” навининг дон ҳосилдорлиги 51,3 центнерни ташкил этди ва уруғлик материал қоғоз қопларда сақлагандагига нисбатан гектарига 3,2 центнер, тўкма ҳолатда сақлаганга кўра эса 2,1 центнер кўп дон ҳосили етиштирилди. Шунинг учун кузги буғдой

уруғларини қанор қопларда сақлаш биологик, хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5418–сонли Фармони.
2. Атабаева Ҳ.Н., Азизов Б.М. Буғдой. – Тошкент, 2008. –168 б.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – 316 с.
4. Зайцев Г.Н. Математическая статистика в экспериментальной ботанике. – М.: Наука, 1984. – 424 с.
5. Орипов Р.О., Халилов Н.Н. Ўсимликшунослик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007. –384 бет.
6. Тилавов У.Ҳ. Сифатли уруғлик дон – мўл ҳосил етиштириш гаровидир//“Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги ҳалқаро илмий–амалий конференция материаллари тўплами (Қарши, 14-15 май 2018 й.). – Қарши, 2018. –98–99 бетлар.
7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестирига киритилган навларининг тавсифи. – Тошкент, 2006.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада кузги буғдой уруғларини сақлаш усулларининг уруғлар унувчанлиги, ўсимликларнинг кўчат қалинлиги, бўйи баландлиги ва дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш натижалари баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приведены результаты изучения влияния способов хранения семенного материала озимой пщеницы на всхожесть семян, а также на густоту стояния, рост и продуктивность зёрен этого растения.

**SUMMARY**

This article describes the results of the study on winter wheat‘s sawing methods on the susceptibility of seeds, the effect of plant seedlings on height, length and grain yield.



***Нашрга проф. Л.Ёзиев тавсия этган***


## ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН ЯККАБОҒДАРЁ ЧАП СОҲИЛИ ТУПРОҚЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ТЕМИР БИРИКМАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАРИ


**Ҳакимова М.Х**. (ҚарМИИ)



**Таянч сўз ва иборалар:** *тупроқ, учламчи қизғиш (неоген) ётқизиқлар, лёсс ётқизиқлар, эрозияланиш даражалари, темир бирикмалари шакллари: силикат, носиликат, аморф ва кристаллашган.*


**Кириш.** Ер ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий объекти эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ундан оқилона фойдаланиш нафақат ижтимоий-экологик, балки иқтисодий аҳамият касб этишини ҳам кўрамиз. Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, айниқса органик маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари ўсиб бораётган бир даврда деҳқончилик тизимида янги технологияларни қўллаб маҳсулотлар етиштириш учун фойдаланилаётган ернинг унумдор қатлами таркибидаги кимёвий бирикмалар тури, уларнинг сифати ва миқдорини етарли даражада бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда айниқса тупроқ таркибидаги элементларни аниқлаш, улар миқдорини турли ташқи таъсирлар (масалан, эрозия) натижасидаги ўзгариш қонуниятларини ўрганишнинг аҳамияти катта.

Қашқадарё воҳаси тупроқлари географик тарқалиши жиҳатдан вертикаллик қонуниятига бўйсўнади. Денгиз сатҳидан кўтарилган сари ернинг паст-баландлиги ўзгариб, нишаблик даражаси ҳам шунга мос равишда ошиб боради. Табиийки, бу ҳолат сув эрозиясини келиб чиқишига замин яратади. Ҳудуд геологик тузилиши жиҳатидан палеозой даврининг чўкинди-магматик ва метоморфик жинсларидан ҳамда мезозой даврининг чўкинди жинсларидан ташкил топган. Жумладан, палеозойнинг чўкинди ётқизиқлари комплекси қуйи ва юқори силур, қуйи ва ўрта девон, қуйи, ўрта ва юқори карбон даврларида ташкил топган. Шунингдек, мезозойнинг триас, юра ва бўр даври ётқизиқлари ҳам учрайди. Ҳудудда учламчи давр ётқизиқлари ҳам кенг тарқалган. Улар шўрланган қумли соз ва карбонатли денгиз ётқизиқлари ва қизил рангли шўрланган саҳро-континентал ётқизиқларидан иборат.

Тадқиқотлар тоғ минтақасида жойлашган учламчи қизғиш (неоген) ётқизиқларда шаклланган тупроқлар таркибидаги темир шаклларини аниқлаш ва уларни тупроқ ҳосил бўлиш шароитлари билан боғлиқлиги, шунингдек, эрозия натижасида ўзгаришини ўрганишга қаратилди.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик ҳолати мақсади, вазифалари ва услубиёти.** Турли ҳудудларда темир шаклларини тупроқ ҳосил бўлиш жараёларининг умумий ва турли омилларга боғлаб ўрганиш Тамм (1934), Галабутская ва Говорова (1934), Дюшофур (1970), Кононова ва Титова (1961), Горбунов ва Ерохина (1971), Карпачевский ва Бабанин (1972), Аристовская (1975), Францмейер, Зонн (1976), Зонн (1982), Карманова (1975, 1978), Валиев ва Баканова (1979)лар томонидан нашр қилинган ишларда ёритилган.

Лекин Исматов (1989)нинг эътироф этишича, қуруқ минтақа тупроқларида темир бирикмаларининг сифат таркиби тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, тупроқ ҳосил бўлиш шароитларининг ўзига хос томонлари ва деҳқончиликда тасарруф этиш муддати билан боғланган ҳолда жуда кам ўрганилган. Неогеннинг учламчи қизғиш ётқизиқларида шаклланган тупроқларнинг эрозияланиш даражасига боғлаб темир бирикмаларининг шакллари умуман ўрганилмаган.

Шу сабабдан неоген қизғиш ётқизиқларда шаклланган тупроқларда темир бирикмалари шаклларини генетикавий горизонтлар бўйича тарқалиши, ўрганилаётган тупроқлар генезисидаги нисбатлари ва эрозияланиш даражалари бўйича темир бирикмалари шаклларининг ювилиш даражалари бўйича миқдорлари аниқланилди ва лёсс ётқизиқларда шаклланган типик бўз тупроқлардаги темир бирикмалари шакллари билан қиёслаб таҳлил этилди.

Тупроқларнинг унумдорлик даражаси бевосита тупроқ ҳосил қилувчи жинслар билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун учламчи қизғиш тусли ётқизиқларда шаклланган тупроқлар унумдорлиги муаммосини ечишнинг асосий аспектларидан бири уни тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг хоссалари билан генетикавий боғлиқлигидир. Ўрганилаётган тупроқлардаги тупроқ ҳосил қилувчи жинс учламчи (неоген) даврга хос устки ҳосилалар бўлиб, кескин континентал иқлим шароитларида юзага келганлиги эҳтимолдан холи эмас: бунга барча жинсларнинг қизил тусдалиги гувоҳлик беради. Палеоиқлимшуносларнинг тадқиқотлари асосида кайнозой босқичи палеоценда экстра қуруқ, эоценда мўътадил қуруқ, олигоцендаги алмашинувчи – нам иқлим тескари йўналишда антропогендаги қуруқ иқлимга алмашган. Учламчи даврдаги иқлим шароитлари учламчи қизғиш тусли ётқизиқлар ва тупроқларни юзага келишга шароит яратган. Уларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги механизмлар муҳим рол ўйнаган :

- темирнинг нам мавсумда гидролизланиши ва ажралиши;
- органик моддаларнинг минераллашиши ва темирнинг қуруқ мавсумда фиксация-

ланиши;

- бу жараёнларнинг навбат билан алмашиниши сўнгги натижани бериши;
- ўсимликларнинг ривожланиши, гидролизнинг жадаллашиши ва темирнинг нам мавсум ҳамда ҳарорат режимининг давомийлигига боғлиқ равишда ажралиши;
- органик материалларнинг парчаланиши ва тупроқларнинг қизил тусини қуруқ мавсумнинг давомийлигига боғлиқлиги (Зонн, 1974).

Шундай қилиб, учламчи даврнинг нам даврларида нураш жараёнида темирнинг ажралиши (озод бўлиши) содир бўлган ва у намлик таъсирида гидратланган шаклга ўтган. Қуруқ даврларда эса дегидратация жараёни кетган ва тупроқ қизил тус олган. Нам даврда, тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг кучли нураши натижасида ҳосил бўлган темир оксиди кремний (II) – оксиди билан комплекс бирикма ҳосил қилади. Лекин у қуруқ мавсум таъсири остида парчаланади ва жадал буғланиш натижасида тупроқ эритмасининг концентрацияси ошади, темир оксидининг кристалланиши содир бўлади, қайсики, грунтларга қизғиш ранг беради.

Темир ва унинг шакллари биологик айланишда кам иштирок этишини ҳисобга олиш муҳим ҳолатдир. Бунинг натижасида темирнинг тақсимланиши кўп жиҳатдан тупроқ ҳосил бўлиш хусусиятларининг замонавий динамикасини ифодалайди (Карманова, 1975).

Неогеннинг учламчи қизғиш ётқизиқларида шаклланган тупроқларда темирнинг силикат ва носиликат гуруҳлари ўрганилди. Носиликат темир гуруҳига унинг кристаллашган ва аморф шакллари киритилади. Кристаллашган темирнинг ўзи ўз навбатида кучсиз ва кучли кристаллашган шаклларга, аморф темир эса комплекс темир органик бирикмалар ва органик моддалар билан бирикмаган шаклларга ажратилди.

Турли темир бирикмалари миқдори бўйича темирнинг силикатли, носиликат, кристаллашган, аморф, темир-органик, органик модда билан бирикмаган аморф темири, кучсиз кристаллашган ва кучли кристаллашган шакллари Баскомба, Мер Жексон, Францмейер, Тамм усулларидан фойдаланилиб аниқланди.

**Тадқиқотнинг таҳлил натижалари.** Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, учламчи қизғиш тусли ётқизиқларда шаклланган тупроқларда темирнинг ялпи миқдори 4.0–6.0 фоиз ни ташкил қилади ва у тупроқ профилининг ўрта ва қуйи қисмларида кўпроқ учрайди.

Бу тупроқларда темирнинг асосий қисми силикат шаклда бўлиб, унинг ялпи миқдорини 77–84 фоизини ташкил қилади. Силикат шаклдаги темир таҳлилининг кўрсатишича, у юқори қатламларда кам, қуйи қатламларда кўпроқ учрайди, қайсики ялпи темирнинг тупроқ профили бўйлаб тарқалишига айнан мос келади. Силикат шаклдаги темирнинг кенг тарқалиши ва унинг шаклланиши табиий шароитлар билан боғлиқ. Кенг тарқалишининг яна бир сабаби ўрганилган тупроқларнинг саркарбонатлилиги билан боғлиқ. Маълумки, карбонатлилик қанчалар юқори бўлса, темирнинг эркин шакллари эримайдиган карбонатли бирикмаларга айланади ва ҳаракатчанлиги чекланиб қолади. Темирнинг эркин бирикмалари профилнинг юқори қисмида қуйи қисмларга нисбатан кўпроқ учрайди. Носиликат шаклдаги темир силикат шаклдагидан анча кам бўлиб, ялпи темир миқдорининг 15–20 фоизини ташкил қилади. Носиликат темирнинг 78–79 фоиз кучли кристаллашган шаклларга тўғри келади. Маълумки, аморф шаклдаги темир ўта нам шароитларда юзага келади ва кристалланиши учун юқори ҳарорат, намланиш даврларининг навбатлашиши ва тупроқнинг қуриши керак бўлади. Учламчи даврнинг қизил тусли ётқизиқлари шаклланган пайтда айни гидротермик шароитлар мавжуд бўлиб, темирнинг миқдори ва бу шаклларининг тупроқ профили бўйлаб тарқалишига таъсир кўрсатган.

Ўрганилаётган тупроқларда темирнинг кристаллашган шакллари ичида кучли кристаллашганлари 11–20 фоизни, кучсиз кристаллашганлари эса 0,1–2,0 фоиз ни ташкил қилади. Темирнинг аморф шакллари ичида эса органик модда билан бирикмаган аморф бирикмалар бир оз устунликка эга. Бу тупроқларда темир – органик бирикмалар ҳиссаси профилнинг юқори қисмида кўпроқ бўлиб, 0–30 см да носиликатга нисбатан 5–11

фоизни, органик моддалар билан боғланган аморф бирикмаларга нисбатан 4–6 фоизни ташкил қилади (1-жадвал).

Бу тупроқнинг бошқа қатламларида органик модда билан бирикмаган аморф бирикмалар устунлик қилади. Шунга мос равишда ўрганилаётган тупроқларда носиликат темир миқдори ялпи темир миқдорининг 15–23 фоизидан ошмайди ва унинг энг кўп миқдори ювиб келтирилган, камроғи эрозияланмаган ва энг ками эрозияланган тупроқларда кузатилади. Ювиб келтирилган тупроқларда бу кўрсаткичнинг юқори бўлиниши нурашнинг кучли бўлиши, ювиб келтириш ва эрозия жараёнида кучли намланиш билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари ўрганилаётган тупроқ профили носиликат темирни эллювиал қисмга таққосланишида сезиларли даражада табақалашгандир. Лёссларда шаклланган бўз тупроқлардан фарқ қилиб, ўрганилган тупроқларда носиликат темир миқдори юқори қатламларда бир оз камайиб, қуйи қатламларда ошади, қайсики нисбатан кучли нурашга учраган қадимий неоген тупроқ ҳосил қилувчи жинслар ва уларнинг гидроморфизми билан боғлиқ бўлса керак.

1-жадв.

**Лёсс ва неоген қизғиш ётқизиқларда шаклланган бўз тупроқлардаги турли шаклдаги темир миқдори**

| Тупроқ | қатлам чуқур лиги, см | Носиликат темирлар нинг абсолют микдори,фоиз | Носиликат темирнинг ялпи темирга нисбатан микдори, фоиз | Темир органик бирик малар микдори,фоиз | Органик модда билан бирикмаган темир миқдори,фоиз | Кучли кристал лашган темир миқдори, фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Лёссда шаклланган типик бўз тупроқ (Карманова 1978) | 0-30 | 1,69 | 34,49 | 3,55 | 2,96 | 16,57 |
| | 30-40 | 1,43 | 29,18 | 4,20 | 2,10 | 11,89 |
| | 40-70 | 1,37 | 29,78 | 4,38 | 1,46 | 8,03 |
| | 70-100 | 1,17 | 24,89 | 4,27 | 0,85 | 10,26 |
| | 100-150 | 1,28 | 31,22 | 0,78 | 3,12 | 5,47 |
| | 150-200 | 1,24 | 29,52 | 2,42 | 2,42 | 0,81 |
| Қизғиш неоген ётқизиқ ларда шаклланган тупроқ (эрозияланмаган) | 0-4 | 0,79 | 17,17 | 5,32 | 5,18 | 85,44 |
| | 4-16 | 0,80 | 15,01 | 4,00 | 6,37 | 86,12 |
| | 16-36 | 0,87 | 17,06 | 10,46 | - | 79,77 |
| | 36-80 | 0,85 | 16,60 | 6,71 | 2,82 | 85,29 |
| | 80-130 | 0,81 | 15,46 | 6,79 | 5,18 | 84,44 |
| Қизғиш неоген ётқизиқ ларда шаклланган тупроқ (эрозияланган) | 0-2 | 0,74 | 15,16 | 11,35 | 5,19 | 78,65 |
| | 2-16 | 0,80 | 15,50 | 4,50 | - | - |
| | 16-71 | 0,82 | 16,17 | 2,93 | 4,88 | 87,31 |
| | 71-125 | 0,82 | 16,77 | 4,88 | 4,88 | 86,22 |
| Қизғиш неоген ётқизиқ ларда шаклланган тупроқлар (ювиб келти рилган) | 0-5 | 0,81 | 14,52 | 5,68 | 5,06 | 85,31 |
| | 5-14 | 0,88 | 18,49 | 2,84 | 5,57 | 88,07 |
| | 14-28 | 0,88 | 22,86 | 2,27 | 19,43 | 87,84 |
| | 28-41 | 0,92 | 23,00 | 4,56 | 4,24 | 87,72 |
| | 41-56 | 0,92 | 21,05 | 2,72 | 3,91 | 88,80 |
| | 56-97 | 0,89 | 15,92 | 2,47 | 7,64 | 89,44 |
| | 97-115 | 0,84 | 16,31 | 4,28 | 18,69 | 86,90 |

Карманова (1978), Баканова (1982) ва Исматов (1989) лар лёсслардаги бўз тупроқлар таркибидаги носиликат темирнинг асосий массаси (70–85фоиз) кучсиз кристаллашган шаклда бошқа тупроқ типларига нисбатан анча кам) бўлиши; органик модда билан боғланмаган аморф шаклдаги темир миқдорининг носиликат темирга нисбатан 2–3 фоизни ташкил қилиши; носиликат темирнинг профил бўйлаб кучсиз табақалашган тарзда тақсимланишини юқори қатламларда қисман аккумуляцияланишни кўрсаткичлар бўйича характерлашга ҳаракат қилганлар:

2-жадв.

**Неоген қизғиш тусли ва лёсс ётқизиқларда шаклланган тупроқлардаги темир шаклларининг нисбатлари**

| Тупроқ | Қатлам чуқурлиги, см | Темир шаклларининг нисбати | |
|---|---|---|---|
| | | Носиликат<br>Ялпи | Аморф<br>Кристаллашган |
| Қизғиш неоген ётқизиқларда шаклланган тупроқлар (Эрозияланмаган) | 0-4 | 0,17 | 0,12 |
| | 4-16 | 0,15 | 0,12 |
| | 16-36 | 0,17 | 0,09 |
| | 36-80 | 0,16 | 0,11 |
| | 80-130 | 0,15 | 0,14 |
| Қизғиш неоген ётқизиқларда шаклланган тупроқлар (Эрозияланган) | 0-2 | 0,15 | 0,15 |
| | 2-16 | 0,15 | - |
| | 16-71 | 0,16 | 0,08 |
| | 71-12 | 0,17 | 0,25 |
| Қизғиш неоген ётқизиқларда шаклланган тупроқлар (Ювиб келтирилган) | 0-5 | 0,14 | 0,14 |
| | 5-14 | 0,18 | 0,11 |
| | 14-28 | 0,23 | 0,29 |
| | 28-41 | 0,23 | 0,10 |
| | 41-56 | 0,21 | 0,07 |
| | 56-97 | 0,16 | 0,29 |
| Лёссда шаклланган типик бўз тупроқ (эрозияланмаган) Баканова,1984 | 0-50 | 0,20-0,25 | 0,56-0,75 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| Лёссда шаклланган типик бўз тупроқ эрозияланмаган (Исматов, 1989) | | | |
| | 0-5 | 0,21 | 0,41 |
| | 25-40 | 0,24 | 0,24 |
| | | | |

Карманова (1978) томонидан тупроқлардаги темир шаклларининг миқдори бўйича тақсимланиш градациясига мувофиқ таққосланганда неоген ётқизиқларининг ва лёссларда шаклланган, шунингдек эрозияга учраган тупроқлар орасидаги фарқ яққол кўринади. Бўз тупроқлар минтақасидаги аксарият тупроқлар таркибидаги темир шакллари бўйича битта гуруҳга киради. Темирнинг айрим шаклларининг нисбатлари бўйича нисбатан фарқ қилувчи кўрсаткичлар ювилган тупроқ ҳосил қилувчи жинсли ва эрозияга чалинган тупроқларда олинади. Бу фарқлар эрозияга учраган тупроқларнинг юза қатламларда яхши кўринади. Масалан, типик бўз тупроқлар минтақасида юқори ярим метрли қатлам учун носиликат темирнинг ялпи темирга нисбати 0,56–0,75 га тенг бўлса, оч тусли бўз тупроқларда мос равишда 0,17–0,19 ва 0,24–0,42 га тенгдир. (Баканова бўйича, 1984. (2-жадвал).

Учламчи ётқизиқларда шаклланган тупроқларда темирнинг турли шаклларининг нисбати бўйича бир биридан фарқланадиган кўрсаткичлар олинган, эрозияга учраган – эрозияланган ва эрозия таъсирида ювиб келтирилган тупроқлар учун улардан айни тупроқларни тасниф қилишда қўшимча аналитик материал сифатида фойдаланиш мумкин. Типик бўз тупроқларда носиликат темирнинг ялпи темирга нисбати 0,20–0,25 ва аморф темирнинг кристаллашган темирга нисбати 0,56–0, 75 га тенг. (2-жадвал).

Тадқиқотлар неоген қизғиш ётқизиқларда шаклланган тупроқлардаги темир шаклларининг нисбати лёссдаги бўз тупроқлардан фарқ қилади. (2-жадвал). Маълумотларнинг таҳлили ўрганилаётган тупроқларда носиликат темирнинг ялпи темирга нисбати лёссларда шаклланган типик бўз тупроқларга нисбатан кичиклигини (0,15–0,17) кўрсатди. Айни нисбат ювилган тупроқларнинг юза қатламларида янада кичикроқ кўрсаткичга эга бўлиб, 0,15–0,16 ни ташкил қилади. Энг юқори кўрсаткич ювиб келтирилган тупроқларга тегишли бўлиб (0,16–0,27), қайсики профилнинг ювиб келтирилиш жараёнидаги намлиги ва тупроқ массасидаги эрозия жараёнининг кўчайиши билан боғлиқ бўлса керак. Ўрганилган тупроқларида аморф шакллдаги темирнинг кристалланган темирга нисбати лёсслардаги шаклланган бўз тупроқларга нисбатан 4–6 марта кам бўлиб 0,08–0,15 (кам дан кам ҳолларда 0,29) га тенгдир. Энг кичик кўрсаткичлар эрозияланмаган ва эрозияланган тупроқларга хос. 0,11–0,29 кўрсаткич ювиб келтирилган тупроқларда аморф шаклдаги темирнинг кўплигидан далолатдир.

3-жадв.

**Лёсс ва неоген қизғиш ётқизиқларда шаклланган бўз тупроқларда темир шаклларининг миқдори ва шаклланиши**

| Тупроқлар | Носиликат темирнинг мутлақ миқдори | Носиликат темирнинг нисбий миқдори | Носиликат темирнинг тарқалиш характери | Темир – органик бирикмаларнинг нисбий миқдори | Органик модда билан бириккан аморф темирнинг нисбий миқдори | Кучли кристаллашган темирнинг нисбий миқдори |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Лёссдаги бўз тупроқ | ўта кам | кам | табақаланиш йўқ | кам ўртача | жуда кам - кам | кам ўртача |
| Неоген қизғиш ётқизиқлардаги эрозияланмаган тупроқ | кам | жуда кам | мўътадил эллювиал - иллювиал | Кўп | кам | жуда кўп |
| Неоген қизғиш ётқизиқлардаги эрозияланган тупроқ | кам | жуда кам | кучсиз эллювиал - иллювиал | ўртача кўп | кам | кўп |
| Неоген қизғиш ётқизиқлардаги ювиб келтирилган тупроқ | кам | кам | аниқ эллювиал-иллювиал | ўртача | ўртача | жуда кўп |

Ўрганилган тупроқларда профиль бўйлаб пастки қатламлар томон ялпи темир миқдори ошиб боради, яъни ўрта ва қуйи қатламлар кучлироқ темирлашади, лёсслардаги бўз тупроқларда эса аксинча (юқори қатламларда кўпроқ), қайсики айни тупроқларнинг тупроқ ҳосил қилувчи жинсларининг хусусиятлари билан боғлиқ. Носиликат темирнинг мутлақ миқдори кам, носиликат темирнинг нисбий миқдори эса эрозияланиш даражаси бўйича жуда камайиб бориши, Кучли кристаллашган темирнинг нисбий миқдори эса ювиб келтирилган тупроқларда жуда кўп эканлиги тадқиқот натижаларидан маълум бўлди (3-жадвал).

**Хулоса.** Ўрганилган тупроқлардаги асосий фарқланувчи белгилардан бири кучли кристаллашган темирнинг камлиги бўлса, бўз тупроқларда аксинча, кучсиз кристаллашган темир кўп, кучли кристаллашган кам, органик моддалар билан боғланмаган аморф темир жуда кам, темир – органик бирикмалар эса бир мунча юқори бўлди. Ўрганилган тупроқларда силикат шаклдаги темир кўп, лёссдаги бўз тупроқларда эса камдир.

Неоген қизғиш ётқизиқларда ва лёссларда шаклланган бўз тупроқлар темирнинг ялпи шакли миқдори бўйича бир-биридан кескин фарқ қилмайди. (4–6 фоиз). Бу тупроқлардан бирининг профили қизғиш, иккинчисиники кул ранг-сарғиш бўлишига ювилиб келтирилган ялпи темир миқдори таъсир кўрсатмас экан.

Ўрганилган тупроқларда темирнинг силикатли шакллари эркин шакли устидан устунликка эга бўлиб, ялпи миқдорининг 80–90 фоизни ташкил қилади. Бу нурашнинг силикатли типига хос бўлгани боис, ўрганилган тупроқларда силикатли шаклдаги темир миқдорининг лёссларда шаклланган бўз тупроқлардагидан 10–15 фоиз кўплиги бу нурашнинг силикатли типига хослигини кўрсатади.

Эркин ҳолатдаги темир миқдори 15–20 фоизга тенг бўлиб, ювиб келтирилган тупроқларда кўпроқ, эрозияланмаган тупроқларда камроқ ва ювилмаган тупроқларда жуда кам миқдорда учрайди.

Неоген қизғиш ётқизиқларда шаклланган тупроқларда кучли кристаллашган темир миқдори кўп ва унинг миқдори чуқурлик ошгани сари кўпайиб боради (0,70–0,80 фоиз гача), лёссларда шаклланган бўз тупроқларда кучсиз кристаллашган темир миқдори кўп эмас ва профил бўйлаб камайиб боради (0,20–0,30 фоизгача).

Неоген қизғиш ётқизиқларда шаклланганлиги боис бу тупроқларда органик модда билан боғланган аморф шаклдаги темир миқдори жуда кам (0,03–0,08 фоиз) бўлади

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Ахатов А.А. Минералогический состав и свойства коллоидной фракции основных типов почв южной части Узбекистана. Автореф. канд. дисс. – Ташкент.1985. – 20 с.
2. Баканова С.П. Формы соединений железа в основных почвах Узбекистана.– Т., 1984. – С.11-73.
3. Валиев В.В., Баканова С.П. Формы соединений железа в почвах сероземного пояса Узбекистана// Почвоведение, – №4, 1979.
4. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие (в пределах предгорий и низкогорий Узбекистана). Автореф. доктор. дисс.– Т., 1995.
5. Дюшофур Ф. Основы почвоведения, эволюция почв (опыт изучения динамики почвообразования). – М., 1970.
6. Зонн С.В. Железо в почвах. – Москва, 1982. – С. 7-61.
7. Исматов Д.Р. Минералогический состав и физико-химичекские свойства почв Южного Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1989. – С 18-31.
8. Карманова Л.Я. О влиянии почвообразующих пород и типовых различий почв на состав и распределение форм железа // Почвоведение. 1975, – №2. – С. 75.
9. Карманова Л.А. Общие закономерности соотношения и распределения форм железа в основных генетических типах почв // Почвоведение. 1978, – №7. – С. 201.


**РЕЗЮМЕ**

Мақолада турли даражада эрозияланган Яккабоғдарё чап соҳили тупроқлари таркибидаги темир бирикмалари шаклларининг миқдорини ўрганиш натижалари келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье приведены результаты исследований по изучению форм железных соединений в почвах левобережья Яккабагдарьи различных степеней эрозии.

**SUMMARY**

This article clearly describes the results of the study of the amount of iron compounds in the loose-shore soils of Yakkabagdarya, which have been eroded at different levels.

# СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШДА ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

(Бухоро тумани мисолида)

**Шарипов О.Б.** (БухДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *ГАТ, инновацион, «Global Mapper», «Erdas Imagine», «Envi», «ArcGIS», мультиспектрал, трансформация*.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида тупроқ қоплами ҳақида мажмуавий маълумотларни тўплаш, сақлаш ва уларнинг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион технологияларга эътибор йилдан йилга ошиб бормоқда. [2]

Республикамиз қишлоқ хўжалигида суғориладиган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини ва ўз навбатида, экинлар ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора–тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3 йўналишида «суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг асосийси замонавий сув– ва ресурс–тежамкор агротехнологияларни кенг жорий қилиш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. [1]

Тупроқ – бу, экологик тизимнинг умумий ҳолатда қайта тикланмайдиган муҳим аҳамиятга эга таркибий қисми бўлиб, турли хил биологик организлар учун яшаш муҳити, табиатда моддалар ва энергия алмашинувида иштирок этувчи таркибий компонент, қишлоқ хўжалиги ва ўз навбатида одамнинг хўжалик фаолиятининг манбаини ташкил қилувчи физик–биологик муҳит ҳисобланиб тупроқнинг таркиби, физик–кимёвий, биологик хоссалари, жорий ҳолатининг мажмуавий тавсифда мониторинг қилиш назарий жиҳатдан тупроқда амалга ошувчи физик–кимёвий жараёнлар ва биологик фаоллик қонуниятларини аниқлаш, амалий жиҳатдан тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асосланган технология ва услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. [2]

Тупроқ қоплами ҳақида маълумотлар тизими ўзаро алоқадорликдаги, кўп сондаги сифат ва миқдорий ахборотларни ўз ичига қамраб олувчи мураккаб мажмуавий тавсифлар йиғиндисидан ташкил топади. Ушбу ахборотларни иерархик типда тизимлаштириш ва фойдаланишда айнан, ГАТ–технологиялари юқори имкониятга эга ҳисобланади. Ҳозирги вақтда амалий тупроқшуносиликда мультиспектрал «Landsat» космик тасвирларини «Erdas Imagine» ва бошқа компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишлаш ва турли хил мавзуларга оид тупроқ хариталарини тузиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. [3]

ГАТ асосидаги тадқиқотлар тупроқ қоплами, ўсимликлар қоплами, шўрланиши, физик–механик таркиби, кимёвий хоссалари, сув режими, микробиологик таркиби каби агромелиорацион чора–тадбирларни оптимал даражада ишлаб чиқаришда фойдаланишда қимматли маълумотларни олиш имконини беради. [4]

**Космик тасвирларни бошланғич қайта ишлаш** – бу, тавсирдаги турли хил ноаниқликларни йўқотишга йўналтирилган, тасвирлар устида ишлашнинг мажмуавий операциялари ҳисобланади. Бунда ноаниқликлар қайд қилувчи қурилмаларнинг такомиллашмаганлиги, атмосферанинг таъсири, тасвирларнинг каналлар бўйлаб узатилиши билан боғлиқ ҳалақит берувчи ҳолатлар, космик тасвирга олиш услуби билан боғлиқ бўлган геометрик бузилишлар, кўтарилиб турувчи юзанинг ёритилиш шароитлари, фотокимёвий ишлов бериш жараёнлари ва тасвирларни аналогик–рақамли қайта ўзгартириш (фотографик тасвирга олиш материаллари билан ишлашда) ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. [5]

**Космик тавсирларни мавзуларга оид қайта ишлаш.** Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичи космик тавсирларнинг мавзуларга оид қайта ишланишидан ташкил топган. Бу босқичда амалга оширилувчи тасвирлар бўйича мажмуавий операциялар ушбу тасвирлар таркибидаги мавжуд маълумотлардан турли хил мавзуларга оид масалаларни ҳал қилиш нуқтаи назаридан бизни қизиқтирган маълумотларни ажратиб олиш имконини беради.

Мавзуларга оид қайта ишлаш ўз таркибига қуйидаги операциялар турларини қамраб олди: жумладан – космик тасвирлар каналларининг RGB тизимида комбинацияланишини амалга ошириш, ITS типидаги трансформацияни амалга ошириш (интенсивлик, ёруғлик, сатурация), асосий таркибий қисмларни таҳлил қилиш, фильтрация, сегментация, классификация, янги каналларни яратиш ва бошқалар. Маълумотларни қайта ишлаш «Global Mapper», «Erdas Imagine», «Envi» ва «ArcGIS» дастурий воситалари муҳитида амалга оширилди. [6]

1–расм.

**Бухоро вилоятининг Бухоро тумани ҳудудида тарқалган суғориладиган тупроқларнинг таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдорини (г) ифодаловчи харита**




Изоҳ: А. 0–25 см; Б. 25–50 см; В. 50–75 см; Г. 75–100 см тупроқ горизонти таркибини ифодалайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, дала тадқиқотлари ва лаборатория таҳлили давомида олинган маълумотларни қайта ишлаш орқали ўрганилган ҳудуд тупроқларининг экологик ҳолатини белгиловчи турли хил мавзули жумладан, тупроқларнинг шўрланиши, механик таркиби, озиқа элементлари гумус ҳолати, азот, фосфор, калийни тарқалиши ва таъминланганлигини ҳамда, микробиологик фаоллигини акс эттирувчи илмий асосланган (1:100000) масштабли электрон хариталар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида олинган маълумотлар экологик вазиятини аниқлашда, агромелиоратив тадбирларни амалга оширишнинг илмий-амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берувчи илмий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш учун хизмат қилади.

2–расм.

**Бухоро вилоятининг Бухоро тумани ҳудудида тарқалган суғориладиган тупроқларининг таркибидаги физик лой миқдорини (г) ифодаловчи харита**




Изоҳ: А. 0–25 см; Б. 25–50 см; В. 50–75 см; Г. 75–100 см тупроқ горизонти таркибини ифодалайди.

**Фойдаланилаган адабиётлар**


1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» // [Электрон ресурс] http://lex.uz.

2.Luca F., Buttafuoco G., Terranova O. GIS and soil // Comprehensive Geographic Information Systems. – 2018. – V.2. – P.37–50.

3.Зятькова Л.К. Дистанционные исследования природных ресурсов и основы природопользования // – Новосибирск: Изд–во СГГА, 2002. – С. 22–355.

4.Sullivan D.G., Shaw J.N., Rickman D. IKONOS imagery to estimate surface soil property variability in two Alabama physiographies // Soil Science Society of America Journal. – 2005. – V.69. – P.1789–1798.

5. European Commission. Proposal for a directive of the European parliament and of the council establishing a framework for the protection of soil and amending directive 2004/35/EC. European Commission COM, Brussels. – 2006.

6. Макаренко Е.Л. Опыт создания электронных карт оценки почвенных ресурсов для целей сельского хозяйства // Картография XXI века: теория, методы, практика: Доклады II Всероссийской научной конференции по картографии. Москва, 2–5 октября 2001 г. – М.: Институт географии РАН, 2001. – С.


**РЕЗЮМЕ**


Мақолада географик ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш орқали Бухоро тумани суғориладиган тупроқларининг экологик ҳолатини белгиловчи (М 1:100000) хариталар ишлаб чиқилган.


**РЕЗЮМЕ**


В статье разработаны карты экологического состояния орошаемых почв Бухарского тумана (М 1:100000) с использованием обработки данных при помощи географических информационных систем.


**SUMMARY**


The article developed maps of the ecological status of irrigated soils of the Bukhara region (M 1:100000) using data processing using geographic information systems.


***Нашрга доц. М.Ҳакимова тавсия этган***

# АГРОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Баҳодиров З.А.** (Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти),
**Рузметов М.И., Тураев Р.А., Умаров М.И., Парпиев Ғ.Т., Инамов Т.Н., Усмонов Ж.З.**
("Ўздаверлойиҳа" давлат илмий-лойиҳалаш институти)

**Таянч сўз ва иборалар:** *тупроқларнинг таъминланганлик ҳолати, шўрланиш ҳолати, ўғитлар меъёрлари, шўр ювиш меъёрлари, геоахборот тизимлари, геостатистик таҳлил, рақамли харита.*

## Кириш

Маълумки, бугун кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жаҳон миқёсидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланмоқда. Ер ва сув ресурсларига кўрсатилаётган интентив босим ушбу ресурсларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликни тўлиқ ёки қисман йўқотилишига олиб келмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилишда фақат бир томонлама эмас, балки интеграциялашган методлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда.

Суғориладиган тупроқларининг ишлаб чиқариш қобилияти (маҳсулдорлиги) ва унумдорлик даражаси кўп жиҳатдан уларнинг гумус ва озуқа моддалар билан таъминланганлик ҳолатига боғлиқ бўлади. Тупроқларнинг озиқа моддалар билан таъминланганлик ҳолатини хар томонлама таҳлил қилиш ва хариталаш вазифаларини бажариш тупроқлар унумдорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу каби тупроқ шўрланиши муаммоси ҳам қишлоқ хўжалиги ерлардан самарали фойдаланишда катта муаммолар келтириб чиқариб, уни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ушбу ҳолатларда тупроқлар хоссаларига кўра тегишли ўғитлар бериш ва шўр ювиш меъёрларини ҳисоблаш ва белгилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни бажаришда географик ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ушбу илмий тадқиқотларнинг асосий мақсадидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида минерал ўғитларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифани унумли бажариш учун тупроқнинг озуқа моддалар билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш ва шу асосда тупроқларга солинадиган минерал ўғитлар миқдорини аниқлаш зарур. Ушбу мақсадда республикамизда бир неча йўриқномалар ва услубий кўрсатмалар яратилган бўлиб, шулар асосида тупроқ ҳолатига кўра қўлланилиши керак бўлган минерал ўғитлар миқдорини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Ушбу ишлаб чиқилган алгоритм тупроқларнинг озиқа моддалар билан таъминланганлик ҳолатига боғлиқ бўлиб, бунда тупроқдаги азот, фосфор ва калий бирикмалари аниқланади. Шундан сўнг олинган натижаларга кўра улар таъминланганлик даражаси гуруҳларига тегишли равишда классификацияланади. Бунда улар тегишли модда миқдорига кўра "жуда кам", "кам", "ўртача", "юқори" ва "жуда юқори" гуруҳларига ажратилади. Шу гуруҳлар асосида уларга минерал ўғитлар меъёри белгиланади. Бунда кутилаётган ҳосил миқдори ҳам аҳамият касб этади. Тегишли ҳисоб-китоблар пахта ҳосилининг кутилаётган 25-30 ц/га ва 35-40 ц/га миқдорлари учун алоҳида ҳисоб китоб қилинади.
Юқорида кўрсатиб ўтилган тупроқларнинг озиқа моддалар билан таъминланганлик алгоритми асосида географик ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари хариталари яратилди. (1-расм).

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, жумладан қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсулдорлигини оширишда биринчи навбатда шўрланган тупроқлар мелиорацияси масаласини муваффақиятли ҳал этиш бир қатор илмий-

амалий тадқиқотларни, жумладан суғориладиган ерларда шўрланган тупроқларни харитага тушириш бўйича комплекс тадқиқот ишларини ўтказиш, шўрланиш даражаси бўйича ер майдонларини аниқлаш ва ҳисобга олиш асосида ўрганилган ҳар бир ҳududнинг тупроқ шўрланиши хариталарини тузиш, шўр ювиш меъёрлари ва муддатларини аниқлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

1-расм.




**Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқларида азотли ўғитлар қўллаш меъёрлари харитаси**

2-расм.




**Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқларининг шўр ювиш меъёрлари харитаси**

Шўр ювиш меъёрларини аниқлашда аввало тупроқлар шўрланиш ҳолатини ўрганувчи тадқиқотлар олиб борилган ҳудуд эътиборга олинади. Чунки шўр ювиш меъёрлари республикамизнинг турли ҳудудлари шароитларига мос равишда турли гуруҳларда шакллантирилган. Масалан, ушбу тадқиқотлар олиб борилган Сирдарё вилояти Жиззах, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари билан бир гуруҳдан жой олган. Ҳудуд бўйича тегишлилиги аниқлангач, тупроқ механик таркиби ва хлор иони миқдорига кўра ўзаро солиштирилади ва тегишли тавсиявий гуруҳларга ажратилади. Масалан, ҳудуд Сирдарё вилояти,

тупроқ механик таркиби ўрта ва енгил қумоқли, хлор иони миқдори 0,01-0,04 оралиғида бўлса, ушбу ҳудудда шўр ювиш меъёрлари қуйидагича бўлади:

Умумий шўр ювиш нормалари – 3000-3500 $м^2$

Шўр ювишлар сони – 1

Шўр ювиш муддатлари – октябрь-декабрь ойлари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шўрланиш кўрсаткичлари бўйича тажриба майдонидаги тупроқнинг асосий шўрланиш хусусиятлари аниқлангач, кейинги босқичда бир неча кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда кесишма фазовий таҳлил ишлари олиб борилди. Бунда тупроқ механик таркиби ва Cl тузлари миқдорига кўра ҳудуд учун шўр ювиш меъёрлари харитаси яратилди. (2-расм).

## Хулоса

Тадқиқотлар натижасида ArcGIS ГАТ дастурий таъминоти Spatial Analyst ва Geostatistical Analyst модулларининг тупроқ тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш ва махсус тематик карталар яратишда илмий изланувчиларга кенг имкониятлар яратиши аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ушбу замонавий геоахборот тизими технологияларини тупроқшунослик соҳасида қўллаш ҳисобига аниқ ва тезкор маълумотлар олиш мумкин, уларни оператив қайта ишлаш ва сақлаш имкониятлари ошади, шунингдек, маълумотлар базаси шаклланади ва натижада ер ресурслари ҳолатини мукаммал таҳлил қилиш имконияти яратилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Савин И.Ю. “Анализ почвенных ресурсов на основе геоинформационных технологий”, Москва, 2005.
2. "Computerized Systems of Land Resources Appraisal for Agricultural Development", World Soil Resources Report, Rome, 2003.
3. Rhind D., Wyatt B., Briggs D., Wiggins J. The creation of an environmentall information system for the European community. - Nachr. Karten- und Vermessungsw, 1986. - R.2. - N 44. - P. 147-152.
4. Черкашин А.К. Геоинформационная система управления территорией / А.К. Черкашин, А.Д. Китов, И.В. Бычков и др. – Иркутск: Изд-во Ин–та географии СО РАН, 2002.
5. Макаренко Е.Л. Опыт создания электронных карт оценки почвенных ресурсов для целей сельского хозяйства // Картография XXI века: теория, методы, практика: Доклады II Всероссийской научной конференции по картографии. Москва, 2–5 октября 2001 г. – М.: Институт географии РАН, 2001.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада географик ахборот тизимларидан технологиялари асосида тупроқ хусусиятларига кўра суғориладиган ерлардан унумли фойдаланишда тегишли агромелиоратив тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар келтирилган. Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган тупроқларнинг озиқа моддалар билан таъминланганлиги ва шўрланиш ҳолатлари асосида тегишли меъёрий тавсиялар бериш бўйича геоахборот тизими технологиялари асосида ўғитлар бериш ва шўр ювиш меъёрлари мавзули рақамли хариталари ишлаб чиқилган.

### РЕЗЮМЕ

В статье представлена информация о разработке рекомендаций по эффективному использованию сельскохозяйственных земель на основе характеристик почвы с использованием географических информационных систем. Разработаны алгоритмы для предоставления соответствующих нормативных рекомендаций на основе обеспеченности почв питательными элементами и засолённости орошаемых земель массива Янгиабад Мирзаабадского района Сырдарьинской области. Также разработаны карты нормы промывки солей и применения удобрений на основе ГИС технологии.

**SUMMARY**

**Annotation.** The article provides information on the development of recommendations for the effective use of agricultural lands based on soil characteristics using geographic information systems. Algorithms have been developed to provide relevant regulatory recommendations based on the availability of soils with nutrient elements and the salinity of the irrigated lands of the Yangiabad farm in the Mirzaabad district of the Syrdarya region and maps have been developed for the washing of salts and the application of fertilizers based on GIS technology.

***Нашрга доц. М.Ҳакимова тавсия этган***

## ВЛИЯНИЕ АБИОТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ И НЕМАТОДЫ DITYLENCHUS DIPSACI (KÜHN, 1857) FILIPJEV, 1936 НА РОСТ И РАЗВИТИЕ ПШЕНИЦЫ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

**Хуррамов А.Ш.** (ТерДУ)

**Ключевые слова:** *абиотические факторы, нематоды, дителенхоз, пшеница, защита зерновых культур.*

Системный, экологический подход в проведении фитогельминтологических исследований на посевах пшеницы позволил выявить определённые закономерности в колебаниях сезонной численности различных паразитических видов нематод (подъёмы, спады, дипрессии) [1: 12-41].

Результаты изучения влияния абиотических и биотических факторов, оказывающих существенное влияние на жизнедеятельность фитогельминтов, фенологию растения-хозяина, а также на складывающиеся между ними биоценотические отношения использованы нами для разработки краткосрочных и многолетних прогнозов массового размножения особо опасных видов [2: 83, 3: 221-238].

Данные по разрабатываемым прогнозам являются важным этапом в проводимых исследованиях по определению стратегии и тактики защиты посевов зерновых культур, планирования работ для целенаправленной регуляции численности выявляемых патогенов с принятием соответствующих предупредительных, профилактических и хозяйственно-организационных мероприятий по осуществлению своевременной локализации, ликвидации очагов фитогельминтозов и принятием мер по предотвращению дальнейшего распространения из них опасного инвазионного начала на другие свободные от заражения поля.

По ряду важнейших вопросов в проведении фитогельминтологических исследований, касающихся фитопатологии больного растения пшеницы, нами проводились комплексные работы. Из особо опасных фитогельминтозов является дитиленхоз пшеницы, вызываемый эндопаразитической нематодой Ditylenchus dipsaci, представляющий собой тяжёлую болезнь с сложным патологическим процессом, протекающим во взаимодействии не только с растением-хозяином, но и с сопутствующими патогенными организмами, с нарушениями физиологических функций и анатомо-морфологическими изменениями отдельных вегетативных органов или всего растения.

Симптомы дитиленхоза выражаются в низкорослости растений с слабо развитой корневой системой, хлоротичностью листьев, снижением тургора и последующим преждевременным их увяданием, начиная с нижнего яруса.

В начальной стадии дителенхоз внешне протекает бессимптомно, так как в латентной форме, а затем, в зависимости от определённых условий среды, может задерживаться

проявление симптомов или, напротив, они принимают резкую степень выраженности с прогрессирующим течением возникшего болезнетворного процесса.

Обобщение и систематизация данных результатов микроскопических анализов растительных и почвенных проб, проведённых по изучению видового и количественного состава нематод, обнаруженных на посевах пшеницы, а также данных фенологических наблюдений позволили выявить корреляцию в структуре их популяции, в характере течения болезнетворного процесса, зависящих прежде всего от исходного инвазионного начала, от наличия сопутствующих патогенных организмов, физиологического состояния, резистентности растения-хозяина к неблагоприятным факторам среды.

Возбудитель дителенхоза пшеницы Ditylenchus dipsaci причиняет не только прямой вред, паразитируя в корневой системе и в других вегетативных органах надземной части растения, но и при внедрении открывает «ворота» для проникновения патогенной микрофлоры извне в его ткани.

Проникшие в растения патогены (вирусы, грибы, бактерии, нематоды) вызывают возникновение и развитие комплексных болезней, болезнетворный процесс при которых обычно сопровождается распадом клеток в поражённых участках тканей корневой системы и других вегетативных органов. При этом нередко на посевах пшеницы возникают корневые гнили.

Патологические изменения в поражённых растениях создают благоприятную сапробиотическую среду для жизнедеятельности и высокого потенциала размножения эусапробионтов, относящихся к семействам Rhabditidae и Panagrolaimid отряда Rhabditida, усугубляющих и ускоряющих течение возникшего болезнетворного процесса, особенно при погодных аномалиях и стрессах.

В Узбекистане в отдельные годы летний период бывает очень жарким, при средней июльской температуре воздуха, превышающей +35ºС, и доходит даже до +42 ºС, с низким процентом осадков, всего 1-2% от годовой суммы в равнинных и предгорных участках.

Результаты проведённых фенологических наблюдений за состоянием роста и развития растений показали, что в годы с засушливым летом, сопровождающимся высокой температурой воздуха, доходящей до +42 ºС, из зерновых культур особенно страдают посевы пшеницы.

В успешном развитии зернопроизводства чрезвычайно важным является оценка кондиции партии зерна, используемого в качестве посевного материала, показатели, соответствующие общепринятому стандарту. Если кондиция семян не соответствует стандарту, причиной этому является наступление неблагоприятных и экстремальных погодных условий, которые негативно отражаются на состоянии посевов пшеницы, замедляя рост и развитие растений, а также приводит поражению фитопаразитами. А у ослабленных растений, тем более поражённых нематодными болезнями, особенно вызываемыми стеблевыми нематодами, значительно снижается действие механизма естественных, природных защитных реакций растения-хозяина, полевой выносливости, толерантности к погодным и паразитарным стрессам, что в итоге отражается не только на снижении урожайности возделываемых сортов пшеницы, но и на технологических показателях зерна и вкусовых качествах получаемой продукции.

Если погодные условия будут наиболее благоприятными для фенологии растений пшеницы, то у растения с хорошо развитой корневой системой, несмотря даже на поражение дителенхозом, отмечена более выраженная их сопротивляемость к болезнетворному процессу.

Системный, экологический подход, как указывалось выше, в оценке сложившейся фитогельминтологической ситуации в зернопроизводящих хозяйствах, неблагополучных по дителенхозу, позволил выявить определённую закономерность, происходящую в изменениях онтогенеза Ditylenchus dipsaci, в структуре популяции (соотношение самок и

самцов, потенциал размножения), сезонной динамики численности патогена и в биоценотических отношениях его с растением-хозяином.

Мы считаем, что данные и прогнозы, полученные по вопросам, касающихся паразитарно-экологического мониторинга в зерносеющих хозяйствах Республики Узбекистан, являются необходимой информацией для доработки и усовершенствования системы интегрированной защиты зерновых культур от различного рода вредителей и болезней, в том числе от фитогельминтозов.

**Литература**

1. Барановская И. А. Закономерности и факторы динамики фауны нематод пшеницы // Сборник работ молодых фитогельминтологов. Гельминтологическая лаб. АН СССР. – Москва, 1958. – С. 12-41.

2. Иванова Т. С. Нематоды зерновых культур Зеравшанской долины Таджикистана. – Душанбе: Дониш, 1968. – 83 с.

3. Кралль Э. Л. К экологической характеристике фитонематод кукурузы, пшеницы, ржи и овса в Эстонской ССР // Прогноз в защите растений. – Рига: Изд-во АН Латвийской ССР, 1964. – С. 221-238.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада буғдой экинзорларида фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказиш давомида тизимли экологик ёндашувлар таҳлил қилинади. Мазкур тадқиқотлар мураккаб патологик жараёнлар билан жиддий касалликлар келтириб чиқарувчи дителенхоздан донли экинларни ҳимоя қилиш стратегияси ва тактикасини тахмин қилади. Буларнинг барчаси республикамизнинг +35°С дан юқори бўлган алоҳида жойлардаги об-ҳаво аномалиялари билан боғлиқдир.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируется системный экологический подход к проведению фитогельминтологических исследований на посевах пшеницы. Эти исследования прогнозируют стратегию и тактику защиты посевов зерновых культур от дителенхоза, который представляет собой тяжёлую болезнь со сложным патологическим процессом. Все это связано с погодными аномалиями, в частности, с высокой температурой воздуха, которая в отдельных районах республики превышает +35°С.

**RESUME**

The system analyzes the systemic ecological approach in conducting phytohelminthological studies on wheat. These studies predict the strategy and tactics of protecting crops of crops from ditelenchosis, which carries a serious illness with a complex pathological process. All this is connected with weather anomalies, which in the republic in some areas are higher than + 35 ° C.

***Рекомедовано к печати доц. М.Хакимовой***

# МУНДАРИЖА


**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА**

**Мусурманова М.О., Рузикулова М.А., Шукуров А.М.** Алгоритм решения задачи о нестационарных колебаниях упругого пространства с двумя сферическими полостями под действием сдвиговых волн…………...................................................... 3

**КИМЁ**

**Файзиев Д.Д., Ҳамидова О.Ж., Рустамова С.И., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Далимов Ш.И., Эсанов Р.С., Юлдашев Х.А., Гафуров М.Б., Сабиров Р.З.** Глицирризин ва уни ҳосилаларининг гемолиз жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш.......................................................................................................... 7

**Қодиров А.А., Қосимова Х.Д., Элмуродов А.А., Чуллиев Ж.** Хроматография усули ва ундан кимёвий таҳлилларда фойдаланиш.................................................... 10

**Choriyev A.U., Qurbonova Z.A.** Amfifil dendritik peptidlar sintez qilish.................... 13

**БИОЛОГИЯ**

**Абдуллаева Н.С., Ҳожиматов О.К.** *Dracocephalum* l. туркум турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйлаб тарқалиши................................ 16

**Есимбетов А.Т., Зарипов А.А., Усманов П.Б.** Роль эндотелия в релаксантном действии криптопина и зеравшанизина............................................................... 22

**Бобомуродов Ф.И.** Оценка физического развития борцов различных специализаций на основе антропометрических и соматотипологических показателей........... 25

**Хайитова Ш. Д.** Ғўза генетик коллекцияси линияларининг $F_1$, $F_2$ ва реципрок – дурагайларида тола узунлигининг қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро фенотипик корреляцияси.................................................................................... 30

**Бўранова М.О., Ёзиев Л., Самадова Ш.** ***Lipskya insignis*** нинг онтогенетик тактика ва стратегиялари........................................................................................ 33

**ТАРИХ**

**Ҳайдаров И.М.** Қайта қуриш сиёсатининг Ўзбекистон саноатига таъсири ва оқибатлари (1985-1990 йиллар)................................................................................ 40

**Мусаев Н.У.** Россияга қарамлик даврида Бухоро амирлиги аҳолисининг ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолияти.............................................................. 44

**Азизбоев С.С.** Ғижжак – тарих бағрида................................................................... 50

**Ачилов А.Т.** Буюк ипак йўли тармоқларида маҳаллий ҳукуматнинг хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этишдаги ўрни............................................... 52

**Ҳасанов А.М.** Термиз ўрта асрларда.......................................................................... 57

**Бердиев Ж.П.** Бухоро амирлиги шаҳарларидаги иқтисодий ҳаёт ҳақида баъзи мулоҳазалар..................................................................................................................... 61

**ФАЛСАФА**

**Қурбонов Т.** Ўзбек миллий менталитетида миллийлик ва умумбашарийлик бирлиги.......................................................................................................................... 65

**Тўраева А.** Меҳнат маданиятини юксалтириш – оилавий муҳитнинг соғломлашуви омили................................................................................................ 69

**Рустамов Р.** Замонавий тарғибот системаларининг асосий хусусиятлари................ 72

**Байматов Р.Б.** Ижтимоий адолат – шахс сиёсий ижтимоийлашуви кафолати........ 76

**Қаноатова Ф.** Китобхонлик маданияти – инсон маънавий қиёфасининг муҳим кўрсаткичи..................................................................................................................... 79

**Надирова З.П., Раҳимов У.М.** Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафасида интуиция........................................................................................................................ 83

**Зоҳиров Р.Т.** Диахрон муносабатлар ва уларнинг оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга таъсири........ 86

## СИЁСАТШУНОСЛИК

**Мавлонов Ж**. Диалог как средство осуществления коммуникаций в политике: современный концептуальный дискурс........ 90
**Омонов Б.**, **Очилова Г.** Марказий Осиё минтақасининг табиий-географик ва геосиёсий имкониятлари........ 95

## ҲУҚУҚШУНОСЛИК

**Ёқубов А.** Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари........ 102

## ФИЛОЛОГИЯ

**Сулаймонова Н.** Замахшарий асарларида яхшилик тушунчаси........ 107
**Тожиева Г.Н., Раджабова З.Р.** Атов бирликларининг семантик деривацияси........ 109
**Валиев Т.** Йўлсозлик терминологиясида полифункционаллик........ 113
**Жумаев Т.** «Мажолисун-нафоис» асарида Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати........ 117

## ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ

**Базарова Н.Ш.** Типичные ошибки в русской речи узбеков, связанные с морфологической категорией числа........ 121
**Бекова Ш. Ж.** Шарқ мутафаккирларининг бола шахсида мулоқот маданиятини шакллантиришга оид психологик қарашлари........ 124
**Бекназарова Л.С.** Психодиагностик воситалардан шахсни ўрганишга хос методикалардан фойдаланиш имкониятлари........ 128

## ГЕОГРАФИЯ

**Usmanova R.** O‘rta Osiyo cho‘llarining landshaft xususiyatlari........ 132

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Убайдуллаев Ш.Р.** Уруғни сақлаш усулларининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири........ 137
**Ҳакимова М.Х**. Эрозияга учраган Яккабоғдарё чап соҳили тупроқлари таркибидаги темир бирикмаларининг шакллари........ 142
**Шарипов О.Б.** Суғориладиган тупроқларнинг экологик ҳолатини мониторинг қилишда ГАТ технологиялардан фойдаланиш........ 149
**Баходиров З.А.**, **Рузметов М.И., Тураев Р.А., Умаров М.И., Парпиев Ғ.Т., Инамов Т.Н., Усмонов Ж.З.** Агромелиоратив тадбирларни ишлаб чиқишда геоахборот тизимларидан фойдаланиш........ 152
**Хуррамов А.Ш.** Влияние абиотических факторов и нематоды *Ditylenchus dipsaci* (*Kühn*, 1857) filipjev, 1936 на рост и развития пшеницы в условиях Узбекистана........ 155

**Илмий-назарий, услубий журнал**

| | |
|---|---|
| Мусаҳҳиҳлар: | Д.Шодмонова |
| | А.Убоженко |
| Саҳифаловчи | Я.Жумаев |
| Навбатчи | Т.Жумаев |
| Техник муҳаррир | М.Раҳматов |

**Муассис: Қарши давлат университети**

**Журнал Қашқадарё вилояти**
**Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан**
**17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан**
**қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.12.2018 йилда берилди.
Босишга 20.12.2018 йилда рухсат этилди.
24.12.2018 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84х108/[16].
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табоғи 11,26.
Буюртма рақами: № 24.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.**
**Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

**Индекс: 4071**